

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Ғаффоров Я.Х

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР
ҲАМКОРЛИГИ**

**5A120302-Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
магистрлар учун ўқув-қўлланма**

(II-қисм)

Тошкент – 2020 йил

Мазкур ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг 2-қисмида ҳозирги замон алоқаларида халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик йўллари ёритилган. Жумладан, ҳозирги даврда ШХТ, МОХТ, МДХ каби халқаро ташкилотларнинг ўзаро иқтисодий сиёсий ва маданий ҳамкорлик алоқалари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек дунё мамлакатларининг бугунги тараққиёти ва ҳамкорликларини ривожлантиришда нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ўрнига алоҳида аҳамият берилган.

Данное учебное пособие освещает сотрудничество международных организаций и государств на современном этапе.

Рассматриваются также в период интеграционные ситуации история становления мирового сотрудничества, роль международных организации в обеспечении регионального сотрудничества задачи на пути на осуществления.

The given text book is devoted to consideration of directions of international organizations and states in our days.

The forming of world community in conditions of integration, fctivity of international organization in the sphere of regional cooperation are also considered.

Тузувчи: т.ф.н.доц. Гаффоров Я.Х.

Такризчилар: т.ф.д. Гуломов Х.Ғ.

т.ф.н доц. Холлиев А.Г.

т.ф.н.доц. Алимова Р.

Маъсул муҳаррир: т.ф.н.доц. Ўроқов Д

Мундарижа.

Кириш.....	5-8
------------	-----

I БОБ. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти.

1.Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ШХТ нинг асосий йўли.....	9-25
2.Минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда ШХТ нинг роли.....	26-35
3.ШХТ га аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифалари.....	36-49
4.Иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон - ШХТ ҳамкорлиги.....	50-64
5.Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилотининг халқаро терроризмга қарши курашишдаги ўрни.....	65-73

II БОБ. Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти.

1.Марказий Осиё минтақаси давлатларида янги интеграцион жараёнларнинг бошланиши.....	74-92
2.Марказий Осиёдаги интеграцион жараёнларнинг келажақдаги истиқболи.....	93-107
3.МОИХ негизида янги тузилма (МОҲТ) ни ташкил этиш тўғрисидаги меърий ҳуқуқий асослар.....	108-121
4.Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик масалаларидаги алоқалари.....	122-134
5.Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан ҳоли зонага айлантиришда Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари.....	135-151

III БОБ. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги.

1.Ўзбекистон ва МДХ ҳамкорлигининг бошланиши.....	152-158
2.Ўзбекистоннинг Россия, Қозоғистон ва МДХ нинг бошқа давлатлар билан ҳар томонлама алоқалари.....	159-180
3.Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда экологик муаммолар, диний экстеремизм ва гиёҳвандликни олдини олиш борасида МДХ доирасидаги фаолияти...181-184	

4.Ўзбекистон-МДХ: маданий, илмий-техникавий ва таълим соҳасидаги ҳамкорликлар.....	185-198
5.МДХ фаолиятига таҳлилий назар.....	199-210
6.МДХ доирасида давлатларнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда коллектив хавфсизлик тизимини яратиш истиқболлари.....	211-227
7.СССР парчалангандан кейин МДХнинг ўрни ҳамда ҳозирги босқичда ҳамдўстликнинг ривожланиши муаммолари.....	228-248
8.Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Ташкилотлар билан ҳамкорликда халқаро майдондаги тинчлик ва ҳамжихатликка асосланган ташқи сиёсати.....	249-283
IV.Хулоса.....	284
V. Фойдаланилган адабиётлар.....	287

Кириш.

XX асрнинг охирларига келиб давлатлар ўртасидаги мувозанатни сақлашда ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларида-халқаро ташкилотларнинг роли катта аҳамият касб эта бошлади. Айниқса Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди:

Биринчидан, ушбу ташкилот минтақавий хавфсизлик архитектурасини бино қилишда тизим ясовчи функцияни бажаради. Бундай функция минтақавий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган ШХТ концепциясининг ҳадларини яратиш ва узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Иккинчидан, ШХТ катта геосиёсий ва геоиқтисодий маконни қамраб олган макроминтақада юзага келиши унинг айнан шу маконда мавжуд бошқа халқаро тузилмалар билан халқаро хавфсизлик масалаларида баҳам жиҳатликка интилиши шарт.

Мамлакатимизнинг янги йўналишларидан яна бири асримизнинг сўнгги йилларида жуда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлишидир. Албатта бу ташкилотларга аъзо бўлиш юртимизнинг халқаро майдонда нуфузини юксак даражада кўтариш билан бирга улар билан турли сиёсий анжуманлар ўтказишга ҳам имконият яратади. Ҳар қандай мамлакатнинг жаҳондаги нуфузи унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти, дунё цивилизацияси, фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси айтишда умум эътироф этилган халқаро меъёрларга нечоғлик амал қилиши халқнинг турмуш даражаси билан белгиланади. Дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатида ана шу мезонларга таянади.

Ўтган асрнинг охирги ўн йиллиги даврида Ўзбекистоннинг Халқаро Ташкилотлар билан сиёсий дипломатик, савдо-иқтисодий, илмий-маданий алоқалари ниҳоятда кенг ривожланди ва бу бир қатор янги йўналишлар билан боғлиқдир. Бу янги йўналишлар заминида Шўро ҳокимияти йилларидаги алоқаларга нисбатан катта фарқи бўлган сиёсат туради. Агар у даврдаги асосий эътибор фақат социалистик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларга қаратилган бўлиб, капиталистик мамлакатлар билан “Эҳтиёткорлик” тамойилига амал қилинган бўлса энди манзара бутунлай ўзгарди ва жаҳоннинг

барча давлатлари билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ички сиёсати “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган тамойил асосида амалга оширилади. Бу жараён ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунishi, шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳурмат этилиши каби демократик қоидаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устунлиги каби тамойилларга амал қилади.¹

Бугунги кунда мамлакатларнинг сиёсий соҳаларидаги яқинлашуви ҳақида гап борар экан, яна бир объектив ҳолатни унутмаслигимиз лозим. Бу мамлакатларнинг, хусусан Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлигини ва сиёсий барқарорлигини таъминлашдан иборат. Энг аввало, хавфсизлик дейилганда, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий хавфсизликни тушунмоқ керак. Бу соҳадаги Ҳамкорлик барча мамлакатларнинг тинчлиги асосига қурилмоғи, мамлакатларнинг қайси мафкурага амал қилишидан қатъий назар, бағрикенглик, фикрлар хилма-хиллигига асосан қурилиши лозим. Бир пайтдан қолган догмалар, ҳар бир кўшнида ўз душманини кўриш одати бугунги кунда мамлакатлараро муносабатларни ўрнатишга имкон бермайди.

Республикамизнинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги масаласи фақат унинг миллий давлат мустақиллигига эришгандан кейингина ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар сирасига киради. Чунки Республикамиз собиқ маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар тузум таркибидаги ривожланиши шу қадар чеклаб қўйилган эдики, бундай шароитда бошқа мамлакатлар билан мустақил равишда алоқалар ўрнатиш хусусида гапириш ҳам мумкин эмасди. Фақат миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнггина Ўзбекистон учун дунёдаги турли давлатлар билан, жумладан

1 Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т. “Ўзбекистон” 2000 йил, 38-39 бетлар

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳам халқаро муносабатларни ўрнатиш имконияти пайдо бўлди. Бундай муносабатлар эндиликда тасодифий ва узуқ-юлуқ равишда эмас, балки доимий ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бирча соҳаларини қамраб олувчи кенг миқёсли алоқалар тарзида амалга оширилмоқда.

Маълумки МО давлатларининг минтақавий иқтисодий ривожланиши узоқ муддатга мўлжалланган мақсаддир. Демак, минтақавий ҳамкорлик икки ёки ундан ортиқ қатнашчиларни бир неча форматни қамраб олиши билан шартланганлиги учун у кун тартибида турган масалалар ва шерик давлатлар манфаатлари мутаносиблигига боғлиқ. Шунинг учун Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг Марказий Осиё давлатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) билан тузилган шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга (ШҲБ) асосланади.

Бугунги кунда Собиқ Иттифоқ давридаги Республикалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкилоти сафида фаол иштирок этиб келмоқда. МДХ нинг таркибий тузилиши Собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатлардан иборатдир (Болтиқбўйи давлатлари ва Грузиядан ташқари). Ушбу давлатларнинг тарихи, маданияти, иқтисодий ва ҳўжалик тизими умумийликка эга. Бу давлатлар қарийб 70-йил давомида битта сиёсий куч таркибида бўлганлиги ҳам маълум. Яна шуниси ҳам маълумки социализм империяси деб аталмиш бу иттифоқ (собиқ СССР) ўз келажагига эга эмас эди. Яъни реал ҳаётийликка асосланмаган мақсадларни ваъда қилувчи бу тизим қачондир барбод бўлиши ўз вақтида ҳам аниқ бўлган эди. Иқтисодий, ҳўжалик ва ижтимоий-сиёсий қўйингки жамиятни барча соҳаларини бирлаштириб турувчи бу тизимнинг ривожланиши учун ҳеч қандай асослар йўқ эди. Эндиликда бўлса мустақилликка эришган бу мамлакатлар янги тизим шароитида ривожланиш йўлида катта тўсиқларга дуч келаяптилар. Иқтисодий ҳаёт бир-бири билан узвий боғланган бундай шароитда улар тараққиёт йўлида бир қатор муаммолар билан юзлашаяптилар. Ана шундай шароитда ушбу давлатларнинг ҳамкорлик алоқаларин қайта тиклаши катта ютуқ бўлди деб айтиш мумкин. Бундай алоқаларнинг йўлга қўйилиши минтақавий ҳамкорлик сари муҳим қадам сифатида баҳоланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг ушбу интеграция таркибидаги фаол сиёсати бугунги кунда мазкур давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб бермоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизнинг МДҲ давлатлари билан алоқалари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналашларидан биридир. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўли барча халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга йўналтирилган. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек “Биз Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги ҳуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини тубдан қайта кўриб чиқиш ва шу асосда уни кенгайтириш учун имкониятлар истиқболини белгилаб олиш режалаштирганмиз Бизнинг пировард мақсадимиз- Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишдир.

Буларнинг барчаси муносабатларимизда принципи жиҳатдан янги саҳифа очишига, кенг кўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишига ишонаман”¹

Мазкур ўқув қўлланмада тарихий ва маданий жиҳатдан яқин бўлган халқларнинг маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги ҳамда уларнинг халқаро ташкилотлар ва давлатлараро муносабатлардаги ўрни кўрсатиб ўтилган.

¹ Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т. Ўзбекистон, 2018 й, 2-жилд, 328-бет.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти.

**1.Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ШХТ нинг асосий
йўли.**

Дунё мамлакатларининг бугунги тараққиёти ва ҳамкорликларини ривожлантиришда нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб ана шундай йирик халқаро ташкилотлардан бири сифатида шаклланган - Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Жаҳон ҳамжамиятидан алоҳида ўрин эгаллади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) тузилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа вақт давомида у ўзининг самарадорлигини тўла намоён этди ва дунё ҳамжамиятининг эътиборига тушди. Жумладан 2003 йили Санкт - Петербург шаҳрида ташкилотнинг асосий таъсис ҳужжати - Ҳартияси қабул қилинди. 2004 йилда Пекинда унинг котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) доимий фаолият кўрсата бошлади.

ШХТ нинг асосий вазифалари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. Шу йўналишлардаги ҳамкорликни изчил ривожлантирилмоқда. 2020 йилгача бўлган даврда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган, террорчиликқа, экстремизм ва айирмачиликка қарши биргаликда кураш тўғрисида битим имзоланган.

ШХТ фаолиятида асосий эътибор амалий ҳамкорликка қаратилмоқда. ШХТ нинг ишчи органлари ҳам, уларда ишловчи ходимлар ҳам кўп эмас. Котибият ва минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкилотнинг узлуксиз фаолиятда бўлишини таъминламоқда. ШХТ саммитлари ҳар йилига бир марта бўлиб ўтади.

ШХТ нинг олий органи Давлат раҳбарлари кенгашидир. Ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар, иқтисодиёт ва савдо ишлари вазирларининг кенгашлари олий даражадаги учрашувга пухта ҳозирлик кўрилишини таъминлайди ва амалий таклифларни ишлаб чиқади. Хавфсизлик кенгашлари котиблари ва миллий мувофиқлаштирувчилар ўртасида мунтазам

маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Бинобарин, бугунги кунда етук халқаро ташкилотга айланиб, фаолият доирасини кенгайтираётган, ўзи қамраган улкан минтақадаги кўплаб муаммоларни ечишга қодир бўлган ШХТ ҳақли равишда халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. 2004 йилнинг декабрида у БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомини олди. 2005 йил апрелида ШХТ билан АСЕАН ҳамда МДХ ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Булар ташкилотнинг халқаро майдондаги фаоллиги, жаҳонда у билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бораётганлигидан далолатдир.

2007 йил, 15-16 август кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов - "Мен бу ерда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ШХТ нинг хавфсизликнинг минтақавий ва глобал моделини шакллантиришда нуфузли халқаро ташкилот сифатидаги, стратегик муҳим ва улкан минтақа ҳисобланган Евроосиё тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ғоят муҳим қафолати сифатидаги тобора ўсиб бораётган ўрни ва аҳамияти тўғрисида билдирилган фикрларни қўлаб - қувватлайман. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, ШХТ бугунги халқаро терроризм, айирмачилик, экстремизм ва тобора авж олиб бораётган наркотик тажоввузга қарши курашнинг муҳим марказига айланмоқда".¹- деган эди.

Бугунги кунда ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорликлари биринчи навбатда кўплаб халқаро сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳамжиҳатликда ечиш имкониятларини, жумладан мамлакатдаги ва умуман минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари бир қатор бошқа муаммолар ҳам мавжудки, уларни ҳал этиш учун албатта халқаро муносабатлар тақазо этилади. Ҳозирги даврда ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ўзаро иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликлар ўрнатиш масаласи долзарб масалалардан биридир. Чунки ШХТ нинг янги асрдаги тараққиёти кўп томонлама ана шу вазифаларни аниқ, ва равшан ҳал этилишига боғлиқ.

¹ И.А.Каримов ШХТ нинг Бишкек саммити. "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил, 17 август.

Маълумки, XXI аср бошларидан бошлаб барча халқаро ташкилотлар қатори ШХТ да ҳам янгидан - янги ўзгаришлар содир бўлмокда. Бир сўз билан айтганда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни, хавфсизликни таъминлаш, жамият ҳаётида юз бераётган ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича жиддий ишларни амалга оширмокда. Бу ишлар жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг муҳим шартларидан бири ва асосий омили сифатида баҳоланмокда. ШХТ нинг дунё ҳамжамияти билан ҳар томонлама ҳамкорликларини тарихийлик жиҳатидан ўрганиш бугунги кун ва келажагимиз ёшлари учун ғоят муҳимдир. "Биз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, биринчи галда, халқаро террор, диний экстремизм, босқинчи айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф - хатарга қарши курашда очик, ўзаро фойдали шериклик ва кўп томонлама ҳамкорлик механизми, деб биламиз"¹, бундай ҳамкорлик ҳеч бир мамлакатнинг манфаатларини қамситмайди.

Ҳозирги даврда дунё ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бўлган ушбу ташкилотнинг фаолияти жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини ўзига қаратмокда. Табиийки, бундай қизиқишнинг муайян мақсад ва вазифалари бор. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тарихан қисқа бир муддатда нафақат шаклланиш ва тараққиёт жараёнини босиб ўтганини, балки бир ярим миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал - гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳар томонлама қодир бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намоён қилаётганини таъкидлаш лозим. ШХТ нинг айни пайтдаги мақсад ва вазифаси аниқ бўлганлиги учун ҳам ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг сиёсий нуфузи тобора мустаҳкамланмокда, унинг фаолиятида иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортиб бормокда. Чунки, ШХТ нинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги, ижтимоий - иқтисодий, маданий, инсон ҳуқуқлари билан мауммоларни хал этишдаги аҳамияти каттадир.

¹ И.А.Каримов. ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзланган нутқ. "Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз". Т. "Ўзбекистон" 2001 йил, 9-жилд, 375-376 бетлар.

Барчага маълумки асримиз бошларига келиб бутун сайёрамиздаги ижтимоий - сиёсий барқарорликни таъминлашдаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўрни ва нуфузи кундан - кунга ортиб бормокда. Бугунги кунда дунё ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бир қатор давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотнинг фаолияти жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини ўзига қаратмокда. 2006 йилнинг июнь ойидаги саммитида ташкилотга аъзо бўлган Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари билан биргаликда тўртта кузатувчи мамлакат - Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғилистон вакиллари иштирок этди. Олий даражадаги бу учрашувда 15 та ҳужжат имзоланди. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг беш йиллигига бағишланган декларация, халқаро инфор­мацион хавфсизлик тўғрисида баёнот, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан халқаро терроризмга қарши биргаликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги битим, таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома, ишбилармонлар кенгашининг фаолияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизимлари фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Айниқса, учрашувда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳдид соладиган ҳар қандай хавф -хатарларга йўл қўймаслик, иқтисодий ва молиявий, жумладан, инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ташкилотга аъзо давлатлар жойлашган минтақанинг бой сув - энергетика захираларидан, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳамда ўз ечимини кўтаётган масалалар муҳокама қилинди. Келгусида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги фикр ва мулоҳазалар билдиришди:

Биринчидан, бошқа барча ҳаётий масалаларнинг негизини белгилаб берадиган минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрофик каби замонавий таҳдидларга қарши кураш масаласи бундан буён ҳам ШХТ нинг ўта муҳим ва устивор вазифаси бўлиб қолиши лозим. Бу мақсадга эришиш

учун, авваламбор, мазкур ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларнинг мавжуд хавф - хатарларни ягона принциплар асосида бир сўз билан қараши ва баҳолаши талаб этилади.

Иккинчидан, мана шундай таҳдидларни олдини олиш минтақамизга, миллионлаб одамларнинг ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган ёвуз кучларнинг фаолиятини тўғри баҳолашгина эмас, уларга қарши бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда курашиш, ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳеч бирида қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишга йўл қўймаслик, барча куч ва имкониятларни шу мақсад атрафида бирлаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Энг муҳими, бундай террорчилик хуружлари, айтайлик, бир давлат ҳудудида содир этилганда, ШХТ га аъзо бошқа бир давлатнинг бу офат бизни четлаб ўтади, биз фақат транзит мамлакатмиз ёки халифалик тузумини ўрнатиш даъвоси фақат Фарғона водийсига тегишли, деган мазмундаги сохта қарашлар билан ёндошуви мутлақо номақбул бўлиб, бундай позицияни умуман оқлаб ва қабул қилиб бўлмайди. Ана шундай хавф - хатарларга қарши биргаликда изчиллик ва қатъят билан кураш олиб борилган тақдирдагина бундай ҳамкорлик ижобий натижа бериши мумкин. ,

Учинчидан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий иқтисодий ва бошқа муаммоларни ечишда мазкур ташкилот ва унга аъзо бўлган давлатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлгандагина қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини амалда сезиш мумкин.

Тўртинчидан, маълумки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўз сафида ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан турлича мавқега эга бўлган давлатларни бирлаштиради. Албатта ушбу давлатларнинг барчаси ҳам бу ташкилот доирасида ўз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда сиёсат олиб боришга интилади. Мана шундай нозик вазиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак деган саволга, мен халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар

мувозанати, деган мезонни доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак деб жавоб берган бўлардим¹.

Дарҳақиқат, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақамиздаги мустақил давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини чуқурлаштиришга ҳизмат қилади, хавфсизликни таъминлаш масалаларини ечиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишда мустаҳкам пойдевор яратишга ҳизмат қилади, десак хато бўлмайди².

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) - минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бўлиб, у Хитойнинг Шанхай шаҳрида - Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида 2001 йил, 15 июнда тузилган. Бу ташкилотнинг вужудга келиши тарихи "Шанхай бешлиги" деб аталган уюшма фаолияти билан боғлиқдир. Дастлаб Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлатлари раҳбарлари ("Шанхай бешлиги") учрашуви бўлиб ўтган. Унда чегарадан мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш (1996) ва қўшни чегарада қуролли кучлар ва қурол яроғларни қисқартириш (1997) тўғрисида 2 та битим имзоланган эди. 1998 йилдан "бешлик" мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги собиқ Совет Иттифоқи Хитой чегараси бўйлаб ҳарбий - сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалаларидан минтақавий хавфсизлик ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш чораларига ўтишга қаратилди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Душанбе саммитида (2000 йил) Ўзбекистон Республикаси биринчи марта кузатувчи сифатида қатнашди. ШХТ таъсисчилардан бири сифатида иштирок этиш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий - сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қабул қилди. Шанхай саммитида 2001 йил, июнда янги ташкилотнинг мақсад ва принциплари, келажак режаларни эълон қилган Декларация, шунингдек терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ташкилотнинг Санкт - Петербургда бўлган 2 - саммитида, 2002 йил июнда устав ҳужжати - ШХТ

¹ "Халқ сўзи" газетаси, 2006 йил, 15 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устивор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т. 2007 йил, 213 бет.

Ҳартиясига имзо чеқилди. ШХТ нинг олий органи Давлат бошлиқлари кенгашидир. Ташкилот тузилиши ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) кенгаши, Тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва доимий ишловчи Котибият ҳамда Минтақавий аксилтеррор тузилмасидан иборат¹. Ушбу тузилма 2004 йил 1 январдан фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тузилма зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда тузилма таркибида кенгаш ва ижроқўм фаолияти йўлга қўйилган Кенгашга 6 давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган.

ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йил, 17 июнда Тошкентда бўлган мажлисида ташкилотнинг шаклланиш даври якунланганлиги қайд этилди. Мажлис якунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШХТ нинг ваколотлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалари ва психотрон моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикасининг ташкилотга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларнинг янги таҳдид ва хуружларига қарши туришдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадига қаратилган доимий учрашувларни ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббуси қўллаб -қувватланди.

ШХТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорлик борасида олдинда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хом ашё захираларини ўзлаштириш сув энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид ва бошқа масалалар бор.

Марказий Осиё давлатлари мустақилликқа эришганидан кейин халқаро ҳамжамиятга фаол қўшилиб, дунёнинг геосиёсий кучлари ўртасидаги мувозанатга таъсир эта бошлади. Минтақанинг шу, жумладан, Ўзбекистоннинг

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 2005 йил, 9-жилд, 692-бет.

халқаро сиёсатдаги аҳамияти ошаётганлиги унинг табиий, энергетик ва минерал - хом ашё ресурсларига бойлиги, салмоқли ишлаб чиқариш, илмий - техникавий салоҳиятга эгаллиги, геосиёсат жиҳатдан муҳим ҳудудда жойлашганлиги туфайлидир. Кейинги йилларда Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг нуфузи тобора ортиб бормокда. Бунинг асосий сабабларидан бири - ШХТ улкан геосиёсий ва геополитик, ресурслар жиҳатидан катта имкониятларга эга бўлган ҳамда халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳимроқ аҳамият қасб этиб бораётган тузилма эканлигидадир.

2001 йилнинг 14-15 июн кунлари Шанхайда олти давлат -Хитой, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ни тузиш тўғрисида келишилган эди. Саммит давомида қабул қилинган декларацияда Марказий Осиёда тинчлик хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек сиёсий, иқтисодий, илмий - техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди. Иккинчи муҳим ҳужжат - терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияда эса сепаратизм ва экстремизмнинг дунё миқёсида биринчи марта жиноий тартибда таъқиб қилиниши белгиланди.

ШХТ ташкил топган дастлабки вақтларданок унинг иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат, бир - бирини тушуниш руҳи, юқори даражадаги ишонч ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилинишга эришиш қобилияти шаклланди. Лекин шу билан бирга, давлатларнинг ШХТ га бирлашиши жараёни учун ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги, шунингдек дунёда глобаллашув жараёнини бошидан кечираётгани иқтисодий характердаги муаммолар ҳам муҳим рол уйнайди. ШХТ га кирувчи давлатларнинг умумий ер майдони Евроосиёнинг 61% ни ташкил қилади. Унинг демографик потенциали йиғиндиси - Ер шари аҳолисининг тўртдан бир қисмига тенг, иқтисодий қудрат жиҳатидан у АҚШ дан кейинги ўринда туради. Расмий ишчи тиллари рус ва Хитой тилларидир. Штаб квартираси Пекинда жойлашган.

ШХТ нинг рамзи сифатида ташкилот гербининг тасвири туширилган ок рангли байрок алоҳида ажралиб туради. 2002 йилнинг 7 июнида Санкт - Петербург шаҳрида ШХТ давлат раҳбарларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Кенгайтирилган таркибда ўтказилган йиғилишда томонлар ШХТ механизмларини шакллантириш масалалари, ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ягона ривожлантириш, шунингдек ҳозирги замон халқаро майдонидаги долзарб муаммоларини муҳокама қилишди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг бу галги саммитининг аҳамияти энг аввало, ниҳоятда муҳим ҳужжатлар - Ҳартия, Декларация ва Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида битим имзоланиши билан белгиланади. Ўзбекистон ШХТ нинг Ҳартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларни; гуманитар соҳада, ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб - қувватлайди. Юқорида таъкидланганидек мазкур учрашувда давлат бошлиқлари томонидан учта ҳужжат - ШХТ нинг ҳартияси, ШХТ га аъзо давлатларнинг терроризмга қарши регионал тузилма тўғрисидаги келишуви ва ШХТ га аъзо давлат бошлиқларининг декларацияси имзоланди. Кейинчалик бошқа мамлакатларнинг ҳам ихтиёрий равишда ШХТ га қўшилишини эътиборга олган ҳолда олтилик давлатларининг узвий ҳамкорлиги орқали ҳудудий ҳамкорликларининг янги тизими шакллантирилди.

2003 йилнинг май ойида Москвада ШХТ тарихида олий даражадаги учинчи учрашув бўлиб ўтди. Унда ШХТ асосий органларининг ишлаш тартиби, бюджетини шакллантириш механизми ва бошқа органларнинг фаолияти билан боғлиқ, бошқа масалаларни белгилаб берувчи ҳужжатлар имзоланди. Ташкилотнинг герби ва байроги қабул қилинди. Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан ШХТ нинг биринчи ижрочи котиби этиб сайланди. ШХТ нинг Москва саммитида ушбу ташкилотни ташкилий жихатидан шакллантириш ишлари якунига етди деб айтиш мумкин. Ушбу учрашувнинг якунида қабул

қилинган сиёсий декларацияда ҳам қайд этилди.

ШХТ органларининг ишлаш тартиби 2003 йил бўлиб ўтган Москва саммитида аниқ, белгилаб берилди. Унда ШХТ нинг барча органлари 2004 йилнинг январь ойидан тўлиқ, иш бошлашига қарор қилинди. Бу вақтга қадар эса Пекинда штаб - квартиранинг қурилишини якунига етказиш ва аъзо давлатларининг Пекиндаги элчихоналари томонидан котибият фаолиятини йўлга қўйиш хусусида олиб бораётган ишларни тугаллаш режалаштирилди.

Асосий органларга қуйидагилар киради:

- давлат раҳбарларининг кенгаши - ШХТ нинг йиллик саммитлари иштирокчи давлатлар пойтахтларида ўтказилади;

- ҳукумат бошлиқларининг кенгаши;

- ташқи ишлар вазирлари кенгаши - биринчи йиғилиши 2002 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган.

Олий даражадаги учрашувларни ташкил этади, иштирокчиларнинг позицияларини мувофиқлаштиради ва давлат бошлиқлари имзолаши учун асосий ҳужжатларни тайёрлайди, шунингдек шахсий мурожаатномалар (Халқаро терроризмга қарши курашиши тўғрисидаги конвенция ва Ядровий терроризм актлари билан курашиш бўйича конвенциянинг тезроқ қабул қилиниши хусусида) қабул қилади;

- вазирлик ва идора раҳбарларининг кенгаши

- 2000 йили "бешлик" доирасида мудофаа вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди шундан буён бундай учрашувлар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, 2003 йилнинг сентябрь ойида ШХТ мамлакатлари Бош прокурорларининг йиғилиши бўлиб ўтган унда Ўзбекистон Бош прокурори Р. Қодиров ҳам қатнашди;

- Котибият (Пекинда) - унинг таркиби 40 тагача бўлиши кўзда тутилган. 2004 йилдан бошлаб ишга киришиши лозим. Терроризмга қарши регионал тузилма (Тошкент). 2003 йилнинг август ойида ШХТ га аъзо мамлакатлар Қуролли кучларининг терроризмга қарши кураш бўйича "Ҳамкорлик - 2003" ўқув машқлари ўтказилди. Қозоғистонда бўлиб ўтган биринчи ўқувда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари (Тожикистон кузатувчи сифатида

қатнашган) иштирок этдилар. Унинг иккинчи ўқуви Хитойда бўлиб ўтди. Терроризмга қарши курашиш тузилмасининг штаби 2004 йилнинг январ ойидан бошлаб Ўзбекистон пойтахти Тошкентда тўлақонли фаолият юрита бошлади.

ШХТ Тинч океани ва Осиё ҳудудида коллектив хавфсизлик тизимининг қурилишида катта аҳамият қасб этади. Бу ташкилот мазкур ҳудудда фаолият юритаётган бошқа регионал институт ва механизмлар билан бир қаторда кўп томонлама ҳамкорлик тизимидаги янги бўғин ҳисобланади.

Ўзбекистон ШХТ нинг устивор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши мўросасиз курашни сўзсиз қўллаб - қувватлашини таъкидлади. Бугун ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида расмий очилиш маросими бўлиб ўтган Минтақавий антитеррор тузилманинг фаолияти айна шу мақсад ва вазифаларга қаратилган, - деди давлатимиз раҳбари ва ушбу тузилма фаолиятини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурди.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШ да содир бўлган террористик ҳаракатлардан сўнг ШХТ доирасида терроризмга қарши кураш чоралари кучайтирилди. Бунгача иштирокчи давлатлар Афғонистонда қўним топган террористик кучларнинг таҳдиди билан тўқнаш келган эди. ШХТ давлат бошлиқлари аввалдан дунё ҳамжамиятини юзага келаётган хавфнинг миқёсини тўғри баҳолашга чақириб, миллий даражада, кўп томонлама ва ташкилот доирасида тегишли чора - тадбирларни кўраётган эдилар.

ШХТ ўз хусусиятига кўра ҳарбий тузилма ёки альянс бўлмай, балки ўз доирасини кейинчалик кенгайтириши мумкин бўлган, кенг ҳамкорликка мўлжалланган очиқ ташкилотдир. Ҳозирги пайтга келиб Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Шри - Ланка, Мўғулистон, АҚШ, Япония, АСЕАН, ЕИ каби давлат ва ташкилотлар ШХТ фаолиятига қизиқиш билдиришмоқда.

Бизга маълумки тинчлик ва доимий ҳамкорлик барча халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан, ШХТ нинг ҳам асосий дастурини ташкил этади десак адашмаган бўламиз.

Биз ҳар куни ишлатадиган сўзлар орасида шундай табарруқ илоҳийлари борки, эшитган заҳотиёқ қалбингизга нур ёғилади, оҳамларга, ҳаётда меҳр - муҳаббатингиз, эртанги кунга бўлган умид ва ишончингиз янада ортади. Лекин шундай сўзлар ҳам борки, қулоғингизга чалиниши билан қалбингиз, бутун вужудингиз ларзага келади. Мен "терроризм" сўзини эшитганимда ана шундай нохуш аҳволга тушаман. Сабаби, терроризм бу - бебаҳо ва гўзал ҳаётимизга тажовуз, вайроналик, ваҳшийлик, бутун башарият юрагига қарата узилган ўк демакдир. Шу бахона ҳам бутун инсоният, илғор давлатлар бирлашиб, бу бало - қазога қарши курашга бел боғлади. 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг мажлисида ушбу тузилма доирасида иқтисодий, илмий - маданий алоқаларни кучайтириш, интеграция жараёнларини чуқурлаштириш каби бугун замон олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб муаммолар қаторида терроризмга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Терроризм илгари ўз кирдиқорларини жаҳон жамоатчилигидан яшириб келган бўлса, эндиликда ёвуз ниятларини қўпоровчилик ишларини очикдан - очик, сурбетларча маълум қилиб, бу билан миллионлаб одамлар қалбига қўрқув солиш йўлига ўтди. Дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилган қотиллик ва хунрезликларни ўз зиммасига олиб бундан ўзича мағрурланадиган ҳам бўлиб қолди. Бошқача айтганда йигирма биринчи аср ҳам миллати, дини, Ватанининг тайини йўқ вайрон қилувчи бу тажовузкор куч билан юзма - юз келди. 2001 йил 11 сентябрь фожиаси инсоният хотирасидан ҳали - бери кўтарилмайди. Москвадаги "Норд - Ост" киноконцерт залида террорчилар қасофати туфайли қанча бегуноҳ оҳам қурбон бўлди. Ёки Испанияда йўловчи поездининг портлатилиши, Токио метросидаги террористик хуружни эслайлик. Афсуски, бу рўйхатни ўзоқ давом эттириш мумкин. Ҳар дақиқа огоҳ бўлишимиз керакки, терроризмнинг даҳшатли хуружлари босилгани йўқ. У дунёнинг турли нукталарида жирқанч башарасини кўрсатиб турибди. Филиппинда "Абу Сайёф", Покистонда ва Афғонистон оралигидаги тоғларда ин қурган "Ал - Қойда" экстремистик гуруҳлари¹ қўпоровчилик фаолиятини давом эттирмоқда.

¹ "Терроризм-тинчлик ва тарққёт душмани. "Халқ сўзи" газетаси. 2004 йил, 15 июн."

Фаластин, Индонезия, Покистон, Миср, Судан, Сомали, Яман, Ироқ, Жазоир, Саудия Арабистони, Ливан каби мамлакатларда ҳам ёвуз ниятли диний экстремистик гуруҳлар бор. Мана шундай гуруҳлар ёвуз кучлар бизнинг тинч, осойишта юртимизга ҳам бот - бот ҳамла қилишга уриниб кўрмоқда. Бундай уринишлардан энг сўнггиси 28 -30 март (2004 йил) кунлари Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилоятининг Ромитон туманида отишма портлашлар содир этилгани юртдошларимизнинг, бутун жаҳон жамоатчилигининг қаҳру ғазабини кўзғатди. Терроризм нима учун Ўзбекистонда жирқанч башарасини кўрсатмокчи бўлди. Чунки Ўзбекистон Марказий Осиёдаги тинч, барқарор ривожланаётган мамлакат халқимиз ўтиш даври кийинчиликларини чидам сабр ва матонат билан енгиб, таракқиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлига чиқиб олди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга киришди. Иқтисодий, ижтимоий, маърифий соҳаларда ривожланишнинг миллий моделини яратди.

2004 йилнинг январ ойидан буён Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) жуда самарали фаолият кўрсатмокда. Январ ойининг ўзида ташкилот фаолиятида иккита диққатга сазовар воқеа юз берди. Биринчиси Пекинда ШХТ нинг доимий ишлайдиган маъмурий органи - Котибият ўз фаолиятини бошлаган бўлса, иккинчиси Тошкентда минтақавий антитеррор маркази ишга тушганлигидир. Котибият каби антитеррор ташкилот ҳам доимий ишлайди. Шунингдек олий даражадаги саммит олдидан Тошкентда ШХТ га аъзо мамлакатлар савдо ва иқтисод вазирларининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Ҳозир жаҳонда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қизиқиш ортиб борапти. Уни жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлардан бири сифатида эътироф этилмокда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти .Бош котиби Кофе Аннан котибиятнинг очилиши маросимидаги сўзида шундай деди: "Бу ташкилотнинг катта истикболлари бор ва БМТ шу минтақада хавфсизликни таъминлаш жараёнини биргаликда олга силжитиш учун ШХТ билан ҳамкорлик қилишга тайёр"¹. Европа Иттифоқи вакили ҳам ШХТ билан якин алоқа ўрнатишнинг ахамияти тўғрисида гапирди. "ШХТ таркибига кирган олтита давлатдан биттаси Европада хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзоси

¹ Халқаро анжуманга пешвоз. "Қишлоқ ҳаёти" газетаси, 2004 йил, 11 июнь.

ҳисобланади. Бу билан ЕХХТ ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш учун замин яратади деб баёнот берди Ян Кўбиш"¹. Умуман, ЕХХТ доирасида ШХТ билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга кизиқиш катта Тошкентдаги олий даражадаги саммитга тайёргарлик ШХТ га аъзо барча давлатларда олиб борилди. Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Москвада Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Анатолий Сафонов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақавий антитеррор марказининг ижроия кўмитаси раиси Вячеслав Косимов ва Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчиси Бахтиёр Исломов билан учрашиб, ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувга тайёргарликнинг боришини биргаликда муҳокама қилдилар. Учрашувдаги асосий эътибор минтақавий антитеррор марказининг фаолиятига қаратилди. Бу тизим Марказий Осиёда, умуман, жаҳонда терроризм ва экстремизмга қарши кураш олиб боришда катта аҳамият қасб этади. Тошкентдаги саммитда минтақавий антитеррор марказининг дастурий фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари ҳам кўриб чиқилади. Энди ШХТ нинг кенгашлари ва доимий ишлайдиган тизимларига тўхталиб ўтсак. Давлат раҳбарлари Кенгаши ШХТ нинг олий органи ҳисобланади. Кенгаш ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, ички тизимлар ва уларнинг фаолиятлари билан боғлиқ жиддий масалаларни хал қилади, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мувофиқлаштиради, шунингдек долзарб халқаро масалаларни кўриб чиқади. Кенгаш ўз мажлисини бир йилда бир марта ўтқазади. Мажлисга ташкилотчи давлат вакили раислик қилади. Айни пайтда Кенгашга Ўзбекистон раислик қилган эди. Саммитнинг Тошкентда ўтказилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Бош вазирлар кенгаши бошқарув тизимида иккинчи ўринда туради. Унда ташкилотнинг бюджети қабул қилинади, иқтисодий тармоқларга дахлдор барча асосий масалалар кўриб чиқилади ва хал қилинади. Кенгаш мажлисига бир йилда бир марта тўпланади. Бундан ташқари Тошкентда ташқи ишлар вазирлиги Кенгаши ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда кўриладиган масалалар камрови кенг. Ташкилот қабул қилган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат раҳбарлари Кенгаши мажлисига

¹ Халқаро анжуманга пешвоз. "Қишлоқ ҳаёти" газетаси, 2004 йил, 11 июнь.

тайёргарлик кўриш, ташкилот доирасида халқаро муаммолар юзасидан маслахатлашувлар ўтказиш ва ташкилот фаолияти билан боғлиқ кундалик масалалар шулар жумласидандир. Одатда ташқи ишлар вазирлари давлат раҳбарлари кенгаши мажлисига бир ой колганда учрашадилар. Ҳайъатни ўз худудида давлат раҳбарлари кенгашини ўтказадиган мамлакат ташқи ишлар вазири бошқаради. ШХТ нинг ташқи алоқаларини ҳам ташқи ишлар вазирлари кенгаши раиси амалга оширади. Шунингдек ШХТ га аъзо давлатларнинг турли даражадаги вазирликлари ва идоралари доирасида учрашувлар ҳамда йиғилишлар ўтказишлар шаклланиб борапти. Жумладан, кейинги пайтда бош прокурорлар, маданият, ички ишлар, муҳофаа, иқтисод ва савдо вазирлари учрашувларни ўтказиш йўлга қўйилди. ШХТ нинг кундалик фаолиятини бошқариб ва йўналтириб турувчи миллий координаторлар Кенгаши ҳам мавжуд. Кенгаш уч йилда бир марта мажлис ўтказади. Мажлисга ташкилотчи давлат раислик қилади. Котибият эса ШХТ нинг доимий ишлайдиган маъмурий органи ҳисобланади. Бу орган ташкилот доирасида ўтказиладиган барча тадбирларни ташкилий техникавий жиҳатдан таъминлайди, барча ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашади, ташкилотнинг йиллик бюджети тўғрисида таклиф киритади. Котибиятни ижрочи котиб бошқаради. Уни бу лавозимга давлат раҳбарлари Кенгаши тайинлайди. Ҳозир биринчи ижрочи котиб вазифасида хитойлик дипломат Чжон Дэгуан ишлаб турибди. Яна бир доимий ишлайдиган тизим бу минтақавий антитеррор марказ. Бу тизимнинг қароргоҳи Тошкентда жойлашган. Вазифаси ШХТ га аъзо барча давлатларнинг терроризмга, айирмачиликка ва экстремизмга қарши курашдаги саъй - ҳаракатларини йўналтириб туришдан иборат. Тизимнинг таркибида Кенгаш ва Ижроия кўмита бор. Кенгаш раҳбар орган саналади ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ижроия кўмита раисини давлат раҳбарлари Кенгаши тайинлайди. Ҳозир бу вазифада Ўзбекистон вакили ишляпти. Шанхайда мазкур ташкилотимиз таъсис этилганидан буён ўтган бир йил мобайнида дунё ҳамжамияти ўз тараққиётининг фавқуллодда мураккаб ва маъсулиятли даврини бошдан кечирди. Бу давр фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка таҳдид, биринчи галда, сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликқа энг кўп

даражада хавф солаётган халқаро террорчилик таҳдидига тўқнаш келаётган сифат жиҳатдан янги дунё тартиботи билан тавсифланади... ШХТ нинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очик, омиллар ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Саъй - ҳаракатларни совурмай, аксинча ҳамкорликнинг "Шанхай жараёни" қатнашчилари манфаатларига бир ҳилда мос бўлган асосий масалаларига сафарбар этиш зарур.

“Биз ШХТдоирасида кўплаб натижаларига эришдик. ШУ билан бирга, Ташкилот доирасидаги шерикликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Шу муносабат билан барчамиз қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз лозим.

Биринчидан ва энг асосийси-аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш.

Иккинчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва кооперацияни кучайтириш.

Учинчидан, ШХТ маконининг транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш-стратегик вазифамиздир.

Тўртинчидан, Инновация дастури ва лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга даъват этамиз. Ҳар йили ШХТ мамлакатлари ҳукуматлари ва ишбилармон доиралари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва ғоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз”¹-деди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисдаги нутқида.

¹ Ш.Мирзиёев. Барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш-асосий вазифамиз. Т. Ўзбекистон, 2018 йил, 2-жилд, 406-408 бетлар.

2 § Минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда ШХТ нинг роли.

Ўтган қисқа вақт ичида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўзининг самарали фаолиятини тўла намоён эта олди. Шунингдек жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовор бўлмоқда. 2002 йили Санкт - Петербург шаҳрида бу халқаро ташкилотнинг асосий ҳужжати, яъни "ШХТ нинг Ҳартияси" қабул қилинган эди. 2004 йили Пекинда унинг, ижроия Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси доимий фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги вақтда ШХТ га Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси расман аъзо. Бу мамлакатлар ҳудуди Евроосиёнинг 61 фоизини ташкил этади. 2004 йили 16-17 июнь кунлари ШХТ нинг Тошкентда бўлиб ўтган Саммитида Мўғулистон Халқ Республикаси ШХТ доирасида кузатувчи мақомини олган эди.

2005 йил 4-5 июль кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитда эса Ҳиндистон, Покистон, Эрон давлатлари ШХТ ҳузурида кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарорга имзо чекилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бу халқаро ташкилотнинг олти аъзоси ва тўрт кузатувчи мамлакатлар аҳолисини кўшиб ҳисоблайдиган бўлсак дунё халқларининг қарийб ярми (3 миллиард)ни ташкил этади.

Ҳар қандай ташкилот ёки уюшмани тузишда унинг мақсад вазифалари белгилаб олинади. Шу жиҳатдан олганда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ҳам бош вазифалари бор. Улар:

- хавфсизликни таъминлаш;
- минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш;
- Экология муаммоларини биргаликда ҳал этиш;
- Савдо - иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш;
- Илмий - техникавий, маданий - маърифий соҳалардаги муносабатларни янада кенгайтириш ва бошқа ҳаётий муҳим йўналишлардан иборат бу вазифаларни бажариш борасида давлатлар ўртасида алоқалар яхши

ривожланиб бормоқда. Масалан, 2020 йилгача бўлган -даврда кўп томонлама савдо - иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган.¹

ШХТ га аъзо давлатларни ҳуқуқ - тартиботни муҳофаза қилиш, жумладан ички ишлар идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликда халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий сепаратизм (айирмачилик)ка қарши биргаликда самарали кураш олиб бориш ҳақида битим имзоланган. Муҳим жиҳати шундаки мамлакатимиз ШХТ доирасида имзоланган барча аҳдноларга, шу жумладан, Тошкент декларациясига (2004 йил, 17 июнь) содиқ қолиб икки томонлама муносабатларда ҳам ўзаро хавфсизлик масалаларига катта эътибор бериб келмоқда. Жумладан, 2005 йил март ойининг бошида Покистон президенти Парвез Мушаррафнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида, Биринчи президентимиз Ислом Каримовни 2005 йил апрел ойида Ҳиндистон Республикасига, май ойида Хитой Халқ Республикасига, 14-15 ноябрь кунлари Россия Федерациясига қилган расмий сафари пайтида ҳам ўзаро хавфсизликни таъминлаш, минтақавий, шу жумладан, Евроосиё ҳудудида умумий барқарорликни таъминлаш бўйича бир қатор битимларга эришилди. Бу жараёнда ҳар бир давлат, улар қаторида Республикамиз ҳам ички ишлар идораларининг ўзаро самарали ва дўстона ҳамкорлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўзбекистон - Россия алоқдларининг мустаҳкамланиши, нафақат мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ёки Евроосиё Иқтисодий Ҳамкорлик Кенгаши фаолиятини чуқурлаштиради, балки аввало, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти миқёсидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларимизни яна ҳам самарали бўлишига олиб келади. 2005 йил 14 ноябрь куни Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 16 банддан иборат бўлган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек икки мамлакат савдо -саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик, ҳар икки давлат ички ишлар вазирликларининг гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик ҳақида битимлар имзоланди. Булар ШХТ фаолиятида асосий эътибор амалий

¹ Қаримбекова Г. "Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашда ШХТ нинг ўрни". Восток - запад: Аспекты взаимодействия. (Илмий конференция материаллари) Т. 2006 йил, 251 бет.

ҳамкорликка қаратилишини яна бир бор кўрсатмоқда. ШХТ нинг ички органлари ҳам, улар да ишлаётган ходимлар ҳам кўп эмас. Пекиндаги Ижроия Котибияти ва Тошкентдаги Минтакавий аксилтеррор тузилмаси ташкилотининг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаб келмоқда.

ШХТ нинг олий органи Давлат раҳбарлари кенгаши бўлиб, ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар, Ички ишлар, иқтисодиёт ва шу ерда савдо вазирлари, миллий хавфсизлик хизмати раҳбарларининг олий даражадаги учрашувига пухта ҳозирлик қилишини таъминлайдиган амалий таклифларни ишлаб чиқмоқда. Хавфсизлик кенгашлари котиблари ва миллий мувофиқлаштирувчилар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган 2004 йилнинг декабрида ШХТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида қўзғатувчи мақомини олди. 2005 йилнинг апрелида ШХТ билан АСЕАН (Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг минтақавий Иқтисодий Ташкилоти) ҳамда МДХ ўртасида ўзаро англашув ҳақидаги меморандумлари имзоланди. Хўш буларнинг аҳамияти нимада? Булар ШХТнинг халқаро майдондаги фаоллиги, жаҳонда у билан ҳамкорликка қизиқиш кучайиб бораётганлиги тимсолидир.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё минтақасида турли таҳдидлар сақланиб турибди. Бу хавф-хатар янги шакл ва қиёфа касб этиб бормоқда. Халқаро терроризм, диний экстеремизм ва айирмачилик қурол яроғ ҳамда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби иллатларга қарши курашиш, мавжуд хавфнинг олдини олишда ШХТ кучли мувофиқлаштирувчи муассасага айланди. Марказий Осиёда стратегик ноаниқлик ҳам йўқ эмас. Бу биринчи навбатда айрим бузғунчи кучларга вазиятни издан чиқариш учун қўл келиши мумкин. Иккинчидан, ҳуружларнинг шакл-шамойили, усул ва услублари, улар фойдаланадиган воситалар ўзгариб бормоқда. Чет эллардаги айрим давлатлар (Масалан, баъзи ғарб давлатлари бизнинг минтақада “бошқариладиган беқарорлик”ни юзага келтириш мақсадида радикал кайфиятдаги оқим ва тўдаларни ишга солиб келмоқда. Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид қилаётган яна бир хавф бу наркоагрессиядир.

Ушбу масалада Афғонистон ҳамон катта ташвиш уйғотмоқда.¹ Табиийки бу масала минтақа давлатлари, аввало, ШХТга аъзо мамлакатларнинг улкан муаммосидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, нуфузи ортиб, фаолият доираси тобора кенгайиб бораётган ШХТ дунёнинг энг катта ва айтиш пайтда стратегик манфаатлар тўқнаш келган минтақаларидан бирида хавфсизлик ва барқарорликни маутаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, шунингдек давлатларaro ҳамкорлик муносабатларига ҳам катта ҳисса қўшмоқда

ШХТ тузилганига қисқа вақт бўлишига қарамай унинг мавқеи ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси кейинги йилларда халқaro ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда халқaro аҳамиятга молик ишларни амалга оширмоқда. Жумладан ШХТ билан бўлаётган алоқаларимиз бунинг яққол мисолидир. Бугунги кунда ШХТ халқaro ҳамкорликнинг қудратли институтига хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, халқaro террорчилик, сепаратизм ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш каби замоннинг энг қалтис таҳлика ва таҳдидларига қарши курашнинг кучли омилига айланмоқда. Минтақанинг жуда бой ресурсларидан фойдаланишга қаратилган савдо - иқтисод, транспорт -коммуникация ва гуманитар соҳалардаги ўта йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг ва айтиш мумкинки, катта миқёсдаги имкониятлар очилмоқда.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда бир қатор муҳим халқaro сиёсий воқеалар, анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) Тошкент саммити минтақамиз истиқболига доир қабул қилинган муҳим ҳужжатларга, халқaro терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бойлиги, ишчанлик руҳида ўтгани билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди. Бу нуфузли учрашувнинг юксак савияда ўтиши ва умуман, мазкур анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммит ишига раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг ҳизмати катта бўлгани ҳам кўпчилик томонидан ҳақли равишда

¹ Каримбекова Г. “Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашда ШХТ нинг ўрни”, Восток-запад: Аспекти взаимодействия. (Илмий конференция материаллари) Т, 2006 йил, 252 бет.

эътироф этилмокда. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган ғоя ва таклифлар саммит ишининг маъно - мазмунини белгилаш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият қасб этгани шубҳасиз.

Бундан ташқари Ўзбекистон ШХТ нинг устивор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши муросасиз курашни сўзсиз қўллаб-қувватлаши таъкидланди. 2004 йил 17 июнда Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида йирик халқаро воқеа - Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) га аъзо давлатлар раҳбарларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов, ХХР раиси Ху Цзиньтао, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди. Саммитда шунингдек Афғонистон ислом давлати муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай, Монғолия президентининг вакили - Монғолия ташқи ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэгулуун қатнашди.

Тошкент саммити арафасида бир қанча муҳим учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. 14 июнь куни Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаони қабул қилинди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида Қўшма Декларацияни имзоладилар. 2004 йил 16 июнь куни эса Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари имзолаган стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битимда иққала мамлакат муносабатларининг янги поғонага кўтарилганлиги қайд этилди.

Энди бевосита Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитига тўхталадиган бўлсак у ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. ШХТ фаолияти билан боғлиқ масалалардан ташқари, хавфсизлик муаммолари, хусусан, Афғонистондаги вазият, халқаро терроризмга қарши

курашни кучайтириш, ШХТ билан чегарадош Осиё - Тинч океани мамлакатлари билан ҳамкорлик мажлисининг асосий мавзуси бўлди. Саммитда Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев - давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар соғлом фикр, тарихий кўшничилик, мамлакатларимиз ва халкларимиз тақдирига маъсулият ҳиссидек мустаҳкам заминга қурилган, Қозоғистон минтақавий хавфсизликни таъминлашдек муҳим ишда ўзаро кучларни бирлаштириш учун барча зарурий чораларни кўришга тайёр - деди¹. ХХР раиси Ху Цзиньтао ўз сўзида ШХТ нинг барпо этилиши ва унинг мустаҳкамланиши давр руҳига монандлигини қайд этди.

-Биз ШХТ эришган муваффақиятлардан мамнунмиз - деди Хитой раҳбари. - ШХТ ўз ривожининг янги босқичига қадам қўйиши билан биз ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга асосий эътиборни қаратишимиз лозим. Биринчидан, хавфсизлик соҳасидаги ўзаро саъй - ҳаракатларни давом эттириш ва кучайтириш, террорчилик, айирмачилик ва экстремизм киёфасидаги учта ёвузликқа қарши аёвсиз кураш олиб бориш лозим. Давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ва барқарор шарт - шароитлар учун ноқулайликлар, қурол - яроғлар тарқатилиши ва бошқа таҳдидларнинг илдизлари бутунлай қирқилиши лозим. Иккинчидан, иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, бунинг учун тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ва очиқлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ШХТ доирасида савдо - иқтисодий ҳамкорлик бўйича қабул қилинган дастурни руёбга чиқариш зарур. Савдо - иқтисодий ҳамкорлик кўнгилдагидек йўлга қўйиш мақсадида Хитой ҳукумати ШХТ га аъзо мамлакатларга 900 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт кредитини беришга қарор қилди.

-ШХТ уч йиллик фаолияти давомида аниқ, ташкилий ва амалий йўналишларга эга бўлди, унинг халқаро нуфузи ошди, - деди Қирғизистон Президенти Аскар Акаев. - ШХТ минтақавий ва глобал ишларда янада муҳим омилга айланмоқда.

-Бугун биз Шанхай уч йил аввал бошлаган ишнинг натижаларини

¹ "ШХТ: тинчлик ва барқарорликка қафолат". "Моҳият" газетаси, 2004 йил, 18 июнь.

сарҳисоб этапмиз, - деди Россия Президенти Владимир Путин ўз сўзида. - қисқа фурсат мобайнида ҳақиқатан ҳам катта ишлар қилинди. Энг асосийси, ШХТ тузилмаси яратилди, унинг асосий принцип ва йўналишлари белгилаб олинди. Пекинда котибият ва Тошкентда бугун биз очганимиз аксилтеррор тузилма қароргоҳи иш бошлади. Барча ишларни тез ва аъло даражада хал қилганликлари учун Ўзбекистонлик ҳамқасбларимизга миннатдорчилик билдирмокчиман. Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши ШХТ ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилганлигини акс эттиради, бу айниқса Ҳартияда белгиланган соҳаларда давлатларимизнинг кўп томонлама ўзаро амалии саъй -ҳаракатлари кенгайиб бораётганини исботлайди.

Тожикистон Президенти Имомали Рахмон ШХТ истиқболига катта умид ва ишонч билан қарашини маълум қилди. - Бизнинг ишончимиз қисқа вақт ичида эришилган аниқ натижаларга асосланади, - деди у. - Ҳартияда кўзда тўтилган йўналишлар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишга қодир бўлган минтақавий ташкилотнинг тўлақонли механизми барпо этилди. Иккита доимий фаолият кўрсатувчи идора ишга тушди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов иштирокчиларга самимий ҳурмат изҳор этиб, Тошкент саммити ШХТ нуфузли тузилма сифатида шаклланишининг якуний босқичи бўлиб тарихда қолади, деб баёнот берди. Мамлақтимиз раҳбари саммит арафасида Хавфсизлик Кенгаши котиблари ҳамда иқтисодиёт ва савдо вазирлари иштирокида бўлган учрашувларнинг самарали ўтганлигини алоҳида таъкидлади. Ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар ШХТ га аъзо мамлакатлар раҳбарлари, биринчи навбатда, Россия ва Хитой давлати раҳбарларининг ШХТ нинг мазкур минтақада яшаётган халқлар хавфсизлиги, тинчлиги ва фаровон турмушни таъминлаш маъсулиятини ўз зиммасига олган нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланишидаги қатъий иродаси ва жиддий ҳаракати самарасидир¹. - деди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. А. Каримов - уйлайманки, ШХТ фаолияти истиқболлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ШХТ га аъзо икки етакчи давлат, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси Россия Федерациячи

¹ "Моҳият" газетаси, 2004 йил, 18 июнь.

ва Хитой Халк Республикасининг фаол иштирокига боғлиқ, десам ҳеч қандай муболага бўлмайди. воқеалар ривожини ижобий равишда бошқаришга қарамай, бу мамлакат вазиятини барқарорлаштириш ва тикланиши борасида жиддий ёрдамга муҳтож эканини таъкидлади. Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва унинг ноқонуний айланмасини кўламини ўсиб бораётгани, бутун минтақада вазиятни барқарорлаштиришга таҳдид солаётган халқаро терроризм экстремизм ва айирмачилик кучлари фаоллашгани барчада ташвиш уйғотмоқда.

-Марказий Осиё, бу-ўз тарихи ва асрлар қаърига тутшиб кетган ягона маданий илдишларга, диний, социал - ижтимоий ўзига хосликлар, ўз турмуш тарзини, ўз менталитетига эга минтақа. Буларнинг ҳар бири оқилона, ғоят жиддий - эътибор ва ҳурмат-эҳтиром билан ёндашувни тақозо этади.

-Айнан мана шундай ёндашув бугунги кунда Марказий Осиёда бўлиб ўтаётган воқеа ва ҳодисаларни тугри ва холис англашга ёрдам беради.

Афғонистон Ислом давлати муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай саммитда иштирок этишга таклиф қилингани учун миннатдорлик билдирди ва Афғонистон ШХТ билан фаол ҳамкорлик қилиш истагида эканини таъкидлади.

Монголия делегацияси раҳбари Лувсангийн Эрдэнэгулуун Монголия Президентининг ШХТ давлат раҳбарлари Кенгашига йўллаган мурожаатида ўқиб эшиттирди. Унда қайд этилишича Монголия ШХТ ташкил этилганидан буён унинг тобора шаклланиб ва ривожланиб бораётганини катта қизиқиш билан кўзатиб келмоқда. Монголия ШХТ фаолиятида иштирок этишдан манфаатдор.

Тошкент саммити анча самарали яқунланди. Аъзо давлатлар раҳбарлари бир қанча муҳим ҳужжатларга, жумладан, "ШХТ давлат раҳбарлари Кенгаши йиғилиши яқунларига оид Тошкент Декларацияси", "ШХТ га аъзо давлатлар ўртасида гиёҳванд ва психотроп моддалар ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик ҳақида келишув", "ШХТ имунитети ва ваколатлари тўғрисида Конвенция", "ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг ШХТ ҳузурида кузатувчи мақоми низомини тасдиқлаш тўғрисида", "ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг ХХР ҳукумати ва ШХТ ўртасида ташкилот қотибиятининг Хитойда жойлашиши тўғрисида", "ШХТ давлат раҳбарлари

Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ ўртасида ташкилот минтақавий аксилтеррор тузилмасини Ўзбекистонда жойлашиши тўғрисида" ҳужжатлар имзоланди. "Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган халқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишга ёрдам беради"¹ -деган эди Биринчи Президентимиз И. А. Каримов ШХТ давлатлари раҳбарларининг саммитида Санкт - Петербург шаҳрида (2002 йил, 6 июнь) сўзлаган нутқларида.

ШХТ саммитида қурилган иккинчи асосий масала савдо -иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Зеро иштирокчилар таъкидлаганидек ШХТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув - энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб вазифалар бор.

ШХТ саммитида Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклиф яна бир бор эълон қилинди. Зеро, "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини тўзган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишда Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШХТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамият қасб этади. Бундан ташқари, ШХТ мамлакатлари қитъалараро транспорт йўлақларининг муҳим бўғинидир. Шунининг олсак янги транспорт тармоқларини барпо этиш орқали ШХТ мамлакатлари дунёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда қўшимча имкониятга эга бўлади. Маълумотларга қараганда ҳозир Хитой йўналиши, Афғонистон орқали Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқадиган йўналиш бўйича лойиҳалар ўрганилмоқда. Фан -техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида ҳам интеграция жараёнларини кучайтириш

¹ И. А. Каримов. Ҳамкорликнинг бой тажрибаси ва алоқалар ривожини рағбатлантиришнинг катта имкониятлари. Т. "Ўзбекистон", 2002 и, 10 - жилд, 388 - бетлар.

орқали, минтақавий ҳамкорликни кенг кўламли халқаро ҳамкорлик ҳаражасига кўтариш мумкин.

Самарали ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса мулоқотларни фаоллаштириш, ШХТнинг бир мамлакатдан иккинчисига берадиган сармоянинг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдеворини яратиш керак. Бу йўлда учрайдиган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш зарур. Шунда ҳамкорликдаги иқтисодий дастур ва лойиҳаларнинг кўлами янада кенгаяди. Саммит қатнашчилари савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантиришга келишиб оладилар.

Яқуний хулоса шундан иборат бўлдики, аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётини юксалтириш, халқлари фаровонлигини ошириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлиги ШХТнинг, шубҳасиз халқаро ҳамжамиятга муносиб ўрин эгаллаш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Ташкилот тўла шаклланиб бўлди, энди амалий ишлар даври бошлайди. ШХТ қисқа вақт ичида тўла ҳуқуқли халқаро ташкилотга айланиб улгурди. Бу даврда катта ишлар амалга оширилганлиги ташкилотнинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятидан далолатдир.

3.ШХТ га аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифалари.

Маълумки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг салоҳияти ҳақида гапирганда, масаланинг фақат иқтисодий жиҳати ҳисобга олинса ҳам, уни йирик иқтисодий - интеграциявий ташкилот деб аташ учун барча асослар етарлидир. ШХТ нинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ҳурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, сиёсат, иқтисодиёт, фан - техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қуйиш ва ривожлантириш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида икки юздан зиёд ҳужжат имзоланган бўлиб, уларнинг салмокли қисми иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Хусусан, 2003 йили кўп томонлама савдо - иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2028 йилгача мулжалланган дастур, 2004 йилда эса уни ижро этиш режаси қабул қилинган. Ташкилотнинг иқтисодий органлари Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмадир. ШХТ Ишбилармонлар кенгаши 2006 йил июнь ойида бўлиб ўтган Шанхай саммитида ташкил этилган. Ноҳукумат ташкилот мақомида иш юритувчи бу тузилма ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ишбилармон ва молиявий доираларини бирлаштиради ва уларни минтақавий миқёсдаги савдо - иқтисодий, молиявий илмий - техникавий, энергетик ҳамкорлик лойиҳаларига жалб этади. Транспорт ва транспорт коммуникациялари, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, агросаноат соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳам мазкур кенгаш вазифалари қаторидан жой олган. Унинг доирасида ташқи савдо ва ташқи итисодий алоқалар ҳамда хусусийлаштириш учун маъсул вазирлик, идора ва банклар, савдо - саноат палаталарининг ҳамкорлиги ривожлантирилади. Ишбилармонлар кенгаши ҳар йили сессия ўтказиб, ўз фаолияти ва минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олади.

ШХТ нинг Банклараро бирлашмаси тўғрисидаги битим 2005 йилнинг октябрида Москвада имзоланган. Уни ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи

иқтисодий фаолияти билан шугулланувчи банклари таъсис этган. Банклараро ҳамкорликни назарда тутувчи ушбу бирлашманинг мақсад ва вазифалари инфратузилмани ривожлантиришга, юкори технологияларга, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тармоқларига оид ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик стратегик минтақавий лойиҳаларни молиялаштиришга кредит маблағларини жалб қилишдан иборат. Бирлашма савдо - иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида экспорт - импорт операцияларини ҳам молиялаштиради, унинг миждозлари ва кўшма лойиҳалари бўйича ахборот алмашуви йўлга кўйилган.

Банклараро бирлашма кенгашининг 2006 йилги Шанхай саммити доирасида бўлиб ўтган илк мажлисида унинг таъсис ҳужжатлари билан бирга қатор икки томонлама битимлар ҳам имзоланган мазкур кенгаш доирасидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётганлигини кўрсатади. Жумладан, мазкур саммит асносида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Давлати банки ўртасида 20 миллион¹ долларлик кредит битими имзоланди.

ШХТ нинг 2007 йил августда бўлиб ўтган Бишкек саммитида Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашманинг ҳамкорлиги расмийлаштирилди. Ушбу саммит доирасида Банклараро бирлашма кенгашининг мажлиси ўтказилиб, бирлашмага аъзо банкларнинг лойиҳаларини саралаш, экспертиза қилиш ва амалга оширишдаги ҳамкорлиги регламенти қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ШХТ мамлакатлари ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни янада фаоллаштиришнинг муҳим механизми сифатида эътироф этилади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами нечоғли жадал ривожланаётганига Ўзбекистон билан ШХТ га аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги товар айирибошлаш ҳажми кўрсаткичларининг мўттасил ўсаётгани яхши мисол бўла олади. 2001 йилда бу борадаги умумий кўрсаткич 1 миллиард 781,3 миллион. АҚШ долларини

¹ А. Бобоев. Иқтисодий ҳамкорликнинг ноёб механизми. "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил, 24 октябрь.

ташкил этган бўлса, 2006 йилда 4 миллиард 541,8 миллион долларга етди. 2007 йилнинг январь - август ойларига доир кўрсаткич салқам 4,2 миллиард долларни ташкил этди. Сармоявий ҳамкорлик борасида 2004 йилда Тошкентда ўтган саммитда Хитой томони ШХТ мамлакатлари учун 900 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон бу йўналишда 19 та лойиха ишлаб чиқди ва айти пайтда уларнинг бештасини молиялаштириш юзасидан келишувга эришилган. Мазкур лойихаларнинг умумий қиймати 196,6 миллион¹ долларни ташкил этади.

ШХТ мамлакатларининг иқтисодий имкониятлари ҳақида гап очилганида, уларнинг учинчи давлатлар билан ҳамкорлик қилмай туриб ҳам барча талаб ва эҳтиёжларни кондир олиши аён бўлди. Масалан, Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон энергия манбаларининг йирик экспортчилари, Хитой эса йирик импортчидир. Транспорт коммуникацияларининг тармоқлари ҳам аввало ташкилотга аъзо давлатларни бир - бирига боғлайди. Ишлаб чиқариш борасида машинасозлик ва самолётсозликдан юкори технологияларгача бўлган кўплаб соҳалар ўзлаштирилган ва юксак даражада ривожланганини таъкидлаш ўринлидир.- ШХТ мамлакатлари қишлоқ ўрмон ва сув хўжалиги борасида ҳам бир -бири билан яқиндан ҳамкорлик қилади. ШХТ доирасида тоғ - кон ва металлургия саноати махсулотлари ҳамда қурилиш материаллари савдосининг кўлами ҳам катта. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар коинотни ўрганиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ШХТ давлатларининг иқтисодий имкониятлари фақат уларнинг салоҳияти билан чекланиб қолмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Ташкилот ҳузурида Муғулистон, Эрон, Ҳиндистон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилган. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисларида ушбу мамлакатлар раҳбарлари қатнашади. Яъни, ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатувчи давлатларнинг ҳам муайян иштироки бор. Демак унинг имкониятлари ҳам шунга яраша - жуда кенгдир. Фақат иқтисодий

¹ А. Бобоев. Иқтисодий ҳамкорликнинг ноёб механизми. "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил, 24 октябрь.

ҳамкорлик нуктаи - назардан қараганда ҳам ШХТ нинг улкан салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончни, алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига қарашлар муштарак эканлигини ҳисобга олиб, ШХТни савдо иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ноёб механизми, деб аташ мумкин.

"ШХТ дастурий мақсадларига эришиш ва унинг нуфузини оширишда минтақада коммуникация, ёқилғи - энергетика соҳасида давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга ошириш, сув ва бой минерал ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш асосига қурилган иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш асосий устивор йўналишлардан ҳисобланади. Қўшма инвестиция лойиҳалари асосида нафақат казиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларида, балки юқори технологиялар тармоқларида ҳам замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш -аҳоли бандлиги борасидаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш, барқарор иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш барқарор иқтисодий ривожланиш ва пировард натижада, минтақада ижтимоий -иқтисодий хавфсизлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш имконини берадиган муҳим омилга айланиши мумкин"¹. Шунингдек бугунги кунда турли ёндашувларга сабаб бўлаётган Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Мустақил Республикамиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиб қирар экан, аъзоликдан кўзланган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилотга муносабат хусусида алоҳида фикрлар билдирилди. "Беш мамлакат раҳбарларининг биринчи учрашуви Шанхайда бўлгани чуқур рамзий маънога эга. Негаки, назаримда, бугун айтиш мумкин бу ерда дунё сиёсий тарихига қирадиган муҳим халқаро воқеа руй бермокда - янги минтақавий тузилма -Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига асос солинмокда. Ўзбекистон мазкур форумнинг фаолиятини юқори баҳолайди. У ўзининг тадрижий ривожланиш жараёнида фақат чегарагагина оид масалаларни ечиш билан шуғулланадиган гуруҳдан, диққат марказида хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисодий ва бошқа турдаги ҳамкорлик масалалари турган ташкилотгача бўлган йўлни босиб ўтди .

¹ "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил, 17 август.

Бизга маълумки Марказий Осиё минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб келган. Табиийки бунда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўлкамизнинг ўрни алоҳидадир.

Эндиликда глобаллашув ва жаҳон ахборот цивилизациясининг шаклланиши жараёнида мазкур минтака учун Ўзбекистоннинг боғловчилик омили янада мустаҳкамланиб бормоқда. 2000 йил 5 июль куни "Шанхай бешлиги" деб аталган ташкилотнинг Душанбе шаҳрида саммити бўлиб ўтди. иштирок этди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон томони кузатувчи мақомида қатнашди. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот анжуманида иштирок этиши тузилма доирасини кенгайтирибгина қолмай, мавжуд минтакавий муаммолар ечими тугал ва самарали бўлишини таъминлади. Жумладан, ушбу ташкилотга Ўзбекистоннинг қўшилиши муҳим воқеа эканлигини Россия президенти Владимир Путин ҳам алоҳида таъкидлаб, минтақадаги муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмаслигига эътиборни қаратди. "Ўзбекистон, таъсисчи ва тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида, онгли равишда Шанхай Ташкилоти билан ҳамкорликка киришмоқда. Бу қарор қабул қилинишида нафақат минтақалар муштарақлиги ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг бир ҳил баҳоланиши, балки аъзо давлатлар мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун биргаликда катъий курашга тайёрлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Саммит қатнашчилари террорчиликка дунёвий хавф сифатида қаралаётганини ҳисобга олиб, мамлакатимиз раҳбарининг БМТ ҳузурида Халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб - қувватладилар. Ўзбекистон кузатувчи мақомида иштирок этган бу учрашув якунида декларация қабул қилинди ва энди мазкур тузилма "Шанхай форуми" деб аталадиган бўлди. Душанбе Декларациясида Ўзбекистоннинг яна бир йирик халқаро ташаббуси - Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги ташаббуси юқори баҳоланди. Шу тариқа 2000 йил ёзида бўлиб ўтган саммит ташкилот имкониятларини кенгайтиришга йўл очиб берди. Албатта, Евроосиёда улкан хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳудудини вужудга келтиришга қаратилган мазкур уюшмага аъзо

бўлишидан Ўзбекистон ҳам манфаатдор эди. Айниқса, бу улкан ҳудудда сиёсий ва иқтисодий қудрати, фан

-техника ва юкори технология соҳасидаги ютуклари, қолаверса, ҳарбий салоҳияти билан ажралиб турувчи Россия ва Хитой жойлашганлиги ўта муҳим аҳамият қасб этади.

2001 йил 14-15 июнь кунлари ШХТ нинг фаолиятида муҳим давр саналади. Аввало, ташкилотнинг Шанхайда бўлиб ўтган саммити Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий ва сиёсий манфаатга эга бўлса, иккинчидан, биз бугун фикр юритаётган ташкилотнинг номи айнан бундан уч йил аввал бўлиб ўтган анжуманда эълон қилинган эди.

Ўшанда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ўзбекистоннинг ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар.

Ҳап қайси соҳа ҳақида боришидан қатти назар ШХТ Ўзбекистонсиз муқаммаллик қасб эта олиши қийин эди. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар, шу жумладан, Афғонистон билан ҳам чегарадош мамлакатдир. Бундан ташқари, 50 миллионлик нуфузга эга Марказий Осиё аҳолисининг ярми Ўзбекистонда яшайди. қолаверса, Россия ва Хитой мамлакатимизни ўзининг стратегик ҳамкори деб билади.¹

Аҳамиятли томони шундаки, Шанхайда нуктаи назари, қарашлари ва сиёсати Марказий Осиёдаги минтакавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга бевосита боғлиқ давлатлар раҳбарлари йиғилди. Булар орасида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги эътиборга лойиқ. Ўзбекистон онгли равишда Шанхай тузилмасига қўшилиш баробарида сифат ва фаолият қўлами жиҳатидан бутунлай янги ташкилот таъсисчиси бўлди. ШХТ фаолиятида Ўзбекистон аниқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган таклифларни илгари суриб келмоқда. Булар орасида:

-Афғонистон масаласи;

-Халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркобизнес муаммолари.

¹ “XXI аср” газетаси, 2004 йил, 10 июнь

-Оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, яъни минтақамизни ядросиз ҳудудга айлантириш масаласи ҳамда иқтисодий ва экологик муаммоларни биргаликда ечишга қаратилган ташаббуслар бор. Шу ўринда яна икки масалага аниқлик киритсак. Аввало, Ўзбекистоннинг ШХТ га аъзоликдан кўзлаган мақсади нима эдию ва бугунги халқаро жараёнга боғлиқлиги қай даражада? Иккинчидан, ШХТ нинг умуман тузилма сифатидаги бош мақсади нималардан иборат? Ўзбекистоннинг ШХТ га киришидан мақсади шуки, бунда аввало, Ватанимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш масаласи туради. Чунки хавфсизликни таъминламай туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди.

ШХТ сафида эса ҳарбий салоҳияти ғоят катта бўлган Россия ва Хитой бор. Дунё миқёсидаги йирик масалаларни шу икки давлат аралашувисиз ҳал этиш анча мушкул. Шунингдек ташкилотга аъзо барча давлатларнинг дарди ҳам бир хил¹. Уларнинг ҳаммасида хавфсизликка таҳдид соладиган муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

Келажакда ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Турмуш шароитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасидаги саъй -ҳаракатларни бирлаштириш - бу, пировардида, халқларимиз кутаётган мақсад - муддаодир. Бугун биз қамбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапираяпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик қасб этмокда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги мамлакатимиз ва бугун минтақа келажаги учун катта хавф солмокда. Шу боис ШХТ доирасида ҳам интеграция, умумминтақавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш .борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Аминманки бу масалаларнинг ҳал этилиши ШХТ га аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир ҳилда мос келади. ШХТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади. Мамлакатимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли

¹ Яраш Ғаффоров. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти - Хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида. "Ижтимоий фикр - инсон ҳуқуқлари" журнали, 2005 йил, №4, 38 - бет.

ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистоннинг ШХТ га қўшилишдан кўзлаган яна бир асосий мақсади кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликдир. Бунда аъзо давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар катта аҳамият қасб этади. ШХТ Ўзбекистоннинг жаҳон аэропортларига Шарк томондан чиқишини таъминловчи тузилмадир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ШХТ бошқа давлатлар ва минтақалар манфаатларига қарши қаратилган иттифок эмас. У очиқлик тамойилига амал қилади. Мақсад ва вазифаларни эътироф этса, аъзо барча давлатларнинг маъқуллаши билан бу ташкилотга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин.

ШХТ доирасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун янги механизмлар яратилган. Хусусан, давлат ва ҳукумат, ташқи ишлар ва мудофаа вазирликлари, ҳуқуқ - тартибот, хавфсизлиги органлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари ва экспетрларининг кенгаш ҳамда учрашувлари ўтказиб турилиши шулар жумласидандир. Ҳамкорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳамжиҳат ҳаракатини таъминлаш мақсадида ташкилот доирасида аъзо давлатларнинг мувофиқлаштирувчи миллий кенгаши ташкил этилган. ШХТ нинг қисқа давр мобайнидаги фаолиятида 2002 йил 6 - 7 июнь кунлари Санкт - Петербург шаҳрида ўтказилган саммити ҳам алоҳида мазмун қасб этади. Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият хавфсизлик масаласида янгича ёндашувга эҳтиёж сезаётганини илғаш кийин эмас. Бу ёндашув ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига таяниш керак. ШХТ ана шундай ёндашув, хавфсизликнинг янги концепциясини юзага келтирди. Ушбу учрашувнинг аҳамияти, аввало, нихоятда муҳим ҳужжатлар - Ҳартия, Декларация ва Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида битим имзоланиши билан белгиланади. ШХТ нинг асосий ҳужжатлари бўлган Ҳартия ва сиёсий Декларация ташкилотнинг ўзи ва айни пайтда унинг асосида тузилиши мумкин бўлган барча тузилмаларнинг кенг қўламли фаолияти учун зарур асос яратади ҳамда халқаро ва давлатлараро алоқалар тизимида унинг ўрнини белгилаб

берди¹.

Ўзбекистон ШХТ нинг Ҳартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек наркотрафик ва оммавий қирҳин қуроллариининг тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларни адо этишни, гуманитар, ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди. Ҳеч шубҳа йўқки, ШХТ нинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ҳамда тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади. Санкт - Петербург саммитида Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақасининг суръатли, олга интилувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб - қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлиши, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслиги кераклигини алоҳида таъкидлаганди.

Маълумки 2004 йил 29 май куни Москва шаҳрида ШХТ га аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Москва учрашуви натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ўшанда ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор маркази (тузилмаси)нинг қароргоҳини Тошкентга кучириш борасида келишиб олинганди. Бу қарор негизида ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз таъсири, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашдаги амалии саъй - ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта. "Террорчиликка қарши кураш" деган ибора ҳозир халқаро доирада жуда кенг тарқалган, - деган эди Биринчи Президентимиз И. А. Каримов, - Айримлар сохта обрў орттириш учун ҳам бу масалага урғу беради. Ваҳоланки, террорчиликка қарши сўзда эмас, амалда, қатъият билан курашмоқ зарур.² Хуллас бундай ҳамкорлик қайси соҳага тегишли бўлмасин, охир - оқибат миллий ва минтақавий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсий хавфсизликнинг

¹ Қ Қаримбеков. Хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик. "XXI аср" газетаси. 2004 йил, 10 июнь.

² "XXI аср" газетаси, 2004 йил, 10 июнь.

мустаҳкамланишига ҳизмат қилсин. Шу тариқа Шанхайда - инсониятнинг тўртдан бир қисми яшайдиган улкан худудда хавфсизлик ва ҳамкорлик худудини яратишга қаратилган ташкилотга асос солинди. Қисқа давр мобайнида амалга оширилган ишлар ШХТ нинг истиқболи порлоқ эканлигидан далолат бермоқда.

ШХТ қисқа даврда нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланди. Аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг ҳукукий асослари яратилди. Хавфсизлик, энергетика, транспорт коммуникациялари соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувларидан ташқари, ташқи ишлар, мудофаа, фавкулотда вазиятлар, ташқи савдо, транспорт, маданият вазирликлари, шунингдек чегара ҳизматлари ва ҳукукни муҳофаза қилиш органларининг мунтазам мулоқотлари йўлга қўйилган. Пекинда Котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотнинг 2006 йили Шанхайда ўтган юбилей саммитида ШХТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис мажлиси, Банклараро бирлашмасининг йиғилиши, аъзо мамлакатлар sanoatchilari ва тадбиркорларининг форуми бўлиб ўтди. Шу тариқа ШХТ ўзи қамраган улкан минтақада ва умуман, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг, гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришнинг ўзига хос механизмига айланди.

Шу билан бирга, ташкилот аъзолари олдида уч ёвуз кучга, яъни терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлиги ва энергетик хавфсизликни мустаҳкамлаш сингари долзарб масалалар ҳам турибди. ШХТ ўзи қамраган минтақадаги вазиятни таҳлил қилиб, хавфсизликка таҳдид аввало Афғонистондан чиқаётганини айтиш мумкин. У ерда террорчи ва экстремистик гуруҳлар фаолиятига хали тўла чек қўйилгани йўқ уларнинг асосий молиявий таянчи бўлган наркотик моддалар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу хусусда ташкилот ҳузурида 2005 йилнинг ноябрида тузилган "ШХТ - Афғонистон" мулоқот гуруҳи муҳим аҳамият қасб этади. У Афғонистонни тиклаш ишларига ШХТнинг эътибор ва ресурсларини кўпроқ жалб этиш орқали ушбу мамлакат

барқарорлигига ҳизмат қилиши мумкин. Масалан, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларидаги салоҳиятни ишга солишнинг ўзидаёқ яхши натижалар кўзга ташланади. Бу орқали Афғонистоннинг шимолий, ғарбий ва марказий вилоятлари билан ШХТ мамлакатлари ўртасида муайян интеграция жараёнларини қарор топтириш мумкин. Бу орқали ШХТ нинг жанубий сарҳадларидан Форс кўрфази портларига янги ва қулай коммуникация тармоқларини очиш имконияти ҳам яратилган бўлур эди. Президентлар "ШХТ - Афғонистон" мулоқот гуруҳини фаоллаштиришга, келаси йилнинг баҳорида Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишланган иқтисодий конференция ўтказишга келишиб олдилар.¹

Президентлар ШХТ нинг халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш масаласи юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Айни пайтда ШХТ билан МДХ, АСЕАН ва ЕврАзЭС ўртасида англашув меморандумлари имзоланган. Бу сафни кенгайтириш билан ШХТ нинг ҳамкорлари сони оширилади ва унинг сарҳадларида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

Давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу йўналишда ҳам имкониятлар жуда катта. Расмий маълумотларга кўра, 2006 йили ШХТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 миллиард АҚШ долларига етган. Шунинг ўзи ҳам ташкилот доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти ҳақида яхши тасаввур беради. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигидан машинасозликқача, нефть - газ саноатидан юқори технологияларгача бўлган барча соҳаларда ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мумкин. Айниқса, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари устивор йўналишлардир. Масалан, ёқилғи -энергетика мажмуини оладиган бўлсак ШХТ аъзолари орасида ҳам йирик экспортчи, ҳам йирик импортчи давлатлар бор.

Айрим давлатлар эса транзит вазифасини ўтайди. Бу омиллар ҳамкорликда энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш билан бирга, энергетик барқарорлик ва пировардида, энергетик хавфсизликни таъминлаш

¹ А Бобоев. ШХТ Бишкек саммити. "Халқ. сўзи" 2007 йил, 18 август

имкони беради.

Саммит қатнашчилари гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Бу йўналишда аъзо мамлакатлар ўртасида икки томонлама асосдаги алоқалар яхши ривожланган. Энди бу суръатни кўп томонлама ҳамкорлик ривожига ҳам кучириш зарур. Бунинг учун, айниқса, маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. ШХТ мамлакатларининг маданият ва санъат фестиваллари, ташкилот саммитлари асносида ўтказилаётган маданий тадбирларнинг ўзиёқ аъзо мамлакатлар халқларида бир-бирининг маданияти ва санъатига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентилар ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни ошириш зарурлигини таъкидладилар. Ташкилотга аъзо мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларнинг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ШХТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида мазкур масалаларнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Саммитнинг ушбу қисмида ШХТ да кузатувчи мақомини олган давлатлар вакиллари-Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Мўғилистон Президенти Намбарин Энхбаяр, Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хуршид Касури ва Ҳиндистон Республикаси нефть ва газ вазири Мурли Доера, шунингдек, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедов, БМТ Бош қотибининг ўринбосари Линн Паско тадбирнинг меҳмонлари сифатида иштирок этди. Мажлисида мазкур мамлакатларнинг ШХТ фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Масалан, уларни Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашманинг лойиҳаларига, наркобизнесга қарши курашга, терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш мақсадида молиявий ҳамкорликка ва молиявий операцияларнинг

мониторингига, Афғонистондаги тикланиш ишларига жалб қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кузатувчиларнинг фаоллигини оширишнинг аҳамияти катта, албатта. Аъзо кузатувчи давлатларни қўшиб ҳисоблаганда, ШХТ Евроосиёнинг учдан икки қисмини, бошқача айтганда, инсониятнинг ярмини барлаштиради.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида ШХТ доирасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилганини, барча соҳаларда аъзо давлатларнинг салоҳиятини ишга солиш учун платформа яратилганини таъкидлади. Хавфсизликка таҳдид, жумладан, афғон муаммоси, шунингдек, Марказий Осиё сув захираларидан оқилона фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди.

Мажлис якунида узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Бишкек декларацияси, Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар мазкур шартнома ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган дўстона муносабатларни, шериклик руҳини янада мустахкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Саммит доирасида Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашма ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. Бу келишув ШХТ доирасида савдо - иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро ишонч мустахкамланиб бораётганини, бу ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. мамлакатларимиз ўртасида алоқалар 2005 йилда имзоланган Дўстлик ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланаётганлиги таъкидланди.

4.Иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон - ШХТ ҳамкорлиги.

XXI аср бошларига келиб мамлакатимиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ичида минтақамиз ва дунё мамлакатлари иқтисодий - сиёсий ҳамкорлигини таъминлашда алоҳида роль уйнаб келмоқда. Бунинг исботи сифатида 2007 йил 2 ноябрь куни Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида бўлиб музокараларни ҳам айтиш мумкин. Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШХТ ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаётгани, Бишкек саммитида имзоланган ўзок муддатли яхши қўшничилик дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Ташкилотнинг халқаро нуфузи юксалиб, унга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сони ортиб бормоқда.

ШХТ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Хусусан, 2007 йили Ўзбекистоннинг ушбу давлатлар билан савдоси 40 фоиз ўсди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдида қўйилган вазифалари - ташкилот қамраган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, аъзо давлатлар ўртасида савдо - иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда ҳамкорликка дойр кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Кўп томонлама савдо - иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг чора - тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизлик муаммолари, Афғонистонни тиклаш масалалари ШХТ нинг доимий эътиборида. Томонлар терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес каби таҳдидларга қарши курашда ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ШХТ Бош котибининг Давлат раҳбарлари кенгаши ва ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ташкилот доирасида савдо - иқтисодий ва маданий гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар

раҳбарларининг 2007 йил 24 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида кўп томонлама савдо - иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалиётга татбиқ этишга қаратилган муайян чора - тадбирлар ишлаб чиқилди. 2007 йилнинг июн ойида эса Москва шаҳрида ёқилги-энергетика мажмуи учун маъсул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кенгаши ўтказилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорликка оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Мажлисида нефть - газ конларини ўзлаштириш, ёқилги -энергетика мажмуи инфратузилмаларни такомиллаштириш, шунингдек юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифага айланиб бораётгани қайд қилинди. Шунингдек машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд. Мажлисида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашмасининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, аъзо мамлакатлар ишбилармон ва молиявий доираларни йирик минтақавий сармоявий лойиҳалар ижросига кенгрок жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Иқтисодиётнинг асосий тармоклари ва экспортга йўналтирилган секторларида, юқори технологиялар соҳасида ушбу икки тузилманинг ҳамкорлиги ривожланмоқда.¹ Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалаларининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. Музокараларнинг бу қисмида кузатувчи давлатлар вакиллари - Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е. Аҳамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице - президенти П. Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М. Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х. Қасури, шунингдек меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице - президенти А. Маъсуд қатнашдилар. Мажлисида ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида транспорт, ёқилги - энергетика мажмуи, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги юқори технологиялар борасидаги ҳамкорлик, гуманитар соҳадаги алоқаларга дойр масалалар муҳокама қилинди. Мазкур мамлакатларнинг бир - бирига

¹ ШХТ Хукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси, "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил, 3 ноябрь

боғлиқ жиҳатлари анчагина, Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак мамлакатимизнинг транспорт коммуникациялари қатор давлатлари учун транзит вазифасини бажаради ва айти пайтда Ўзбекистонга тегишли юклар қатор мамлакатлар ҳудуди орқали ўтади. Биргина "Андижон – Ўш магистралининг салоҳияти таҳлил қилинса, бу борадаги ҳамкорликнинг имкониятлари анча кенг эканлиги аён бўлади. Шу боис транспорт соҳасида халқаро автомобил ҳаракати учун қулай шарт - шароит яратиш бўйича битим ишлаб чиқиш лозим. Энергия манбаларини узатиш борасида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Саноатнинг кўплаб соҳаларида кўшма корхоналар тузиш, сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдалидир. Мажлисда ташқи савдо - иқтисодий алоқалар, транспорт, нефть - газ сектори, кишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, спорт, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳалар учун маъсул бўлган вазирлик ва идораларга ушбу йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, мавжуд режа ва дастурлар ижросини фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш чора-тадбирлари режасига киритилган лойиҳаларни таҳлил қилиш вазифаси топширилди. Хуллас, мажлис якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали кечгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистоннинг "Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти" билан ҳам олиб бораётган алоқалари самаралидир. 1996 йилда бу ташкилот "Шанхай бешлиги" деб номланар, унинг таркибига Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари кирар эди. Ушбу "бешлик"нинг дастлабки асосий вазифаси ташкилотга аъзо мамлакатларнинг давлат чегараларида қуролли кучларни қисқартириш ҳамда ўзаро давлат суверенитетига ишончни таъминлашдан иборат эди. "Бешлик" доирасида чегара ҳудудларидаги ҳарбий кучларни қисқартиришдан иборат битим имзоланди. Бу ўз навбатида, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг, ишонч ва дўстликнинг

мустахкамланишига хизмат қилди. "Бешлик"ка аъзо мамлакатларнинг муносабатлари ривожланиб, улар ўртасидаги ишонч энди чегара ҳудудларидагина эмас, балки ундан ҳам кенгрок миқёсда намоён бўла бошлади. Эндиликда бу мамлакатлар ўзаро ҳамкорлик, сиёсий, дипломатик муносабатлар, ҳарбий ишлар, хавфсизлик ва иқтисодий масалаларида ҳам ҳамжиҳатликда иш юритадиган бўлиб бормокда. 2000 йилнинг ёзида ташкилотнинг Душанбе шаҳридаги саммитида у "Шанхай форуми" деб қайта номланди.¹

Мазкур саммитда илк бор Республикамиз Биринчи Президенти И. А. Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси кузатувчи сифатида иштирок этди. Ўшанда беш давлат раҳбарлари "Шанхай форуми"ни турли соҳалардаги ҳамкорликни қамраб олувчи минтақавий тузилмага айлантириш зарурлигини эътироф этдилар.

2001 йилнинг май ойида Ўзбекистон ҳам мазкур "бешлик" таркибига кириш ниятида эканлигини маълум қилди. Хусусан, ўшанда Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси дейилганда - бу минтақа ҳудудида истиқомат қилаётган 50 миллион киши тушунилади. Агар мана шу аҳолининг тенг ярмиси биргина Ўзбекистонда истиқомат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида энг муҳим геополитик ўрин тутиши аён бўлади, қолаверса у "Шанхай бешлиги"га аъзо давлатларнинг деярли барчаси билан чегарадошдир. Агар мана шу омилларнинг ўзини ҳам "Шанхай бешлиги" аъзоларининг манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак унда уларнинг ўзлариёқ биринчи галда Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиб киришидан манфаатдордирлар - дея алоҳида таъкидлаган эди. Ўшанда мамлакатимиз Биринчи Президенти И. А. Каримов келгусида ушбу бирлашмани "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти" дея номлашни таклиф этган эди.

"Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти"нинг 2001 йил июнь ойида Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган саммитида сўзга чиқиб, И. А. Каримов, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлишига биринчи галда мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи сабаб бўлганлигини таъкидлади. Мазкур масала бугун

¹ К. Усмонов. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. Т. "Молия", 2003 йил, 18-19 бетлар.

Марказий Осиё минтақаси учун ниҳоятда муҳим ва долзарбдир. Таъкидлаб ўтмоқ керакки, Шанхай Ташкилоти жуда катта ҳарбий потенциалга эга Россия ва Хитой каби давлатлар ҳам аъзодир. Бинобарин, улар БМТ хавфсизлиги Кенгашининг ҳам доимий аъзоларидир. Дунё миқёсидаги муҳим масалаларни ушбу икки улкан давлатларнинг иштирокчисиз ҳал қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистоннинг "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти"га киришига яна бир сабаб - Хитойнинг ички ялпи маҳсулот ўсиш кўрсаткичлари бўйича дунёда энг етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганлигидир.

Ўзбекистон раҳбари саммит иштирокчилари эътиборини қўйидаги энг муҳим масалага ҳамда ташкилот фаолияти давомида уларни ҳал этиш заруриятига қаратди: Бу масала, биринчидан, Афғонистонда тинчликни ўрнатишга эришишдан иборат. Афғонистондаги беқарорлик минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун хавф туғдиради. Бунинг барчаси бутун Марказий Осиё минтақасининг, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий хавф туғдиради.

Иккинчидан, ҳозирги замон халқаро терроризмга, диний экстремизм, сепаратизм ва наркобизнесга қарши курашда барча куч ва имкониятларни бирлаштириш зарур. Фақатгина барча куч ва имкониятларни бирлаштирибгина, жуда пухта мувофиқлаштирилган халқаро терроризм тизимига қарши курашиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Учинчидан, Марказий Осиё минтақасида ядровий қуролдан ҳоли зонани ташкил қилиш ва бу ҳақда БМТ нинг қарорини чиқаришга эришиш зарур. Бу масалани ҳал этишда БМТ хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган Россия ва Хитой катта аҳамият касб этишлари мумкин.

Тўртинчидан, халқаро терроризмга қарши самарали кураш олиб боришнинг муҳим шарти сифатида ҳар томонлама иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик тизимини янада чуқурлаштириш керак бўлади.¹ Саммитда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузиш тўғрисидаги Декларация ва терроризм,

¹ Каримов И. А. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Саммитида сўзлаган нутқи. Т. "Ўзбекистон" 2002 йил, 9 - жилд, 379 -382 бетлар.

сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай конвенцияси қабул қилинди.

Мазкур Декларацияда ташкилотнинг асосий мақсади - ўзаро ишонч, дўстлик ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар орасида сиёсат, савдо - сотиқ, иқтисодиёт, фан ва техника, маданият ва маъориф, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликларни рағбатлантиришдан иборат эканлиги алоҳида эътироф этилган. Шунингдек унда Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқдорликни таъминлашда биргаликдаги саъй - ҳаракатларнинг муҳимлиги ҳам алоҳида таъкидланган.¹

Шундай қилиб, Шанхайда инсоният аҳлининг тўртдан бир қисми истиқомат қиладиган улкан ҳудуддаги хавфсизлик ва ҳамкорликни, иқтисодий ва маданий ҳамжиҳатликни таъминлаш имкониятини яратувчи ташкилотга асос солинди.

Кейинги йилларда ШХТ га аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик алоқалари бўйича муҳим учрашувлар, ташрифлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2007 йил 2 ноябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаони қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи эканини, учрашув мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратишни таъкидлади. Ўзбекистон икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорликнинг суръатини юксак баҳолаши ва қадрлашини, малакатларимиз ШХТ нинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг анъанавий дўстона, ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраган Ўзбекистон - Хитой муносабатлари 2005 йилда Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланганидан кейин янги босқичга

¹ Абдугаффор Кирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т. "Фан", 2004 йил, 83 - бет.

кўтарилиб, мазмунан бойиб бормокда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмокда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 600 миллион, жорий йилнинг январь август ойларида 477 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимиз раҳбари 2005 йил май ойида ХХР га давлат ташрифи асносида эришилган келишувлар Ўзбекистон иқтисодиётига 1,5 миллиард доллар миқдорида сармоя киритилишини назарда тутиши, шунингдек ИИТ нинг 2004 йилги Тошкент саммитида Хитой мазкур ташкилотга аъзо давлатлар учун 900 миллион доллар миқдорида кредит ажратгани ва ушбу ташаббус доирасида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган 22 лойиха кўриб чиқиладигани мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенглигидан далолатдир. Давлатларимиз

ўртасида имзоланган терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва маслаҳатлашувлари тўғрисидаги битимлар ўзаро ишонч руҳини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилмокда.¹

Бир неча йил аввал халқаро сиёсатда "Шанхай руҳи" деган янги атама пайдо бўлди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти маданияти ўртасида муайян фарқлар мавжуд эканлигига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенглик, тараққиётга биргаликда интилиш ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб ҳизмат қилмокда. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари ўртасидаги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда ҳам "Шанхай руҳи"нинг аҳамияти катта. Мамлакатимиз сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодий алоқаларга оид режаларни амалга ошириш баробарида маданият, санъат ва таълим йўналишларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмокда. ШХТ саммитларида аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг санъат усталари бир сахнада концерт ташкил этиши анъанага айланди. ШХТ давлатларининг маданияти ва таълим соҳалари учун маъсул вазирликлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини, йиллик санъат фестивалларини ўтказиш йўлга

¹ Стратегик шерикликнинг юксак марралари. "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил, 3 ноябрь.

кўйилди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Хитой ва Россия қадим урф - одат ва анъаналарга, бой тарихга эга эканлигини назарда тутиб, уларнинг гуманитар ҳамкорлиги ташкилот қамраган минтақаларда цивилизациялараро мулоқотни ривожлантиришга йўл очмоқда. ШХТ мақомида "халқ дипломатияси"ни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда кўп томонлама маданий ҳамкорлик дастури муваффақият билан амалга оширилди. Айни пайтда 2007 - 2008 йилларга мулжалланган шундай дастур ижроси давом этмоқда. У ШХТ мамлакатлари маданият вазирларининг 2006 йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида тасдиланган мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида ШХТ мамлакатларининг тасвирий ва амалий-декоратив санъатига бағишланган "Баҳор камалаги" мавзуидаги кўргазма ташкил қилинди. Хитойнинг Хуан - Чжоу шаҳрида ташкил этилган "Сиху кўлини чизамиз" бадиий форуми, Киргизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида ўтказилган Иссиқкўл кинофестивали 2007 йилнинг маданий тадбирларидандир. Хуанчжоу форумида ШХТ мамлакатларидан олтмишдан зиёд мўйқалам устаси иштирок этди. Иссиқкўл кинофестивалида намоиш этилган фильмлар сони ҳам шунга яқин бўлди. Ҳамкорликда ўтказилаётган маданий тадбирлар сони йилдан - йилга кўпайиб, бойиб бормоқда. Бунга давлат раҳбарларининг гуманитар ҳамкорлик масалаларига эътибори муҳим аҳамият қасб этаётир. Бугун ШХТ нинг нуфузи ортиб, у фаол сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига айланиб бораётган экан, шунга монанд даражада маданий алоқаларни қарор топтириш унга аъзо мамлакатлар халқларини бир - бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. 2007 йил август ойида бўлиб ўтган Бишкек саммити кун тартиби ягона маданий макон барпо этиш масаласи ҳам киритилгани бежиз эмас. Бу театр, мусиқа ва санъат фестивалларини ўтказиш тажриба алмашиш, малака оширишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бу йўналишдаги алоқалар ривожланиш йўлидан бораётганидан далолатдир.

2006 йил июнь ойида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ушбу битим муҳим йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш учун

ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Таълим соҳасида ШХТ давлатлари икки томонлама ҳамкорликнинг бой тажрибасига эга эканлиги кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Масалан, Тошкентда "Росзарубежцентр" халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ваколатхонаси, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ҳамда И. Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси, Ўзбекистон пойтахтида эса Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт очилгани ҳам яхши мисол бўла олади.

Университетлар қаторида академик доиралар, спорт ва жамоат ташкилотлари, ёшлар тузилмалари ҳам кўплаб ҳамкорлик лойиҳаларини таклиф этмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитойнинг миллий олимпия кўмиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. Ёш авлод ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга эътибор берилмоқда. Давлат раҳбарлари ёшлар ташкилотларининг ШХТ доирасидаги мулоқотларини қўллаб-қувватлаш борасида келишиб олганлар. Ўзбекистон, Хитой ва Қозғистонда "Болалар эртақларни акс эттиради" кўргазмалари бўлиб ўтди ва бу жараён давом этмоқда.

Июлда Хитойда Олимпия уйинлари ўтказилишини, Сочи шаҳри эса 2014 йилги қишки Олимпиада мезбони деб эълон қилинганини таъкидлаш жоиздир. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари бу тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

Гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда ШХТ Форуми ҳам муҳим ўрин тўтади. Унинг 2006 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган таъсис мажлисида Регламент ва Иш режаси қабул қилинган. Регламентга мувофиқ ШХТ форуми вазифалари сирасига илмий -тадқиқот институтлари ва сиёсатшунослик марказлари ўртасидаги алоқа ўрнатиш, тажриба ва ахборот алмашиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш, кўп томонлама ҳамкорлик дастурларини экспертиза қилиш, аъзо давлатларни қизиқтирган долзарб масалалар бўйича халқаро симпозиум, семинар,

илмий- амалий конференциялар ташкил қилиш каби тадбирлар киради.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, Форум таркибига ҳар бир аъзо давлатдан биттадан нуфузли илмий муассасага ўрин берилган. Бу муассасалар ўз давлатининг Форумдаги Миллий тадқиқот маркази мақомида фаолият юритади. Мамлакатимиз томонидан бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бажармоқда.

Шундай қилиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида улкан салоҳиятга эга, жумладан, гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жараёни кузатилганда, аъзо давлатлар тобора янги имкониятларни ишга солаётгани, янгиларини юзага чиқараётгани намоён бўлди. Демак гуманитар ҳамкорлик ҳам келгусида кенгайиб, янги мазмун қасб этиб бораверади. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитларида кўтарилган масалалар сиёсий ва жамоат арбоблари, шарҳловчилар ва журналистлар эътиборини ўзига тортмоқда. Учрашувда замонамиз таҳдидларига қарши кураш вазифалари муҳокама қилингани алоҳида таъкидланмоқда. Россиялик таҳлилчилар ва экспертларнинг аксарияти ШХТ бугунги кунда коллектив хавфсизликнинг муҳим воситасига айланди, деган яқдил фикрларни билдиришмоқда. "ШХТ минтақавий ҳамкорлик асосида барпо этилган халқаро ташкилотдир, - дейди НАТО бош қотибининг сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари Гюнтер Альтенбург - Минтақа мамлакатлари умумий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида минтақавий ҳамкорлик тамойилига содиқ қолишлари керак. НАТО ва ШХТ ўртасида илик муносабатлар шаклланыпти. Ушбу ташкилот аъзоларининг аксарияти билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида шериклик муносабатлари ўрнатилган Хитой билан ҳам алоқаларимиз ижобий. Бинобарин, ШХТ нинг истиқболдаги фаолиятдан самарали натижалар кутиш мумкин". ШХТ га аъзо мамлакатларнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш жараёнида иштирок этиш нияти афғон халқи ва ҳукумати учун катта истиқболлар очади, деб таъкидлайди, ушбу мамлакат матбуоти. Қобулда нашр қилинадиган "Анис" ва "Эслох" газеталари Тошкент саммитида минтақадаги

барқарорликни мустаҳкамлаш афғон халқи турмуш даражасини яхшилаш вазифаларини бажариш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинганига эътибор қаратган. Россия, Хитой ва Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати кўрсатадиган ёрдам Афғонистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олдинга силжиш учун имконият яратди. Газеталар мамлакат ўтиш ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзайнинг саммитдаги иштироки, унинг ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Президенти билан ўтказган учрашувлари Афғонистон сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини қайд этган.¹ ШХТ нинг бўлажак президенти ва парламент сайловлари арафасида Афғонистон муаммоларига қаратаётган эътибори "Афғонистон ислом жамияти" ва Афғонистон миллий ассамблеяси томонидан юксак баҳоланди. Тошкент саммити ШХТ фаолиятининг янги босқичини бошлаб берди, - десак ҳеч муболаға бўлмайди, дейди Ҳиндистон собиқ бош вазири К. Гужрал. Ўзбекистон ташаббуси билан хавфсизлик кенгаши котибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди, МААТ фаолият кўрсата бошлади, илк маротаба Афғонистон муаммолари ушбу мамлакат раҳбари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашдаги фаолияти мамлакатнинг минтақадаги сиёсий марказ сифатида эътироф этилишига асос бўлмокда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон нуфузи юксалиб бораётганидан далолат беради, деб таъкидлайди таниқли ҳинд давлат арбоби.

-ШХТ уч йиллик фаолият давомида ўзининг яшовчанлигини ва катта салоҳиятга эга эканини намоён этди, турли мамлакатларни замонанинг янги хуружларига қарши кураш йўлида бирлаштирди, -дея эътироф этади Италия ТИВ бош маҳкамаси бошлиги М. Мирсилли. - Ташкилотнинг ривожланиш суръатлари шундан шаҳодат берадики, якин келажакда халқаро майдонда бутун жаҳон сиёсатига таъсир кўрсатувчи тузилма пайдо бўлиши мумкин, деб хулоса қилади италиялик дипломат, М. Мирсилли, шунингдек ташкилотга аъзо мамлакатларнинг савдо - иқтисодий, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш,

¹ "ШХТ - Хавфсизликнинг муҳим воситаси". "Тошкент оқшоми" газетаси, 2004 йил, 24 июнь.

транспорт - коммуникация дастурларини амалга ошириш борасидаги интилишларига юқори баҳо берди. Унинг фикрича, бу ШХТ га аъзо мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, ташкилот халқаро мавқеининг юксалишига хизмат қилади. Кўплаб Озарбайжонлик шарҳловчиларнинг яқдил фикрига кўра, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, террорчиликка қарши курашдаги ҳамкорликка йўналтирилган қатъий ва собитқадам сиёсат юритаётган Ўзбекистон бу халқаро тузилмада ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек мутахассислар Ўзбекистоннинг бу ташкилотдаги аъзолиги унинг қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишга асосланган миллий хавфсизлик концепциясига тўла мос эканини муҳим омил сифатида эътироф этишмоқда. ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент Декларациясида "ШХТ глобал ва минтақавий барқарорликка хавф солаётган янги таҳдидлар ва хуружларга қарши курашда халқаро саъй - ҳаракатларни жипслаштиришга қодир янги хавфсизлик архитектурасини мукаммал шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр. Шу мақсадда ШХТ бошқа давлатлар ва халқаро тузилмалар, авваламбор, БМТ билан ҳамкорлик қилади, нафақат ШХТ маконида, балки бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади" - дейилади.¹ ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ушбу ташкилотнинг очиклигидан ва унинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишидан далолат беради. Худди шу маънода, ШХТ га аъзо давлатларнинг раҳбарлари хохловчи давлатларни ушбу ташкилотга кузатувчи мақомида қабул қилишга ҳам қарор қилганликлари диққатга лойиқдир. Худди шундай мақом илк маротаба Мўғулистон давлатига берилди.

Халқаро экспертлар Тошкент саммити туфайли ШХТ ҳаётида шаклланиш даври яқунланиб, энди амалий ишлар даври бошланганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқдалар. Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси ишга туширилганлиги бунинг яққол далилидир.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Тошкентдаги учрашув давлатлар ўртасидаги

¹ "Тошкент Декларацияси". "Халқ сўзи" газетаси, 2004 йил, 22 - июнь.

муносабатларнинг механизмини аниқ белгилаб берди. Жумладан, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркотрафикга қарши курашнинг аниқ йўлларини белгилади. Булар эса, шак-шубҳасиз, дунё миқёсидаги ва минтақавий муаммоларни амалда самарали ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Замонавий халқаро террор, диний экстремизм айирмачилик ва наркобизнеснинг фаолият кўлами кенгайиб бормокда. Бундай кучлар мақсадга эришишнинг ўта қабих усул ва воситаларини ишга солаяпти. Бу таҳдидларга ўзаро боғлиқ бўлган ходисалар сифатида қараш лозим. Чунки улар бир "томирдан озиқланмокда". Бу кучларнинг ортида турганлар эса ўз режа ва ҳатти ҳаракатларининг юксак даражада мувофиқлаштирилганлигини намоён этмокда. Бугун аниқ айтиш мумкинки, агар диний экстремизм ва ақидапарастлик ишоралари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир.

Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб булмайди. Айниқса, яққа.-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмокда.

Терроризм бутун дунёга хавф солиб турган ҳозирги мураккаб шароитда, бу халқаро муаммонинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистоннинг ташаббускор мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқиши, шубҳасиз барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Айниқса 17 июнь куни Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити ниҳоят даражада улуғворлик қасб этиб, бутун дунё нигоҳини Ўзбекистонга қаратгани мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузли ўрнига кўтарилганлигининг яна бир тасдиғи бўлди. Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг аввалги анжуманлари ташкилий шаклланиш ва оёқда туриб олиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этган бўлса, Тошкент саммити бу тузилма фаолиятидаги янги босқични, бутун инсоният олдида турган энг долзарб муаммоларни ҳал этиш, аниқ мақсадга йўналтирилган тўла қонли яратувчилик ишлари жараёнида бошлаб берди. Бунинг учун нима керак? Бу минтақаларда тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши керак. Шу маънода Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида халқаро ва минтақавий терроризмга

қарши кураш ўткир масала қилиб қўйилган унга аъзо мамлакатлар халқларининг хоҳиш иродасига тўла мос келади. Давлат раҳбарлари терроризм ва экстремизмнинг янги шиддатли фаоллашуви муносабати билан катта ташвиш билдирадилар - дейилади Саммит якунида қабул қилинган Тошкент декларациясида - Террорчилар турли мамлакатлар ва дунё минтақаларини нишонга олмоадалар. Терроризм вазиятга тез мослашмоқда, замонавий техника воситаларини қўлламоқда, ечими топилмаган ҳар қандай низолардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга тайёр. Глобал терроризм таҳдидига қарши минтақа субминтақа ва миллий тизимларга таянган марказий ядро сифатида БМТ билан ҳамкорликдаги глобал аксил ҳаракатлар тизими қўйилиши лозим. Шу билан бирга террорчиларнинг амалиётларига нафақат муносиб жавоб бериш, балки уларнинг олдини олишга қаратилган саъй - ҳаракатлар муҳимдир.¹ Саммитда террорчилик, айирмачилик, экстремизм ва наркобизнес каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда бугун Марказий Осиё давлатларида ҳам мавжудлиги, уларга қарши биргаликда кураш олиб бориш долзарб масала эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот диққат марказида, энг аввало ушбу муаммони бартараф этиш вазифаси туриши кераклигини ҳақли равишда таъкидлашмоқда. Тажрибадан аёнки, хавфсизликни таъминламай туриб, тараққиёт соҳасида уйлаш бефойда. ШХТ га аъзо барча давлатлар раҳбарларининг бир ёқадан бош чиқариб, синалган тарихий тажрибани амалда қўллаб келаётгани эътиборга моликдир. Жаҳон сиёсий майдонига назар солсак баъзи халқаро тузилмаларнинг айрим вақтларда бесамар тортишувлар асосида иш юритишга гувоҳ бўламиз. Бироқ очиғини айтганда, мақсадлар муштарақ жойда турли хил баҳсларга ўрин қолмаслиги табиий. Ўзбекистон раҳбари 2001 йил бўлиб ўтган Шанхай саммитида шу ҳақда тўхталиб, "... бошқа тузилмаларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкилотнинг "мунозаралар клуби" га айланишига йўл қўймаслик мақсадида тегишли тартибий масалаларни пухта уйлаб чиқиш лозим"¹ - дея таъкидлаган эди. Яъни бундай "Клуб"нинг пайдо бўлиши оқибатида асосий масалалар қуйи ўринга тушиб қолиши мумкин.

¹ "Халқ сўзи" газетаси, 2004 йил, 15 июль.

¹ "XXI аср газетаси", "ШХТ: Истиболли ҳамкорлик". 2004 йил, 18 март.

Бундай ҳолатда томонлар на уюшади, на яқдил қарорга келади.

Хуллас, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар янада жипслашмоқда. ШХТ, шунингдек кўп томонлама хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаёпти. Энг муҳими, янги халқаро ташкилотнинг самарали фаолият юритиши учун етарли замин яратилди. Бу эса бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида ташланган яна бир дадил қадамдир.

5. Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилотининг ҳалқаро терроризмга қарши курашишдаги ўрни

Маълумки, ШХТнинг ташкил топиши тарихи амалда Хитой ва МДХ давлатлари ўртасидаги чораларни тартибга солиш бўйича ташаббуслар туғилган даврда бошланган эди. 1996 йил 5 та давлат Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлат бошлиқлари Шанхайда давлат чегаралари ҳудудида ҳавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги тарихий келишув имзоланди. Унинг катта ютуғи Хитой чегараларида зиддиятларни камайиши ва ҳавфсизлаштирилган ҳудуд тузилганлиги бўлди. Ушбу учрашувдан бошлаб мунтазам равишда юқоридаги давлатлар ўртасида кўп томонлама алоқалар ўрнатиладиган бўлди. Давлат, ҳукумат бошлиқлари, вазирлар ҳудудий ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларида саммитлар ўтказиладиган бўлди. Шундай қилиб, Шанхай бешлиги давлатлари ўртасида алоқалар бошланди. Аъзо давлатлар учрашуви 1997 йил 24 апрелда Москвада бўлиб, унда аъзо давлатлар чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида келишувга имзо чекишди.¹ 1997 йил 30 июлда Алматадаги учинчи саммитда ҳудудда барқарорлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, савдо ва иқтисодий алоқаларни кучайтириш ҳамда фаоллаштириш масалалари муҳокама этилди. 1999 йил 24 августда Бишкекда давлат бошлиқларининг тўртинчи учрашуви ўтказилганда миллий сепаратизм, диний экстримизм, ва трансчегаравий жиноятлар билан курашиш бўйича қўшма декларация имзоланди. Шундай қилиб бу ташкилот янги ҳалқаро ҳамкорликка асос бўлди. Бу даврда Россия билан Хитой бир-бирига ўхшаш муаммолар билан тўқнашди: Россияда Чеченистон, Хитойда шарқий Туркистон (Синцизиянь Уйғур автоном ҳудуди). Марказий Осиё давлатлари учун Россия ва Хитой билан ушбу масала бўйича ҳамкорлик долзарбдир. Тожикистонда бир неча йиллар фуқаролар уруши ва ислом экстримизми билан курашда бўлди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўзаро чегараларда муаммоларга дуч келди. Ташкилотнинг

¹ К вопросу о самостоятельном роли организации Центральногоазиатского сотрудничества в рамках ШОС.//Центральная Азия и Кавказа 2004-№3(33),-с.169-1806

бешинчи саммити 2000 йил 4-5 июлда Душанбе шаҳрида бўлиб, унда иштирокчилар ҳудудий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш борасида терроризмга қарши биргаликда курашиш, чегара муаммоларини ҳал этиш масалаларини муҳокама этишди. Саммитда Душанба декларацияси имзоланди ва "Шанхай Форуми" ташкилоти тузиш бўйича қарор қабул қилинди. Шанхай да ШХТ ни тузиш тўғрисида декларация имзоланди. ШХТ га аъзо давлатлар ҳудуди 30 млн кв км ёки Евроосиё ҳудудини 5/3 қисмини бу давлатларнинг умумий аҳолиси 1.455 млрд бўлиб, дунё аҳолисини чорак қисмини ташкил этади. Саммит охирида Хитой Ҳалқ Республикаси раиси Цзянь Цзэмин ШХТ тузилганлигини эълон қилди. ШХТ яқин кўшничилик, ҳамкорлик ва дўстликка асосланган. ШХТ давлатлари бошлиқларининг еттинчи учрашуви 2002 йил 7 июлда Санкт-Петербургда бўлиб ўтди¹. "Мазкур саммитда ШХТ ҳартияси, аъзо давлатлар декларацияси, ҳудудий Антитеррористик тузилма тузиш тўғрисида келишув имзоланди. Ушбу Антитеррористик марказнинг штаб квартираси Бишкек шаҳрида жойлашган бўлиб бу марказ МДХ мамлакатлари ҳудуди орқали ўтадиган ноқонуний қуроладар, наркотик моддалар яъни минтақада терроризмни молиявий шакллантирадиган асосларга қарши курашишдир. 2003 йил Москвадаги 8-учрашувда иккита муҳим қарор Шанхайда Шанхай котибиятини тузиш тўғрисида ва Антитеррористик Марказ штаб квартирасини Бишкекдан Тошкентга кўчириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Антитеррористик ташкилотининг янги раиси бўлди. Ташкилотга кирувчи давлатлар раҳбарлари бир қатор норматив ҳужжатларни тасдиқладилар. Ундан ташқари Москва саммитида ШХТ котибияти тўғрисида, идоралар раҳбарлари Кенгаши тўғрисида ва бир қанча масалаларда қарорлар қабул қилинди. Шу йили ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари 20 йил муддатга кўп томонлама савдо иқтисодий ҳамкорлик дастурини имзоладилар. 2004 йил 17 июлда Тошкентда ШХТ давлатлари раҳбарларининг навбатдаги 9-йиғилиши бўлди. Мазкур йиғилишда Давлат бошлиқларининг Тошкент

¹ "Халқ сўзи" газетаси. 2002 йил 8-июль 1-бет

декларацияси ва бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. ШХТ давлатлари ўртасида наркотик моддаларни ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда кураш тўғрисида, ҳудудий Антитеррористик тузилма банкининг тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.¹ 2004 йил 8 сентябрида Бишкекда ШХТ давлат бошлиқларининг учрашувида иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари муҳокама этилди. ШХТ доирасида кўп томонлама савда-иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш бўйича дастур режаси қабул қилинди. Ушбу дастурда ҳамкорлик йўналишларининг 100 дан ортиқ лойиҳалари тақдим этилди. Транспорт коммуникацияси, телекоммуникация, энергетика қишлоқ хўжалиги, туризм, сув хўжалиги, ва табиатни муҳофаза этиш доирасидаги масалалар муҳокама этилди. 2005 йил 5 июлида Астанада ШХТ давлат бошлиқларининг навбатдаги 9-йиғилиши бўлиб ўтди. Саммитда Астана декларацияси имзоланди. Декларацияда ҳалқаро терроризм, уни моддий базасини йўқотиш, ноқонуний қурол-яроғ ва наркотик савдосига қарши курашиш каби масалалар кўриб чиқилди. Бундан ташқари Антитеррористик ҳарактерга эга иккита муҳим ҳужжат: терроризм, сепаратизм ва экстримизм билан қарши курашиш бўйича аъзо давлатлар ҳамкорлиги концепцияси ҳамда аъзо давлатлар раҳбарларининг ШХТ доирасида фаолияти тўғрисида қарор қабул қилинди. 2005 йил 6 октябрда Москвада ШХТ Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб, учрашувда банклараро ҳамкорлик тўғрисида келишув фавқулотда вазиятларни бартараф этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланди. Шунингдек ШХТ аъзо давлатларининг ишчи кенгаши тузилиб, мазкур ишчи кенгашнинг биринчи мажлиси иш бошлади.²

2006 йил 15 июнда Шанхайда ШХТнинг юбилей саммити бўлди. Унда аъзо давлатлар ҳудудида ҳамкорликда антитеррористик операциялар ўтказиш тўғрисида келишув, 2007-2009 йилларда терроризм, экстримизм ва сепаратизмга қарши курашиш дастури қабул қилинди. Ундан ташқари банклар ўртасида ҳудудий ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш дастури, таълим соҳасида ҳамкорлик ва ШХТ таъсис мажлисининг натижалари тўғрисида протоколлар имзоланди. Шунинг таъкидлаш керакки, ШХТ доирасида кейинги йилларда

¹ “ШХТ фаолият доираси кенгаймоқда”, “Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил, 18 июль

² “ШХТ хавфсизлик ва барқарорлик кафолати” “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил, 7 октябрь.

ҳамкорликнинг кенгайиши ва мустаҳкамланиши кузатилади. Масалан, 2004 йилда Монголия ШХТга кузатувчи давлат бўлди. Худуддаги бошқа давлатлар Покистон, Эрон ва Ҳиндистон 2005 йил Астана саммитида кузатувчи давлат мақомини олди. Белоруссия ва Шри-ланка давлатлари кузатувчи мақомини олишга истаги борлигини эълон қилди. Жанубий Корея, Непал, МДХ ва Европа иттифоқининг бошқа давлатларининг ШХТ фаолиятига қизиқиши ортмоқда. 2004 йил декабрда ШХТ, БМТ, Бирлашган Араб Амирлиги кузатувчи мақомини олди. 2005 баҳорида ШХТ котибияти АСЕАН ва МДХ давлатлари котибиятлари билан ўзаро алоқалар тўғрисида меморандум имзоланди. 2006 йил майида ЕврАзЭС интеграцион қўмитаси билан алоқа ўрнатилди. Кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик, энергетика ва транспорт ҳамкорлиги ШХТнинг янги йўналишлари сифатида шаклланимоқда.

"Шанхай бешлиги" яъни ШХТ ҳозир "Шанхай олтилиги" га тарихда биринчи марта Россия ва Хитой Марказий Осиё давлатлари билан бирлашди. Бу ташкилот кўп томонлама ҳудудий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликка асосланган. 1996 йилдан бу тизим Марказий Осиёда ўзаро ишончни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди, ўзаро зиддиятлар тарқалишига йўл қўймайди. Масалан, Афғонистондаги фуқаролар уруши бир неча йил давомида Хитой ва уни ҳамкорлари ШХТ доирасида баҳсли ҳудудий муаммоларни тартибга солади.

2001 йил 11 сентябр воқеалари ва антитеррористик компания ҳудудий ташкилотлар учун янги имкониятлар очди ва улар олдига янги вазифалар қўйди.

2002 йил Санк-Петербургда ШХТ давлатлари саммити иштирокчи давлатлар олдигаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу учрашувда олти давлат раҳбарлари мақсадга эришишни стратегик йўналишларини ишлаб чиқдилар.

АҚШда террористик акт содир бўлгандан кейин бир неча кун ўтгандан кейин ШХТ иштирокчи давлатлари бош вазирлари Алмата конференцияси бўлди (14 сентябр Қозоғистон). Унинг иштирокчилари ҳамкорликда террористларга қарши ҳаракат йўналишларини ишлаб чиқди. Ундан ташқари,

бу ҳужжатда бу тизимга қарши курашда аъзо-давлатларни тайёрлигини билдирди, ҳамда глобал терроризмни барча шаклларига қарши курашиш учун тезда чоралар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Конференциядаги баҳс мунозарада Хитой бош вазири Чжу Жунцзи 2 та муҳим таклиф киритди: биринчи, ШХТ низомини қайта кўриб чиқиш, 2-си, Бишкекда тузилган антитеррористик фаолиятини янада тезлаштириш. ШХТ аъзо давлатлари одатда ҳамкорликда ҳеч қандай ҳаракат уюштиришмади. Бунинг ўзига хос бир неча сабаблари бор: 1-дан, 11 сентябрда террористик ҳаракатлар АҚШга қарши қаратилган. Вашингтон терроризмга қарши курашда муҳим роль ўйнай бошлади. 2-дан, ШХТ ҳеч қачон ҳарбий блок бўлмайди ва ўз аъзо-давлатларидан бундай ҳаракатларни талаб қилмайди.¹ Ундан ташқари, ташкилотни ҳеч бир давлати Афғонистон томонидан бўладиган террористик актларга қарши уруш олиб бормайди. Шанхай олтилиги давлатлари бошқа ҳалқаро тузилмалар: МДҲ Душанба гуруҳи (Россия, Ҳиндистон, Эрон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Афғонистон) таркибига киради. НАТО нинг "тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида иштироки тугади. Бу шуни билдирадики ҳар бир иштирокчи давлат бошқа ташкилот давлатлари аъзолари билан ҳамкорлик қилади. 3-дан, ШХТ давлатларига қўшма штатларнинг илтимослари турли ҳил. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида АҚШ ўз ҳарбий базаларини жойлаштиришни сўрайди. АҚШ Хитой ва Россиядан ахборот ва дипломатик даражадаги фаолиятини мувофиқлаштиришни сўрайди. ШХТ давлатларининг антитеррористик компаниядаги фаолиятига турлича сабаблар бор. Таъкидлаш керакки, ШХТ давлатлари нуқтаи назаридан 11 сентябр воқеалари бу ташкилотлар антитеррористик фаолиятига тўғри келмайди. Масалан, Қирғизистон 1-бўлиб, Антитеррористик марказ тузишни таклиф этди. Афғонистондан бўладиган терроризм ҳавфи нуқтаи назаридан Ўзбекистон ва Тожикистон учун бу марказни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Қозоғистон таъкидлайдики, ШХТ ни асосий вазифаси иқтисодий ҳамкорлик бўлиши керак.

Россия ҳам Қозоғистон сингари бу ташкилотга терроризмга қарши кураш воситаси деб қарамайди. 11 сентябр воқеаларидан кейин ШХТ давлатларини

¹ Акмалов Ш. Шанхайская организация сотрудничества и проблемы региональной безопасности. Журн. "Центральная Азия и Кавказ", 2005г, №2, с 146-153.

баъзилари АҚШ билан ҳамкорликни мустаҳкамлай бошлади. Бу ШХТ ни антитеррористик миссиядаги муваффақиятига ишонишни билдирмайди. Россия Душанба гуруҳи ёрдами билан ўз таъсирини мустаҳкамлади. Шу билан бирга АҚШ ва ШХТ баъзи давлатлар ўртасида 2 томонлама терроризмга қарши кураш бошланди. Масалан, Россия ва АҚШ, Хитой ва АҚШ. Натижада икки томонлама вазият мураккаблашди. Бир томондан, ШХТ нинг барча давлатлари Марказий Осиёда терроризм билан курашда фаол иштирок эта бошлади. Уларни бу соҳадаги ҳамкорлиги айниқса Россия, Ўзбекистон, Тожикистон ва Хитой антитеррористик компания ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бошқа томондан ШХТ бу компанияда бирлаштирувчи роль ўйнамайди. Бу ташкилотни ҳар бир аъзоси АҚШ билан икки томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этади.

ШХТ ҳудудда терроризмга қарши тузиладиган 1-ҳалқаро тизим бўлди. У ташкил топганидан бошлаб Марказий Осиёда терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашга чақирди. 2001 йил 15 юнда ШХТ ни олтита аъзоси Шанхай конвенциясини имзолади. Бу конвенцияда ҳудуддаги давлатларни терроризмга қарши курашда ҳамкорлиги зарурияти ҳақида сўз боради. Бу ҳужжат ушбу масалани ҳал этишда мустаҳкам ҳақиқий баъза бўлди.

11 сентябрда АҚШда юз берган террористик ҳаракатлардан сўнг, Марказий Осиёда кучлар балансини таъминлаш масаласида янги муаммоларни қўймоқда:

Биринчидан, агар 11 сентябригача ШХТ Марказий Осиёда ҳавфсизлик, терроризм билан курашда ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда лидер бўлган бўлса, ҳозир у бу муҳим роль ўйнамайди.

Иккинчидан, ШХТ ни ичидан уюшқоқлиги бузилади. Таъкидланганидек антитеррористик урушда у бирлаштирувчи роль ўйнамайди. Шунинг учун бу ташкилот аъзолари ўз ҳамкорлигини АҚШ ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкамлаш йўлига ўтади. Шубҳасиз, буларни марказсизлик анъанаси кучайишига ва бирликни кучсизланишига олиб келади.

Учинчидан, бу давргача ШХТ давлатларини иқтисодий ҳамкорлиги мустаҳкам эмасди. Марказий Осиёда Вашингтон таъсирини ўсиши АҚШ ва бошқа давлатларни ҳудудда инвестициялари ўсишига олиб келди. Агар вазият

шундай ўзгармаганда, ШХТни аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлиги ривожланарди.

Тўртинчидан, бу даврдаги ўзгаришлар маданият соҳасида ҳам ШХТ давлатлари ўртасида алоқаларни шакллантирди. Марказий Осиё ягона ҳудуд, бу ерда 4 та цивилизация-конфуцийлик, ислом, славян ва индуизм жамланган. Шанхай давлатлари доирасида маданий ҳамкорлик ва цивилизацион мулоқотни мустаҳкамлаш керак.

Бугун ШХТ давлатлари ўз олдиларида қандай жиддий муаммолар турганлигини яхши тушунади. 2001 йил 20 октябрида Шанхайдаги учрашувда Хитой Президенти Цзян Цзэмин ва Россия Президенти Владимир Путин таъкидладики, ШХТ ўз масаласида позициясини мустаҳкамлаши керак. Шунингдек Шарқий Туркистондаги террористик ҳаракатларга ва чечен жангариларига қарши эътиборни кучайтириш кераклиги таъкидланди. Ундан ташқари, Пекин ва Москва терроризм билан кураш бўйича ички гуруҳ ташкил этишга келишилди. 2001 йил 28-29 ноябрида мазкур масалага бағишланган доирада биринчи учрашув бўлди. Томонлар глобал кенгликдаги терроризм билан кураш муаммоси тўғрисида фикр алмашди, Афғонистондаги вазиятни муҳофаза этишди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари икки томонлама ва кўп томонлама даражада ҳаракат қилдилар. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти доирасида минтақада терроризмга қарши тура оладиган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб фаолият кўрсата бошлади. Мазкур тузилма зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Шу мақсадда тузилма таркибида кенгаш ва ижроқўм фаолияти йўлга қўйилган. Ижроқўмда эса ўзароо тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ ШХТга аъзо давлатлардан вакиллар ишлайди. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлган мажлисида Ташкилотнинг шаклланиши даври яқунланганлиги даври қайд этилди. Мажлис яқунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг

ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди. Кенгашга олти давлат махсус хизматларининг вакиллари киритилган. Уларни мақсади ўзгараётган вазият натижасида келиб чиқаётган янги зиддиятларга қарши туриш, иқтисодий ҳамкорлик борасида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хом ашё заҳираларини ўзлаштириш, сув энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, экология ва бошқа шу каби масалаларни ҳал этиш ҳисобланади.¹ ШХТга аъзо давлатлар минтақанинг барқарор ривожланиши тарафдори бўлган барча давлатлар ўзаро алоқаларини кучайтиришлари керак. Бинобарин бунда бизнингча ШХТнинг блок ёки ёпиқ альянсга айланиб қолмаслиги, очиқлиги, БМТ Низоми мақсадлари ва тамойилларига, ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ барча давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан амалий мулоқот ва ҳамкорлик тамойилларига риоя этиши жуда муҳим аҳамиятга эга. ШХТнинг ўтган даврлардаги фаолиятини кўриб чиқар эканмиз, шу ўринда шуни таъкидлаш керак бўлади. Бугунги кунда ШХТ ҳалқаро ҳамкорликнинг қудратли институтига, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, ҳалқаро террорчилик, сепаратизм ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш каби замоннинг энг қалтис ва таҳлика ва таҳдидларига қарши курашишда кучли ҳалқаро ташкилотга айланмоқда

¹ С.Жўраев, О.Ахмедов, М.Рахимова. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. Ғ.Фуллом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008 йил.

Таянч сўзлар.

Нуфузли ташкилот, таъсис ҳужжати, аксилтеррор тузилма, ассамблея, меморандум, глобал модел, стратегия, интеграциялашув, саммит, декларация, инвестицион ҳамкорлик, наркотрафик, транзит мамлакат, позиция, устав ҳужжати, ижрокўм, психотрон моддалар, инфратузилма, ресурслар, регионал тузилма, штаб-квартира, антитеррор тузилма, альянс, хунрезлик, миллий координаторлар, савдо-саноат палаталари, стратегик ҳамкорлик, иммунитет, ваколат, концепция минерал хом-ашё, ноҳукумат ташкилот, молиявий доиралар, агросаноат алоқалар, лойиҳаларни молиялаштириш, кредит битими, регламент, ноёб механизм, тадрижий ривожланиш, ҳарбий салоҳият, миграция, экспертлар, транспорт коммуникациялари, ахборот хавфсизлиги, гуманитар ҳамкорлик, сармоявий лойиҳалар, ягона макон, минтақа, субминтақа, кучлар баланси

Савол ва топшириқлар.

1.Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг асосий йўли, мақсад ва вазифаларини биласизми? Ташкил топиш тарихини-чи?

2.Минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда ШХТ қандай роль ўйнайди?

3.ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифаларини нималардан иборат деб биласиз?

4.Минтақамиз ва халқаро иқтисодий-сиёсий ҳамкорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон-ШХТ ҳамкорлигининг аҳамиятини тушунтириб беринг?

5.Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг халқаро терроризмга қарши курашдаги ўрни ва аҳамияти қандай?

II БОБ.

Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти.

1.Марказий Осиё минтақаси давлатларида янги интеграцион жараёнларнинг бошланиши.

Ҳозирги кунда халқаро доирада шаклланаётган сиёсий қарашлар Республикамизнинг Марказий Осиёда тутган ўрнини юқори баҳолайди. Дарҳақиқат, минтақадаги мавжуд муаммоларнинг конструктив ечимини топишда Ўзбекистон кўп қиррали ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ушбу минтақада хавфсизликка таҳдидларнинг доимийлиги ва кучли давлатларнинг манфаатлар тўқнашуви шароитида Мустақилликни асраб қолиш ва янада мустаҳкамлашни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бунда, минтақа давлатларининг барчаси ягона умумхавфсизлик тизимини яратиш зарурият эканлигини англаб етган ҳолда, ушбу тизимда минтақавий интеграция ғояси етакчи ўринни эгаллайди. Бу ғоянинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб, унинг самарали саъй-ҳаракатлари натижасида бу геосиёсий маконда қафолатланган хавфсизлик тизилмалари яратилмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари ўртасида тузилган битимлар, давлат раҳбарларининг расмий ўзаро ташрифлари чоғида ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлиги доирасидаги учрашувларда имзоланган сиёсий ҳужжатлар МО давлатлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун меъёрий ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилади.

1992 йилнинг 22 июнида Ўзбекистон Республикаси ва Қоғоғистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома тузилган эди. Унда томонлар ўз муносабатларини бир-бирларининг мустақиллиги ва давлат северенитети, тенг ҳуқуқлигини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик, ҳудудий яхлитлигини ҳамда мавжуд чегараларининг дахлсизлигини тан олиш ва ҳурмат қилиш; давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқлар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек икки томонлама сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, гуманитар ва экологик ҳамкорликни кенгайтириш ва

чуқурлаштириш, ташқи сиёсат соҳасида, халқаро ташкилотлар ишида ўзаро ёрдамлашиш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг мувофиқлаштиришига ёрдам бериш; уюшган жиноятчиликқа, терроризмга қарши курашда, шунингдек наркотик моддаларнинг, қурол-аслаҳаларнинг ноқонуний сотилишига, контрабандага қарши курашда ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш принципларига амал қилишлари алоҳида таъкидлаб ўтилди.¹

1993 йилнинг июль ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йилларга мўлжалланган ўзаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида Битим имзоланган эди. 1994 йил январида эса-Ягона иқтисодий ҳудуд ташкил этиш ҳақидаги Шартнома имзоланди (кейинчалик ушбу шартномаларга Қирғизистон ҳам қўшилди.)

Марказий Осиё Республикалари ҳамда Қозоғистон раҳбарлари ўртасида 1991 йил 13 декабрь Битимига, шунингдек Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон Республикалараро Маслаҳат Кенгаши Мажлисининг 1991 йил 17 декабридаги Баённомасига асосан Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакиллари томонидан 1992 йилнинг 3 мартида Тежен-Серахс темир йўлининг қурилишини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш тўғрисидаги Битим имзоланди. Ўзбекистон 1992 йил учун 65 миллион рубл миқдорида маблағ ажратди. Унинг 48 миллион рубли қурилиш-монтаж ишларига ҳамда зарур моддий-техник ресурслар учун йўналтирилди.

Туркменистон эса Ўзбекистон Республикасининг Тежен-Серахс темир йўл тармоғи қурилишига йўналтирилган маблағларни, темир йўл тармоғи ишга туширилгач, ушбу йўлдан Ўзбекистоннинг барча юкларини имтиёзли асосларда ташиб бериш билан қоплашни ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсати бўйича фаолиятини изчил давом эттириб борар экан, Тожикистондаги тартибсизликлар бошланган илк кунларданок, мазкур давлатга ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда.²

Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий-сиёсий интеграция жараёни расман 90 йилларнинг биринчи ярмидан бошланди. 1994 йил Ўзбекистон,

¹ Международные договоры Республики Ўзбекистон. 1-книга. Т. 1998 г, с 128-138.

² А. Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т. Фан. 2004 йил, 63-64 бетлар.

Қозоғистон ва Қирғизистон Ягона иқтисодий макон шартномаси тузишди. 1998 йил Тожикистон ҳам бу шартномага қўшилди. Юзага келган ҳуқуқий асосни ташкилий ва молиявий жиҳатидан таъминлаш учун Давлатлараро кенгаш ва Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банки барпо этилди. Ушбу шартномага мувофиқ 1995-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграция Дастури қабул қилинди. Бу Дастур доирасида қўшма корхоналар тузулиб, ишлаб чиқариш кооперацияси “Куртак ота” бошлади.¹

Сув-энергетика, ёнилғи ресурсларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилиб, давлатлараро газ қувурлар ётқизилди. Натижада газ-нефть захираларини ва сув ресурсларини бир-бирига етқазиб бериш инфраструктураси юзага келди. Бу эса ўз навбатида собиқ Иттифок парчалангандан кейин бузилган бутун иттифок иқтисодий тизимдан қурилган зарарларни олдини олишга олиб келди.

1999 йил Бишкек саммитида 25 та катта ҳажмдаги лойиҳа маъқулланди. Томонлар минтақа давлатлари энергетика тизимларини ёнма-ён ишлашни таъминлаш ва Сирдарё ҳавзаси сув-энергетик ресурсларидан тенглик принципи асосида фойдаланишга келишиб олинди. Оқибатда минтақадаги интеграцион жараён Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти деган номни олди. XXI аср нафақат ўзбек халқи тақдирида, балки Ер юзи аҳолиси ҳаётида тубдан бурилишлар даври бўлишини олдиндан башорат қилмоқда. Дунёвий муаммолар, уруш ва тинчлик масалалари ва тазйиқ ўтказиш сиёсати давлатлараро худбинлик сингари иллатларни кескин фарқ қилиш, уларни юксак маданий ва умуминсоний қадриятларга таянган сиёсатини қарор топтириш йўли билан бартараф этиш Ўзбекистон халқаро сиёсатининг бош йўлидир. У ижтимоий тузум ғояси ва тараққиёти йўлидан қатъи назар тинч-тотув яшаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдоридир. Шу йўл билан ер юзи хавфсизлигини таъминлаш, миллати, ирқи яшаб турган мамлакати, фуқаролиги ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар инсон ҳаётини ҳимоя қилишга эътибор билан қарайди.

¹ Жуков Р. Резниково О. Россия-Центральная Азия: новая модель взаимодействия. “Россия и юг: возможности и пределы взаимодействия”. Москва: Финстатинформ, 1996 год, с 203-206.

1995 йил 5 майда Олий мажлис II сессиясида “Туркистон умумий уйимиз” шиорини илгари сурилиши, унинг мазмунидан кўзланган мақсад минтақавий барқарорликни таъминлашдир. Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари жаҳоннинг бошқа иттифокдош ва минтақавий ҳамкорлик мамлакатларидан фарқли ўлароқ маънавий ва маданий ҳамкорликка кўпроқ асосланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда ҳудудий жойлашиши жиҳатидан ҳам ер ости ва ер усти бойликларига эгаллиги, ҳуллас, иқтисодий кўлам ва маданий даражаси жиҳатидан ҳам алоҳида мавқега эга. Республикамизнинг ташқи сиёсий йўли аниқ. Бу йўл минтақада яхлит иқтисодий ҳудудини вужудга келтириш ва ривожлантиришдан иборат. Олий мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги I сессиясида Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини белгилаб, шундай дейилган эди: Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир. Халқларимиз тарихи, маданияти, анъаналари, диний эътиқоднинг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Бизнинг мақсадларимиз бир, тақдиримиз бир. Бизда миллий муносабатларда кескинликлар йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган воқеалар ҳам йўқ. Ҳақиқатан ҳам минтақадаги хавфсизликни қарор топтириш Ўзбекистон раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг ушбу устувор йўналиши эди. Оддий қилиб айтганда иқтисодий жиҳатидан тўлиқ оёққа туриб олиш учун тинч муҳит, тинч ва осойишта макон зарур эди. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумустивор жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Хельсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкент танланганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимиз НАТОнинг тинчлик йўлидаги шериклик иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда сиёсий сахнада Марказий Осиёдаги етакчи ҳамда кўзланган мақсадларига эриша олиши жиҳатидан имконияти кенг, шу билан биргаликда мазкур ҳудуддаги тинчлик учун жавобгарлик юкини зиммасига олган давлат ҳамда ички, беқиёс табиий ресурслардан фойдаланиш

учун шарт-шароитлар етакчи ҳамкор сифатида дунёнинг пешқадам мамлакатлари томонидан тан олинди.

2001 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, ва Ўзбекистон Республикалари давлат раҳбарларининг Тошкент Баёнотида “Минтақавий иқтисодий интеграциянинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ягона хавфсиз ҳудудини шакллантириш масалалари бўйича ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва барқорорликни сақлаш бўйича биргаликдаги хатти ҳаракатларни ишлаб чиқиш мақсадида сиёсий, савдо иқтисодий, илмий техникавий, маданий гуманитар соҳадаги муносабатларда кўп режали, ҳамкорликни жадаллаштириш тарафдори эканликларини билдирдилар ҳамда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИХ)ни “Марказий Осиё ҳамкорлиги” Ташкилоти (МОХ) деб қайта тузишга келишиб олдилар”.¹

Шунингдек Тошкент саммити музокараларида томонларнинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати бир эканлиги таъкидланди. Президентларнинг Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватланишини, мамлакатда тўла тинчлик ва барқорорлик ўрнатишда урушдан кейинги тикланиш даврида ундан ёрдамни аямаслигини билдирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки “Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош мамлакатлардаги Ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларни олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу йўлда мамлакатимиз ўз давлат сиёсати доирасида ҳам халқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда, мавжуд имкониятларни, аниқ мақсадни кўзлаб ишга солади. Бугун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмунга эга”.² Хуллас, бугунги кунга қадар Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунё Ер куррасининг энг хавфли ҳудуди ва имкониятига сўнгсиз кулфатлар келтирувчи асримиз вабоси терроризмдан ҳам

¹ “Ўзбекистон овози” газетаси, 2001 йил, 29 декабрь.

² Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил, 33-бет.

огоҳ қилиб келди. Бундан ташқари 2000 йилнинг 19 октябрида Тошкентда “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга ёндошиш” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари Тошкент Декларациясини қабул қилдилар. Шунингдек 2000 йилнинг 1 декабрида МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг Минскда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон Президентлари иштирокида уч томонлама мулоқотда ҳам давлатимиз раҳбари минтақада тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини баён этди.

Ўзбекистоннинг Минтақа хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашдаги ҳаракатларида МДХ мамлакатлари билан бўлган ўзаро алоқалар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу борада Юртбошимиз “не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Аллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир”¹ - деган эди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан янги ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантиришдан иборатдир.

Бугунги дунё шунуси билан ҳарактерланадики, унда давлатлар барча соҳаларда бир-бирлари билан изчилроқ ҳамда мустаҳкамроқ боғланиб бормоқда. Бугунги кун муаммолари ўта глобаллашиб бормоқда. Айниқса, ҳарбий-сиёсий муаммолар халқаро ҳамжамияти аъзоларидан инсоният яшаб қолишини таъминлаш учун келишилган коллектив саъй-ҳаракатларни талаб этади. Шу боис, бугунги кунда инсоният цивилизацияси олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ядро қуроли бундан кейин тарқалишининг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан ўрнатилган сиёсий ҳамкорликлардаги Марказий Осиёда мавжуд бўлган ва халқлар ўртасида миллий айирмачилик, диний экстремизм ва халқаро терроризмни авж

¹ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 2-жилд, 233-бет.

олдиришга уринувчи, бутун минтақанинг, унда жойлашган давлатларнинг мустақиллигига, северенитетига, ҳудудий бирлигига, хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна солиш мақсадларида наркотиклар савдосини қурол-яроғлар контрабандасини ва жиноятчиликни кенг ёйишни қурол қилиб олган ёвуз кучларга қарши курашиш зарурлиги ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакатлар, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оиласи аёли ва оналарининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилаолмас экан, унинг том маънода давлат деб ҳам атаб бўлмайди. Бутун тарихий ўтмишимиз, аجدодларимиз ўғитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини қафолатлай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайти. Собиқ совет блоки емирилиб, Варшава шартномаси тугагандан кейин, 1949 йилнинг апрелида ташкил қилинган ва Европадаги 14 та мамлакатни, шунингдек АҚШ ва Қанадани Бирлаштирувчи Шимолий Атлантика шартномаси Ташкилоти-НАТО га аъзо давлатлар ана шундай операцияларни амалга оширувчи энг реал ва қудратли ҳарбий сиёсий ташкилот бўлиб қолди.

НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури Европа Хавфсизлигининг янги моделини яратишга қаратилган йўналишлардан бири бўлиб қолди. У қўшилмаган, бетараф мамлакатларнинг ҳамда собиқ СССР мамлакатларининг куч-ғайратини бирлаштирди. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкорлик қилиши Марказий Осиё минтақасида ва умуман Евроосиё маконида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ишига кўмаклашади, мамлакатлар ўртасидаги турли соҳалардаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга олиб боради ва пировард натижасида жаҳон ҳамжамиятига тезроқ интеграциялашиш имконини беради. Шунинг учун ҳам Биринчи Президент И.А.Каримов “НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриши, бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон беради”-дейди.

Асримизнинг дастлабки ўн йиллигининг илк давларидаёқ халқаро терроризм, қурол савдоси, наркобизнес каби мудҳиш воқеалар дунёни ларзага

солади. Афғонистонда 20 йилдан зиёд вақт давом этиб келаётган уруш яна кучайди. Марказий Осиё айниқса, Ўзбекистоннинг биқинида жойлашган Афғонистон халқаро терроризмнинг макони, бошпанасига айланиб қолди. Оқибати-Афғонистондаги халқаро терроризмнинг қутқуси, захри нафақат Амударё ортидаги давлатлар, балки Океан ортидаги Америкага ҳам етиб борди. Шу билан бирга терроризмни асримиз бошиданок бутун тинчликсевар халқлар ва давлатларга қарши уруш қилди.

Юртбошимиз Ер шарининг қайси давлатида бўлмасин, Афғонистондаги тинчлик сайёрамиз осойишталиги эканлигини ўша йиллардаёқ уқтириб ўтди. Масалан, 1994 йилнинг 29 июнида хорижий мамлакатлар ва Халқаро ташкилотларнинг Республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашувда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти жаҳонда, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталик қарор топиши йўлида қилаётган ишларнинг юксак баҳоланиши, бу ишлар самарали якунланиши тарафдори эканлигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ЕвроАтлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқларида (2002 йил, 22 ноябрь) шундай деган эдилар: “Биринчидан бизнинг минтақадаги хавфсизлик билан боғлиқ аҳвол ҳақидаги сўз кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у бир йил аввалги ҳолатидан жиддий фарқ қилади. Минтақамиздаги мамлакатлар Афғонистон ҳудудларидаги босқинчи ва террорчи кучлар томонидан ҳар йили содир этиладиган қўпоровчилик ҳуружларидан халос бўлди. Энг муҳими, уларнинг ортида турган, ҳаддидан ошган толибларнинг ҳудудимизга бостириб кириши таҳдиди билан боғлиқ доимий хавф-хатардан қутулди.

Иккинчидан. Бугунги кунда халқаро террорчилик ўзи озиқланиб келаётган, тобора нарко агрессия тусини олаётган наркотрафик билан чамбарчас боғланиб кетмоқда... Афсуски, бугунги кунда турли халқаро ташкилотлар шафъелигида амалга оширилаётган кўплаб дастурлар ва Марказий Осиё минтақасида ушбу таҳдидга қарши қўйишимиз мумкин бўлган чора-тадбирлар ўзаро яхши мувофиқлаштирилган, молиявий ҳамда моддий

ресурслар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Учинчидан. Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларни янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.”¹

2001 йилнинг 11 сентябр воқеаларидан сўнг Марказий Осиё давлатлари дархол Евро-Атлантика ҳамкорлик Кенгаши аъзолари билан биргаликда терроризм балосини бартараф этиш бўйича барча чораларни ишга солиш масаласини муҳокама қилди. Жумладан, Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши кураш бошланган биринчи кунларданок бу курашнинг муҳим ҳаётий аҳамиятини англаган ҳолда халқаро қаолцияга ёрдам кўрсатишни маълум қилди. 2001 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон ҳукумати ўз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатлари самолётлари учун очишни, мамлакат ҳудудидан қутқарув-қидирув ва гуманитар мақсадларда фойдаланишга рухсат беришни баён этди. Маълумки, Марказий Осиё давлатларида асосан ислом динига эътиқод қилувчи аҳоли яшайди. Шу маънода олиб қараганда, уларнинг коалиция миссияларини қўллаб-қуватлаши терроризмга қарши бошланган халқаро кураш исломга қарши салиб юриши ёхуд цивилизациялар тўқнашуви эмас, балки террорчилар ва уларнинг раҳнамоси Усама Бин Ладенга қарши эканлигини намойиш этди. Қолаверса, терроризм Шимолий Америка, Европа ёки Марказий Осиёда жойлашувидан қатъий назар, барча давлатларга бир хил таҳдид солиб тургани маълум бўлди. Ва яна айни ҳуружлар ва терроризмга қарши умумҳаракат Евро-Атлантика хавфсизлиги учун нақадар зарурлигини ва бунга НАТОнинг Марказий Осиё давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилиши нафақат бугунги мураккаб вазиятда, балки ундан кейин ҳам зарурлигини кўрсатди.

Харҳақиқат, тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро аввало ўз вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга ғаразли мақсадда қилинаётган информацион ҳуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 23 ноябрь.

воқеаларга очик кўз билан қараши, ўз уйи, маҳалласи, шаҳар, қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон кўйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур.

Кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтақаларда вужудга келган кескин муносабатларни, зиддиятларни жуда кўп сабаблари борлигини ва бу сабаблар танқидий таҳлилга мухтож эканлигини Ислон Каримов ўзларининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари,” асарида кўрсатиб берган эдилар. Булар: “Бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиш жараёнларини таҳлил қилиш;

-Миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши;

-Этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги;

-Қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг кадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстеремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги;

-Мамлакатлар, халқаро ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва авайлаб муносабатда бўлиш талаб қилаётганлигидан далолат беради. Бизни кўршаб турган олам мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак.”¹

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги тинчликсевар ташқи сиёсатининг конституцион тамойиллари тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик; шу ҳудуддаги давлатларнинг суверен тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлашдан иборатдир. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда балки бутун жаҳонда барча умумбашарий муаммоларни тинч йўл билан

¹ И.А Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил, 6-бет.

ҳал этиш, катта ва кичик урушларга барҳам бериш, террорчилик, кўпорувчилик, гиёҳвандликка қарши фаол курашни мақсад қилиб қўймоқда. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар жаҳон сиёсий ҳаритаси, бинобарин, хавфсизлик тизимида катта ўзгаришлар ясади. Шундай бир шароитда ер юзидаги ҳар бир давлат, айниқса янги мустақил Республикалар учун ўз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш бош масалага айланди. Шу жумладан, Ўзбекистон билан БМТ, НАТО, ЕХХТ ҳамда бошқа йирик тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам аввало мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Негаки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг тараққиёти учун тинчлик ва барқарорлик энг асосий шарт саналади.

Мустақил Республикамиз учун қисқа бир давр мобайнида катта тараққиёт йўли босиб ўтилди. Ўзбекистоннинг минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистонда биродаркушлик урушига барҳам бериш ва халқаро терроризмга қарши кураш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш каби ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Агар биз бугунги ҳаётимизга бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга, тўғри баҳо бермасак ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар ҳил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин. Бугунги кунга келиб замон талабларининг ўзгариши ва унинг талабларига муносиб жавоб бераётган мамлакатлар сафида бўлиш, янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этишда бу муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ўзаро ҳамжиҳатликни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда, хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани ва уни дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганлиги Ўзбекистоннинг, халқаро ва минтақавий ташкилотлар орасида ҳам нуфузини янада ошириш тўғрисида Биринчи президентимиз И.А. Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида сўзлаган нутқида (2005 йил, 5 июль) минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликнинг моҳиятини яна бир марта кўрсатиб ўтди.

Биринчи. Марказий Осиёнинг айрим мамлакатларидан ва бутун минтақадаги мавжуд аҳволнинг тез ўзгариб туриши ҳамда вазиятни издан чиқарадиган таҳдидларнинг сақланиб қолаётгани, бундай хавф-хатарлар ортида турган кучларнинг имконият ва ресурслари айти минтақада яшаётган халқлар тақдирини уйлаб қайғурадиган барча давлатлар ва одамларда ташвиш ва ҳавотир уйғотмасдан қолмайди.

Иккинчи. Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг кўламигина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно мазмуни, восита ва услублари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тубдан ўзгариб бораётганига эътироф қаратиш жоиз.

Учинчидан. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш минтақадаги вазиятни издан чиқарувчи тажаввузкор кучга, халқаро терроризмнинг моддий таянчига айланиб бормоқда.

Буларнинг барчаси минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан кун сайин ортиб бораётган хатарли таҳдидни бартараф этиш учун курашда ШХТ га аъзо бўлган мамлакатларнинг саъй ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш билан боғлиқ ишлар аҳволини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.¹ Булардан ташқари давлатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақада ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал хом-ашё ва биринчи навбатда углеводород заҳиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини қайд этди. Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачилик кучларнинг фаоллашаётгани ҳам қаттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди. Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишининг қалити ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассамлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

¹ Ислон Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2005 йил, 13-жилд, 441-444 бетлар.

Хуллас, биринчидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда тинчлик ва коллектив хавфсизликни сақлаш шу минтақадаги мамлакатлар салоҳиятини бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари жаҳонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш учун ўта муҳимдир. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги тинчликсевар ташқи сиёсатининг конституцион тамойиллари тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик; шу ҳудуддаги давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низолари тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлашдан иборатдир.

Шундай қилиб, МО давлатлари нафақат бутун жаҳонда барча умумбашарий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, катта ва кичик урушларга барҳам бериш, террорчилик, қўпоровчилик гиёҳвандликқа қарши фаол курашни мақсад қилиб қўймоқда. Бу мақсадларни амалга ошириш учун мустақил Республикалар ўзининг ички ва ташқи имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқди. Жумладан, халқаро хавфсизликни бир қисми бўлган минтақавий хавфсизлик муаммоси ҳам. Минтақавий хавфсизлик бу минтақани мавжуд яхлитлигини таъминлаш, уни иқтисодий муносабатларда, табиатни муҳофаза қилишда, дунё ҳамжамияти билан шу минтақа учун қулай шароит яратиш ва чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Минтақавий хавфсизликни макон нуктаи-назаридан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ташқи минтақавий хавфсизлик: ички минтақавий хавфсизлик.

Марказий Осиёда ташқи минтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган омилларга: Афғонистондаги нотинч вазият, минтақа атрофидаги давлатларо қуролланиш пойғасини кучаяётганлиги ва Покистон ва Ҳиндистонда ядро синовлари ўтказилиши. Марказий Осиёнинг геополитик марказларидан бири ҳисоблиниши, дунёда энергияга талабни ошиб бораётганлиги ва бошқаларни киритиши мумкин.

1. Афғонистонда тинчлик ўрнатмай туриб, бу катта минтақада хавфсизликни таъминлаб ва узоқ муддатли барқарорлик ўрнатиб бўлмайди. Афғонистонда 6 млн.га яқин тожиқлар, 1млн.га яқин туркманлар, 2 млн.дан ортиқ ўзбеклар яшайди.¹ Бу мамлакат ҳудуди халқаро террорнинг таянч маркази, ўта жангари ва бузғунчи кучларнинг машқ майдони, жаҳон бозорига наркотик моддаларни етказиб берадиган асосий макон бўлиб қолди.

2.Маълумки, Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд ҳисобланади. Бу 1995 йилда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномаларни узайтиришга бағишланган халқаро конференцияда расмий равишда қайд этилган. 1997 йилда Алмата декларациясида Марказий Осиёдаги барча давлатлар уни қўллаб-қувватлаганлар. Лекин Марказий Осиёга қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ҳаракат қилиши ҳудуд хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

3. Марказий Осиё геосиёсий марказлардан бири ҳисобланади. Таниқли сиёсатшунос ва давлат арбоби З. Бжезинский минтақаларни, давлатларни геосиёсий нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб икки гуруҳга бўлади. Геосиёсий марказлар; геостратегик ҳаракатлантирувчи куч Марказий Осиё геостратегик ҳаракатлантирувчи кучларга Россия, Хитой, АҚШ, Эрон давлатларини киритиш мумкин.

Ички минтақавий хавфсизликка келадиган бўлсак асосий таҳдид этувчи омиллар этник муносабатлар, давлатлар ўртасидаги чегара масалаларини ҳал қилинмаганлиги сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар терроризм, диний экстремизм ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистоннинг роли беқиёс. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳукуматининг минтақадаги хавфсизликни таъминлашда ва тинчликни сақлаб туришда жонбозлик кўрсатаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон бу ҳудудда вужудга келган вазият тўғрисида ҳар доим бонг уриб келгани яхши маълум. Ўзбекистон Президенти Афғонистонда юзага келган мушкул вазиятга 90-йилларнинг бошларидаёқ жаҳон жамоатчилиги

¹ Ю.Морозов. Перестройка политической карта, “Азия и Африка сегодня”. 2002 год, №7, стр 9-14.

эътиборини қаратиб, уни ҳал этиш учун аниқ таклифлар кирита бошлаган эди.

1993 йил март ойида БМТ бош котиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактубида, 1993 йил 18 июнда “Форум фонд” (Швецария) сессиясидаги нутқида, 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаги маърузасида, 1994 йил декабрида Будапештда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг анжуманида сўзлаган нутқида, 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида, 1995 йил 24 октябрида БМТ 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида, 1997 йил 22-25 сентябрида Тошкент ЕХХТ Парламенти Ассамблеяси томонидан ўтказилган “Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик масалалари” мавзусидаги халқаро семинарда, 1999 йил 18 ноябрда ЕХХТнинг Истанбул саммитидаги нутқида ва бошқа бир қатор чиқишларида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун Афғонистонда тезроқ барқарор вазиятни қарор топтириш, терроризм ва қуролланиш пойгасига чек қўйиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган эди.

Республикаимизнинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Хельсинки якунловчи актига, ЭКО Қўшилмаслик ҳаракати, Ислом Конференцияси ҳамда НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилиши унинг халқаро майдондаги сиёсий мавқеининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжуманлар, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, минтақадаги кимёвий, бактериологик қуроллар устидан халқаро назорат ўрнатиш ядро қуралини батамом йўқотиш, Марказий Осиёда наркобизнесга қарши кураш бўйича БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш, Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини ташкил этиш ва шу билан бирга минтақанинг энг муҳим муаммоси билан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида амалий ташаббусларнинг қўллаб-қуватланиши мамлакатимизда ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар мустақиллигимиз шарофати

миллатимиз обрўсидир.

Маълумки, XX асрнинг тугалловчи ўн йиллиги жаҳон сахнасида ўзига хос жаҳоншумул воқеалар билан жой олди. XX асрнинг охирида жаҳон ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси майдонга чиқди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган илк даврларданок нафақат ўзининг миллий ҳудудий барқарорлигини таъминлаш балки Марказий Осиё минтақаси

муаммолари қолаверса, минтақа орқали жаҳон ҳамжамияти тинчлигига раҳна солувчи муаммоларни ечишда бир қанча ишларни амалга оширди.

Бизга маълумки, собиқ Иттифок тарқаб кетгандан сўнг Марказий Осиё ҳудудида замонавий дипломатиянинг янги йўналиши шаклланди, яъни бу минтақвий дипломатия йўналишидир. Бу дипломатиянинг асосий тамойили бутун минтақа учун умум аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишдан иборат. Бунинг асосий шакли эса давлат раҳбарларининг ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама дипломатияларида ўзаро учрашиб биргаликда минтақа муаммоларини ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ечимини изохлаш.

Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовўзларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъйи ҳаракатлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган илк йилларидан бошлаб ўзининг ташқи сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида Марказий Осиёда Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлини танлади. Ўзбекистон Республикаси ушбу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

1. Марказий Осиё минтақасига қўшни бўлган давлат Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “6+2” халқаро учрашуви.

2. БМТ нинг 48,50 сессиялари, БМТнинг минг йиллик саммити ва бошқа бир қанча халқаро анжуманларда давлатимиз раҳбарининг сўзлаган нутқларида

нафақат ушбу муаммо нафақат назарий жиҳатидан асосланган, балки амалий кўрсатмалар ҳам берилган.

3. ЕХХТнинг 1999 йил ноябр ойида ўтказилган Истанбуль саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ ташкилоти тизимида терроризмга қарши Ҳалқаро Марказ ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Ўзбекистон Республикаси минтақадаги барқарорликни таъминлаш борасидаги позицияси бундан буён ҳам ўзгармасдан қолмоқда. Бунини биз мамлакатимиз парламенти Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги чиқишлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Биринчидан: Марказий Осиёда тинчлик ва тарқоқликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи бўлган ҳудудни бирпо этиш борасидаги ташаббусларни амалга ошириш.

Иккинчидан: Кўп йиллардан буён давом этиб келаётган Афғонистон муаммосини ҳал этишда, Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган музокараларни аниқ натижаларга қаратиш.

Республикаимиз минтақавий хавфсизлик тизимини, хусусан Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорлик тизимини ташкил этиш заруриятига алоҳида эътибор бериб, бу борада Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликнинг нечоғли муҳим эканлигини эътироф этмоқда. Минтақавий хавфсизлик мамлакатлар ўртасидаги кескинликни юмшатишга кўмаклашиб интеграциялашув жараёнларига интилишни кучайтиради: у нафақат ҳарбий таҳдидларга қарши кураш воситаси сифатида, балки, айни пайтда экологик хавф-хатарлар, жиноятчилик, наркабизнесга қарши курашда ҳам, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ҳам ниҳоятда қўл келади.

Минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи ва ички хатарларнинг ёйилишига йўл қўймаслик уларнинг олдини олиш учун Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатлари, салоҳият ва имкониятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамият қасб этади. Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеянинг 1993 йил 28 сентябрида бўлиб ўтган 48-сессиясида сўзга чиқиб,

Марказий Осиёда Хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақиришни таклиф этди ва бунда манфаатдор мамлакатлар минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қилиш мумкинлигини эътироф этди. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчлик ва чегараларнинг яхлитлигини бузмокчи бўлганлар қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди.

Президентнинг бу таклифи 1995 йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинарда қабул қилинди. Ушбу анжуманда 31 давлат ва 6 та халқаро ташкилотнинг, шу жумладан Осиё мамлакатларининг ҳам вакиллари, Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИҚТ) вакиллари иштирок этди.

Семинарда Марказий Осиё минтақасида вужудга келган сиёсий вазият таҳлил қилинди, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида давлатлар ўртасида тинчликни таъминлаш бўйича коллектив чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳатларни амалга ошириши, ўзаро манфаатли ҳамда тенг шерикчилик асосида ҳар томонлама ҳамкорлик, мамлакатлар ўртасида интеграцион жараёнларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Шу билан бирга, семинар кенгаши Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлашга бевосита алоқадор бўлган долзарб муаммоларни белгилади, уларни батафсил таҳлил қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун мамлакат ташқи сиёсатининг Ш.М.Мирзиёев томонидан таъриф берилган йўналиши муҳим аҳамиятга эгадир.

“Бугун Марказий Осиё халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшнилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очилди.

Биз минтақа раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳақидаги ташаббусни илгари сураб эканмиз, ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун бутунлай янги имкониятлар вужудга келаётганига асосландик. Айниқса, кейинги бир ярим йилда бўлиб ўтган ва қатор долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топиш, янги шартнома ва келишувларни имзолаш имконини берган ўзаро ташрифларимиз, мунтазам учрашув ва музокараларимиз принципал жиҳатдан янги форматдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлди”¹.

¹ Ш.Мирзиёев. Марказий Осиё халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очган учрашув. Т. “Ўзбекистон”, 2018 йил, 2-жилд, 347-3487 бетлар.

2. Марказий Осиёдаги интеграцион жараёнларнинг келажакдаги истиқболи.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар-Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилди. Минтақадаги бешта давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, дилимизнинг бирлиги, томирларимизнинг тутшиб кетганлиги бу мамлакат халқларини бир-бирига яқинлаштиришнинг заминидир.

Ўзбекистон раҳбарияти бу минтақадаги давлатлар, халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ва мустаҳкамлаш чораларини қадам-бақадам кўриб бормоқда.

Марказий Осиё давлат бошлиқларининг биринчи учрашуви 1990 йил июнда Алмати шаҳрида бўлиб ўтди. Учрашув собиқ Иттифоқ ҳали мавжудлиги шароитида унинг аҳволи тобора ёмонлашиб бораётган, халқ хўжалигининг барча соҳаларига танглик кучайиб бораётган, пул қадрсизланган, нарх-наво қимматлашиб бораётган шароитда бўлган эди. 1993 йилнинг январида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон раҳбарлари дўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди. Буни минтақа халқлари зўр мамнуният билан қарши олдилар ва қўллаб-қувватладилар. Шу тариқа жаҳон сиёсий сўзлигига “Марказий Осиё” деган янги атама пайдо бўлди. Албатта, бу ҳодисага турли тоифа ва қарашдаги сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар турлича баҳо бердилар. Биринчи Президент Ислон Каримов Марказий Осиё Ҳамдўстлигини вужудга келтириш ташаббускори сифатида унинг мақсад ва моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди: “Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир. Халқимиз тарихи, маданияти анъаналари, диний эътиқоднинг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Бизнинг мақсадларимиз бир,

тақдиримиз бир. Бизда миллий муносабатларда кескинликлар йўқ, хал қилиб бўлмайдиган воқеалар ҳам йўқ”.¹

1994 йил 30 апрелида Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланди. Уч қардош мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик янги поғона кўтарилди.

1994 йил июнь ойи бошида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ҳам бу уч қардош мамлакатлар халқлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда яна бир янги қадам бўлди. Унда ўзаро интеграцияни кучайтириш бўйича Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки тузиш тўғрисида битимлар имзоланганди. Томонлар давлатлараро кенгаш ҳамда унинг доимий ижроия органини, шунингдек Бош Вазирлар Кенгаши, ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгашини таъсис этдилар, бундай ягона мувофиқлаштирувчи бошқарув органларининг пайдо бўлиши Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида интеграция учун ҳуқуқий заминни янада мустаҳкамлади. Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилди. Шу тариқа Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (МОИХ) ташкил топди.

1995 йил 3 мартда Тошҳовузда, 1995 14 апрел кунини Чимкентда, 1997 йил 9-10 январь кунлари Бишкекда, 1997 йил декабрида Остонада, 2000 йил, 20-21 апрел кунлари Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувларда Президентлар халқаро консорциумлар тузиш бўйича уч мамлакат ҳамкорлиги тамойиллари концепциясини маъқулладилар.

1998 йилда Тожикистон Республикаси Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирди. 2000 йил, 14 июлда Душанбеда бўлиб ўтган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлат бошлиқларининг кенгашида президентлар иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи иқтисодий интеграциясини янада чуқурлаштириш тадбирлари, Сирдарё ва Амударёнинг сув энергетика захираларидан умумий фойдаланиш масалалари юзасидан фикр

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил, 24 февраль.

алмашдилар. Кенгашда МОИХнинг 2002 йилгача бўлган муддатда ягона иқтисодий маконни яратиш бўйича биринчи навбатдаги саъй-ҳаракатлар дастури тўғрисида, 2005 йилгача бўлган интеграцияни ривожлантириш стратегияси ҳақида қарорлар қабул қилинди.

2001 йил 28 декабрь куни Тошкентда Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Мазкур кенгашда Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини тўхтатишга қарор қилинди. Ислон Каримов таклифига биноан МОИХ негизида Марказий Осиё Ҳамкорлиги (МОҲ) ташкилотини тузишга келишиб олинди.¹

2002 йил 28 феврал куни Алмата шаҳрида Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Президентлар Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани имзоланди. Шу тариқа МОҲ ташкилоти ҳукуқий жиҳатдан расмийлашди. МОҲнинг раиси этиб Ислон Каримов сайланди. Мазкур Ташкилот энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек сиёсий, ижтимоий маданий ва бошқа турдаги алоқалар кўламини кенгайтириш масалалари билан шуғулланади.

МОҲ ташкилотига аъзо давлат бошлиқларининг 2002 йил 6-7 июл кунлари Октов (Қозоғистон), 5-6 октябрь кунлари Душанбе саммитлари бўлиб ўтди. Тошкентда 2002 йил ноябрь ойида МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари вакилларининг форумлари бўлиб ўтди.

2002 йил 27 декабрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг тўртинчи саммитида минтақавий хавфсизлик, орол инқироzi, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, наркотик контрабандаси каби масалалар муҳокама этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янгича шаклда ташкил этилган “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” демократик тузилмадир. У аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига таянган ҳолда кенг кўламли мулоқотлар ўтказиш,

¹ Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида. Республика илмий-назарий анжуманнинг илмий тўплами. Т. 2004 йил, 258-бет.

умумий муаммоларга келишув ва маслаҳатлар орқали умумий ечим топиши имконини яратди. Илгари Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти фаолияти фақат иқтисодиётига оид масалалар билан чекланган бўлса, унинг заминиди тузилган янги ташкилот олдига барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсади қўйилган.

“Марказий Осиё Ҳамкорлиги” демократик тузилмалар эканлигини ҳисобга олиб, ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун минтақавий ҳамжамият доирасида қабул қилинган ҳужжатларни танқидий нуқтаи-назардан кўриб чиқиш ва иш бераётганларини бекор этиш таклифини илгари сурилди. Маълумотларга кўра, шу чоққача Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига ва унинг меросхўри бўлмиш “Марказий Осиё ҳамкорлиги” доирасида жами 243 ҳужжат имзоланган. Саммит қатнашчилари уларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга келишишди.¹

2002 йил 28-29 ноябрда МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ва тадбиркорларининг Марказий Осиё ҳамкорлиги иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш мавзусида бизнес форум ўтказилди. МОҲ ташкилоти доирасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки (МОҲТБ) ташкил этилди. Ушбу банк Марказий Осиё мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи халқаро банк. 1994 йил 8 июлда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида “Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма келишувига асосан таъсис этилган. Таъсисчилар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳукуматлари. 1998 йилдаги давлатлараро кенгашнинг қарори билан Тожикистон Республикаси ҳам банк таъсисчилари сифатида аъзо қилиб олинди. Банкнинг устав капитали 12 млн. АҚШ доллари Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти қатнашчилари бўлган мамлакатлар Бош вазирлари кенгашининг 1997 йил 14 мартдаги қарори асосида 1997 йил октябр ойида Тошкентда МОҲТБ нинг шўъба банки очилди. Банк зиммасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Республика ҳукумати томонидан қафолатланган лойиҳалари ҳам кўшилиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаш вазифаси

¹ Ҳамкорлик ва ўзаро англашув-умумий муаммоларни ечимининг ягона йўли. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2002 йил, 8 октябрь.

юклатилди.¹

Бизга маълумки Марказий Осиёдаги барча давлатлар ўта мураккаб ва кўп қиррали ислом дунёсининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боис ҳам улар ислом динини сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилувчи, ислом динининг мумтозлиги ғоясини тарғиб қилувчи бошқа динларга нисбатан адоват руҳида муносабатда бўлиш сиёсатини юритувчи, ислом ақидаларидан тор миллий манфаатларини қондириш учун фойдаланиш ниятида бўлган турли салбий оқимларга қарши курашиш борасида куч ва имкониятларини бирлаштиришлари лозим. Сўнгги пайтларда диний экстеремизм, фанатизм ва халқаро терроризмнинг таҳдиди тобора кучайиб бораётганлиги сабабли Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш алоҳида аҳамият қасб этади.

Халқаро тажриб шуни кўрсатадики, давлатлараро интеграция жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий жараён ҳисобланади. Унда иштирок этган давлатлар умумий манфаатлар тизимини яратиш орқали халқ хўжаликларининг ўйғунлашуви ва жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиши мумкин.

Интеграция тушунчасини илмий-таҳлил қилингандагина унинг асл моҳиятини англаб етиш мумкин бўлади. Интеграция назарияси-халқаро муносабатлар фанининг ажралмас қисми сифатида маълум минтақалардаги интеграцион жараёнлар тўғрисида илмий мулоҳазага юритишда ва уларнинг амалий моҳиятини кенг ёритишда муҳим аҳамият қасб этади.

Халқаро сиёсий интеграция деганда, мустақил давлатларнинг ҳамжамият тарзида бирлашувга олиб келувчи жараён назарда тутилади. Сиёсий интеграция бир вақтнинг ўзида иқтисодий интеграциясиз келмайди.

Иқтисодий интеграция ўз навбатида икки босқичда намоён бўлади:

1)Интеграциялашувчи давлатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти ва умумий бозорнинг шаклланиши;

2)Халқ хўжлиги фаолиятини тартибга солувчи умумий қонун-қоидалар ва суперанаціонал даражадаги иқтисодий ташкилотларнинг барпо этилиши.

Сиёсий ва иқтисодий интеграциялашув замирида эса ҳуқуқий интеграция

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 2003 йил, 5-жилд, 477-бет.

мавжуд. Интеграциянинг ушбу шакли концептуал қарама-қаршиликларга бой бўлиб, эришиладиган умумий ҳуқуқий тизимда интеграциялашувчи барча давлатларнинг фуқаролари, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлашуви асосида юзага келади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг Хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳарақалари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар Қозоғистон, Қирғизистон Тожикистон, Туркменистон билан ҳамкорлик, дўстлик, тинчлик ва хавфсизлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилди. Бу бешта давлатлар тарихи, маданияти, тили ва дилининг бирлигидан, томирларнинг тутшиб кетганлигидан келиб чиқувчи жиддий сиёсат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўли эди.

Марказий Осиё халқлари руҳияти асрлар мабайнида бир-бирига тутшиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатларини уйғунлашиб кетган, яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона улкан ва жонли вужудга айланган эди. Шунинг натижасида қондошу-жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топган. Кишилиқ тарихида бундай маънавий, руҳий ва фикрий яқинлик бу дунёда ҳамиша ҳамма нарсадан устун келган. Мустақиллик шароитида миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларининг маданий мероси, этник муаммолари, жуғрофий ва иқтисодий бирлиги ҳақидаги тасаввурлар ўзгарди. Янги тарихий шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё мамлакатлари халқларининг келиб чиқиши, уларнинг тарихи ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ курашни ҳаёт тақазо эта бошлади.

Марказий Осиё минтақадаги, айниқса кейинги ўн йилликларда

Тожикистон ва Афғонстонда юз бераётган нотинч воқеаларга ўзбек халқи, Ўзбекистон раҳбарияти бефарқ қарашмади. Тинчлиги бузилган тожиқ ва афғон халқига мунтазам инсонпарварлик ёрдамини бериб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари бир қатор халқаро минбарларда жумладан БМТ, ЕХҲТ ва МДҲ давлат раҳбарлари билан бўлган учрашувларда Тожикистондаги вазиятни нормаллаштиришга, уни тинч сиёсий йўл билан ҳал қилишга қаратилган таклифларни ўртага ташлади. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТ нинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, Тожикистон ва Афғонистон можаролари наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди. “Бизлар тожиқ афғон чегарасига икки давлат ўртасидаги чегара эмас, балки Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги чегараси сифатида қараймиз. Ялпи Хавфсизлик шартномасига имзо чеккан мамлакатлар чегарани мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак. Лекин ҳар бир давлат, энг аввало, ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий ва ҳам дипломатик кучларига таяниб, муаммони ҳал этишга ҳаракат қилгани маъқул”¹.

“Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаравонлигига эришишдек олий мақсадларимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак. Барчамиз яна бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз керакки, биз давлатимиз келажагини ўз чегараларимиз, ўз қобиғимизга ўралиб қолган эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирилган ҳолда тасаввур этамиз”¹ -деб айтган эди И.А.Каримов Шу боис жаҳон тажрибасига таяниш, Ўзбекистон ташқи сиёсат концепциясини ўрганиш, айниқса мустақил давлатимизнинг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги сиёсатини ўрганиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятида Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан ҳамкорлик ҳам жуда катта ўрин тутди. Бунда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг миллий маданияти, тили,

¹ “Ўзбекистон овози” газетаси, 2001 йил, 29 ноябрь.

¹ “Қамолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин: “Халқ сўзи” газетаси. 2001 йил, 25 январь.

урф-одати ва анъаналарига кўра ўзаро яқин эканлигига катта аҳамият беради.

Марказий Осиё республиклари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурияти Орол денгизи муаммолари туфайли янада кескинлик қасб этмоқда. Орол атрофида содир бўлаётган экологик ҳалоқатни бартараф этиш учун нафақат Марказий Осиё давлатларининг, балки бутун дунё ҳамжамияти кучларини сафарбар этиш талаб қилинади.

Сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришларига боғлиқ. Хозир халқаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибини шакллантириш жараёнида иштирок этаётганлар бунини эътироф этмасликлари мумкин эмас. Ҳеч шубҳа йўқки, бу давлатларнинг танлаб олган йўли ислом дунёсида юз бераётган мураккаб жараёнларнинг ривожланиши қандай натажаларда олиб келишига ва умуман жаҳон ҳамжамияти учун келиб чиқадиган барча оқибатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай шароитда бирор давлатнинг ёлғиз ўзи, ҳақиқий маънодаги мустақилликни, барқарор ривожланишини таъминлаши, ягона иқтисодий, маънавий ва сиёсий муҳитни яратишни ва шу орқали асрлар давомида ҳукм суриб келган тарихий, маънавий, маданий ва диний яқинликни қайта тиклаш мумкин эмас.

Томонлар ўртасида тузилган битимлар, давлат раҳбарларининг расмий ўзаро ташрифлари чоғида Марказий Осиё ҳамкорлиги доирасидаги учрашувларда имзоланган сиёсий ҳужжатларни Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик учун меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

1993 йилнинг январ ойида Марказий Осиё минтақаси давлатлари раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда табиий бойликлардан, илмий-техник ва ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш, ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун барча давлатларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш зарурлиги ҳақида гапирилди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни кучайтириш мазкур

мамлакатлар ташқи сиёсатининг устувор сиёсий масаласи сифатида эътироф этилди.

Маълумки, Марказий Осиё минтақасида мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (МОИХ) томонидан амалга оширилди. 2001 йилнинг декабрида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда И.А.Каримов мазкур ташкилотни қайта тузиш ташаббуси билан чиқди. “Тошкент Баёноти” имзоланиб, унда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада такомиллаштиришни, халқаро сиёсат борасидаги куч ва имкониятларни бирлаштириш зарурияти алоҳида таъкидланди.

2002 йилнинг 28 декабрида Алмати шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги аҳвол, ноқонуний миграция жараёни, иқтисодий интеграция истиқболлари-эркин савдо ҳудудини ташкил этиш, транспорт, инфраструктурасини такомиллаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув жараёнида “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” ташкилотини таъсис этиш тўғрисида шартнома имзоланди. Мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, сиёсий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий-маърифий муносабатларнинг шакл ва механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Ҳамкорлик доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар ҳал этилди. Учрашувда **И.А.Каримов** халқларининг бир-бирига яқинлашувда, қўшни мамлакатлар ҳаётидан доимий хабардор бўлишда, давлатлар ўртасидаги очиқ мулоқотларни қарор топтиришда минтақадаги мамлакатлар телекўрсатувларнинг ўзаро трансляция қилиниши лозимлигини таъкидлаб ўтди.¹

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида дунёдаги коллектив хавфсизлик тизимини, хусусан Марказий Осиёдаги хавфсизликни тизимини ташкил этиш

¹ Қ.Усмонов. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви Т. “Молия”, 2003 йил, 48-49 бетлар.

заруриятига алоҳида эътибор бериб, бу борада Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликнинг нечоғли муҳим эканлигини эътироф этмоқда. Коллектив хавфсизлик мамлакатлар ўртасидаги кескинликни юмшатишга кўмаклашиб, интеграциялашув жараёнларига интилишни кучайтиради.

Биринчидан, тинчликка нисбатан ташқи таҳдидларга йўл қўймаслик, уларни бартараф этиш, ушбу минтақада яшовчи халқларнинг барқарорлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш. Бу мақсадларни амалга ошириш учун кишилар огоҳлигини ошириш, жамаотчиликнинг хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш бўйича фаолликларини ошириш, халқлар ўртасидаги маънавий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Иккинчидан, Марказий осий минтақасида бой табиий ресурслардан, энергетика, транспорт коммуникациялари ва ҳоказолардан фойдаланиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш керак.

Учинчидан, армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларини қайта ташкил қилишнинг ягона давлат сиёсати асосида мамлакатларнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли даражада қўриқлаш қобилиятига эга бўлишига эришиш зарур.

Тўртинчидан, мамлакатнинг худудий яхлитлигини, чегараларидан қўпоровчи террористик гуруҳларнинг ва қўпоровчи унсунларнинг ўтиб кетмаслигини таъминлаш. Давлат чегараларини янада мустаҳкамлаш ва қайта жиҳозлаш, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши Халқаро Марказ ташкил этиш бўйича ташаббусини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини давом эттириш.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳал этиши лозим бўлган муҳим муаммолардан бири-Афғонистон муаммоси, қарийб 60 миллион кишининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб турган минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласидир. Ўзбекистон ҳамиша ушбу масалаларни ҳал этиш учун БМТ, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқа нуфузи халқаро ташкилотларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган ва келишилган саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш

зарурлигини таъкидлаб келмоқда. Ўзбекистон Афғонистонга қурол-яроғ етқазиб беришга эмбарго тайинлаш ташаббуси билан чиқди, ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қуватланиб, БМТ хавфсизлик Кенгаши, ЕХХТ, Европаламент, Ислом Конференцияси Ташкилоти томонидан қабул қилинган қарорларда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан сиёсий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов 1993 йилда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббуси билан, шунингдек кимёвий ва бактериологик қуролларнинг тарқатилишини халқаро миқёсда назорат қилишни йўлга қўйиш талаби билан чиққан эди.

И.А.Каримов 1997 йилнинг 15 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона” мавзусидаги Халқаро Конференцияда сўзлаган нутқида Марказий Осиёни ядровий қуроллардан холи зона деб эълон этилишининг долзарб ташаббус эканлигини исботлаб берувчи бир қатор концептуал қоида ва омилларни баён қилиб берди. Улар қуйидагилардан иборат:

-Марказий Осиё дунё аҳолиси энг зич жойлашган минтақа бўлиб, бу ерда аҳоли табиий шарт-шароитларга кўра, шусиз ҳам турли-туман табиий фалоқатлар, хавф-хатарлар шароитида яшаётганлиги;

-Бой табиий, минерал, энергетик, аҳоли ва бошқа русурсларга эга Марказий Осиёнинг ўзига ҳос геостратегик мавқега эгалигидан ташқари, бу ерда жаҳондаги кўплаб йирик мамлакатларнинг геосиёсий ва стратегик манфаатлари тўқнаш келишидаги ўзига хослик;

-Марказий Осиё минтақасининг дунёвий хўжалик алоқалари тизимига, дунёвий иқтисодий ва информацион маконга фаол кириб бориши, жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро институтлар билан сиёсий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши минтақа давлатларининг халқаро хавфсизлик глобал тизимига интеграциялашувининг зарурлиги.

Ўзбекистоннинг бу ташаббуси Қозоғистон Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари томонидан тўла қўллаб-қувватланди ҳамда 1997 йилнинг февраль ойида қабул қилинган Алмати Декларациясида ўз ифодасини топди. БМТда мазкур Декларациянинг тақдимоти бўлиб ўтди. **И.А.Каримов** таъкидлаб кўрсатаётганидек ядровий хавфсизлик масаласига умумий хавфсизлик, инсониятнинг яшаб қолиши масаласининг ажралмас бир қисми сифатида қаралиши керак. Бунда зонанинг бутунлай ядровий қурооллардан холи этилиши ва бунда иштирокчи давлатларнигина эмас, балки манфаатдор мамлакатларнинг иштирокини таъминлаш принципларига амал қилиш керак. Шунингдек ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ҳақидаги битимлар келишилган мажбуриятларга риоя қилишни таъминловчи самарали назорат тизимини ўз ичига олиши лозим. Назорат МАГАТЭ ва БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қафолати остида олиб борилиши лозим. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатилиши ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тузилишининг ажралмас қисмидир. Ушбу тартибга янги мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон қўшилди. Марказий Осиёни ядровий қуролидан холи зона деб эълон этишнинг ўзигина асосий вазифа эмас, балки хавфсизликни ва изчил, барқарор ривожланишни таъминлашнинг бир воситасидир.

Мамлакатнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ва “Минг йиллик саммити” деб номланган БМТ Бош Ассамблеясининг анжуманида сўзга чиқиб, эътирофни яна бир қарра Марказий Осиё минтақасини демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан чалғитиш, бу ерда клерикал демократик тартиблар ўрнатишдек кабиҳ ниятларини кўзловчи халқаро терроризм ва экстеремизм агрессив кучларининг экспансияси объектига айланиб бораётганлигига қаратди. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг сиёсий ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасида Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатлари учун ялпи қирғин қуролини экспорт назоратига олиш ва тарқатмаслик бўйича VI Халқаро форум ниҳоятда

катта аҳамият касб этади.¹ Форум “Экспорт назорати-ялпи қирғин қуроли ва терроризмнинг тарқалишига мустаҳкам тўсиқдир” мавзусида ўтказилди. Форум қатнашчилари ялпи қирғин хавфига қарши халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан ҳозирги замоннинг энг муҳим ва долзарб муаммоси бўлган Орол муаммоси борасидаги ҳамкорлиги ҳам йилдан-йилга чуқурлашиб ва кенгайиб бормоқда. Орол фожиаси минтақавийгина бўлиб қолмай, умуминсоний фожеага ҳам айланиши мумкин. Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожеалардан биридир. Орол муаммоси биргина Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракати билангина ҳал этилиши мумкин эмас. У Марказий Осиё давлатлари куч ва имкониятларини бирлаштиришни ҳамда уларнинг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлигини тақозо этади. 1993 йилнинг март ойида Қизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Орол денгизи фожеасини ҳал этиш бўйича ҳаморликда фаолият юритиш тўғрисидаги Битим имзоланди. Бундан ташқари, айти учрашувда Орол денгизи муаммолари бўйича Халқаро Кенгаш, унинг Ижроия Қўмитаси, шунингдек Оролни қутқариш халқаро фонди ташкил этилди.

1994 йилнинг январ ойида Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб, унда “Минтақанинг яқин уч-беш йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда “Орол денгизи хавзасидаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича аниқ ҳатти-ҳаракатлар дастури” тасдиқланди. 1994 йилнинг март ойида Тошҳовузда учинчи бор учрашув ўтказилиб, унда мазкур Дастурни амалга ошириш бўйича Давлатлараро Кенгашнинг ҳисоботи эшитилди.

1995 йили Тошкентда Марказий Осиё минтақасидаги беш давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашувга БМТ га 1995 йилда Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммолари бўйича Халқаро анжуман ўтказиш таклифини билдириш ғояси илгари сурилди. Яна мазкур учрашув чоғида Марказий Осиё ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 16 апрель.

ҳавзасини барқарор ривожлантириш Декларация қабул қилинди.

1997 йилнинг февралида Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари БМТ вакили иштирокида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Оролни қутқариш Халқаро фондининг янада фаолроқ таркибини ва Ижроия қўмитасини ташкил этди.

1995 йилнинг 18 сентябридан 20 сентябригача Нукус шаҳрида БМТнинг ҳомийлиги остида Орол денгизи барқарор ривожлантириш масалалари бўйича халқаро конференция ўтказилди. Ушбу анжуман Орол денгизи муаммоларини амалда ҳал этиш борасида ўта муҳим ҳал қилувчи қадам бўлди. Конференция кунлари Халқаро “Экосан” фондининг Қорақалпоғистон бўлими ва Германия Федератив Республикасининг “Мерседес-бенц”, “Филипп Мюллер”, “Стентдес Остенс” компаниялари, Франциянинг “Дегремон” ва Швециянинг “Азония” компаниялари вакиллари ўртасида бу борада узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Орол муаммоси масаласи 2002 йилнинг 5-6 октябрида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” ташкилоти саммитида муҳокама этилган энг муҳим масалалардан бири бўлди. Мазкур саммит давомида ҳамкорликка аъзо давлатларнинг президентлари Орол бўйида вужудга келган экологик ва ижтимоий инқирозни бартараф этиш, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятига доир муҳим масалаларни муҳоқаи қилдилар. Шунингдек БМТ томонидан 2003 йилнинг “Ичимлик суви йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан 2003 йилнинг сентябрида Душанбе шаҳрида Оролни қутқариш муаммолари бўйича халқаро конференция ўтказилиши белгилаб олинди.

3. МОИХ негизиде янги тузилма (МОХТ) ни ташкил этиш тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий асослар.

Мустақиллик йилларида минтақамиздаги тарихи, қадриятлари ва маданияти бир-бирига муштарак халқларининг эртанги тақдири ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб бормоқда. Президентларнинг мунтазам учрашувлари долзарб масалаларга бамаслаҳат ечим топиш, интеграция муаммоларини муҳокама қилиш, дунё сиёсий саҳнасида ва иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратади. Бундай мулоқотлар “Марказий Осиё ҳамкорлиги” ташкилоти доирасида ҳам амалга оширилди. Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизиде тузилган бу ташкилот минтақа мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама муносабатларга оид барча масалаларни мувофиқлаштиришчи восита бўлиб қолмоқда.

2002 йилнинг февралиде МОХТга расман асос солингандан кейин ҳамкорлик кўлами янги поғонага кўтарилди. МОХТнинг бу галги мажлиси (2004 йил, 28 май)де минтақавий интеграция жараёнларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, Марказий Осиёде хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳақида, халқаро террорчилик ва экстремизмга, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, шунингдек Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Мамлакатимиз раҳбари МОХТни ривожлантириш жараёнларида Россиянинг иштирок этиш муҳимлигини таъкидлади. Чунки интеграция ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга бу давлатнинг имконият ва салоҳиятини жалб этиш ҳар томонлама фойдалидир. Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам Россия муҳим ўрин тутеди. Саммит қатнашчилари Россия Федерациясининг

МОХТ фаолиятиде тўла ҳуқуқ билан иштирок этиш бўйича яҳлит қарорга келдилар. МОХТ олдиға минтақаде иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган.¹

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати ҳозирги кунда

¹ Анвар Бобоев. Интеграцияни мустаҳкамлаш йўлида. “Халқ сўзи” газетаси 2004 йил, 29 май.

Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнини жадаллаштириш ва халқаро ташкилотлар имкониятларини бу жараёнга йўналтиришдан иборат. Ўзбекистон давлат раҳбари Марказий Осиёда жуғрофий-сиёсий жиҳатидан марказий ўрин тутган Ўзбекистон кучлари тенгилиги ва мувозанатини таъминлаш, стратегик муҳим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли рол уйнаш учун ҳамма имкониятларга эга эканлигини бир неча бор таъкидлаган эдилар.

Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият барқарорлиги ва минтақавий хавфсизлик айнан Россия иштирок этадиган халқаро тузилмалар доирасида олиб борилиши таъминланади. ЕврАзЭС, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) ва МДҲ шулар жумласидандир. Гарчанд ушбу халқаро тузилмалар анча катта бўлган геосиёсий маконни қамраб олсада, Марказий осиё геосиёсий маконни ушбу ташкилот доирасидаги сиёсатда ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу ўринда минтақа хавфсизлигига таҳдид соладиган муаммолар талайгина эканлигини таъкидлаш лозим. Жумладан:

- терроризм, айирмачилик ва экстеремизм,
- миллий-этник можаролар,
- наркотрафик,
- қуролларнинг ноқонуний савдоси,
- махсулотлар контрабандаси,
- минтақа табиий бойликларидан фойдаланишдаги ўзаро келишмовчиликлар ва бошқалар.

Минтақа давлатлари бу муаммоларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама муносабатлар ҳаражаларида ҳал этишга интиладилар. Бу минтақадаги геосиёсий вазият анча мураккаб ва чигаллашган эканлигидан далолат беради.

ЕврАзЭС ва ШХТ доирасида ишлаб чиқарилган хавфсизлик концепциялар Россия, Хитой ҳамда Марказий Осиё давлатлари учун хавфсизлик бўлинмаси деган тушунча асосида шаклланиб бормоқда. Минтақа давлатлари ўтиш даврида эканлиги ва жамиятни демократиялаштириш

босқичма-босқич амалга оширилиши мазкур концепция моҳиятини очиб беради. Минтақа давлатлари ШХТ доирасида яратилган минтақавий аксилтеррор тузилмаси, МДХ аксилтеррор марказий минтақада хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлиб, НАТО нинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури билан ўзига хос рақобатга киришади.¹ Маълумки “Марказий Осиё ҳамкорлиги” ташкилотининг 2005 йил 6-7 октябр кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммитда МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлиштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан ўхшаш ва бир-бирига яқин. Тузилмаларнинг ҳуқуқий бирлашиши тўғрисидаги келишув эса мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олишига олиб келади.

Бугунги воқелик шундан гувоҳлик берадики, яққа-ёлғиз ривож топган ёки тараққий топаётган мамлакатни топиш қийин. Куч қудрати, имконияту салоҳияти, мавқеи қандай бўлишдан қатъий назар, ҳар бир давлат ҳориж билан ҳамкорлик қилишга мажбўр. Бинобарин, бугунги кунда иқтисодий алоқалар сиёсий ҳамкорликни белгиловчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Ана шундай шароитда МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятнинг бирлаштирилиши замон талабларига мос ҳаракати сифатида намоён бўлади.

Бу жараёнда Ўзбекистон манфаатларини нималардан иборат эканлигини аниқ ифодалаб берилди. Дастлаб шуни қайд этиш керакки, истиқлолга эришгандан кейин мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида, аввало, қўшнилар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга устивор масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бошқача айтганда, биз қўшни сифатида бир-биримизга елкадош бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликни кенгайтириш йўлини тутмоғимиз зарур. Таъбир жоиз бўлса, ўзаро ҳамкорлик бир-биримиз учун ҳам умумий мақсад, ҳам умумий бурч саналади.

Иккинчи томондан, ҳозирги кунда Марказий Осиёда вазият шу қадар шиддат билан ўзгармоқдаки, бундай шароитда бамаслаҳат иш юритилмаса, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерда катта

¹ Ч.Кўчаров. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан, 2008 йил, 48-бет.

геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнаш келаётир. Мана шу шароитдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган айрим ёвуз кучлар экстремистик ташкилотларни фитна қуроли сифатида ишга солишдан ҳам қайтмаётир. Демак МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлашиши орқали Евроосиёдаги олти мамлакат беҳавотир ҳаётни таъминлаш учун баҳамжиҳат ҳаракат қилади. Санкт-Петербург саммити якунида “Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисида”ги қарорлар имзоланди.¹

Мустақиллик мафкурасининг Марказий Осиё давлатларида кучли ўрин эгаллаганлиги ЕврАзЭС доирасидаги интеграцион жараёнларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Минтақа давлатлари ҳамжамияти уларни халқаро ҳуқуқ доирасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини чекламаслигини истаган ҳолда аста-секинлик билан макроминтақавий интеграцияни амалга ошириш истагидадирлар.

2005 йил 6 октябрда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотининг саммитида Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилортининг (МОҲТ) ЕврАзЭС га интеграцияси кўрсатилган МО давлатлари раҳбарлари “Евроосиё маконида интеграцион жараёнларини янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди. МОҲТ ва ЕврАзЭС мақсадлари ва вазифаларини ўхшаш бўлганиги сабабли: ҳар иққала минтақавий ташкилотлар салоҳиятларини бириқишидан сезиларли даражада ижобий натижалар кутилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Санкт-Петербургда ЕврАзЭС кенгашида нутқ сўзлаб, шундай деди: “МОҲТ ва ЕврАзЭС нинг бириқиши умумий ривожланиш маҳсулидир. Ишончим комилки, бу қадам функцияларни такрорлинишига йўл қўймайди ва ҳамжамият доирасидаги интеграцион жараёнларга кучли туртки беради.”¹

ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашнинг мазкур йиғилиши 267- сонли қарорига мувофиқ МОҲТни ЕврАзЭС интеграция қилиш масалалари бўйича

¹ А.Бобоев. Муштарак мақсадлар йўлида муҳим қадам. “XXI АСР” газетаси. 2006 йил, 26 январь.

¹ Ч.Кўчаров. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т. Фан, 2008 йил, 129-бет.

кўшма ишчи гуруҳга интеграцияни ҳуқуқийлик томонларини таъминловчи ҳужжатларни тайёрлаш вазифаси топширилди. Кўрсатилган қарор ижроси ўлароқ ЕврАзЭС Интеграция қўмитаси МОҲТнинг шартнома ҳуқуқий базасини таҳлил қилиб чиқди. Ушбу жараён давомида МОҲТнинг ЕврАзЭС доирасидаги ижроси давом эттириладиган халқаро шартномалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси 2005 йил октябрда бўлиб ўтган МОҲТ аъзо-давлатлари кенгашида ЕврАзЭС аъзоси бўлиши ҳақида маълум қилди. 2006 йил 25 январда Санкт-Петербургда ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашида Ўзбекистонни 2000 йил 10 октябрда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Протокол қабул қилинди. Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг расман аъзоликқа киришини таъминлади.

Учинчи минг йиллик жаҳон тараққиётида глобаллашув, минтақавийлик, фан-техника такомили, миллий давлатчилик ва халқаро муносабатлардаги қатор муаммолар ҳамда бир қадар янги дунёвий ўзгаришлар билан узвийликда кечмоқда. Буни бир жиҳатдан, умуминсоний қадриятларга асосланган, глобаллашув сари интилаётган давлатлар, иккинчи томондан эса миллий давлатчилик асосани мустаҳкамлашга интилаётган ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган давлатлар мисолида яққолроқ кўриш мумкин.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлар ҳам халқаро муносабатлар субъекти сифатида минтақада барқарор ривожланишни таъминлаши, миллий ва минтақавий манфаатлар бирлигига эришиш ҳамда хавфсизлик чораларини кўриши энг долзарб масалалардан биридир. Бунда минтақа давлатлари, аввало ўзаро интеграциялашув ва ягона ҳудудий маконни вужудга келтириш орқали ўз геосиёсий ва геоиқтисодий мавқеини ошириб бориши зарур бўлади.

Ҳозирги минтақа давлатлари интеграцияси тарихий зарурият сифатида қаралаётганлиги ва унга монелик қилувчи ички ва ташқи омиллар таъсири маълум муаммоларни келтириб чиқараётганлиги яққол намоён бўлмоқда. Бундай ҳолатда минтақадаги ички масалаларни концептуал ўрганиш билан бир қаторда унинг атрофида шаклланган геосиёсий жараённи таҳлил қилиш масала ечимига ойдинлик қиритади.

Бугунги глобаллашув асрида интеграция масалалари сайёрамизнинг турли бурчакларида яшаётган халқлар учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан интеграция тушунчаси куруқ сафсатабозликдан иборат эмас. Унинг ҳақиқий иқтисодий сабъ-ҳаракатлар, аниқ одимларга боғлиқ экани кенг эътироф этилмоқда. Кўп асрлар давомида мамлакатимиз ўзининг муҳим жуғрофий ва сиёсий ўрни туфайли Шарқ билан Ғарб ўртасида ўзига хос боғловчи кўприқ вазифасини ўтаган. Давлатимиз ҳудуди орқали ўтган қадимги Қарвон йўллари Буюк Ипак йўли халқлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожига ҳизмат қилган.

“Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак у ўзининг алоҳида хусусиятлари балан ажралиб туради. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилари ҳукмронлигига қарши елкама-елқа туриб курашиб келганлар. Бу халқларнинг вакиллари мустақилликка кўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш ғоялари бирлаштирилган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудида асрлар давомида яшаб келганлар. Аввало шуни таъкидламоқчимизки Марказий Осиё халқларининг интеграцион орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиха эмас, бу-бор нарса, бу-мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳукуқий ва сиёсий шаклларга мухтождир”⁻¹ деган эди **И.А.Каримов**.

Маданий ва тарихий илдизлари муштарак бўлган Марказий Осиё минтақаси халқлари, айниқса бой маданий ришталар билан бир-бирига боғланган. Шу боис ҳам мазкур минтақада яшовчи халқлар ўзаро интеграциялашувга интилишаётгани табиий ҳол. Бутун минтақанинг келажак тараққиёти ана шу интеграциялашув жараёнининг муқаррарлиги ва узлуксиз ривожига боғлиқ.

Ушбу тарихий заруратни тўла англаган Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб бутун Марказий Осиё минтақасида интеграциялашув жараёнларини ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозим,

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил, 320-бет.

Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуслари оддий ташвиқот намоиш эмас, балки ҳозирги замон талаблари чуқур англаган ҳолда мамлакат раҳбариятининг интилишларидан далолатдир. Бу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиё халқларининг узвий тарихий ришталарига асосланган кўп томонлама ҳамкорлик ва шерикликнинг кенг сиёсий платформасини яратишга қаратилган.

Ўзбекистоннинг минтақавий интеграциялашув йўлидаги изчил ва фаол қадамлари хусусида қатор далиллар шаҳодат беради. 1993 йилнинг июнь ойидаёқ Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграциялашувни чуқурлаштириш чоралари тўғрисида шартнома имзоланган эди. Интеграциялашув жараёнлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида икки мамлакат 1994 йилнинг январида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди ва кейинроқ Қирғизистон Республикаси унга қўшилди. Ўша йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон ташаббуси билан Чўлпон ота шаҳрида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланди. Кейинчалик 1998 йили мартада мазкур шартномага Тожикистон Республикаси ҳам қўшилди. Ўша йилнинг июлида ушбу мамлакатлардан ташкил топган Марказий Осиё минтақавий уюшмаси атамасининг “Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти” (МОИХ) деб тасдиқланиши минтақавий интеграциялашувни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди. Шу ўринда таъкидламоқ ўринли бўладики совет империяси парчаланган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси минтақа доирасида иқтисодий интеграциялашув сиёсатини изчил амалга оширилди ва ўз саъй-ҳаракатлари билан бошқа мамлакатларни ҳам ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга чорлади.

Шубҳасиз, МОИХнинг МОҲТ га ўзгартирилиши халқларимиз ҳаётида долзарб аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеа бўлди. Минтақадаги интеграциялашув жараёнлари хусусида сўз борар экан, уларни, шубҳасиз, умумжаҳон глобаллашув муҳити доирасида баҳолаш керак. Зеро, давлатлар тез суръатларда янги муносабатларда шаклланаётган даврда Марказий Осиёнинг жуғрофий-сиёсий ва иқтисодий аҳамияти, умумбашарият хавфсизлиги тизимидаги роли ортмоқда. Бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан

амалий ҳамкорлик қилишга тайёргарлик ўз фаолиятининг ўзга мамлакатлари ва бошқа кўп томонлама тузилмаларга қарши қаратилмаганлиги МОҲТ нинг ажралмас тамойилларига айланди. МОИХ нинг МОҲТ га ўзгартирилишининг муҳим натижаларидан бири-бу фақат иқтисодиёт билан чекланиб қолмаган масалалар доирасининг кенгайиши ҳам бўлди. Ташкилот доирасида Марказий Осиёда долзарб аҳамият қасб этаётган муаммолар, жумладан минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонни қайта тиклаш ҳамда гуманитар соҳадаги ҳамкорлик каби мавзулар юзасидан очик сиёсий мулоқотлар ўтказилмоқда. Минтақанинг ажралмас қисми бўлган Афғонистонда ҳамжиҳатликда иш олиб бориши учун мустаҳкам асос яратилди.¹

Айтиш жоизки, МОҲТ фаолияти ўзининг демократия ва хурфикрлилик тамойилларига асосланган, жўшқин ҳамда мослашувчан табиати билан ажралиб туради. Шу ўринда унинг қандайдир сиёсий ташвиқотларни тайёрлаш ҳамда уни амалга ошириш учун яратилган тузилма эмаслигини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Аксинча, МОҲТ минтақа мамлакатларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган, узоқни кўзловчи режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун юксак салоҳиятга эга бўлган халқаро ташкилотдир.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг МОҲТ раиси этиб сайланиши ташкилот фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштирди. Хусусан бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Алмати, Оқтов, Душанбе, Остана ҳамда Тошкент шаҳарларида олти марта учрашдилар. Аъзо мамлакатларнинг парламентлараро алоқаларининг жадаллашуви минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этиш, давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, МОҲТ доирасида интеграциялашув жараёнининг ривожланиши ҳамда истикболи учун катта аҳамият қасб этади. Шу маънода, Ўзбекистон ташаббуси билан 2002 йилнинг ноябрь ойида МОҲТга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви давомида парламентлараро ҳамкорлик институтини жорий этиш аъзо

¹ 3. Музаффаров. Минтақавий интеграция росмана иқтисодий саъё-ҳаракатларни таказо этади. “Халқ сўзи”, газетаси. 2003 йил, 27 сентябрь.

мамлакатлар парламент вакиллариининг кенгашини тузиш хусусида қарорининг қабул қилиниши долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизнинг МОҲТга раислик қилиши билан бирга, Ўзбекистон зиммасига юкланган маъсулиятни ҳис этган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан ташкилот фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан 2002 йилнинг август ойида пойтахтимиз Тошкентда МОҲТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик хизматлари раҳбарларининг диний экстеремизм ва фанатизм экспанциясининг олдини олиш борасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенгаш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ташаббуси билан МОҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг иқтисодий доиралари ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди. 2002 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда, 2003 йилнинг июль ойида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида МОҲТ га аъзо давлатлар тадбиркор ҳамда ишбилармон доираларнинг бизнес анжумани бўлиб ўтди. Учрашувлар чоғида иқтисодий ҳамкорликнинг аҳволи ҳамда истиқболлари қўшма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига чет эл сармоялари жалб қилиш масалалари муҳокама этилди. Айтиш жоизки, бўлиб ўтган бизнес анжуманларда минтақамиз мамлакатлари ҳамда халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихининг янги саҳифасини очиб берди.

Анжуманларида аён бўлдики, МОҲТга аъзо мамлакатлар доиралари вакиллари минтақада ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билан қарайдилар. Тадбирлар давомида МОҲТ доирасида интеграция жараёнларига иқтисодиётининг муҳим тармоқлари киритилиши ўзаро мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди. МОҲТ ташкил топгандан буён халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ялпи ривожланиш, кўп томонлама ҳамкорлик механизми ва воситаларини шакллантириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Айни чоғда, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек ушбу жараён интеграцияни секинлаштиришга олиб келадиган навбатдаги бюрократик

тузилмаларнинг барпо этиш эмас, балки кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқларимизнинг тарихий қон-қариндошлик ришталарига асосланган кенг сиёсий маконнинг яратилиши сифатида тушунмоғи даркор. Муҳими, мамлакатимизнинг МОҲТ доирасидаги ташаббуслари жаҳоннинг илғор сиёсий ҳамда молиявий ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом Тараққиёт банки ҳамда БМТ тараққиёт дастури томонидан олқишланди. Мазкур ташкилот вакиллари дастурий ҳужжатларни тайёрлашда ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришга тайёр эканликларини, Марказий Осиёдаги сув-энергетика заҳиралари транспорт савдоси соҳаларида олиб борган ўз тадқиқотлари натижалари билан ўртоқлашишларини билдиришди. Нуфузли молиявий ташкилот-ЕТТБ ўзининг шу йил май ойида Тошкентда ўтган директорлар кенгашининг йиллик-йиғилишида Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнларини қўллаб-қувватлади.¹ МОҲТ доирасидаги интеграциялашув жараёнлари ривожини Америка Қўшма Штатларнинг етакчи сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳам қувватлашмоқда. МОҲТ фаолиятининг иқтисодий истиқболлари ҳақида фикр билдириб, Қарнеги Фондининг етакчи мутахассиси А. Ливен “Марказий Осиё давлатларининг мустақиллик йилларидаги иқтисоди турли йўллар ва суръатлар билан ривожланиши ва айлани пайтда хусусийлаштириш, хорижий капитални жалб қилиш, банк тизими ва дон бозори каби соҳаларда турли ривожланиш босқичларида турибди. Бошқа томондан олиб қаралганда, МОҲТга аъзо давлатлар бугунги кунда ўз иқтисодиётларининг устивор йўналишларини аниқ белгилаб олганлар”-деди. Америка мутахассисларининг фикрича, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигига қўшилиши МОҲТ фаолиятини ривожлантириш омилларидан бири бўлиши мумкин. Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ф. Старрнинг фикрича, “МОҲТ нинг самарадорлиги ва давомийлиги, энг аввало, аъзо давлатлар президентларининг сиёсий иродаси ва самимий интилишларига, мамлакатлардаги ички барқарорлик, шунингдек ушбу

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2003 йил, 27 сентябрь.

давлатлар миллий манфаатларини имкон қадар ҳисобга олган ҳолда бундай иттифоқ уларга қандай устунлик ва имтиёзлар ато этишга боғлиқ бўлади” Аксарият европалик мутахассислар МОҲТни Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилаётган ташкилот сифатида унинг фаолиятини қўллаб-қувватлашмоқда, Ўзбекистоннинг МОҲТ доирасидаги роли ва ўрнига юқори баҳо беришмоқда.

Европалик мутахассислар МОҲТга аъзо давлатларнинг Марказий Осиё интеграциялашувини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган уйғун ҳамкорлигини алоҳида таъкидламоқдалар. Европа ҳамжамияти шу 2003 йилнинг январ ойида Брюсселда ўтган “Ўзбекистон-ЕИ” ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи мажлиси давомида МОҲТни барпо этиш тўғрисидаги шартномани олқишлади.

2004 йил 28 май куни Остона шаҳрида МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон раҳбари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Биринчидан, минтақамиздаги ҳозирги аҳволга ҳолисона баҳо берадиган бўлсак шуни таъкидлаш жоизки, “Марказий Осиё Ҳамкорлиги”га аъзо давлатлар изчил ривожлантириш ва мамлакатни тиклаш жараёнлари давом этаётган бўлишига қарамай, умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида, таъбир жоиз бўлса, стратегик ноаниқлик вазият сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда минтақамиз жаҳон сиёсатида, бой табиий заҳиралар, минерал-ҳомашё ва биринчи навбатда, углеводород ресурсларидан фойдаланишда ўзининг муҳим геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ва мавқеини сақлаб келмоқда. Бу ерда дунёнинг энг қудратли давлатлари ва бизга қўшни мамлакатларнинг манфаатлари уйғунлашаётгани, баъзан эса тўқнаш келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.¹

“Марказий Осиё Ҳамкорлиги” ташкилотининг минтақада кўптомонлама ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим институтларидан бири сифатида аҳамиятни кескин ошмоқда. Бугунги кунда унга дунёнинг етакчи давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотларининг қизиқиши ортаётгант бежиз эмас. Сўнгги

¹ Ҳамкорлик ва минтақавий интеграция халқларимиз манфаатига хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил, 5 июнь.

йилларда дунёдаги йирик мамлакатларнинг Марказий Осиёга жиддий эътибор қаратаётгани кўпчилик учун, айниқса, давлат раҳбарлари учун сир эмас. Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда умумий бозорини яратиш мақсадлари ҳақида гапирар экан, бу борадаги энг асосий вазифаларни таъкидлаб ўтди:

Марказий Осиё минтақаси беҳад бой бўлган табиий, сув-энергетика, минерал-хомашё ресурслари ва инсон салоҳиятидан мазкур бозорга кирувчи ҳар бир мамлакат манфаати йўлида оқилона фойдаланиш ва бу ишни такомиллаштириш;

-қулай инвестиция муҳити ва минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш борасида ягона ёндашув ва стратегияни шакллантириш;

Бир сўз билан айтганда, Марказий умумий бозорини ташкил этишдан асосий мақсад.

-МОҲ ташкилотига аъзо давлатларнинг жаҳон ва минтақа бозорларидаги ялпи рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига ушбу мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва иқтисодиётини жадал ривожлантиришдан иборат. Чунки ҳар бир мамлакат жаҳон бозорига ўз товарларини олиб чиқиш жараёнида жиддий муаммолар ва тўсиқларга учрайди. Умумий бозорни яратсак бозорларимизнинг ҳам, товарларимизнинг ҳам дунё ва минтақа бозорларидаги ялпи рақобатбардошлиги сезиларли даражада ошади. Давлатимиз раҳбарлари, умумий бозорни жорий этиш учун учта асосий босқичдан ўтиш зарурлигини таъкидлади.

Биринчи босқичда тарифларнинг ягона, ўзаро мослаштирилган ва мақбул тизимни назарда тутувчи Божхона иттифоқини шакллантиришга ҳамда транспорт-транзит масалаларини ҳал этишга киришиш мумкин.

Иккинчи босқичда муайян чораларни қабул қилиш асосида Эркин савдо зонасини яратиш мазмуни билан тўлдириш имконияти вужудга келади. Шу тарика бу ҳужжат, ниҳоят, ишга тушиши ва амалий натижа беришини таъминлаш мумкин бўлади.

Ва ниҳоят, учинчи босқичда биз Марказий Осиёнинг том маънодаги умумий бозорини таъсис этишимиз мумкин. Унда сармоя ва иш кучининг

эркин ҳаракатланиши учун шароит яратилади. Соғлом рақобатни рағбатлантиришнинг антимонопол бошқарувини вужудга келтиришнинг ягона механизми яратилади. Бу мураккаб йўлда кўплаб объектив ва субъектив, айтиш мумкинки, турли амбициялар билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келишимиз мумкинлигини тан олишимиз керак. Бой имкониятларга эга минтақамизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш йўлидаги вазифаларни ечиш учун бу муаммоларни енгиб ўтишимизга тўғри келади. Шундай қилиб, XXI асрда минтақавий хавфсизлик муаммолари умумбашарий хавфсизликни келтириб чиқариш мумкинлиги ва Марказий Осиё давлатлари сиёсат, иқтисодий ҳамда экологик хавфсизлиги минтақа барқарорлигини муҳим шартидир.

Марказий Осиё давлатлари (жумладан Ўзбекистон) томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, минтақавий муаммолар ечими орқали глобаллашувни таъминлаш борасидаги ғоялари атрофлича асослангандир. Бунда минтақа сиёсий, иқтисодий ва экологик хавфсизлик муаммоларини комплекс ўрганиш, унинг муҳим жиҳатларини таҳлил қилиш, Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатидаги глобал ва регионал муаммолардандир.

2008 йил 11-12 март кунлари Тошкентда “Орол муаммолари уларнинг, минтақа аҳоли генафонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ўз табригини йўллаб “Ўтган сўнгги йилларда минтақа давлатлари халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи хавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва минтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Ишончим комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, “регионализм орқали глобализм сари” формуласи бўйича, самарали минтақавий механизмлар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим”¹ -деган фикрни билдирди. Мазкур халқаро нуфузга эга бўлган конференциянинг асосий мақсади Орол бўйи ҳудудида мавжуд ижтимоий-

¹ Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 2008 йил, 16-жилд, 286-бет.

иқтисодий ва экологик муаммони юмшатишда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Марказий осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда хавф Афғонистон томонидан жиддий эканлигини алоҳида эътиборни талаб этади. Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг Марказий Осиё орқали Европага тарқалаётганлиги табиий равишда халқаро хавфсизликни таъминлашни талаб қилади. Минтақавий низолар кўпгина терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан ноқонуний савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда.

4. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик масалаларидаги алоқалари.

Ҳозирги геосиёсий тизимлар учун жаҳондаги глобаллашув жараёнларининг янада ривожлантириш, сиёсат тамойилларининг устивор даражага кўтарилишида Ўзбекистоннинг МО давлатлари ичида аҳамияти ғоятда юксак. Дунёдаги 170 дан зиёд давлат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилгани бежиз эмас, Албатта. Ўзбекистон Республикаси Россия, АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган давлатлар билан кўп томонлама халқаро алоқаларни йўлга қўйиш баробарида БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, МДҲ, ШҲТ, НАТО каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳам амалий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё дунёдаги экологик фалокатга учраган минтақалардан ҳисобланади. Юртбошимиз БМТ дастурига кирган Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишда экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш катта аҳамият қасб этишиши алоҳида таъкидлади. Минтақамиз Орол фожиасидек улкан экологик муаммоларга дуч келиб турибди. Ўтган қирк йил мобайнида Орол денгизи экваторияси етти баробар қисқариб, сув миқдори ўн уч марта қамайгани ва унинг минералланиш даражаси ўнлаб баробар ортгани учун яроқсиз аҳволга келган. Ана шундай бир шароитда Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган уринишлар экологияга жиддий зарар етказиб, хавфли техноген фалокатларни келтириб чиқиши мумкин. Шу боис бу масалада Ўзбекистоннинг позицияси қатъий: собиқ тузум даврида яратилган лойиҳалар асосида трансчегаравий ҳарёларда халқаро экспертизадан ўтмаган ва минтақанинг бошқа давлатлари манфаатлари ҳисобга олинмаган йирик гидроиншоотлар қуриш, биринчидан, минтақа аҳолиси ҳаётини хавф остига қўяди, иккинчидан, эса шусиз ҳам ниҳоятда мураккаб бўлган экологик вазиятни бутунлай издан чиқаради.

Ўзбекистон ўзи иштирок этаётган барча халқаро тузилмалардан, хусусан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ҳам миллий манфаатларимизга

мос сиёсат юритишга ҳаракат қилаяпти. Воқеалар ривожини фақат мустақил сиёсат ва миллий манфаатларни фаол ҳимоя қилиш амалиёти минтақада тинчлик-барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлашини кўрсатиб турибди.

Марказий Осиё давлатлари интеграциясини янги кўринишида намоиш этишда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) муҳим ҳисобланади. 1992 йил 15 майда Тошкент шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномасининг имзоланиши ушбу ташкилотнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Унинг юзага келиши Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик тизимини яратишга бўлган изланишлар ҳосиласи деб айтиш мумкин. КХШТ га Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Арманистон давлатлари асос солишди. Шартнома 1994 йил 20 апрелда кучга кирган бўлсада, бироқ унинг амалга оширилиши минтақадаги реал вазиятга тўла жавоб бера олмасди. Бунинг асосий сабаби аъзо давлатлари ўртасидаги муносабатлардаги манфаатлар қарама-қаршилиги ташкилот доирасида жамоавий фаолиятга тўсқинлик қиларди. Қолаверса, эндиликда парчаланган собиқ Совет Иттифоқи Республикалари ташкилот доирасида ўзаро боғлиқ тайёр эмасликларини намоиш этдилар. Буни Тожикистондаги фуқаролар уруши ва Афғонистондаги қуролли можаролар минтақавий хавфсизликка таҳдид солган бир вазиятда ташкилотнинг шартномавий механизмидан ўзаро баҳамжиҳатлик билан фойдаланилганидан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг хавфсизлик кенгашида сўзлаган нутқида Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар тўғрисидаги битимни Ўзбекистон имзоламаганлигини сабабларини чуқур таҳлил қилиб берди. “Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг вазифаси бу-ўзаро давлатлар ўртасидаги ва МДХ маконидаги турли қарама-қаршиликлар ва можароларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат”,¹ -деб алоҳида уктириб ўтди. Чунки зўравонлик ёки нотинчлик юзага келган ҳолларда мустақил давлатнинг

¹ “Тафаккур” журнали, 2011 йил, № 3, 16-бет.

ички ишига Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг ҳарбий йўл билан аралашуви муаммоларнинг янада кескинлашиб ва чуқурлашиб кетишига олиб келиши мумкин. Айниқса, 2010 йил июнь ойида Қирғизистон жанубида содир бўлган фожиали воқеалар ҳақида тўхталар экан, давлатимиз раҳбари, жумладан бундай деди: “10-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун кўп жихатидан сабоқ бўлиши керак. Ушбу воқеалар мамлакат ичидаги қарама-қаршилиқлар ва можароли вазиятларнинг ҳақиқий сабабини синчковлик билан ўрганмасдан, бу жараёнларга аралашиб қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар томонлама ўйламасдан, уларни ҳал этиш учун ташкилотнинг аралашувига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди”.¹ Ўзбекистоннинг қатъий позицияси туфайли фожиали воқеалар алангаси кенг ёйилиб кетишининг олди олинди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларида содир этилган террористик ҳатти-ҳаракатлар КХШТнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш қафолати бўла олмаслигини исботлади. Айнан шу хусусда Ўзбекистонлик эксперт Ф.Толипов ташкилот минтақавий беқарорликни олдини оладиган аниқ тизимга эга эмаслигини таъкидлайди.² Ўзбекистон Президентининг шу масала бўйича баён қилган фикрлари ва Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини бугунги кунда кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари, сиёсат ва жамоат арбоблари маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Маълумки, Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар ўта мураккаб ва кўп қиррали ислом дунёсининг ажралмас қисми ҳисобланади. Сўнгги йилларда диний экстремизм, фанатизм ва халқаро терроризмнинг таҳдиди тобора кучайиб бораётганлиги сабабли Марказий Осиё тинчлик ва барқарорликни сақлаш хавфсизликни таъминлаш алоҳида аҳамият қасб этади. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқароликжамияти қўриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тенг, манфаатли ҳамкорлик олиб бориш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни

¹ “Тафаккур” журнали, 2011 йил, № 3, 16-бет.

² Толипов Ф. Многообразные интересы и “Большая стратегия” для Центральной Азии Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство диалог. Материалы-Ташкент, 2003 г, с 112.

таъминлаш, бу ерда яшаётган халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш, глобал таҳдидларга қарши биргаликда, ҳамжиҳатлик билан курашиш сингари масалалар миллий манфаатларимизни белгилашда етакчи омил ҳисобланади.

Бугунги кунда минтақавий хавфсизликнинг, сиёсий жиҳатларига тўхталиб ўтадиган бўлсақ аввало, халқаро хавфсизликни таъминлашда давлатлараро муносабатлар ўзаро тенглик, давлатлар суверенитети, халқларнинг ўз тараққиёти йўлини ўзи белгилашлиги ва миллат ҳамда халқларнинг ўз тақдирини ўзи хал қилишлиги алоҳида ўрин тутди. Шунингдек минтақада юзага келадиган сиёсий иқтисодий ва ҳарбий инқирозларни ҳамда келишмовчиликларни тинч музокаралар йўли билан ёки дипломатик алоқаларни ривожлантириш ёрдамида ўз ечимини топиши алоҳида аҳамиятга молик. Мамлакатлараро муносабатларда хавфсизликни таъминлаш мамлакатларнинг халқаро ҳуқуқий принциплари ва нормаларга қатъий амал қилиши уларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигига замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинарида сўзлаган нутқида Марказий Осиё давлатларининг мақсадлари Тинчлик, Барқарорлик ва Ҳамкорликдан иборат эканлигини таъкидлаш билан бирга унинг муҳим йўналишларини кўрсатиб берган эди. Бу: Биринчидан-давлатлар ва халқлар ўртасидаги тинчлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, суверенитет ва мустақилликни сўзсиз тан олиш, куч ишлатишдангина эмас, куч ишлатиш билан қўрқитишдан ҳам тўла воз кечишдир.

Иккинчидан-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг, ислохатлар олға силжиши ва амалга ошишини, инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида тараққиётга эришишининг муҳим шарти бўлган барқарорликдир.

Учинчидан-давлат ва жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатларини рағбатлантирувчи ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли шериклик асосида амалга ошириладиган иқтисодий интеграция жараёнидан иборат ҳамкорликдир. Бу ўринда Марказий Осиё Республикаларининг ягона

иқтисодий маконда жойлашганлиги ва унинг умумий тарихий жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак юқоридаги мақсадларнинг тараққиёт йўналишида эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Дарҳақиқат, минтақавий хавфсизлик кўпгина мамлакатларда амалга оширилаётганлиги ва уларнинг тарихий тажрибаларини ҳисобга олингани ҳолда, Марказий Осиё минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун ҳам ҳуқуқий асослар яратиши тарихий зарурият ҳисобланади. Марказий Осиё давлатлари халқаро нормалари ва принципларидан фойдаланган ҳолда, ўзаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ устиворлигини таъминлашлари том маънода давлатлараро иқтисодий интеграция ривожига катта ҳисса қўшиш билан бир қаторда унинг такомилни таъминлайди. Хусусан, ташқи қарзларни адолатли ривишда ҳал қилиш масаласининг халқаро миқёсида ҳуқуқий нормалари ишлаб чиқилмаганлиги ҳам халқаро муносабатларда, жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда маълум қийинчиликлар туғдиради.¹

Маълумки, асримиз бошларига келиб Ўзбекистоннинг минтақа ва халқаро миқёсида тутган ўрни ҳамда обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Бу даражага етиш учун эса қандай мураккаб жараёнлар, қарама-қаршилик ва чигалликлар, оғир синовлардан ўтганимиз барчага маълум. Аввало давлатимиз раҳбарларининг прагматик, чуқур уйланган сиёсий йўли ва иродаси туфайли Ўзбекистон энди халқаро сиёсий ҳамда геосиёсий жараёнларнинг оддий иштирокчисигина бўлиб қолмай, унинг асосий йўналиш ва мазмунини белгилашда ҳал қилувчи ўрин тутадиган давлатлар сафидан жой олди.

Маълумки, XXI асрда инсоният баъзи глобал муаммоларга дуч келмоқда, бугунги мураккаб замонда дунё аҳли халқаро терроризм, экстремизм, миллатчилик, гиёҳванд моддалар, қурол-яроғларининг ноқонуний тарқалиши, йирик экологик ва технологик таҳдидларга қарши кураш олиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро анжуманларда, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган ана шундай долзарб масалалар бўйича муҳим амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Айниқса, Марказий

¹ Ч.Ш.Кўчаров. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан. 2008 йил, 58-59 бетлар.

Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш, хусусан ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этиб келаётган урушга чек қўйиш, ушбу мамлакатни иқтисодий жиҳатидан тиклаш, ижтимоий-гуманитар инфратузилмаларни шакллантириш, оҳамларни тинч меҳнатга қайтариш бўйича юртбошимиз баён этган ташаббусларга халқаро жамоатчилик алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. БМТ БошАссамблеясининг 1993 йилдаги 48-сессиясида, 2000 ва 2010 йил сентябрь ойида бўлган Мингйиллик саммитида дунё аҳли эътибори яна бир бор Афғонистон муаммосига қаратилди. Албатта, биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан манфаатдормиз. Бу бизнинг миллий манфаатларимизга бевосита дахлдор бўлган стратегик масала. Лекин айти масаланинг муҳимлиги фақат бизнинг давлатимиз ва халқимиз манфаатлари билан чекланиб қолмайди. Унинг ижобий ҳал қилинишидан бутун Марказий Осиё минтақаси қолаверса халқаро ҳамжамият ҳам манфаатдордир.¹

Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида сўз борганда, Президентимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги ташаббусни эсга олмасдан ўтолмаймиз. Чунки бу ташаббус ҳозирги вақтда ўзининг амалий татбиғини топмоқда. Масалан, Қозоғистоннинг Семиполатинск шаҳрида Марказий Осиёнинг бешта давлати ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолагани бу борадаги муҳим қадам бўлди. Шу ҳақда фикр юриганда 1997 йили Тошкентда ўтказилган “Марказий Осиё-ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзусидаги халқаро конференция ана шу анжуман учун пойдевор бўлганини таъкидлаш лозим. Ушбу шартномани тайёрлаш юзасидан Минтақавий экспертлар гуруҳи айнан бизнинг пойтахтимизда тузилгани ҳам бу фикрни исботлаб турибди. Шартномани имзолаш маросимида бу фактни кўпчилик алоҳида ҳурмат ва эътибор билан эсга олгани ҳам шундан далолат беради. Хусусан, Қозоғистон ташқи ишлар вазирининг “Шартнома уни имзолаш ташаббусини биринчи бўлиб илгари сурган Ўзбекистон пойтахтида

¹ Жалолиддин Сафо. Миллий манфаатлар масаласига янгича ёндошувлар. “Тафаккур” журнали, 2011 йил, №3, 13-14бетлар.

тасдиқланган”, деб эътироф этганини эсга олайлик.

Давлатимиз раҳбарларининг мазкур ташаббуси ва имзоланган бу шартномани халқаро миқёсдаги аҳамиятини қўйидаги мисоллар кўрсатиб турибди. Мазкур жараёни БМТ Бош котиби. МАГАТЭ ва “ядровий бешлик”қа аъзо мамлакатлар диққат билан кузатиб боргани ва ушбу масалага бағишлаб БМТ қароргоҳида бир неча бор учрашув ва маслаҳатлашувлар ўтказилгани, БМТ Бош котиби шартномани имзолаш маросими қатнашчиларига мурожатнома жўнатгани ҳамда бошқа мисоллар шулар жумласидандир. Биз учун энг муҳим, Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудга айланиши, юртимиз, минтақамиз узра тинчлик, осойишталик муҳити доимо барқарор бўлиб туришидир.

Мустақил ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишда Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнлар муҳим ўрин тутди. Шу боис минтақа муаммоларига, ён атрофимиздаги воқеаларга мамлакатимизда доимо алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Чунки ҳозирги вақтда минтақавий муаммолар наинки бир ҳудуд ҳаёти, балки бутун дунё тақдирига дахлдордир. Халқаро терроризм, наркотрафик ва глобал экологик муаммолар ана шундай ялпи хатардир. Шу ўринда айрим сиёсатчи ва саёсатшуносларнинг Марказий Осиё минтақасини Болқонга таққослаши хусусида қисқа бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз. Хусусан, машҳур сиёсатшунос Збигнев Бжезинский “Буюк шахмат тахтаси” асарида Марказий Осиёни “Евроосиё Болқонлари” деб атайди. Бундай қараш асоссиз эканини исботловчи омиллар ниҳоятда кўп. Биринчидан Марказий Осиёда тарихий илдизлари, тили, дини, урф-одати ва анъаналари муштарак ва ниҳоят яқин халқлар минг йиллар давомида тинч-тотув яшаб келмоқда. Иккинчидан, минтақа халқларининг миллий табиати ва характеридаги бағрикенглик, ўзаро ҳурмат эҳтиром, меҳр-оқибат фазилатлари чуқур илдиз отган. Учинчидан, собиқ иттифоқнинг емирилиши арафасида қизил империянинг қўли ва 2010 йил июнь ойида учинчи бир томоннинг иғвоси билан уюштирилган айрим можароларни ҳисобга олмаганда, минтақамиз халқлари ўртасида асрлар давомида низо-жанжалларнинг ўзи бўлмаган. Бжезинский глобаллашув жараёнларида Ўрта Осиё халқларини эндигина

миллат сифатида шаклланаётган халқлар деб таърифлайдики, бу ҳатто изоҳ беришга ҳам арзимайдиган нотўғри фикр.¹

Ўтган йилларга назар ташлар эканмиз, ушбу давр жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш йўлидаги чора-тадбирлар ва ютуқлар билан бир қаторда минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солувчи жуғрофий сиёсий, мафкуравий ва этник ниқоблар остида кечган турли қарама-қаршилиқлар, зиддият ва можароларга ҳам бой бўлганини таъкидлаш жоиз. Кўп қутбли дунё, халқаро хавфсизликка доимий равишда бўлаётган таҳдидлар шароитида Ўзбекистон халқаро сиёсат, иқтисодий ва хавфсизлик борасида илгари сурган ташаббуслар минтақавий ва глобал стратегик мувозанат ҳамда тинчлик осойишталик сақлаб қолинишида муҳим аҳамият қасб этди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, Ўзбекистоннинг эътирофга сазовор бўлаётган саъй-ҳаракатлари шу билан чекланиб қолмайди. Бунга нуфузли халқаро илмий-тадқиқот институтлари ва эксперт доиралари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, минтақавий хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш, терроризм, наркоагрессия ва диний экстеремизм каби таҳдидларга қарши кураш йўлида мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсат ҳам киради.

Сир эмаски, Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва стратегик мувозанатни сақлаш, унинг манфаатлар тўқнашуви ва зиддиятлар маконига айланиши олдини олишда турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар имкониятидан фойдаланишга интилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ШХТ даги раислиги доирасида ушбу минтақавий ташкилот ва БМТ ўртасида 2010 йилнинг 5 апрель куни “Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг айнан Тошкент шаҳрида имзоланганига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз ташаббуси билан имзоланган ушбу ҳужжат ШХТнинг халқаро нуфузи янада ортаётгани, унинг глобал можаролар, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, барқарор иқтисодий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини ҳал этишда алоҳида аҳамият қасб этиб бораётганидан далолат беради.

¹ Жалолиддин Сафо. Миллий манфаатлар масаласига янгича ёндашувлар. “Тафаккур” журнали, 2011 йил, №3, 17-бет.

Сиёсий, иқтисодий ва ҳавфсизлик масалаларида Ўзбекистон раҳбарияти илгари сураётган ташаббуслар ва амалга оширилган ишлар Республикаимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада орттириши шубҳасиз. Сингапур молия вазирининг ўринбосари Лим Хю Хуа 2010 йили Осиё тараққиёт банки бошқарувчилари кенгаши йиллик мажлисининг МДХ ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилганини халқаро молия институтларининг мамлакатимизга ишончи тобора ортиб бораётгани белгиси деб атади.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо Ўзбекистон иштирокисиз ҳал бўлмаслигини ҳамма билади. Шу маънода, 2011 йил 24 январь куни Биринчи Президентмиз Ислом Каримов Европа Иттифоқи (ЕИ) комиссияси президенти Ж.Баррозо таклифига биноан минтақавий ҳавфсизлик ва икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш учун Брюсселга ташриф буюргани ҳамда ЕИ ва НАТО раҳбарияти билан музокаралар ўтказгани диққатига сазовор. Европанинг нуфузли эксперт доиралари Ўзбекистон билан ЕИ мунобатларида сифат жиҳатдан янги ҳамкорлик босқичи бошланганига алоҳида урғу берди.¹

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда халқаро ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида мувоффақиятли ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ҳозирги кунда Халқаро доирада шаклланаётган сиёсий қарашлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрнини юқори баҳолайди. Дарҳақиқат, минтақадаги мавжуд муаммоларнинг конструктив ечимини топишда Ўзбекистон кўп қиррали ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ушбу минтақада ҳавфсизликка таҳдидларнинг доимийлиги ва кучли давлатларнинг манфаатлар тўқнашуви шароитида мустақилликни асраб қолиш ва янада мустаҳкамлашни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бунда, Марказий Осиё давлатларининг барчаси ягона умумҳавфсизлик тизимини яратиш зарурият эканлигини англаб етган ҳолда, ушбу тизимда минтақавий интеграция ғояси етакчи ўрин эгаллайди. Бу ғоянинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб, унинг самарали саъй-ҳаракатлари натижасида бу геосиёсий

¹ Р.Низомова. “Учинчи сектор” ва “Бешинчи ҳокимият”. “Тафаккур” журнали, 2011 йил, №2, 4-6 бетлар.

маконда қафолатланган хавфсизлик тизилмалари яратилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон Марказий Осиё глобал сиёсатнинг ривожланиш истиқболларини таъминлаш, ҳар томонлама самарали халқаро алоқаларни кучайтириш бўйича ғоятда қулай геостратегик мавқега эга эканини таъкидлаш лозим. Юртимиз қадим-қадимдан Европа ҳамда яқин Шарқий Жанубий-Шарқий Осиё билан, Тинч океани минтақаси билан боғловчи ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтаб келмоқда. Шунингдек Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар бўлиш билан бирга ниҳоятда бой, ранг-баранг табиий, иқтисодий, илмий-интеллектуал, маърифий-маданий салоҳиятга ҳам эгадир. Ана шулардан келиб чиқадиган бўлсақ турли йўналишлар бўйича халқаро муносабатларна янада кучайтириш мамлактлараро ва миллатлараро муносабатларни янгича шароитларда ривожлантириш Ўзбекистон учун ҳам, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам, дунёдаги бошқа давлатлар учун ҳам ҳар томонлама манфаатлидир.

МОҲТ нинг муҳим вазифалари Марказий Осиёда хавфсизлик тизимларини шакллантириш ва интеграция жараёнларининг ривожланиши масаласида эса халқларимизни, ушбу минтақада яшаётган барча одамларни ташвишлантираётган муаммолар, энг аввало, уларнинг хавфсизлиги, тинч ва барқарор келажагини таъминлаш масалаларини, жумладан транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва мамлакатимиз ҳамда халқларимизнинг манфаатларига дахлдор бўлган бошқа муаммоларни ҳал этишни назарда тутадиган умумий сиёсий платформани биргаликда ишлаб чиқиш лозим. Ҳаммамиз бир нарсани чуқур англаб олишимиз керак-деди Президентимиз, минтақа хавфсизлиги муаммолари ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг, барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш буларнинг барчаси бизнинг келажагимизга дахлдор бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган масалалардир. Шу маънода “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” ташкилотининг минтақада кўп томонлама ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим институтларидан бири сифатидаги аҳамияти кескин ошмоқда. Бугунги кунда унга дунёнинг етакчи давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг қизиқиши ортаётгани бежиз эмас. Хуллас, давлатимиз раҳбари, умумий

бозорни жорий этиш учун учта асосий босқичдан ўтиш зарурлигини таъкидлади:

Биринчи босқичда тарифларнинг ягона ўзаро мослаштирилган ва мақбул тизимини назарда тутувчи Божхона иттифоқини шакллантиришга ҳамда транспорт-транзит масалаларини ҳал этишга киришиш мумкин.

Иккинчи босқичда муайян чораларни қабул қилиш асосида Эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги мавжуд битимни реал мазмун билан тўлдириш имконияти вужудга келади. Шу тариқа бу ҳужжат, ниҳоят ишга тушиши ва амалий натижада беришини таъминлаш мумкин бўлади.

Ва ниҳоят, учинчи босқичда биз Марказий Осиёнинг том маънодаги умумий бозорини таъсис этишимиз мумкин. Ишончим комилки, фақат “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” ташкилотигина Умумий бозорни ташкил этишининг асоси сифатида хизмат қилиши мумкин ва хизмат қилиши шарт, деган фикрига ҳамма қўшилади. Лекин бунинг учун мавжуд тузилмалардан фойдаланиш имкониятларини чуқур ўрганиб чиқиш уларнинг ваколатларини белгилаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини аниқлаш талаб қилинади.¹

Ана шу тузилмалар негизида янги мувофиқлаштириш ва бошқарув органларини шакллантириш мумкин. Биз Марказий Осиёда минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантиришда иштирок этишни амалда интилаётган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг механизмини ишлаб чиқишни тавсия этамиз.

Умуман олганда Марказий Осиё Ҳамкорлиги нафақат бугунги ўтиш даври маҳсули, балки жуғрофий, тарихий этник ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёждир. Чунончи, бу мамлакатлар жуғрофий жиҳатидан бир-бирига яқин ва зич жойлашган. Сув, электр энергетикаси ва бошқа табиий омиллар ҳам уларни боғлаб туради. Қарийб 50 миллионли аҳоли тарихан ягона уйғунлашиб кетган дунёқараш ва анъаналарга эга. Уларнинг ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ҳамдўстликдан ҳам баланд тўрадиган қадимий қадриятлари бор. Минг йилликлар мобайнида шаклланган маънавий, маданий ахлоқий, диний ва исоний муштараклиги ҳам мавжуд.

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил, 5 июнь.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасидаги сиёсий ҳамкорликнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳақида гапирилар экан, бу борада Ўзбекистоннинг алоҳида ўрин тутишини таъкидламоқ керак. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ушбу минтақада ривожланган, катта ва бой маънавий ва маданий потенциалга эга мамлакат ҳисобланади, шунинг учун ҳам у Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ўртасида, шунингдек бутун Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликнинг ўрнатилишида боғловчи бўғин вазифасини бажариши мумкин.

Агар Марказий Осиё минтақаси ҳақида гапириладиган бўлса, бу ҳудудда яшовчи жами 50 миллион аҳолининг тенг ярми Ўзбекистонда истиқомат қилади. Шу боис, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан қилинадиган ҳамкорликларга етакчи мавқега эгадир.

Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлигининг асосини иқтисодий соҳада хусусан, табиий ресурслардан фойдаланишда халқларнинг умумий саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш, технологик салоҳиятини яқинлаштириш ва шу орқали, ҳар бир мамлакатнинг изчил ривожланишига, барча халқларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини оширишга эришиш каби мақсадлар ташкил этади. Ушбу вазифаларни ҳал этишнинг муҳим шарти эса Марказий Осиё минтақасида ва бошқа Осиё мамлакатларида тинчлик ва осойишталик, барқарорликни таъминлашдан иборатдир. Тинчлик ва осойишталикни таъминламай туриб, барқарорликқа эришмай туриб, ҳеч қандай ислохатни амалга ошириб бўлмайди. Ана шу маънода Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббус Осиё мамлакатлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё давлатлари ўзининг ташқи сиёсий ҳамкорликлари давомида Орол муаммосини ҳал этиш учун мамлакатлар саъй-ҳаракатларини умумлаштиришни устивор йўналиш деб ҳисоблайди. Бу муаммо бугунги кунда нафақат Марказий Осиё учун, балки бутун инсоният бошига ҳам жиддий хавф солиб турибди.

Хуллас, биринчидан Марказий Осиё давлатлари Марказий Осиёда тинчлик ва коллектив хавфсизликни, сақлаш шу минтақадаги мамлакатлар

салоҳиятини бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари жаҳонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш учун ўта муҳимдир.

Иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг Марказий Осиёдаги тинчликсевар ташқи сиёсатининг конституцион тамойиллари тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқ; шу ҳудуддаги давлатларнинг суверен тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлашдан иборатдир.

Учинчидан, Марказий Осиёнинг геосиёсий ҳолати ундаги давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши ташқи сиёсати юритилишидан зарар кўради. Бунинг олдини олиш учун минтақа давлатлари халқаро муаммоларга бўлга ягона тизимли ечимларни ишлаб чиқишлари ва бу ечимлар ташқи сиёсий изчиллик ва устиворлик тамойили асосида қўллаб-қувватланиши зарур.

Тўртинчидан, Халқаро муносабатлардаги, хусусан Марказий Осиёга тегишли масалаларда ташкилотнинг аъзо давлатлари ШХТнинг минтақавий барқарорлик ва ривожланишга қўшадиган ҳиссасини юқори баҳолайдилар.

Бешинчидан, КХШТ нинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимини яратишдаги аҳамиятини, ҳамда минтақа давлатлари ўртасида ўзаро уйғун ташқи-сиёсий ҳамда ҳарбий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ва барқарор қафолатларнинг яратилиши амалий жиҳатидан самарали хавфсизлик тизимини барпо этишда ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиздир. Хуллас, Марказий Осиё давлатларининг салоҳиятини уйғунлаштириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари, жаҳонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш учун ўта муҳимдир.

5. Марказий Осиё Минтақасини Ядро қуролидан холи зонага айлантиришда Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари

Ядросиз зонанинг вужудга келиши ва ривожланиши баъзи давлатларнинг тинчликсевар кучларининг милитаризмга қаршилигидир. Ядросиз зона тузиш муаммоси вужудга келгандан ҳозирги кунгача аниқ эволюцион йўлини босиб ўтди. Дастлабки ядросиз зона тушунчаси асосан ядро қуролларининг ҳудудий тарқалишини олдини олишнинг воситаси бўлди. Кейинчалик 70-йиллар бошига келиб бундай қуроллар ҳарбий ҳаракатларда ишлатиладиган бўлди. Ҳозирги шароитда бундай зона давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралади:

Ядросиз ҳудуд қуролларнинг чекланганлиги, ядро зиддиятлари вужудга келишининг ҳавфсизликнинг камайиши воситаси бўлди. 1968 йилда ядро қуролларни тарқатмаслик тўғрисида шартнома имзоланди. Ядросиз зона шундай ҳудудки унда ядро қуролларини ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш ва тарқатиш тақиқланади.¹

БМТ Бош Ассамблеяси ядро қуролидан холи зонаси бу БМТ томонидан тан олинган исталган зонадир. 1995 йил БМТ Бош Ассамблеяси ядросиз зона тузиш бўйича масалаларни ҳал этиш учун ер юзининг турли ҳудудларига бу муаммони келиб чиқишини ўрганувчи экспертлар гуруҳини жўнатди. Улар 3 та гуруҳга мансуб давлатлардир:

- 1-зонага кирувчи давлат;
- 2-ядро қуролига эга бўлган давлат;
- 3-бошқа давлатлар;

Ядросиз ҳудуддаги давлатларнинг баъзилари шартномага кўра баъзи мулкларидан маҳрум бўлади:

- 1-уларда ядросиз мақоми тўлиқ ўрнатилади;
- 2-бу зонадагилар ядро давлатлари билан ҳавфсизлик қафолатларини оладилар;

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги кунда ядро қуролидан холи

¹ Дипломатический словарь. Т. "Наука". Москва 1984 г, с 119.

зона ер шарининг 2\3 қисмни ташкил этади. Уларни ягона мақсад бирлаштиради. Бу мақсад ядро ва экологик ҳалоқатлар тарқалишини тўхтатиш. Ядро қуролининг синовдан ўтказишнинг тақиқлашдир. Ядросиз зона яратиш бўйича илк бор БМТ ни жалб этилиши ҳам аҳамиятлидир.¹

Ядросиз зона тузишнинг шартномавий принциплари мавжуд, шу билан бирга турли даражада ишлаб чиқилган ташаббуслар ҳам бор. Шартномага қираётган томонлар қуйидаги мажбуриятларни зиммасига олади:

1-ядро материаллари ва воситаларидан тинчлик мақсадларида фойдаланади;

2-ўз ҳудудида ядро қуролларини синовдан ўтказишни, ишлаб чиқаришни ва фойдаланишни тақиқлайди;

3-ўз ҳудудида ядро қуролларини олиш, сақлаш, ўрнатиш ва жойлашни тақиқлайди;

4-ўз ҳудудида ядро қуролларини синовини назорат этади;

5-ядро ва ядросиз давлатлар мажбуриятлари ва жавобгарлигини, тенглигини таъминлайди;

6-умумий қуролланиш ютуқларига қаратилган ўзаро чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди;

7-ҳавфсизликни ягоналигига ва тенглигига асосланган принципга жиддий бўйсунди;

8-ядросиз ҳудудга қирувчи давлатлар ядро энергиясидан иқтисодий-ижтимоий мақсадларда манфаат ва эҳтиёжларда фойдаланиш дастурини ишлаб чиқади.

9-МАГАТЭ доирасида ядросиз ҳудуддан ядро материалларини, технология ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш;

10-аралашмаслик шартномасини сўзсиз бажариш;

11-ҳалқаро транспортировка жараёнида ядро материалларининг физик ҳимоясини таъминлаш (бу 1980 йилда ядро материалларини физик ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция имзолангандан кейин бошланади).

¹ С.Жўраев, О.Аҳмедов, М.Раҳимова. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. Т. Фафур Фулом номидаги нашрёт-матбаа ижодий уйи, 2008 йил, 415-бет.

Ўзбекистон Республикаси ҳавфсизликнинг ички ҳудудий ва глобал ўзаро муносабатлари ва бўлинмаслик принципини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон мустақил давлатлардан биринчи бўлиб ядро қуролиларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилди. 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Биринчи Президент И.Каримов Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тузиш ташаббуси билан чиқди. президентнинг бу ташаббуси ҳалқаро жамоатчиликда ижобий қабул қилинди.

1996 йил 3 декабрда Лиссабондаги ЕХХТ давлатлари учрашувида шу ташаббус яна кўтариб чиқилди. Учрашувда асосий эътиборни ХХІ асрда ҳавфсизликни янги моделларини ишлаб чиқишга, ҳалқаро ва давлатлар барқарорлигини таъминлаш учун янги йўналишлар ишлаб чиқишга қаратди. Марказий Осиёда ЕХХТ фаолиятини фаоллаштириш ва Европа иттифоқи билан алоқаларни кенгайтиришга эътибор қаратилади. 1997 йил 15 сентябрда Тошкентда "Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона" мавзусида ҳалқаро конференция бўлди. Бунда иштирокчилар эътиборини Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тузиш долзарб ва муҳим бўлиб қолганлигига қаратилди. Ундаги барча давлатлар ҳам ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилмаган эди. Баъзи давлатлар бунга ўз эътирозларини билдирди. Учрашувда таъкидландики Марказий Осиё, Лотин Америкаси, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Тинч Океани ҳудуди ва Африқадан кейинги 5-ядро қуролидан холи зона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ядро қуролига муносабати Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасида ҳам ўз аксини топган. Хусусан унинг биринчи бўлимида таъкидланганидек Ўзбекистон ядросиз принципларни қўллаб-қувватлайди. Унга кўра Ўзбекистон ядро қуролиларини ишлаб чиқармайди, жойлаштирмайди ва тарқатмайди. Ўзбекистон ҳудудида ядро қуроли синовларни ўтказишни таъқиқдайди. Ўзбекистон химик, бактериологик ва бошқа оммавий қирғин қуролиларини ишлаб чиқармайди. Ўзбекистон Республикаси кимёвий қуролиларни таъқиқловчи конвенцияга қўшилади. Бактериологик қуролиларни таъқиқловчи муаммолар бўйича

музокаралар олиб боради. Ўз қуролли кучлари ва ҳарбий базаларини бошқа давлатлар ҳудудига жойлаштирмайди.

1997 йил 28 февралда Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари Алмата учрашувида Алмата декларациясини қабул қилишда унда ядро қуролидан холи зона тузиш ғоялари бир овоздан мақулланди. Тошкент конференциясида 56 та давлат ва 16 та ҳалқаро ташкилотлари ва вакиллари Марказий Осиёни ядросиз ҳудудга айлантириш ғояларини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Қирғизистон вакиллари Бишкекда бу масала бўйича ҳалқаро экспертлар гуруҳи учрашуви ўтказиш таклифи билан чиқдилар. Бу ташаббус конференция иштирокчилари томонидан маъқулланди.¹

1998 йил 9-10 июнда Бишкекда Марказий Осиё давлатлари экспертларининг консултатив учрашуви бўлди. Бу учрашув тарихга "5+5+БМТ" номи билан кирди. Унда Марказий Осиёни 5 та давлат вакиллари "Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона" тўғрисидаги шартномани асосий лойиҳалари ҳужжати қабул қилинди. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тузиш масаласи БМТ ни Бош Ассамблеясида бу резолюция лойиҳаси муҳокама қилинди. Ҳалқаро шартноманинг имзоланиши ядросиз зона мақомини расмийлаштирди. Бу шартнома Марказий Осиёни ядросиз ҳудудга айланишини мантикий якуни бўлди. Шартноманинг асосий мақсади Марказий Осиёга ядро қуролини кириб келишини ҳар қандай шакллари таъқиқлашдир. Шартномага кўра давлатлар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар ва таъқиқлайдилар:

- ўз ҳудудида ядро қуроли синовини таъқиқлаш;
- ҳарбий мақсадларда ядро технологияларидан фойдаланиш;
- ядро қуролини ишлаб чиқариш ва унга эга бўлиш;
- ядро қуролини сақлаш, жойлаштириш ва ўз ҳудудидан олиб ўтиш.

Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд мақомининг самараси ядро давлатларининг бунга муносабатига боғлиқ. Шу мақсадда бу шартномага қўшимча сифатида 2 та протокол тайёрланди. Уларнинг биринчисига кўра Марказий Осиёга чегара давлатлар: Россия, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон

¹ "Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона". Халқ сўзи газетаси, 1997 йил, 16-сентябр, 1-бет.

унга кўшилди. Иккинчи протоколда таъкидланганки "ядро клуби" аъзолари: Россия, Хитой, АҚШ, Англия ва Франция ядросиз зона мақомини эътиборга олиб бу ҳудудда фаолият олиб бормади.

Бу протоколлар ядросиз ҳудуд мақомининг қафолати бўлди. Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд тузишнинг фойдаси шундаки, бу ядро қуроли тарқалиш муаммосини ҳал қилади.

Ядро қуролини тарқатмаслик муаммоси оммавий қирғин қуролининг яратилиши билан глобал муаммо сифатида кўтарила бошланди. Тарқатмаслик - ядро қуролига эга бўлган янги давлатни пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва уни олдини олишдан иборат. Ядро қуролига эга бўлган янги давлатни пайдо бўлишини олдини олишнинг муҳимлиги 60-йилларда АҚШ, СССР, Англия ва Франциянинг Ядро қуролига эга бўлган давлатлар сифатида шаклланиши билан англашила бошланди. Бу масалада Хитой ҳам улар сафига қўшилишга тайёр эди. Бу даврда Ирландия ядро қуролини тарқатмасликнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди. СССР, АҚШ, шунингдек Англия ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани (ЯҚТШ) ишлаб чиқаришга киришди ва унинг сақловчилари бўлишди. Хитой ва Франция бир неча ўн йилдан кейин бу шартномага қўшилди. ЯҚТШ бешта ядровий давлатга қуйидаги мажбуриятларни берди:

-Ядро қуролига эга бўлмаган ҳеч бир давлатга буни бермаслик ва улар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.

-Ядро қуролига эга бўлмаган давлатга уни яратишга ёрдам бермаслик.

-Ядро қуролига эга бўлмаган ҳеч бир давлатга МАГАТЭ нинг қафолатисиз ядро қуролини яратишга асос бўладиган материалларни бермаслик.

-Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорликка қўмаклашиш ва ядровий қуролсизланиш бўйича музокараларни мунтазам олиб бориш.

Ядро қуролига эга бўлмаган ЯҚТШ га аъзо бўлган тахминан 180 та давлатга ушбу шартнома ядро қуролига эга бўлмаслик, уни қўлга киритмаслик ва қайта ишламаслик, ҳамда атом энергиясидан фақат тинчлик йўлида

фойдаланишлик бўйича МАГАТЭ нинг қафолатини мажбурий қилди. Дунёда юқоридаги Шартномага аъзо бўлмаган, бироқ ядровий фаолият олиб борувчи тўртта давлат мавжуд.¹ Булар Исроил, Ҳиндистон, Покистон ва Кубадир.

1991 йилнинг охирига келиб Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши билан ҳалқаро муносабатлар тарихида, шунингдек ядро қуролини тарқатмаслик соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси ва катта ҳажмдаги ядро қуролига эга бўлган давлат парчаланди. Маълум вақтдан кейин Россия Федерацияси ядровий ҳуқуқий ҳолат юзасидан СССРнинг қонуний ворисига айланди ва ядро қуролини тарқатмаслик бўйича ҳалқаро тузумнинг асосий ҳужжати бўлган -ЯҚТХ бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз бўйнига олди. Шу билан бирга, СССРнинг парчаланиши тарқатмаслик борасида янги жиддий ҳавфларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Иқтисодий инқироз, бошқарув тизимининг заифлашуви, жиноятчиликнинг авж олиб кетиши, жамиятдаги руҳий тушкунлик ва шу каби биологик, химиявий ва ядровий қуролсизланишнинг давом эттиришни мажбур қилувчи ходисалар АҚШ Мудофаа Вазири Дональд Рамсфелднинг таъкидлашича, Россиянинг Оммавий қирғин қуроли ва унинг тайёрланиши учун керакли бўлган материалларни дунёга тарқатувчи давлатга айланишига олиб келди. Бугунги кунда Россиянинг тарқатмаслик масаласидаги Ғарб билан, шунингдек АҚШ билан мулоқот бошлаши бошқа давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тизимининг муҳим таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

Қурол-аслаҳа материалларининг ҳимоя қилиниши ва улар экспортини доимий равишда назорат қилиш тизими;

Акд-идроқли инсонларнинг камайишини олдини олиш тизими;

ОҚҚ ва материалларининг сақлашда ҳавфсизликнинг таъминланиши;

Ядро ва бошқа ОҚҚ ҳамда уларнинг материалларининг сотилишини ва ноқонуний айланмасини олдини олиш.

Тарқатмаслик тизимининг мустаҳкамлашнинг муҳим элементи, бу соҳада ғарбнинг МДХ давлатларига машҳур Нанна-Лугара дастури мисолида

¹ WWW/.nti.org.

кўрсатаётган ёрдамидир.¹ 2002 йил июнда Қанадада бўлиб ўтган йирик саккизлик аъзо давлатларнинг саммитида ОҚҚ ва ҳалқаро терроризмдан келиб чиқувчи бир-бирига қарши ўзаро ҳавфларга қарши кураш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Шунингдек ОҚҚ ва уларнинг материалларини тарқатишга қарши саккизликнинг глобал ҳамкорлигини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Аъзо давлатлар ОҚҚ ни террористларнинг қўлига тушиб қолишини олдини олиш ташаббусини илгари сурди. «саккизлик» лидерлариниш қўшма баёнотида «террористлар ёки уларни яшираётганларнинг ядровий, химиявий, ёки биологик оммавий қуролига эга бўлишларини» олдини олишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Юқоридаги мақсад юзасидан бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин бўлган қуйидаги олтита тамойил қабул этилди: 1) қурол, материал, технологияларнинг тарқалишини олдини олишга қаратилган кўп томонли шартномаларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига кўмаклашиш;

2.Юқорида кўрсатилган материаллар ва технологияларнинг ҳавфсизлигини ва рўйхатга олиншини таъминлаш;

3.Объектларнинг ҳимоя қилинишида ташкилотларга ёрдам бериш;

4.Юқорида кўрсатилган предметларнинг ноқонуний айланмасини таъқиқлаш борасида давлатларга ёрдам бериш;

5.миллий экспорт ва юklarни туширишда кучли назоратни амалга оширилишига кўмаклашиш;

6.ядровий, химиявий ва биологик қуролларга зарур бўлган материаллар захирасини бошқариш ва уларни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш.

Глобал ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари тажрибаларидан фойдаланиш ва мавжуд дастурларни, хусусан, Ҳавфларни биргаликда камайтириш бўйича дастурни кенгайтириш. АҚШ юқоридаги дастур бўйича 1992 йилдан эътиборан, Россия ва собиқ ССЖИ давлатларига 7 миллиард доллар ажратди.

90-йиллар бошларида Марказий Осиёдаги бешта янги давлат ўз мустақилликларини қўлга киритганларидан кейин, улар олдида, уларга мерос

^{1 1} WWW/.nti.org.

бўлиб ўтган ОҚҚ тақдирини ҳал этиш учун дастур ва йўналишларни ишлаб чиқариш вазифаси тўрар эди. Ҳозирги пайтгача улар томонидан олиб борилаётган қуролсизланиш ва тарқатмаслик соҳасидаги фаолиятлар АҚШ нинг ҳавфларни биргаликда камайтириш дастури асосида молиялаштирилмоқда. Охириги ўн йил мобайнида минтақа давлатлари бу соҳада муайян ютуқларни қўлга киритди. 2004 йил ёзида Ўзбекистон Республикасида «Экспорт назорати тўғрисида» ги қонунни қабул қилди. Бунда мамлакат ОҚҚ ни тарқатмаслик бўйича илгари қабул қилинган ҳалқаро мажбуриятларни бажарилишини таъминлашга чақирилган. Давлатлар томонидан қонунга мувофиқ амалга ошириладиган экспорт назорати ушбу мамлакатлардан чиқаётган ядровий, биологик, химиявий қуролларни яратиш учун ишлатиладиган ҳом ашёлар, асбоб-ускуналарга, илмий-техникавий ахборотларга ва интеллектуал фаолиятларнинг натижаларига татбиқ қилинади. Охириги пайтларда бунга ўхшаш қонунлар барча Марказий Осиё давлатларида қабул қилинган. Ўтган даврда Марказий Осиё давлатлари ОҚҚ учун керакли бўлган материалларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда улкан ютуқларга эришдилар. Бироқ бу материалларнинг ўғирланишидан ва кўчирилишидан ҳимоя қилиш борасидаги ҳавф ҳали ҳануз сақланиб қолмоқда. Бу ташвишлар айниқса 2001 йил 11 сентябр АҚШ ги воқеалардан кейин, Марказий Осиё давлатларининг террористик ташкилотлар («Ал-Қоида») билан алоқаликда гумон қилинаётган давлатларга яқин бўлган террористик гуруҳларнинг мавжудлиги сабабли янада ортди. ОҚҚ га эга бўлишга интилганларнинг мақсади юқори даражада бойитилган уран ва плутонийни қўлга киритишдан иборат бўлган. Минтақада ОҚҚ учун материалларнинг мавжудлигидан кўра ҳавфлироқ бўлган омил бошқа мамлакатлардан келтирилаётган ҳавfli материалларни олиб ўтишда Марказий Осиёдан коридор сифатида фойдаланишга уринишлардир. Бундай материалларнинг катта захираси Марказий Осиё давлатларининг шимолий қўшинларида-Россия ва Украинада мавжуд айти пайтда айрим жанубий қўшинлари ОҚҚ ни қўлга киритишга интилмоқда. Молиявий воситаларнинг ва керакли асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, шунингдек малакавий кадрларнинг озлиги ташкилотларнинг

давлатлар ҳудуди орқали материалларни олиб ўтишда экспорт ва чегара назоратини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Марказий Осиё давлатларининг ҳукуматлари экспорт устидан назорат ўрнатиш тизимини мустаҳкамлашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етмоқда. АҚШ минтақада чегара ва экспорт назоратини амалга ошириш хизматларига радиоактив кўрсаткичлар, транспорт воситалари, компьютерлар етказиб бериш, шунингдек кадрларни тайёрлаш борасида кўмак бермоқда. Минтақа ичида ва унинг ташқарисида оммавий қирғин қуроллари тарқалишини самарали шаклда олдини олиш чегара ва экспорт назорати тизими масалалари давомли шаклда диққат марказида бўлгандагина мумкин бўлади. Дипломатик луғатда ядросиз зона ҳақида қўйидаги таърифни келтирилади. "Ядро қуролини жойлаштиришдан холи бўлган зоналарни ташкил этиш ядровий зиддиятларни пайдо бўлиш имкониятини озайтиради, унга кирувчи мамлакатларнинг ҳавфсизлигини мустаҳкамлайди, 1968 йилги ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномаларни амалга ошириш учун хизмат қилади"¹. Ядросиз зона, манфаатдор давлатлар томонидан ядро қуролини ишлаб чиқариш, синаш ва жойлаштиришни ман этувчи халқаро ҳужжатни имзоланиши билан расмий шаклда эълон қилинган ҳамда бу ҳудудда ва бу ҳудудга қарши ядро қуролини қўллаш таъқиқланган ва БМТ тарафидан эътироф этилган ҳудуддир. Ҳозирги давр шароитида ядро қуролидан холи зона, халқаро ҳавфсизликни ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим элементларидан бири деб ҳисобланмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ядро қуролидан холи зонанинг белгиланиши ва мустақил давлатларнинг унга эркин кириши БМТ Бош Ассамблеяси томонидан чиқарилган "Битим ва конвенция"асосида амалга оширилади Бундай битим «ядро қуролини бутунлай йўқлигини»таъминлаши керак шунингдек бу битим билан аниқланган тегишли мажбуриятларни қафолатлаш мақсадида назорат ва тафтиш қилиш халқаро тизимини йўлга қўйишга ҳақлидир.²

¹ www.zakon.kz.

² Дипломатический словарь. Т. "Наука", Москва 1984 г. С 119.

Шу билан бирга ЯҚХЗ яратиш ҳақидаги битимлар минтақанинг иштирокчи давлатларининг тинчлик мақсадида атом саноатини ривожлантиришини ман этмайди.

БМТ доирасида ядросиз зона яратиш масаласи бўйича мажбуриятга эга бўлган давлатларнинг қўйидаги гуруҳлари мавжуд:

- 1) минтақага кирувчи давлат
- 2) ядро қуролига эга бўлган давлат
- 3) бошқа давлат

Ҳозирги пайтда ядро қуролидан холи зона ер шарининг 3,2 қисмини эгаллайди. Ядро қуролисиз минтақалар асосида ташкил этилган бундай шартномалар умумий белгиларга эгадир, шу билан бирга ҳар бири ўзига хос белгиларга ҳам эгадир.

Уларни бирлаштирган мақсад атом қуролини тарқатишнинг олдини олиш ва ядро терроризмига қарши кураш, ядро ва экологик фожеа ва ҳалоқатларни олдини олиш ҳамда атом ва ядро қуролини синаш ва портлатишга қарши курашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ва минтақанинг бошқа давлатлари Марказий Осиёда ва унга яқин бўлган минтақада тинч ва барқарор шароит яратишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудни эълон қилишда Республикамиз қатор муҳим ташаббуслар кўрсатмоқда, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеясини 48-сессиясида президентимиз юқоридаги ташаббус билан чиқди. 1998 йил ўрталарида ядро қуролидан холи зона ташкил этиш ғояси минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари даражасида муҳокама қилинди. Ва 1996 йилдан бошлаб минтақавий гуруҳ ўзининг фаолиятини бошлади. Қачонки бўлажак Тошкент конференциясида "Марказий Осиё-Ядро қуролидан холи зона" тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси борасидаги келишувнинг зарурлиги пайдо бўляпти. БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида минбардан янграган ташаббусларини ривожлантирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилди ва унинг ўзайтириш ташаббуси билан чиқди. Кейинги муҳим кадам 1996 йил 3-декабрдаги ЕХХДнинг Лиссабондаги Саммитида Биричи Президент Ислон

Каримов томонидан таклиф этилган "Марказий Осиё минтақасини ядровий қуроладан холи зона" деб эълон қилиш фикри бўлди.¹

Бундай зона яратиш ғояси бошқа Марказий Осиё давлатлари томонидан актив қўллаб-қувватланди, хусусан, 1997-йил Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Олмаота учрашувида "Олмаота декларацияси" қабул қилинди, бунда беш лидер "Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона" ҳалқаро конференциясини ўтказишни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Бундан кейин 1997-йил июлда Бишкек шаҳрида ўтказилган Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикаларининг ташқи ишлар вазирларининг мажлисида бу ташаббусларнинг амалий жиҳатдан амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бу учрашувдан кейин БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида биргаликда ядро қуролидан холи зона тузиш (ЯҚХЗ) фикри илгари сурилди.

Бу мажлисдан кейин ташқи сиёсий бошқарма экспертлари биргаликда Марказий Осиё ЯКЭМ лойиҳасининг резолюциясини ишлаб чиқаришга киришдилар.

Шулар қаторида Марказий Осиёда - ядро қуролидан холи зона (ЯҚХЗ)ташқил этиш ва "Ядро қулолини тарқатмаслик" ҳақида Конференция ўтказиш бўйича Ўзбекистон ва Қозоғистон таклифи қўллаб қувватланди. 1997 йил 8-11 сентябр кунлари Алматада ва 1997 йил 14-16 сентябр кунлари Тошкентда бўлди. Тошкентда ўтказилган Ҳалқаро Конференция 3 кун бўлди. Конференцияда кўтарилган асосий муаммо экспертлар иштирокида конференция ҳужжат лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи ва ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал этувчи доимий ишлаб турадиган ишчи гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилинган. Бундан ташқари ядро қуролидан холи минтақа ташқил этиш борасида минтақа давлатлари бошлиқлари билан фикр ва мулоҳазалар алмаштирилганлиги айтилди. Бизнинг Республика фикрлари жаҳон оммасини диққат-эътиборини ўзига жалб қилди.

Шуни таъкидлаш керакки минтақавий гуруҳ фаолияти БМТ экспертлари билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб борилади.

¹ "Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона" "Халқ сўзи" газетаси, 1997 йил, 16 сентябрь.

1997 йил май ойида тугатилган БМТ комиссиясининг асосий сессиясида қуролсизлантириш ҳақида тарқатилган ишчи ҳужжат (ЯҚХЗ) комиссияси Марказий Осиё билан иштирокчи давлатлар хоҳишига кўра қуролсизланиш ҳақида биргаликда ҳужжат қабул қилинган. БМТ Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Олмаота декларациясида тарқатилган ҳужжатини асос қилиб олди. 1997 йил июн ойида биринчи бўлиб Ўзбекистон делегацияси навбатдаги атом энергияси сессиясида қатнашди (МЛГЛТЭ).

БМТ Бош Котибининг ўринбосари В.Петровский БМТ бош секретари К.Аннаниннг юборган йўлланмасини конференция иштирокчиларига ўқиб берди. Йўлланмада ядро қуролидан холи зона минтақавий ҳавфсизликни таъминлашга хизмат қилади ва қуролсизланиш ҳамда ядро қуролларини тарқатмаслик ҳаракатига ўз ҳиссасини қўшади. Ядро қуролидан холи зона ташкил этиш бўйича Марказий Осиёда бешта давлат ташаббуси бутун жаҳон оммасига уларнинг манфаатларини умумийлигини, қўйилган мақсад атрофида бирлашганлигини намоён қилди, амалий жиҳатдан ядро қуролидан холи зона ташкил этиш бўйича қўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг биргаликда ҳаракат қилиш имкониятини яратди.¹

Халқаро конференция якунлари бўйича Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари ташқи ишлари Вазирларининг ядро қуролидан холи зона ташкил этишда минтақа давлатларининг интилишини ифодаловчи баёноти қабул қилинди.

1997 йил декабр ойида БМТ Бош Ассамблеяси 52-сессиясида барча давлатларни минтақада ядро қуролидан холи зонани ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирувчи "Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи зона ташкил этиш" ҳақидаги резолюция қабул қилинди. Резолюция айтилган пайтда мавжуд ресурслар доирасида ядровий ҳавфсизликнинг минтақавий зонасини ташкил этиш ҳақидаги битим элементлари ва шакллари ишлаб чиқиш борасида Марказий Осиё давлатларига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги БМТ Бош Котибига қилинган мурожаатни ҳам ўз ичига олади.

¹ Дипломатический словарь. Т. "Наука", Москва 1984 г, с121.

БМТ Бош Ассамблеясида Марказий Осиё ташаббусини қўллаб қувватланиши сайёрада янги бешинчи ядро қуролидан холи зона қурилишининг янги босқичи бошланганини билдиради.

Тошкент ҳалқаро конференцияси Марказий Осиё давлатларининг ядро қуролини тарқатмаслик ва глобал ва минтақавий даражада тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатларини бошланишига ёрдам берди.

1999 йилнинг охирига келиб Баёнотидаги шартномада ядро қуролини тарқатмаслик ҳақида конференция ўтказиш учун амалдаги тайёрлов қўмита иш олиб борди. Тайёрлов қўмита БМТ Бош котибига Марказий Осиё минтақасида ёрдам кўрсатишлари учун мўрожаатнома қабул қилди. Тайёрлов қўмитаси томонидан қўйилган бу қадам қўллаб қувватланди. 1997 йил 28 февралда Олмаотада Марказий Осиё давлатлари Ташқи ишлари Вазирлари ўз аризаларида 15 сентябр 1997 йил Тошкентда қабул қилинган Ядро қуролидан холи зона ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашди.

Аммо дунёда 2 та кучли давлат борлиги сабабли "Ядро қуролидан холи зона" деб эълон қилинмади. Шундай бўлса ҳам биз юқори даражада ишонч билдириб келишув асосида Марказий Осиё минтақасида "Ядро қуролидан холи зона" ташкил топишига умид қиламиз.

Ядровий қуролсизлантириш даврида куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан таҳдид солишни инкор этувчи тамойилга, ҳар бир ҳалқнинг ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, бирини бошқаларидан устун қўйишни рад этувчи сиёсатга асосланган янги концепцияни ишлаб чиқариш зарур.¹

Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиё -Ядро қуролидан холи зона" (15-16 сентябр 1997) конференцияси минтақавий ва глобал ҳавфсизликни бўлинмаслигини эътироф этган ҳолда, дунё ҳамжамиятининг тараққиётида коллектив ҳиссанинг зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўз ҳалқи иродасини акс эттирган ҳолда, ядро қуролини тарқатмаслик шартномаси

¹ "Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона" "Халқ сўзи" газетаси, 1997 йил, 16 сентябр. 1-бет.

Олмаота Конференцияси ҳужжатиға имзо қўйдилар:

-Ядро қуролидан холи зона барпо этиш учун шартномаларда ёритилган мажбуриятларни кўнгилли равишда қабул қилган давлатлар дунё шарининг муҳим таркибий қисмини ташкил этганлигидан ва янги ядровий ҳавфсизлик маданиятининг ижодкорлари эканлигидан қониқиш ҳосил қилганлигини ифодалайди;

-Марказий Осиё минтақасида, Ядро қуролидан холи зона ташкил этилиши глобал ҳавфсизлик, минтақавий ва миллий манфаатларга жавоб беради;

-БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларини, ҳамма давлатларни Марказий Осиё минтақасида Ядро қуролидан холи зона ташкил этилишини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга чақиради;

Бошқа давлатларни ўз минтақаларида экологик ҳавфсизликни таъминлашнинг муҳим эканлигини ҳисобга олган ҳолда, радиоактив чиқиндилардан ифлосланган ҳудудларни реабилитация қилишга ёрдам беришга чақиради;

-Ядро энергиясидан фақат тинчлик мақсадида фойдаланишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ўзининг тайёр эканлигини таъкидлайди;

-БМТ махсус ташкилотларига, Марказий Осиёда ядродан холи зона ташкил этиш ҳақидаги битимни амалга ошириш ва тайёрлаш элементларини ва шакллари кўриб чиқиш учун, минтақавий гуруҳ экспертлари иштирокида БМТ эксперт гуруҳини ташкил этиш илтимоси билан мурожаат қилади.

Ядродан холи зона ташкил этиш ҳақидаги Тошкент Ҳалқаро Конференциясидан кейин иштирокчи давлатлар экспертларининг уч кунлик мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида конференция ҳужжатларининг лойиҳаларини мувофиқлаштириш ва ташкилий масалаларни тезкор ҳал этиш учун доимий фаолият кўрсатадиган ишчи гуруҳни тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ядродан холи зона ташкил этган давлат ҳукуматлари билан маслаҳатлар ўтказишнинг муҳимлиги эътироф этилди. Мамлакатимизнинг таклифлари жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборига тушиб қолди. Ядровий давлатлар ва

яқин кўшнилари Марказий Осиёда ядродан холи зона ташкил этиш ҳақидаги Ўзбекистоннинг ғоясига ва ташаббусларига ижобий ёндошдилар. БМТ, ЮНЕСКО, ЮНЕП ва бошқа халқаро ташкилотлар минтақа давлатларининг ядродан холи зонани кенгайтириш ҳақидаги интилишларини маъқулладилар ва юқори баҳоладилар.

1997 йил 24 апрелда БМТнинг Женевадаги штаб-квартирасида ядродан холи зона яратиш ҳақида келишувга эришган бешта МО давлатлари минтақавий гуруҳ экспертларининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. 1997 йил декабрда Бош Ассамблеянинг Тошкент конференциясининг ҳулосаларини мустаҳкамловчи "МОда ядродан холи зонани ташкил этиш" ҳақида ижтимоий резолюцияси қабул этилди.

15 сентябр 1997 йилда Ташкентда "МО- ядродан холи зона" мавзусидаги халқаро конференция ўз ишини бошлади.. Конференцияда 56та давлат ва 16 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Улар қаторида: БМТ, ЕИ, "Ядровий клуб", ЕХХТ, ОИҚ, НАТО, МАГАТЭ, ОПАНАЛ ва бошқалар бор " эди.

2002 йил 27 сентябрдаги Самарқанд учрашувида шартноманинг матни бўйича келишувга эришилди ва бир қанча бахсли масаладан ташқари Шартноманинг кўпгина пунктларида экспертлар бир фикрга келдилар. Фақат АҚШ ва Франция каби ядровий давлатларнинг позицияси туфайли Шартномани имзолаш чўзилиб кетди. МО давлатлари шартномани 2003 йил апрел ойида имзолашни умид қилган эдилар. Бироқ ядровий давлатларнинг таклифларини қайтадан ишлаб чиқиш уч йилдан кўпроқ вақт олди. 8 сентябр 2006 йилда Семипалатинскда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон вакиллари томонидан "МОда ядродан холи зона" ҳақидаги шартнома имзоланди. Минтақада ядро қуролига эга давлатлар қуршовида жойлашгани боис бу ҳудудда ядро қуролидан холи зонани ташкил этилиши улар ўртасидаги муносабатларда кучлар мувозанатини сақлаб қолиш имконини яратади.

Таянч сўзлар.

Конструктив ечим, иқтисодий макон, инфраструктура, нарко агрессия, шафъелик, цивилизациялар тўқнашуви, информацион хуружлар, мафкуравий ақидалар, конституцион тамойиллар, геополитик мақсадлар, минтақавий ҳамжамият, бизнес форум, таъсисчилар, шўъба банки, инвестиция лойиҳалари, супернационал даража, меъёрий-ҳуқуқий асос, трансляция, экспансия, контрабанда, хавфсизлик бўлинмаси, аксилтеррор тузилма, экстремистик ташкилот, макроминтақавий интеграция, концептуал ўрганиш, парламентлараро алоқалар, стратегик ноаниқлик, транспорт-транзит, антимонопол, амбиция, аҳоли генефонди, техноген фалоқат, трансчегаравий, хавфсизлик шартномаси, прагматик, технологик таҳдидлар, экологик муаммолар, глобал хавфсизлик, илмий-интеллектуал, сиёсий платформа, маданий потенциал, ядросиз зона.

Савол ва топшириқлар.

- 1.Марказий Осиё минтақаси давлатларида янги интеграцион жараёнларнинг бошланиши тарихини биласизми?
- 2.Марказий Осиёдаги ҳамкорлик жараёнларининг келажакдаги истикболлари тўғрисида қандай тасаввурга эгасиз?
- 3.Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИХ) негизида янги тузилма (МОҲТ) ни ташкил этиш тўғрисидаги қандай меъёрий ҳуқуқий асосларга асосланишган?
- 4.Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик масалаларидаги ўзаро алоқалари қандай йўлга қўйилган?
- 5.Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зонага айлантиришда Ўзбекистон Республикасининг ташаббусларини биласизми?

III БОБ.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги.

1. Ўзбекистон ва МДХ ҳамкорлигининг бошланиши.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида амалга оширилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти (МДХ)- 1991 йил 8 декабрда Россия Федерацияси, Украина ва Белорусия Республикалари Белорусиянинг Вискўл ҳукумат саройида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотини ташкил этиш тўғрисида ўзаро битим имзоладилар. Кейинчалик, 1991 йил 21 декабрда Собиқ Иттифок таркибига кирган, қолган 8 та давлат (Болтиқ бўйи давлатлари ва Грузиядан ташқари) Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Арманистон, Озарбайжон, Молдова Республикалари ҳам ушбу Битимга қўшилиш ҳақида келишув имзоладилар. Орадан 2 йил ўтгач Битимга Грузия Республикаси ҳам қўшилди. Ўзбекистон Ҳамдўстлик таркибига кирарқан унинг ғоясини қўллаб-қувватлайди, унинг ташкилотчилари таркибига кириб барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кераклигини қаттиқ туриб ёқлайди. Президентимиз Ўзбекистоннинг МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) га аъзо бўлиш ҳақида тўхталар экан бу ҳақда шундай фикр билдиради: “МДХ таркибида ўз мақсадимизга яъни чинақам мустақиликка тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун Ҳамдўстлик ўзининг номига тўла-тўқис мос келиши лозим. Шу орқали мустақил давлатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш йўллари биргаликда излашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга эришишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокини

кўйидаги ҳолатлар белгилаб беради:

1. Янги мустақил Республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатидан бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши Республикаларнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлар эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макон доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар хўжалик алоқаларининг чамбарчас тугуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (Бундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашишига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин.

3. Барча мустақил Республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам Иттифоқ кўламида яқин қариндош уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш Республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарт, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб ҳизмат қилади.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДҲ га аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро мафаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаолиятга салмоқли ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида бошқа мустақил мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиши қўйидагиларни таъминлайди:

-Бирлашган қуролли кучлар орқали миллий мудофани мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;

Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг Фан-техника тараққиёти ютуқларидан, янгиликлардан, технологиялари, телекоммуникациялар космик алоқа ваоситаларидан баҳраманд бўлиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотни, шу жумладан халқ истеъмол молларини жаҳон нархларидан паст нархларда сотиб олиш учун кенг кўламдаги бозорнинг мавжуд бўлиши;

-транспорт тармоғидан фойдаланиш, денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йўли билан етказиб бериш имкониятларининг кенглиги;

-кескин экология муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий офат ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш;¹

Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги шериклари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам шунингдек икки томонлама тўғридан-тўғри мулоқотлар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг кенг кўламда ўрнатиш асосида ҳам йўлга қўйиш тарафдоридир.

МДХ давлатларининг коллектив тизимидаги иштироки минтақада ва ўзаро барқарорлик ҳамда тинчликнинг муҳим қафолатларидан биридир.

Ўзбекистон айти шу сабабли минтақада ва Собиқ Иттифоқ ҳудудида коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишнинг ташаббускорларидан бири бўлди. МДХ мамлакатлари ўртасида тузилган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаларнинг дастлабкиларидан бири 1992 йил май ойида айнан Тошкент шаҳрида имзоланилгани ҳам бежиз эмас. Шу ойнинг бошларида эса Алматида мазкур муҳим муаммога бағишланган ҳужжатлар мажмуи имзоланди. Ҳозирги кунда фақат коллектив хавфсизлик бўлиши мумкин. Хавфсизликни бу тарзда тушуниш нафақат ҳар бир алоҳида

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998 йил, 26-28 бетлар.

давлатларнинг имкониятлари чекланганлиги, қолаверса маънавий-сиёсий тусдаги мулоҳазаларга ҳам боғлиқ. Давлатларнинг имкониятлари ва сай-ҳаракатларини хавфсизликни таъминлаш йўлида бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. У, биринчидан коллектив хавфсизлик тизимида иштирок этувчилар ўртасида кескинлик йўқлигидан далолат берса, иккинчидан, уларнинг бирлашишга интилишларини намойиш этади.

Коллектив Хавфсизлик тизимида Россия Федерациясининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш зарур, Россия иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳарбий-техникавий жиҳатдан ҳам илғор давлатлардир. Шунинг учун ҳам коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишда ҳам, МДХ доирасида давлатларнинг бири-бирига яқинлашуви масаласида ҳам Ўзбекистон Россия билан яқиндан ҳамжиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашга ва стратегик ҳамкорлик ўрнатишга интилмоқда. Бундай ҳамкорлик нафақат Ўзбекистоннинг, балки Россиянинг ҳам миллий манфаатларига мос эканлигини айтиб ўтиш лозим. Чунки яқин қўшни мамлакат билан ҳамкорлик қилиш ва тинч тотув яшаш ҳар қандай давлатнинг ҳам манфаатларига мос тушади.

Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиёти, миллатлараро, маданий, илмий-техникавий муносабатлари бир-бирига боғлиқ эканини ҳисобга олиш лозим.

Коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишда ҳарбий хавф билан бир қаторда бошқа хавфлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш зарурдир. Орол денгизи куриб бораётгани, экологик вазият ёмонлашаётгани, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, минерал ресурсларнинг чеклангани ва қамайиб бораётгани шулар жумласидандир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш айрим давлатларнинг имкониятлари доирасидан четга чиқади ва сай-ҳаракатларни бирлаштиришни тақазо этади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, хўжалик муносабатларини янги шаклда ташкил этиш, ва авваламбор, бир-бирига дўстона муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича

МДХ минтақадаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни чуқурлаштириш, эскирган хўжалик тизимини янгилашда асосий “платформа” вазифасини бажариб келмоқда. Шу асосда минтақа давлатларининг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш имкониятлари яратиб борилмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари орасида янгича иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳит шаклланди.

Ҳозирда Ҳамдўстлик олдида турган муҳим масалалардан бири бу, иттифокдош мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Ана шундагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Шунини ҳисобга олган ҳолда 2007 йил 5 октябрда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган МДХ давлатлари раҳбарларининг навбатдаги саммитида МДХ ривожланиш Концепцияси ва уни амалга ошириш Дастури ишлаб чиқилган эди. Ўзбекистон томони биринчилардан бўлиб бу тадбирларни қўллаб-қувватлаган эди. Бунинг учун Ўзбекистон Ҳамдўстлик аъзолари орасида муносабатларнинг янги қирраларини ишлаб чиқиб, ҳамкорликнинг янги, замонавий йўналишларида ўзаро алоқаларни давом эттирмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг муасссалари қаторига кирди, яқинлашув кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш соҳасида ишларини жонбозлик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамдўстлик муассасалари-Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Белорусия, Молдова ва МДХ даги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо иқтисодий ва бошқа шартномалар ва битимлар имзоланди, бу ҳужжатлар чамбарчас ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам негизини вужудга келтиради.

2004 йил 16 сентябр куни Қозоғистон пойтахти Олмота шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларининг

учрашуви Ўзбекистон учун айниқса унумли бўлди. Ушбу учрашувдаги асосий масала наркобизнес, терроризм, уюшган жиноятчиликқа ва ноқонуний қурол савдоси қарши биргаликда курашиш масаласига қаратилди. Бу ўринда эса Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистоннинг ўрни муҳимдир. Давлатлараро раҳбарлари бу масалани қўллаб-қувватлаган ҳолда қатор ҳужжатлар, жумладан: “2005-2007 йилларда уюшган жиноятчиликқа қарши курашиш Дастури” “Ноқонуний миграцияни олдини олиш бўйича МДХ давлатлари Концепцияси,” “2005-2007 йилларда ноқонуний қурол-яроғ, наркотик моддалар савдосига қарши ҳамкорликда курашиш Дастури” каби шартномалар имзоланган эди.

МДХ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. МДХ даги кўпгина давлатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий **сальдога** эгадир.

1994 йилда ҳукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар айланмаси 1,8 млрд. АҚШ долларини ёки МДХ мамлакатлари умумий товар айланмасининг 63 фоизини ташкил этди. Бир неча юз миллион долларга жуда муҳим маҳсулотлар жумладан нефт, авиация керосини, метал прокати, ёғоч-тахта, спирт, озиқ-овқат ва бошқа хил маҳсулотлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон сал қам 1 млрд долларлик маҳсулот етказиб берди. МДХ мамлакатлари билан маҳсулот келтириш-чиқариш **сальдоси** Ўзбекистон фойдасига 142 миллион долларга ташкил этди. **Нефть** экспорти ҳажми кейинги йилларда 2 баробардан ошиб кетди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг МДХ даги бошқа давлатлар билан, аввало Россия билан муносабатлари у ўзаро манфаатли сиёсат юргизаётганилигини яққол намоиш этмоқда, Республиканинг МДХ мамлакатлари билан самарали ҳамкорликка, халқларимиз ўртасида вужудга келган кўп томонлама иқтисодий, илмий-маданий, алоқаларни янгича асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёрилигини тасдиқламоқда.

Минтақавий барқарорлик, минтақа кўламидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда МДХ мамлакатлари ўртасида вужудга келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тўтади. Ўтган йиллар мобайнида МДХ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорлики Хамдўстлик мамлакатларининг худудий яқинлиги ва иқтисодий жаҳатидан боғланганлигигагина эмас балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз халқларининг яқинлашуви табиий кечаётган жараён. Бу халқ интеграцияси бўлиб, сунъий равишда жорий этиладиган сиёсий интеграциядан фарқли ўлароқ, ҳақиқий интеграциядир.

2.Ўзбекистоннинг Россия, Қозоғистон ва МДХ нинг бошқа давлатлари билан ҳар томонлама алоқалари.

Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги, алоқалари ҳақида сўз кетар экан, Россия билан бўладиган алоқалар, ўзаро муносабатлари катта аҳамиятга эгадир. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек ҳар иққала давлат ҳам халқаро муносабатлар тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатлардир.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари билан ўзаро муносабатлардаги энг муҳим масала суверен Россия билан тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлан тириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишдир. Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатини белгилари экан, шуни ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон ва Россия собиқ Иттифок таркибида бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларида, иқтисодий ва маданий соҳаларида бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек Ўзбекистон Россия алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади ва бу алоқалар доимо фойдали, манфаатли муносабатларни шакллантира олган. Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига унинг тақдири ва келажаги реал таъсирини эътиборга олган ҳолда ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти етарли даражада катта эканлигини ҳолисона эътироф этиш керак.

Ташқи сиёсатни мустаҳкамлаш, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ўтиш даври тангликларидан чиқиш учун Россия билан бўладиган муносабат алоқаларимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш ва товар, хом-ашёларга бўладиган тансиқликни олдини олиш мақсадида Россиядан Ўзбекистонга ҳаётий муҳим ресурслар-метал, нефт, ёғоч, ва тахта ва технология ускуналари ҳамда бошқа моллар узлуксиз ва қулай нархларда етказиб берилиши аҳамиятлидир. Худди шу тарзда Ўзбекистон ҳам Россияга пахта толаси, ипақ мева сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради, шу орқали Россиянинг айрим ҳудудлари бозорларини таъминлаб беради.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми Россия билан дўстлик алоқаларини сақлаб қолишини истайдилар. Собиқ марказ билан эмас, балки айти Россия билан дўстликни сақлаб қолишни хоҳлашади.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг¹ тузилганлиги сиёсий иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда кудратли омил бўлиб хизмат қилади, ҳар иққала мустақил давлат халқларининг туб манфаатларига хизмат қилади. Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасини мустақил ва суверен давлат сифатида 1992 йилнинг 20 мартида тан олди, ҳамда шу кундан эътиборан Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни ўрнатди. Ўзбекистон ташқи сиёсати Россия билан бўладиган ўзаро алоқаларнинг асосини 2004 йил 16 июндан икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги келишувлар белгилаб беради. Айти ушбу ҳужжатлар ўзаро муносабатларни юқори поғонага кўтаради. Иққала давлатнинг ўзаро халқаро алоқалари юксак сиёсий ҳамжиҳатликни ташкил этади.

Бунинг самараси ўлароқ икки давлат раҳбарлари биргина 2006 йилнинг ўзида 9 марта икки томонлама ва кўп томонлама учрашишди. 2007 йилда эса 5 марта учрашдилар. Бундан ташқари ҳар ҳил кўламдаги томонлар делегацияларининг 30дан ортиқ учрашувлари бўлиб ўтди.

2006 йилнинг 12 майида Россиянинг Сочи шаҳрида икки давлат раҳбарларининг олий даражада учрашуви ташкил этилди. Бундан сал олдин, аниқроғи 5-6 май кунлари эса Россия Федерацияси бош вазири биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев Тошкент шаҳрида расмий ташриф билан бўлган эди.

2006 йилнинг 11-12 декабр кунлари эса Россия Президенти ёрдамчиси Дж.Поллиев бошчилигидаги делегация Тошкент шаҳрида фаолият юритди. 2007 йил 6-7 март кунлари Россия Бош вазири М.Фрадков бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлди.

¹ 2005 йил 14 ноябрда имзоланган.

2007 йил 10-11 июн кунлари МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашуви доирасидаги Санкт-Петербург иқтисодий Форуми давомида Россия Президенти В.Путин билан икки томонлама яккама-якка музокаралари бўлиб ўтди.

Давлатлараро муносабатлар тизимида Парламентлараро алоқаларнинг ҳам йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. 2006 йил давомида Ўзбекистонга 3 та Россия Парламенти делегациясининг расмий ташрифи кузатилди (13-14 феврал кунлари Россия Давлат Думаси спикери А.Гризлов, 13-16 март кунлари Россия Давлат Думасининг МДХ масалалари бўйича комитети раиси А.Қакошкин, 9-11 апрел кунлари Федерал Кенгаш раиси С.Миронов бошчилигидаги делегациялар). 2007 йил 4-5 май кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори И.Собиров Расмий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди. Яна шу йилнинг 24-декабрида Сенатор И.Собиров бошчилигидаги делегация Россия Давлат Думасининг навбатдаги 5 йиғилишнинг очилишида иштирок этишди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2008 йилнинг 5-6 февраль кунлари Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида амалга оширган расмий ташрифи муҳим жиҳатга эга бўлди. Ташриф доирасидаги учрашув давомида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан икки томонлама ўзаро муносабатларнинг аҳволи, уни ривожлантириш йўллари, ҳамда хавфсизлик юзасидан ҳамкорлик масалалари тўғрисидаги мулоҳазаларини муҳокама қилдилар. Бу учрашув икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал қилишдаги муҳим бир қадам сифатида баҳоланди. Шунингдек Россияни Ўзбекистоннинг ишончли стратегик ҳамкори бўлиши таъкидланди. Ўз навбатида Россия Президенти Владимир Путин ҳам Ўзбекистон Президентининг ушбу ташрифини юқори баҳолаб, бу учрашув икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ривожлантиришнинг гарови сифатида баҳолаб, Россия-Ўзбекистон шерикчилигига алоҳида урғу берди. Шундан

кейин ташриф доирасидаги томонлар делегациясининг кенгайтирилган таркибидаги учрашув бўлиб ўтди.

Ташриф сўнгида икки давлат ўртасидаги бир қатор ҳужжатлар имзоланди. 2008-2012 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик дастури, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматларининг Авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Ташқи Ишлари Вазирликларининг ўзаро ҳамкорлик дастури шулар жумласига киради.

Иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида икки давлат ўзаро иқтисодий ахволини стабил ривожлантириш, ҳамкорликда йирик лойиха ва ишланмаларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик борасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, аграр соҳасидаги тажрибаларни алмашиш ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги масалалар ўрин эгаллаган.

“Ўзаро Ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ва мамлакатларимиз ўртасидаги яқин муносабатлар ҳамкорлигимизнинг гарови сифатида ўзаро муносабатларимизда янги қирраларини очиб беради”.¹

Ташриф доирасида “Лукойл” ОАЖ президенти В.Алкеперов ҳамда “Русал” компанияси директорлар кенгаши раиси О.Дерипаску билан ҳам учрашувлар ўтказилди. Унда ёқилғи-энергетика саноати, тоғ-кон саноати бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатлар интенсив равишда турли жабҳа, соҳаларида кенгайиб бормоқда. Давлатлар ўртасида Олий даражадаги парламентлараро алоқалар йўлга қўйилди. Шунингдек Ўзбекистон ва Россия уюшган жиноятчилик, наркобизнес, экстирмизи ва бошқа турдаги хавфларга қарши бирлашган тарзда курашиш тизими йўлга қўйилди. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистоннинг “Фориш” полигони ҳамда Россиянинг Красноярск ўлкаси полигонларида икки давлат бирлашган кучларнинг антитеррористик

¹ Г.Ахмеджанов. Россия и Центральная Азия. Взаимосвязь в историческом развитии. Москва-Ташкент 2008 г, стр 89.

ҳарбий ўқув машғулотлари амалга оширилди. Бу соҳада ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган-ки, буни биз ҳарбий-техник маҳсулотларини етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, биргаликдаги ҳарбий ўқув машғулотларини ўтказиш, давлатлараро космик тадқиқот дастури доирасида ҳамкорлик асосида кўришимиз мумкин. Бу эса ҳарбий-техник ҳамкорликнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги ривожини иқтисодий алоқалар доирасида ҳам яққол кузатиш мумкин. Бунинг ёрқин мисоли сифатида икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш динамиқасининг йилдан-йилга ўсиб бориши-2007 йилда унинг кўрсаткичи 48% ни ташкил қилган ҳолда унинг ҳажми 4,2 млрд АҚШ долларини ташкил этди-, доимий равишда бизнес-форумлар ҳамда кўргазмаларнинг ташкил этилиши, давлатлараро комиссиялар учрашувларининг ўтказиб борилиши орқали кузатилади.

Ўзаро муносабатлар ҳамма соҳаларда кенгайиб бормоқда. Буни аниқса иқтисодий муносабатлар тизимида яққол кўзатишимиз мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорлиридан бири сифатида икки томонлама иқтисодий муносабатлардаги кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ўзаро товар айирбошлаш, экспорт, импорт салоҳияти кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ташқи савдосининг деярли тўртдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2005 йилдан кейинги олиб борилаётган иқтисодий муносабатларда ўзаро товар айирбошлаш кўлами ҳар йилига 1 млрд АҚШ доллари миқдорида ошиб бормоқда. Шуниси эътиборлики яқин йилларгача савдо кўрсаткичлари Россия ҳиссасига тўғри келган бўлса, эндиликда, аниқроғи 2005 йилдан кейинги кўрсаткичларда Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда, ва ўртача 800 млн долларни ташкил этмоқда. Яна шуниси ҳам диққатлики бу кўрсаткичлар фақатгина пахта хом-ашёси ва табиий газ олди-сотдиси билан юзага келаётгани йўқ. Кейинги йилларда савдо ҳажми экспорт қилинаётган енгил машиналар (1,2-3 баробар), озиқ-овқат маҳсулотлари (5), полиэтилен (2), тайёр текстил маҳсулотлари (1,4-1,5), трансформатор (2), паст вольтли техник аппаратуралар (1,5), металл

трубалари (1,5), хизмат кўрсатиш усуллари; ҳаво транспорти хизмати (1,7), тўризм (1,4), савдоси ҳисобига ҳам кенгайиб, ортиб бориши кузатилади. Бундан ташқари Россияга яна машина ва машина жиҳозлари, химия саноати маҳсулотлари, рангли ва қора металл (цинк мис, вольфрам, молибден ва бошқалар), шунингдек металл ишланмалари (кабель ва сим узатгичлари), турли ҳилдаги техника воситалари ҳамда ашёлари ҳам экспорт қилинади.

2004 йил апрел ойида “Ўзбекнефтегаз” Миллий Холдинг компанияси ва Россиянинг “Газпром” очик акционерлик компанияси ўртасида 2004-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланди. Унга биноан Шохпахта ва Устюрт ҳудудидаги табиий газ захираларини ишлаб чиқаришни кенгаштириш кўзда тўтилди. Келишув асосида ушбу конлар 80 фоиз Россия инвестицияси асосида молиялаштириладиган бўлди. Газ ишлаб чиқариш жараёни замонавий технолагиялар асосида қайта йўлга қўйилди. Инвесторлар 2004-2007 йиллар мобайнида 15 млн доллар миқдордаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Шунингдек “Газпром” ОАК томонидан 1,4 млрд долларлик инвестиция Устюрт ҳудудида янги газ манбаларини излаб топиш геологик қидирув ишлари учун киритилди. Бунинг натижасида эса, биргина Устюрт кенглиги ўзидан йилига 10 млрд. куб табиий газ захираларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Бир пайнинг ўзида худди шундай келишув Россиянинг яна бир йирик компанияси “Лукойл” ОАЖ билан ҳам имзоланди. Унга кўра эса Гандим, Хавзақ Шоди ҳудудларидаги газ конлари 90 фоиз “Лукойл” томонидан молиялаштириш кўзда тўтилди. Жами инвестиция ҳажми 1 млрд долларни ташкил этиб, келишув муддати 35 йилгача ўзайтирилди. Газ қазиб олиш ишлари 2007 йилдан бошлаб амалга оширила бошлади. Режага биноан ишлаб чиқариладиган умумий табиий газ манбайи 283 млрд. кубни ташкил этади. Йилига ҳудуддан 9 млрд кубни ташкил этиб, умумий ишлаб чиқарилиши мўлжалланган газ ҳажми 207 млрд. кубни ташкил этиши кўзда тутилган. Шунингдек лойиҳа дастури йилига 6 млрд куб миқдордаги газни қайта ишлайдиган газ-кимё комплексни ишга тушириш ҳам мўлжалланган.

Комплекс қурилиши жараёнида эса 240 та бурғулаш ишлари, 1500 км. труба ўтқазгичларни ётқизиш, 2 та компрессор станциясини қуриш, йиғиш пункти, пахта турар жойлари, юқори вольтли электр узатиш тармоқлари, 40 км узунликдаги темир йўл тармоғи ҳамда автомобил транспорт йўлларининг бунёд этилиши режалаштирилган бўлиб, комплекс фаолияти 2010 йилда ишга туширилади. 2007 йил Россия Президенти В.Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи давомида ҳам бу борада бир қатор ҳукуматлараро келишувлар имзоланган эди. Шунингдек ушбу учрашув давомида Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи янги Марказий Осиё газ қувурини қурилиши борасида ҳам музокаралар бўлиб ўтган.¹

2008 йил якунларига кўра эса ўзаро савдо ҳажми 4,038 АҚШ(-139,7%) долларни ташкил этган ҳолда, шундан 2473 млн АҚШ доллари Ўзбекистон экспорти ҳиссасига, 1565млн АҚШ доллари эса Россия экспорти ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистоннинг экспорт кўрсаткичлари нефт, газ, машинасозлик автомобиль эҳтиёт қисмлари, хизмат кўрсатиш, рангли ва рангсиз металл ва улардан ишланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан белгиланади. Россия импорти эса ёғоч-тахта ва ёғоч буюмлари, метал ва металл буюмлар, механика ҳамда электротехника воситалари, транспорт воситалари ҳамда транспорт хизмати савдосига тўғри келади.

Инвестицион ҳамкорлик кўламининг ҳам ўсиб боришини кузатишимиз мумкин. Бу борада қўшма ҳамкорлик асосида йўлга қўйилган “Газпром”, “Лукойл”, “СоюзНефтеГаз”, “Стройтрансгаз”, “Волгабурмаш” каби компанияларнинг энергетика-ёқилғи комплекси, геология қидирув-тадқиқот соҳасидаги олиб бораётган фаолиятлари муҳимдир. 2007 йил ноябрь ойидан бошлаб “Лукойл” компанияси билан ҳамкорликда Бухоро вилоятининг Хавзак ҳудудидаги янги газ конларини ишга тушуриш лойиҳаси асосида кенг кўламдаги ишлар бошлаб юборилган.

Инвестицион ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантиришини яна қўшма

¹ WWW.GOV.UZ.Сотрудничество Ўзбекистона со стран СНГ.

корхоналар ва фирмалар сонининг ортиб бориши билан ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Россия инвесторлари иштирокидаги 500 дан ошiq корхоналар фаолияти юритмоқда. 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра уларнинг сони 82 та эди. “Петромарузгаз” Қўшма Корхонаси (Ҳимиявий маҳсулотлар), Вимм-Билль-Данн-Тошкент” ҚҚ (сут ва сут маҳсулотлари), “Бальтимор-Челак” ҚҚ (Консерва маҳсулотлари), “Элимпекс” ҚҚ (текстил маҳсулотлари), “Электроизолит” ҚҚ (қўрилиш товарлари), “Кетгут-Силк” ҚҚ (Ҳимиявий ва фармацевтика маҳсулотлари), “Паллада-Восток” ҚҚ (Парфюмерия маҳсулотлари) шулар жумласидандир. Ўзбекистонда шу каби 145 та йирик фирма ва компанияларнинг ваколатхоналари иш олиб боради. Ўз навбатида Россияда 300 га яқин Ўзбекистонлик инвесторлар иштирокидаги корхона ва фирмалар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро алоқалар тизими ўрнатилган 232 та халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 23 ноябрда эътиборан йўлга қўйилган.

1991 йилдан бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси раҳбарларининг ўзаро ташрифи доирасидаги 9 та олий даражадаги учрашувлари бўлиб ўтган (1994 йил май, 1998 йил апрель, 2006 йил март ва сентябр ва 2008 йил апрел ойларида Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, шунингдек 1997 йил июн, 2001 йил март, 2002 йил март, 2006 йил сентябр, 2008 йил апрел ойларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи. Шунингдек 2003 йил май ойида 2004 йил ШХТ нинг навбатдаги Тошкент саммити давомида Қозоғистон Президенти Н.Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташриф буюрган бўлса, 2005 йил июльда ШХТнинг навбатдаги Остона учрашуви, 2006 йил сентябрда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Остонада бўлиб

ўтган норасмий учрашуви давомида Қозоғистонда бўлиб томонлар муносабатларини янада мустаҳкамладилар. Бундан ташқари 2007 йил 26 июнь куни Қозоғистон Республикаси Бош вазири К.Масимов, яна шу йилнинг 22 октябрида эса Қозоғистон Республикаси Бош вазир биринчи ўринбосари У.Шукеевлар ҳам юртимизда меҳмон бўлдилар. Бўлиб ўтган бундай учрашувлар давомида икки давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб борди.

Ўзбек ва Қозоқ халқлари тарихан бир-бири билан маданий, тил, урф-одат асосийси ҳудудий жиҳатидан жудаям яқиндирлар. Бу икки халқ алоқалари бир-неча юз, ёки минг йиллардан бери шаклланиб келган. Бундай яқин муносабатлар мустақиллик йилларида айниқса тараққиёт этди. Муносабат янги қирраларда йўлга қўйилмоқда. Жамоатчилик томонидан эътироф этилаётган бу икки давлатнинг ўзаро яқин ва дўстона алоқалари Марказий Осиё ҳамкорлигига ҳам муҳим ижобий таъсир кўрсатиши бежиз эмасдир. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари давомида ҳам биринчи масала бу Марказий Осиё интеграцияси, ҳамкорлиги масалалари бўлиши кўпчиликка маълум.

2006 йил давлатлар алоқаларини мустаҳкамлаш борасида ниҳоятда аҳамиятли бўлди. Шу йили давлат раҳбарлари ўзаро ташриф ва халқаро ташкилотлар йиғинлари доирасида бир неча марта ўзаро учрашувлар, музокаралар бўлиб ўтди. Шу йили Қозоғистон президентининг Тошкентга ташрифи давомида Президентларнинг вакиллик кенгашни тузиш тўғрисидаги битим тузилди. Ушбу кенгаш президентларнинг ўзаро алоқаларда фикр, мулоҳаза ва мунозараларини амалиётга тадбиқ этиш, муносабатларини олий даражага кўтаришда янги босқич бўлди. Шунингдек ташриф давомида Афғонистон масаласи, эрон ва Ироқдаги вазият ва бунда Марказий Осиё давлатларининг тутган йўли, МДХ ташкилоти вазифасини кенгайтириш бўйича ҳам масалалар муҳокама қилинди. Қозоғистон раҳбари давлатларнинг иқтисодий муносабатларига тўхталар экан, 2006 йилда унинг ҳажми 450 млн АҚШ долларидан ошганлигини қайд этиб, келажакда уни 1 млрд. АҚШ

долларга етказишни ва бунинг учун мамлакатлар имкониятлари мавжудлигини эътироф этади. Сухбат сўнгида эса Н.Назарбоев икки давлат алоқалари ҳақида шундай деган эди-“Биз буюк қўшнилармиз”. Қозоғистон раҳбарининг ушбу фикри томонлар муносабатларининг қай даражада эканлигини исботлаб беради.

Айтиб ўтиш мумкинки 2008 йил апрел ойидаги Ўзбекистон раҳбарининг Олмотага ташрифи давомидаги икки давлат раҳбарларининг учрашуви айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Учрашув давомида ҳеч қандай муҳим бир ҳужжатлар имзоланмаган бўлсада, унда ҳар иккала томонни қизиқтирадиган муҳим масалалар бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Жумладан унда Президентимиз Марказий Осиё ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан ўз фикрларини билдирди ва албатта бу мулоҳазалар Қозоғистон Президенти томонидан ҳам қўллаб қувватланди.

Шунингдек учрашувда куннинг иккинчи масласи, Марказий Осиё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро Консорциум фаолиятини ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Маълумки Ўрта Осиё халқлари азалдан ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланиб келадилар. Ҳозирги кунда ҳам минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим ҳаётий аҳамият қасб этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда ҳар икки давлат бу ғояни қўллаб-қувватладилар.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида вужудга келган шароитга асосланиб Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан 1994 йил 10 январь куни Тошкентда бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш ўртасидаги шартнома имзоланган эди. Фан ва маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, саёҳатчилик ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Юқорида қайд этилган шартнома Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги товарлар хизматлари, капитал, иш кучининг эркин ҳаракатларини, баҳамжиҳат кредит-ҳисоб китоб, бюджет, солиқ, нарх божхона ва валюта сиёсатини ўтказишни кўзда тутди.

Кейинчалик эса бу шартномага Қирғизистон ҳам қўшилди.

Шунингдек 1997 йил 2 июьда икки давлат ўртасида эркин сано муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги келишув имзоланди. Бу битим юзасидан давлатлар ўртасидаги солиқ, божхона, давлатдан-давлатга чиқиш-келиш ва бошқа бир қатор муносабатлар қайтадан кўриб чиқилди ва бу борада бир қатор қулайликлар жорий этилди.¹

Экспорт қилинадиган товарлар асосини пахта хом ашёси, автомобиль ва автомобиль эҳтиёт қисмлари, химия саноати маҳсулотлари, рангли ва рангсиз металл ҳамда ундан тайёрланаётган маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бир қатор хизматларни ташкил этса, импорт асосини қора ва рангли металл, неорганик химия саноати товарлари, машина эҳтиёт қисмлари, ун-дон маҳсулотлари, нефть хом ашёси ва бошқа турдаги товарлар ташкил этади. Шунингдек акциз солиғига эга бўлган товарлар (тамаки ва спирт маҳсулотлари) ҳам экспорт-импорт қилинади.

Кейинги йиллардаги натижалар шунини кўрсатмоқдаки Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар йилдан-йилга ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Товар айрибошлаш ҳажми 2001 йилдагига нисбатан 2008 йил бошларида қарийиб 65 фоиз ошди. Экспорт ҳажми эса 2,3 баробарга ошди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида Қозоғистон қайтали асосидаги 167 та корхона, фирма, ва компаниялар фаолият юритиб келмоқда. Шулардан 40 таси 100 фоиз қозоқ қайтали асосида ташкил этилган бўлса, 90 таси шерикчилик асосидаги қўшма корхоналардир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестиция вазирлиги томонидан Қозоғистон ҳудудида фаолият юритаётган 94 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги муносабатлар ўзаро имзоланган 116 та халқаро ҳуқуқий норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинди.

Ўзбекистон-Украина алоқалари. Украина давлати билан Ўзбекистон

¹ WWW.GOV.UZ. Сотрудничество Ўзбекистона со стран СНГ.

Республикаси ўртасида ўзаро кенг алоқалар ўрнатилган. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 25 августда ўрнатилган бўлиб Украинанинг Ўзбекистондаги расмий ваколатхонаси Тошкент шаҳрида 1993 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Ўз навбатида Украинанинг Киев шаҳрида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси 1995 йилдан ўз фаолиятини бошлаган. Иккала давлат раҳбарларининг 9 марта олий даражадаги ўзаро учрашувлари бўлиб ўтган:

-1992 йил 25 август, 1994 йил 10-11 ноябрь кунлари, 1998 йил 18-20 февраль кунлари, 1999 йил 8-9 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Украинага расмий ташрифи.

-Украина Президенти Леонид Кучъманинг 1995 йил 20-21 октябрь кунлари, 2000 йил 12-13 октябрь кунлари, 2002 йил 19-20 декабрь кунлари, 2003 йил 10-11 апрель кунлари бўлиб ўтган Тошкент учрашувлари, ҳамда Украина Президенти В.Юшенконинг 2006 йил 28 ноябрдаги Минск учрашуви.

Шунингдек 1991 йилда Украина Олий кенгаши раиси Л.Кравчук бошчилигидаги Украина делегациясининг Тошкентга ташрифи, Ҳукуматларааро комиссиянинг навбатдаги еттинчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ш.Мирзиёевнинг Киевга ташрифи, ҳамда Украина Бош Вазири В.Януковичнинг 2007 йил 25-26 апрель кунлари Тошкентга ташрифи ва шу ўртасидаги 16 август куни Россиянинг Сочи шаҳридаги икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича Ўзбекистон расмийлари билан учрашув ҳам давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожига муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар “1999-2008 йилларга мўлжалланган Украина ва Ўзбекистон Республикаларининг иқтисодий ҳамкорлик лойиҳаси” асосида йўлга қўйилган. Икки давлат ўртасидаги

савдо-иқтисодий алоқалар эркин тизим асосида шакллантирган.¹

Давлатларнинг ўзаро савдо алоқалари ҳажми 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 446,4 млн доллардан ошиб кетди умумий миқдорда 1059,7 млн АҚШ долларни ташкил этди.

Экспорт муҳитини автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, рангли ва рангсиз металл, пахта хом ашёси ва турли тўрдаги товарлар савдоси ташкил этади. Импорт маҳсулотларини эса рангли ва рангсиз металл ва улардан ишланган ишланмалар, транспорт эҳтиёт қисмлари, механик ва электротехника воситалари ҳамда фармацевтика маҳсулотлари ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан Украина қапители билан фаолият юритаётган 13 фирма ва корхоналар расмий рўйхатга олинган. Бу компаниялар асосан рангли ва рангсиз металл маҳсулотлар ишланмалари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, авиация юк ташиш хизмати ва бошқа бир қатор соҳаларда фаолият юритишади. Икки давлат ўртасидаги кенг ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича 1997 йилда давлатларнинг Бош вазирлари бошчилик қиладиган Комиссия фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунгача ушбу Комиссиянинг 7 марта умумий йиғилиши бўлиб ўтган (Охириги 2007 йил 12-16 февраль кунлари Киев шаҳрида бўлиб ўтган).

Ҳозирда Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзаро имзоланган 149 та номатив ҳужжатлар орқали йўлга қўйилган.

Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлиги. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йил 7 январдан эътиборан ўрнатилган бўлиб, бундай муносабатлар икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари орқали янада мустаҳкамланган. 1991-2008 йиллар давомида томонлар раҳбарларининг 6 маротаба олий даражадаги ўзаро ташрифлари амалга оширилган (1996, 2000, 2007 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг

¹ WWW.GOV.UZ. Сотрудничество Ўзбекистона со стран СНГ.

Туркменистонга расмий ташрифи ва 1996, 2004 йилларда Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг ҳамда 2008 йилда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи). Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида Ташқи сиёсий ва мудофа масалаларида фаол муносабатлар йўлга қўйилган. Кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки 2002 йилдан кейин ўтган муддат ичида 54 марта ўзаро ташрифлар амалга оширилган. Шунингдек 2007 йил 9 январда МДХ давлатлари раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳридаги норасмий йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон президентларининг икки томонлама учрашуви ҳам давлатлар ўртасидаги алоқалар савиясини мустаҳкамлашга ҳисса қўша олди. Учрашув давомида давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш баробарида икки давлат ўртасидаги эркин муносабатлар ривожига хусусида фикр мулохазаларини билдирдилар.

Бу учрашувнинг давоми сифатида 2007 йил 18-19 октябр кунлари Туркменистонга ташриф буюрган Ўзбекистон раҳбари давлатлар ўртасидаги бир қатор манфаатли келишувларини имзолади. Ўз навбатида бу учрашув ҳам томонлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлигини янги поғона кўтара олди. Шунингдек 2008 йил март ойида Туркменистон раҳбарининг Тошкентга ташриф ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда томонлар ҳамкорлигининг янги қирраларини очиш масаласи муҳокама қилинди. Давлатлар фуқароларининг қўшни давлат ҳудудига кириш-чиқиш масаласи ва давлатлар иқтисодий ҳамкорлиги борасида бир қатор янги келишувлар имзоланди. Чунончи давлатлар чегара ҳудуди ва унга яқин ҳудудлардаги истиқомат қилувчи аҳолининг қўшни давлат ҳудудига эркин кириш-чиқиш тизими ўрнатилди.

1996 йилда икки давлат ўртасида узоқ даврга мўлжалланган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик келишуви ўрнатилган. Ўзаро иқтисодий муносабатлар шу келишув доирасида амалга оширилиб, йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2007 йилда Туркменистон ва Ўзбекистоннинг савдо алоқалари ҳажми 88,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ўзбекистондан Туркменистонга экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар туризм, коммуникацион алоқа, транспорт алоқаси хизматлари, тамаки маҳсулотлари, дон ва дон маҳсулотлари, механика воситалари, химия саноати, алкаголь ва алкагольсиз ичимликлар, транспорт воситалари, ёғ-мой саноати маҳсулотлари, рангли ва рангсиз металл ва улардан ишланган маҳсулотлар, оптик аппаратуралар, ойнасиз буюмлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларидан савдосидан иборатдир.

Ўз навбатида Туркменистон Ўзбекистонга пластмасса ва пластмассадан ишланган тайёр маҳсулотлар, транспорт, коммуникацион алоқа хизматлари, минерал хом ашёлар, ноорганик химия маҳсулотлари полиз ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари каби товарлар импорт қилинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида 2 та Туркменистон капитали асосида фаолият юритувчи корхоналар мавжуд. Улар асосан қурилиш моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Туркменистонда эса Ўзбекистон инвесторларининг 4 та корхонаси фаолият юритмоқда. Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида 1996 йилдан эътиборан Ўзбекистон ва Туркменистон Республикаларининг иқтисоджий ҳамкорлик масалалари бўйича Ҳукуматлараро Комиссия фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур Комиссиянинг 3 маротаба юқори даражадаги умумий йиғилиши бўлиб ўтган. Охирги кенгаш 2008 йил 31 январь-2февраль кунлари Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган. Айнан шу кунлари Ашхабодда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларнинг миллий кўргазмаси намоиш этилди. Унда 130 дан ортиқ Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналари иштирок этди. Бу кўргазма ўзаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга катта ҳисса қўша олди деб айтиш мумкин. Кўргазма давомида икки давлат ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Икки давлат ўртасидаги Транспорт алоқалари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Ўзбекистон Серахс орқали ўз товарларини Эрон ва Олд Осиё мамлакатларига олиб чиқади. Бунда Туркменистон ҳудудидан

ўтувчи темир йўл тармоқларининг аҳамияти жуда муҳимдир.

Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари ўртасидаги муносабатлар ўзаро имзоланган 100 дан ортиқ халқаро норматив ҳужжат ва келишувлар билан тартибга солиб турилади.

Ўзбекистон ва Тожикистон ҳамкорлиги. Тожикистон Ўзбекистон билан дипломатик ва сиёсий алоқаларни 1992 йил 20 октябрда ўрнатган. 1998 йилда эса Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш бўйича уч томонлама Декларация имзоланган.

Ўзбекистон Тожикистон муносабати, ўзаро алоқалар 2000 йил 15 июнь куни Душанбе шаҳрида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги келишуви асосида йўлга қўйилган.

Ўзбекистон раҳбари биринчилардан бўлиб Тожикистондаги ташвишли ходисаларни халқаро муаммо сифатида кўтарган эди. 1992 йилнинг 7 сентябр куни Ислом Каримов айти шу масала бўйича БМТ Бош китоби Бутрос Ғолий Жанобларига мактуб йўллаб, масалани ўрганиш ва тинч йўл билан ҳал этиш чораларини кўриш кераклигини таъкидлаган эди.

2000 йил октябрь ойида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов расмий ташриф билан Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлди. Бу учрашув мамлакатлар алоқалари савиясини мустаҳкамлади. Шунингдек 2002 ҳамда 2004 йилларда “Марказий Осиё” Ҳамкорлиги Ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган кенгашлари давомида ҳам Тожикистон ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг ўзаро учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўз навбатида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон 2001 йил 27-28 декабр кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида, шунингдек 2004 йил май ойида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги Тошкент учрашуви давомида Ўзбекистон раҳбари билан икки томонлама музокаралар бўлиб ўтди. 2005 йил февраль ойида эса Тожикистон Бош вазири О.Оқиловнинг Тошкент шаҳрида расмий ташрифи амалга оширилган.

Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар 1996 йил Тошкентда

ҳукумат расмийлари томонидан имзоланган эркин савдо муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги келишув орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон асосан Тожикистонга газ ва нефть маҳсулотлари, савдо хизматлари (транспорт, коммуникацион, маркетинг), қурилиш материаллари, рангли ва рангсиз металл ҳамда улардан ишланган маҳсулотлар, шунингдек турли ҳилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилса, ўз навбатида Тожикистондан Ўзбекистонга электроэнергия, савдо хизматлари (транспорт, коммуникацион), механик воситалари ва бошқа турдаги товарлар импорт қилинади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 19 та тожикистон фирма ва корхоналари фаолият юритиб келмоқда. Шулардан 17 таси кўшма корхона ҳисобланса 2 таси 100 фоиз Тожикистон инвестицияси асосида йўлга қўйилган. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан эса 7 та тожиқ фирма ва компанияси аккредитация рўйхатидан ўтказилган. Томонлар муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида 1997 йил Ҳукуматлараро савдо-иқтисодий муносабатлар бўйича Комиссия фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унинг вазифаси ўзаро алоқалар натижалари ва келажақдаги муносабатлар муҳитини ишлаб чиқишдан иборат. Худди шу масала юзасидан ҳар йили Ҳукумат расмийларининг учрашуви ўтқазиб турилади. Унда ўзаро фикр-мулоҳазалар муҳокама қилинади.

Ҳозиргача икки давлат ўртасида 155 та халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар имзоланган бўлиб, юқорида айтиб ўтганимиздек уларнинг асосини 2000 йил 15 июндан имзоланган Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома ташкил этади.

Ўзбекистон-Қирғизистон алоқалари. Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги дипломатик алоқалар 1993 йил 16 февральдан бошлаб ўрнатилган. Икки давлат раҳбарларининг 6 марта ўзаро олий даражадаги учрашувлари бўлиб ўтган (1994 йил январ ва 2000 йил сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрига расмий ташрифи

ҳамда 1992 йил сентябрь, 1996 йил декабрь, 1998 йил ноябрь, 2006 йил октябрь ойида эса Қ.Бекиевларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи). Шунингдек 2005 йил октябрь ойидаги икки давлат раҳбарларининг Петербург учрашуви, 2006 йил июль ойидаги Москва учрашувлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат раҳбарларининг бундай ўзаро учрашувлари икки давлатнинг алоқаларини янада бойитишга хизмат қилади. Айниқса, 2006 йилнинг 3-4 октябрь кунлари Қирғизистон Президенти Қ.Бекиевнинг Ўзбекистонга ташрифи давомида томонларнинг манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор фойдали келишувлар имзоланган эди. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий алоқалар қалин дўстлик муносабатлари билан мустаҳкамланган. Биргина мисол сифатида шунини айтиш мумкинки Қирғизистон томони айрим ғарб давлатларининг зиддиятига қарамасдан Андижон воқеалари юзасидан Ўзбекистон томонининг позициясини қўллаб-қувватлади ва бу масала юзасидан Ўзбекистонга бевосита ёрдамини аямаган эди. Икки давлат ўртасида бевосита чегаранинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда уюшган жиноятчилик, наркобизнес, диний экстеремизм ва терроризм каби хавф ҳамда ёвларга қарши биргаликда курашиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳарбий кучларнинг биргаликда ўқув машғулотлари тез-тез ўтказилиб тўрилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг бундай ўсиб бориши қувонарли бўлса, икки давлат иқтисодий салоҳияти ва потенциалини ҳисобга оладиган бўлсак бу кўрсаткичларнинг талаб даражасига жавоб бермаслигини айтиб ўтиш зарур. Фақатгина 2007 йилга келибгина иқтисодий муносабатларда ўсиш кўзатила бошлади.

1996 йилдан бошлаб Ҳукуматлараро Комиссия фаолият юритиб келмоқда. Бу Комиссиянинг фаолияти давлатлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб туради, ҳамда алоқаларнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат. Комиссиянинг 7 марта умумий йиғилиши бўлиб ўтган. Бугунги кунда Ўзбекистон-Қирғизистон муносабатлари ўзаро ўрнатилган 213 та халқаро ҳуқуқий ҳужжат (шартнома,

келишув, битим)лар орқали тартибга солиб турилади. Уларнинг энг асосийси 1996 йил 24 декабрда имзоланган Абадий дўстлик ҳақидаги келишувдир.

Ўзбекистон-Белорусия алоқалари. Ўзбекистон Республикаси ва Беларусия Республикалари ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йил 21 январда ўрнатилди. Тошкентда 1994 йилдан бошлаб Беларусия элчихонаси фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги мухтор элчиси Беларусия томонидан ўриндош асосида элчи сифатида аккредитация қилинган. Томонлар расмийларининг 32 маротаба ўзаро ташрифи доирасидаги юқори даражадаги учрашувлари бўлиб ўтган.

1994 йил 22 декабрда Ўзбекистон ва Беларусия ўртасида Маданий Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 1995 йил 21 февралда эса “Ўзбектуризм” ва Беларусия “Белитурист” очик акциядорлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланган.

Экспорт асосини ип-газлама, тўқимачилик матоси (пахтадан тайёрланган), қуруқ мева маҳсулотлари, қайта ишланган нефть маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари, ҳизмат кўрсатиш (транспорт, коммуникация, туризм, медицина), механика моллари, рангли ва рангсиз металл ҳамда улардан ишланган маҳсулотлар, яримтайёр ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ва бошқа ташкил этса, Ўзбекистонга импорт асосини транспорт воситалари, фармацевтика маҳсулотлари, шақар, ёғоч-тахта, каучук ва резина маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари, қора металл ва ундан ясалган буюмлар, механик анжомлар ташкил этади.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида Беларусия инвесторлари иштирокидаги 7 та корхона фаолият юритиб келмоқда, шулардан 4 таси 100 фоиз Беларусия капитали асосида ишлаб турибди. Ўз навбатида Беларусия ҳам Ўзбекистон капитали асосидаги 6 та қўшма корхона иш олиб боради.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий муносабатлар, савдо ва инвестиция вазирлиги томонидан 1 та Беларусия фирмасининг ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Шунингдек давлатлари ўртасида Ҳукуматларааро Ҳамкорлик Комиссияси ҳам мавжуд бўлиб, 2 маротаба бу комиссиянинг умумий йиғилиши бўлиб ўтган (охириги 2007 йил май ойида). Шунингдек 2003 йил май ва 2007 йилнинг октябрь ойларида Тошкент шаҳридаги Беларусия Республикасининг Миллий кўргазмалари намоиши бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ Беларусия фирма ва компанияларнинг маҳсулотлари намоиш этилиб, натижада тадбиркорларнинг қатор икки томонлама фойдали шартномалари имзоланди.

Ўзбекистон-Озарбайжон ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикалари ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1995 йил 2 октябрдан эътиборан йўлга қўйилган. 1996 йилдан бошлаб Тошкентда Озарбайжон давлат элчихонаси фаолият юрита бошлади. Боку шаҳридаги Ўзбекистон элчихонаси эса 1998 йилдан эътиборан иш бошлаган. 1997-2009 йиллар мобайнида икки давлат раҳбарларининг 3 маротаба ўзаро ташрифлари доирасидаги олий даражали учрашувлари бўлиб ўтган: 1997 йил июн ойида 2004 йилнинг 23-24 март кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти И.Алиевларнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда 1998 йил сентябрда ТРАСЕҚА ташкилоти конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг Озарбайжонга расмий ташрифи. Бугунги кунга келиб икки давлат ўртасида 64 та икки томонлама ва кўп томонлама шартнома келишувлари имзоланган.

Бу икки қардош халқ маданий жиҳатидан ҳам бир-бирига яқиндир. Шунинг ҳисобга олган ҳолда томонлари ўртасида яқин дўстона муносабатлар ўрнатилган.

2007 йил якунларига кўра давлатларининг товар айрибошлаш ҳажми 6,1% га, Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми 6,5%, импорт 3,3% га ўсди. Экспорт асоси автомобиль ва автомобиль эҳтиёт қисмлари, химия саноати маҳсулотлари, энергия ўрнини босувчи ва нефт маҳсулотлари, қора ва рангли металл ишланмалари, хизмат кўрсатиш воситалари орқали намоён бўлади. Импорт товарлари эса асосан химия маҳсулотлари машина технологиялари,

ва хизмат кўрсатиш воситалари ташкил этилди. Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида 21 та Озарбайжон инвесторлари иштирокидаги фирма ва корхоналар ишлаб турибди. Шулардан 10 таси қўшма корхона бўлса, 2 таси 100% Озарбайжон инвестицияси билан фаолият юритади. Ўз навбатида Озарбайжонда Ўзбекистон қاپитали асосидаги 1 та тадбиркорлик объекти (“Ўзбекистон” савдо уйи) иш олиб боради. Ўзбекистон ташқи савдо-иқтисодий алоқалар ва инвестиция вазирлиги томонидан 4 та Озарбайжон савдо компаниларининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган.

1997 йил 18 июндан эътиборан Ўзбекистон-Озарбайжон ҳамкорлик алоқалари бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти шакллантирилиб, ҳозиргача ушбу кенгашнинг 7 та умумий йиғилиши бўлиб ўтган (охиригиси 2004 йил 14-15 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.)

Ўзбекистон доимий МДХ доирасидаги саммитларда халқаро майдондаги жараёнлар хусусидаги мунозаралар давомида Озарбайжон томонининг манфаатларини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Россия Президенти В.Медведевнинг Тошкентга ташрифи давомида Кавказ ҳудудидаги содир бўлаётган жараёнлар ҳақида сўз борар экан, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов ҳудуддаги аҳволни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканлигини билдиради. Ўз навбатида Озарбайжон ҳам Ўрта Осиё ва Афғонистон масаласида Ўзбекистон томонининг позициясини қўллаб-қувватлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида халқаро миқёсидаги 97 та ҳужжат имзоланган.

Ўзбекистон-Молдова ҳамкорлиги. Молдова Республикаси Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида 1992 йил 15 октябрдан тан олди. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1994 йил 23 августдан бошлаб ўрнатилган. 1994 йил ноябр ойидан бошлаб эса Ўзбекистонда Молдова Республикасининг элчихонаси фаолият юритиб келмоқда.

Экспорт асосини автомобиль, тракторлар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари, ўсимлик ёғи ва ғалла-дон маҳсулотлари ташкил этса, импорт

товарларини керамик буюмлар, ўсимлик ёғи, механика ва техника ускуналари ташкил этади.

1997 йилда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолият ташкил этилди. Ҳозиргача ушбу кенгашнинг 5 маротаба умумий йиғилишлари бўлиб ўтган охиригиси 2002 йил 9-11 декабр кунлари Молдова Республикаси бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Икки давлат ўртасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланган. Жумладан: 1995 йил 30 мартда Дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув, 1995 йил 30 мартда Фан-технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 1995 йил 30 мартда Маданият ва санъат соҳалари бўйича ҳамкорлик ҳақидаги келишув, 1995 йил 21 ноябрда Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, 1997 йил 24 майда Таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича шартномалар уларнинг энг асосийларидан саналади. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Молдова Республикалари ўртасидаги муносабатлар шунга ўхшаш, ўзаро имзоланган 50та халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

3.Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда экологик муаммолар, диний экстеремизм гиёҳвандликни олдини олиш борасида МДХ доирасидаги фаолияти.

Ўзбекистон МДХнинг тенг ҳуқуқлари аъзоси сифатида МДХ ва Марказий Осиё доирасидаги жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенг йўлга қўя олади. Қолаверса Ўзбекистон стратегик ва геополитик жиҳатдан қулай жойлашган давлат сифатида қўшни давлатлар, яқин қўшни давлатлар ва Ҳамдўстлик давлатлари орасида алоҳида аҳамиятга эга давлат сифатида баҳоланади.

1993 йилнинг 4 январ куни Тошкентда И.Каримовнинг ташаббуси билан илк бор Ўрта Осиё давлатлари президентларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтган ва ушбу учрашув давомида биринчи марта “Марказий Осиё давлатлари” деб ном олган матбуот конференцияси ташкил этилди. Бу учрашув Марказий Осиё интеграциясига асос бўла олади деб бемалол айтишимиз мумкин.

2001 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент Баёнотида “Минтақавий иқтисодий интеграциянинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ягона хавфсиз ҳудудни шакллантириш масалари бўйича ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича биргаликдаги хатти-ҳаракатларни ишлаб чиқиш масаласида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларда кўп режали ҳамкорликни жадаллаштириш тарафдори эканликларини билдирдилар ҳамда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИХ)ни “Марказий Осиё ҳамкорлиги” Ташкилоти (МОХ) деб қайта тузишга келишиб олдилар”¹ Шунингдек Тошкент Саммити музокараларида томонларнинг

¹ Я.Х.Ғаффоров, А.Холлиев. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т., 2003 йил, 131-бет.

Афғонистон воқеаларига муносабати бир ҳил эканлиги таъкидланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки Ўзбекистон Республикамиз билан чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можороларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларни олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келади ва бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу йўлда мамлакатимиз ўз давлат сиёсати доирасида ҳам халқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда, мавжуд имкониятларни, аниқ мақсадни кўзлаб ишга солади. Бугунги кун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмунга эга.

Бундан ташқари 2000 йил 19 октябрда Тошкентда “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга ёндошиш” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда машҳур олимлар, экспертлар нутқ сўзладилар. Конференция қатнашчилари Тошкент Декларациясини қабул қилдилар. Шунингдек 2000 йилнинг 1 декабрида МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг Минскда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Россия, Тожикистон Президентлари иштирокида уч томонлама мулоқотда ҳам давлатимиз раҳбари минтақада тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини баён этди.

Ўзбекистоннинг минтақа осойишталигини таъминлашдаги ҳаракатларида МДХ мамлакатлари билан бўлган ўзаро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада Юртбошимиз “Не-не босқичларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган Аллоҳ Таоло берган азалий ва абадий насибамиздир”.¹ деган эди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлида илк қадам эди. 1998 йил бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди. Ҳозирда ўзаро

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996 йил, 1-жилд, 51-бет.

ҳамкорлик тўғрисида 150 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Бугунги кунда Давлатлараро Кенгаш иш олиб бормоқда. Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Мазкур интеграция халқларимиз манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари президентларининг Тошкентда сиёсий ва диний экстеремизмга қарши, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисидаги шартномаси бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё интеграцияси ва минтақа хавфсизлиги борасидаги бир қатор мулоҳазаларни дунё ахли томонидан юксак баҳоланмоқда. Жумладан 2000 йил 22 январда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқлари эътиборга лойиқдир. Раҳбаримиз унда қуйидаги вазифани олдимизга қўйган эди: Марказий Осиё минтақасида Иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини ҳар томонлама кучайтириб, иқтисодий лойиҳаларни биринчи галда минтақанинг бой табиий заҳираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефт тармоқларини барпо этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишли аниқ лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш борасидаги куч ва имкониятларни бирлаштириш лозим.

Мустақил Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғоят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш минтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Бунини умумий чегараларигина эмас, балки аввало миллий маданиятларнинг, тил, урф-одат ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб беради. Мазкур Республикаларнинг иқтисодиёти чамбарчас боғланган ва бир-бирига таъсир ўтказиб турган бўлиб, баб-баравар ҳолдаги

хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарурлиги яхлит энергетика, транспорт, ирригация тармоқларидан сув ва газ таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланиш шарт шароитларидан ҳам келиб чиқади. Минерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида таркиб топган ички минтақавий кооперация ҳам шуни тақозо этади.

Орол бўйидаги экологик фалоқати оқибатларини бартараф этиш Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш минтақалараро ҳамкорлик доирасида алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг самарали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар авваламбор мусулмон шарқи мамлакатлари билан қўшма лойиҳаларини бирмунча мувоффақиятли равишда рўёбга чиқариш ҳам кўмаклашади. Ўзбекистон 1992 йил 8 февралда МДХ давлатлари раҳбарларининг имзоланган битимига мувофиқ тузилган МДХ мамлакатлари Давлатлараро Экология кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. МДХ мамлакатларининг ана шу Экология Кенгаши доирасидаги ҳамкорлиги аъзо давлатларнинг атроф-муҳити муҳофаза қилиш соҳасида келишиб олинган, мувофиқлаштирилган сай-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлади. 2006 йил Остонада бўлиб ўтган Марказий давлатлари раҳбарларининг учрашувида Ўрта Осиё сув захираларидан унумли фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро Консорциум фаолиятини шакллантириш юзасидан таклиф билдирилган эди. Аини масала бўйича фикр ва мулоҳазалар барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда Оролни қутқариш бўйича минтақавий ҳамкорлик фаолияти кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу масала нихоят муҳим ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Орол муаммоси илк бор 1993 йилнинг 26 мартда Қизил Ўрда шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё раҳбарларининг умумий йиғилишида муаммо сифатида кўтарилган эди. Ўзбекистон раҳбари биринчилар бўлиб Орол фожеасини халқаро муаммо сифатида баҳолаган эди.

4.Ўзбекистон-МДХ: маданий, илмий-техникавий ва таълим соҳасидаги ҳамкорликлар.

Россия. Икки давлат ўртасидаги гуманитар-маданий алоқалар ҳам мустаҳкам йўлга қўйилган. Икки халқ азалдан бир-бири билан бўлган маданий алоқалари бизга тарихан маълум. Бугунги кунда эса бундан туб алоқалар янада кенгайиб икки халқ дўстлигини рамзи, яқдиллик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон-Россия маданий ҳамкорлигимизни биз Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган Россия халқаро илмий маданий ҳамкорлиги маркази фаолияти асосида кўришимиз мумкин. Шунингдек “Ўзбекистон санъати ва маданияти Форуми” Фондининг ҳам икки мамлакат маданий алоқаларига қўшаётган ҳиссаси муҳим аҳамиятга эгадир. 2004 йилда мазкур Фондининг Москва шаҳрида тақдироти бўлиб ўтган эди. Унда Рус халқига Ўзбек маданияти ваа санъатидан наъмуналар намойиш этилди. Кейинчалик ҳам ушбу Фонд ташаббуси билан Россияда турли тадбирлар, фестиваллар, кўргазмалар, ижодий кечалар ўтқазиб келинмоқда. 2006 йилда эса “Ўзбекистон ва Россиянинг ҳамкорлик доирасидаги гуманитар-маданий алоқалари” мавзусидаги очиқ давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ҳамкорликнинг кейинги йўналишлари, уни янада ривожлантириш йўллари хусусидаги таклиф мулоҳазалар муҳокама қилинди. 2006 йилнинг январ ойида эса Москва шаҳрининг марказида А.Навоийнинг йирик бронзадан ишланган ҳайкали қад кўтарди.

Икки давлатнинг ўзаро маданий алоқалари доирасида таълим ҳамкорлиги соҳаси бўйича ўрнатилган муносабатлар таҳсинга сазовордир. Тошкент шаҳрида бугунги кунда Россия билан ҳамкорликда М.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети (2006й), Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси (1996й) ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ Университети¹ филиаллари очилган бўлиб, бу олий таълим

¹ 1993 йилнинг 13 январида ташкил этилган.

муассасаларида Ўзбекистонлик ёшларга тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан муқаммал билим беришмоқда. Бундай жаҳондаги энг илғор ва номдор Университетларнинг Ўзбекистонда ҳам очилиши бежиз эмас албатта. Ўз навбатида Россия Олий Таълим Муассасалари ва уларнинг ходимлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислохотлари, Қадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури юксак баҳоланди. 2001 йил май ойида Россияга қилинган ташриф давомида Москва давлат Университетида бўлиб, Россия таълим тизими билан танишди ҳамда Университет талабларига икки мамлакат алоқалари, унинг хусусиятлари ва аҳамияти ҳамда Ўзбекистондаги йўлга қўйилган таълим тизими тўғрисида маъруза ўқиди. Маъруза давомида давлатлар ўртасидаги таълим ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва уни янада ривожлантириш масласи илгари сурилди ва бу фикр Россия Президенти ва жамоатчилиги томонидан мақулланган эди. Бу ташриф давлатлар ўртасидаги таълим ҳамкорлигини аниқроғи маданий алоқалар ривожини юқори поғонага кўтаради.

2006 йилда юртимизга ташриф буюрган Россия иқтисодиёт академияси ректори В.Видьяпин Ўзбекистондаги амалга оширилаётган таълим ислохотларининг юқори савияда эканлигини айтади. “Таълим сифати ҳар бир давлатнинг эртанги келажагини белгилаб беради. Бу соҳада Ўзбекистон катта тажрибага эга, шу туфайли ҳам биз Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз¹”

Шунингдек Россия нефт ва газ Университети академиги В.А.Садовничев ҳам юртимиздаги таълим тизимини жуда юксак баҳолар экан жумладан шундай дейди: “Ислом Каримов-бу Ўзбекистонда муқаммал билим ва таълим давридир.”²

Орта қолган 10 йиллик таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик давомида 1000 дан ортиқ Ўзбекистонлик талабалар Россия олий Ўқув юртлари стипендиялари асосида Россия Олий Ўқув Юртларида ўқиш шарафига

¹ Г.Ахмеджанов. Россия и Центральная Азия. Взаимосвязь в историческом развитии. Москва-Ташкент 2008 год, 84 стр.

² Ўша жой

мушарраф бўлдилар. Биргина 2007-2008 ўқув йили учун Ўзбекистонлик ёшларга Россия таълим муассасаларида бепул таълим олишга мўлжалланган 180 та грант ўринлари таклиф қилинди.

Шунингдек Россия Фанлар Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника Маркази билан ҳамкорликда Суффа платоси радиоастрономик обсерваторияни ишга тушириш лойиҳаси бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу обсерваториянинг фаолияти шундан иборатки, унинг фаолияти ҳудудидаги алоқа тизими, астрономик кузатувлар маркази, шунингдек ҳудуддаги географик ҳодисаларни олдиндан кузатиш маркази вазифасини бажаради. Россия илм-фан ходимлари билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги лойиҳа шундан иборатки Москва Давлат Университети билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятидаги Майданак тепалигида жойлашган Майданак обсерваториясини биргаликда ўзлаштириш бўйича лойиҳа ишлари амалга оширилмоқда.¹

2008 йил 10 ноябр куни Тошкентда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстликнинг электр алоқа операторлари кенгаши ҳамда Электр алоқа бўйича минтақавий **ҳамдўстлик** комиссиясининг қўшма мажлиси иш бошлади. Унда Ўзбекистон, Россия, Беларусия, Молдова, Қирғизистон, Тожикистон алоқа маъмуриятлари вакиллари иштирок этди. Форумда давлатлараро йўналишларда тармоқларнинг ишончилигини ошириш, янги электр алоқа хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадиган алоқа каналларининг ахборот хавфсизлигини яхшилаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек мажлисда телеграф тармоқларини модернизация қилиш, уларни маълумотлар узатиш канал ва тармоқларига ўтказиш, айрим мамлакатларда рақамлаштириш режалари, универсал телекоммуникация хизматлари Фондини шакллантиришда алоқа операторларининг биргаликда иштирок этиши ҳам муҳокама этилди. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Алоқа соҳасида минтақавий

¹ WWW.GOV.UZ. Сотрудничество Ўзбекистона со стран СНГ

ҳамдўстлик билан самарали ҳамкорлик қилмоқда, ҳамдўстликнинг операторлари кенгаши таркибига киради, унинг йирик халқаро лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда, хорижий операторлар ва телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялари билан биргаликда ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, қўшма мажлис иштирокчилари МДХ мамлакатларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқ телекоммуникация маконини босқичма-босқич ташкил этиш жараёни, яқин келажакда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик фаолият дастури муҳокама этилди, жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашиш зарурлигини таъкидланди. Ҳозир бутун дунёда бўлгани каби МДХ мамлакатларида ҳам энг янги ахборот-коммуникация технологиялари жадал суратда жорий қилинмоқда ва бу жараён Ҳамдўстлик маконида энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар ҳам таҳсинга лойиқдир. Давлатларнинг ўзаро маданий ҳамкорлигининг ривожланиши икки давлат ўртасидаги кенг муносабларни бир поғона юқорига кўтариб, ҳамкорликнинг янги қирраларига замин яратмоқда.

2002 йилнинг декабрь ойида Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида Тошкент шаҳрида улуғ украин шоири Тарас Шевченко расмий ҳайқалининг очилиши бўлиб ўтди. Айни кунларда Украина пойтахти Киев шаҳрида ҳукуматнинг ташаббуси билан буюк бобоқалонимиз, улуғ ўзбек ёзувчиси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайқали ўрнатилган.

Украинада доимий равишда Ўзбек рассоми, хунармандларининг фестивал ва кўргазмалари ўтказилиб турилади. 2002 йилнинг январида Украинада “Дўстлик” Киев-Ўзбек маданий-иқтисодий жамияти ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек Киевда “Ўзбекистон” ўзбек рассомчилиги жамияти ҳам мавжуд. Тошкент-Киев шаҳарлари, Ҳарков ва Тошкент вилояти, Сум ва Қашқадарё вилояти, Қрим Автоном Республикаси ва Фарғона вилоятлари ўртасида доимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари

йўлга қўйилган.

Ҳозирда Ўзбекистонда 100 минга яқин этник украинлар истиқомат қилади. Шундан 40 мингга яқини Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг юртимизда эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан: Тошкентда “Славўтич” Республика украин маданий маркази ва “Батьківщина” шаҳар Украина маданий марказлари фаолият юритади. Шунингдек Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида аналогик марказлари мавжуд. Шунингдек Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Украинанинг бир қатор илмий-маданий ташкилотлари билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Айниқса буни соғлиқни сақлаш тизимида яққол кўриш мумкин. Ҳар йили мингга яқин юртимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари Украин Киев, Ҳарковъ, Запароже шаҳарларида билим-кўникма ҳамда тажрибаларини ошириб келади.

Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги маданий алоқалар тизими 1997 йил 10 январда ҳар икки давлат томонидан имзоланган Таълим соҳасидаги ҳамкорлик, шунингдек 1998 йил 4 ноябрда имзоланган Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар асосида олиб борилади.

Бизга маълумки ҳар икки давлат азалдан бир-биридан ажралмас ҳудуд ҳисобланган. Бу икки халқ маданиятини бир-биридан айириш мумкин эмас. Ўтмиш анъаналари асосида бугунги кунда ҳам ўзаро кенг алоқалар ўрнатилган.

1998 йилнинг июнь-июль ойларида Ўзбекистон Тожикистон маданияти кунлари ўтказиши ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир. Унда тожиқ ижодкорларининг турли кўргазма, фестивалъ, байрам тадбирлари халқимизга яна бир бор намоиш этилди.

2002 йилда эса Тожикистон ва Ўзбекистон Телевидения тизимидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув амалга оширилди. Натижада, Тожикистон ҳудудида кўплаб ўзбекларнинг ва ўз навбатида Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўплаб тожиқларнинг истиқомат қилишини ҳисобга олган ҳолда эндиликда бу аҳолининг қўшни заминда ўз юрти телетармоқларини кўриш имкониятига

эга бўлди. Бундан ташқари ўзбекистон телерадио қанали орқали тожиқ тилидаги кундалик кўрсатувлар эфирга узатилса, матбуот орқали қарийиб 10 га яқин тожиқ тилидаги нашрлар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги маданий алоқа ҳам таҳсинга лойиқдир. Бу борада давлатларнинг Абадий дўстлик ҳақидаги 1996 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида имзоланган келишув асосий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек давлатларaro маданий, илмий, таълим ва спорт, соғлиқни сақлаш, туризм соҳасидаги алоқларни чуқурлаштириш ҳақидаги келишув (1994 йил 16 январь) Маданий Ҳамкорлик ҳақидаги шартномалар (1996 йил 24 декабрь) бу борадаги амалга оширилаётган ишларни юқори даражага кўтарди.

Ҳоҳ Ўзбекистонда, ҳоҳ Қирғизистонда бўлиб ўтадиган машҳур, буюк шахсларнинг юбилей тадбирларида иштирок этиш ҳар иккала давлат расмийлари учун одатга айланиб қолган. Ҳар иккала халқнинг машҳур шоир, олим ва ижодкорларининг тадбир ва байрам кечаларини уюштириш икки давлат муносабатларини янада яқинлаштирди. Жумладан 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик байрами Қирғизистонда ҳам кенг нишонланди. Театр, кўргазма ва маданият уйларида Амир Темур таваллуди қизғин кутиб олинди. Шунингдек 1995 йилда “Манас” эпосининг 1000 йиллиги Ўзбекистонда ҳам кенг кутиб олинди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” фестивалида доимий равишда Қирғизистонлик санъат усталари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Маданий алоқалар доирасини кенгайтириш мақсадида 1995 йил Тошкент шаҳрида Қирғизистон миллий маданий маркази иш бошлади. Республикамизнинг 6 вилоятида марказнинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Қозоғистон билан бўладиган маданий алоқаларнинг асоси сифатида икки давлат ўртасидаги имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги келишув (1998 йил 31 октябр) шартномаси баҳоланди. Бу соҳадаги муносабатларнинг юксалиши жараёнида 2006 йилда икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашуалари давомида ишлаб чиқилган 2006-2008

йилларда маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ҳақидаги чора-тадбирлар Дастури муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ижодкорлари орасида доимий мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган. Ўзаро доимий гастроль сафарлари, маданий тадбирлар, кўргазма намоишлари ўтказилиб туради.

2006 йил Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё театр фестивали давомида Ўзбекистон Миллий Академик театри ҳам фаол иштирок этган эди. Ҳар йили ўтказилиб келинаётган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалида Қозоғистонлик санъат усталари доимий равишда иштирок этиб келишади.

1993 йилнинг 25 май куни Ўзбекистон раҳбари Қозоғистонга ташриф буюриб улуғ қозоқ адиблари Тулебий, Қозибек бий, Айтеке бийларининг хотирасига бағишланган тантаналарда иштирок этди. Шу йилнинг кузида яна Остонага ташриф буюрган президентимиз яна бир қозоқ адиби Ахан Серенинг 150 йиллик юбелей тантанаси ва Чўқон Валихоновнинг уй мезейининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

2007 йилнинг март ойида Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган халқаро театр фестивалида жаззах мусиқали драма театри ижодкорлари, шу йилнинг апрел ойида яна ушбу Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган “Бўронбел” халқаро рақс фестивалида эса А.Навоий номидаги Давлат Академик Балет Театри вакиллари иштироки юқори баҳоланган эди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури доирасида 2007 йилнинг 29 апрель 4 май кунлари Ўзбекистон бўйлаб М.Қуваншбаев номидаги Қозоғистон мусиқали драма театрининг гастроль сафарлари уюштирилди. Шу йилнинг октябрь ойида эса Тошкент М.Авезов номидаги Қозоғистон миллий драма театрининг маданият кунлари ўтказилди.

2008 йил 15 апрелда Тошкент Давлат Академик ва балет театрида Олмота ҳареография билим юрти талабаларининг ижодлари намоиш этилди. Бундан ташқари Ўзбекистонлик Киномотография усталари доимий равишда ўз ижод намуналарини Қозоғистон шаҳарларида намоиш этиб, турли фестивал, конкурс намоишларида иштирок этиб келадилар.

1994 йил 10 январда давлатлар ўртасида фан-техника, спорт, талим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида 2006 йил 20 мартда эса Фан ва технология алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги келишув шартномалари имзоланди. Бу соҳадаги муносабатларнинг юксалиши жараёнида 2006 йилда икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашуви давомида ишлаб чиқилган 2006-2008 йилларда маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ҳақидаги чора-тадбирлар Дастури муҳим босқич бўлди.

Таълим соҳасида давлатлар ўртасида мустаҳкам муносабатлар ўрнатилган. Бу борада кадрлар, ўқитувчи-педагог ва талабалар шунингдек ўқув-методик технологиялар алмашилиши кенг йўлга қўйилган.

2006 йилдан эътиборан Маъмун Академияси ва Қозоғистон Фан таълим вазирлиги, Қозоғистон Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Худди шундай келишув 2007 йил май ойида Тошкент Давлат Архитектура Қурилиш Институти ҳамда Қозоғистон Архитектўра Қўрилиш Институти ва М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон Институтилари ўртасида ҳам имзоланган эди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари азалдан қардош халқлардир. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 45000 дан ортиқ Озар миллатига мансуб аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (10000), Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Икки халқ ва қолаверса давлатлар муносабатларини яқинлаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг бир қанча ҳудудларида 10 га яқин Озарбайжон маданият марказлари фаолият юритмоқда. 2003 йил эса Озарбайжон маданият марказлари Ассоциацияси ташкил этилди. 2007 йилдан эътиборан Республика Озарбайжон маданият маркази янга замонавий бинода иш бошлади. Республикадаги илк маданият маркази 1989 йилда (“Гардашиқ”) очилган эди. 2004 йилда Озарбайжон президенти Илхом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи давомида Тошкент шаҳри марказида буюк озар адиби Низомий Ганжавий шарафига бунёд этилган ҳайқалнинг очилиши

бўлиб ўтди. Шунингдек бу шахснинг номи йирик кўча, маҳалла, таълим муассалари (“Низомий” номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети) га ҳам қўйилган. Ташриф давомида яна Озарбайжон элчихонасининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Янги элчихона биносининг ҳовлисида эса Озарбайжоннинг собиқ Президенти Х.Алиевнинг бюст хайкали қад кўтарди. Бу эса ўзбек халқининг Озар халқига нисбатан ҳурмат рамзи сифатида намоён бўлди.

Ўз навбатида Озарбайжон томонининг ташаббуси билан Боку шаҳрида улуғ мутаффакир А.Навоий хайкали мажмуасининг қурилиши бошланди. Боку шаҳри кучаларидан бирига эса Мирзо Улуғбек номи берилган. Бундан ташқари икки давлат ижодкорлари, маданият арбоблари, санъатшунослари ўртасида доимий учрашувлар, тадбирлар уюштирилиб туради.

XXI аср жамияти шиддат билан ўсиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам ана шу ҳамжамиятнинг бир қисми сифатида, унда муносиб ўрин эгаллашга интилиб келмоқда.

1991 йилда СССР дея аталмиш иттифоқнинг парчаланиши Ўзбекистон қаторида яна бир нечта халқларнинг мустақиллигига олиб келди. Ота-боболарисиз узок тарихий даврлар мобайнида мамлакат мустақиллиги учун ҳаракат қилганлар керак бўлса қон кечганлар, узок кутилган мустақилликнинг эришилиши барча халқлар ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Бироқ мустақил бўлган давлатлар энди янгича тўсиқларга дуч келдилар. Маълумингизким социализм дея аталмиш тизим таркибида бўлган ушбу мамлакатлар фаолияти қандайдир реал натижаларга эга бўлмаган келажакни ваъда бераётган иттифоқнинг таркибига кирар эдилар. Социализм ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак комунизм тузими ўз давридаёқ бир қатор танқидларга учраган эди. Ҳақиқатан ҳам бундай тизимнинг иқтисодий асоси жуда ҳам мўрт ғояларга асосланди. Жамият тенглигини ваъда бераётган ғояларда замонавий жамият тараққиётига асос бўлувчи ғоялардан бутунлай воз кечилган эди. Иқтисодий тизим бутунлигича бир-бири билан чамбарчас боғлаган, асосийси эса иқтисод бозор қонунларига эмас, балки

хукумрон мафкурага бўйсунар эди. Иқтисодий талаблар аҳоли талаблари асосида эмас, давлат режасида белгиланган талаблар асосида белгиланар, нарх-наво ҳам шундай усулда жорий этиларди.

Хўш, бундай тизимнинг келажаги ҳақида бошқа нима дейиш мумкин?

Масаланинг иккинчи томони эса, юқорида таъкидлаб айтиб ўтганимиз, яъни мустақилликқа эришган собиқ иттифокдош давлатлар ўз иқтисодиётини қай йўсинда ташкил этмоқлари лозимлиги ҳақида. Иқтисодиёт бутунлигича бир-бири билан узвий боғланган давлатларнинг янги иқтисодий тизимга ўтишлари учун талайгина тўсиқлар мавжуд эди.

1991 йилнинг 8 декабрида Белорусиянинг Беловежовск ҳукумат саройида Россия, Белорусия ҳамда Украина раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги дея аталмиш ташкилотга асос солдилар. Орадан кўп ўтмасдан 1991 йилнинг 21 декабрида Собиқ Иттифок таркибида бўлган бошқа давлатлар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Туркменистон, Молдова ва Озарбайжон Республикалари ҳам ушбу шартномага қўшиладилар.¹ Кейинчалик 1993 йилда Грузия ҳам Ҳамдўстлик таркибига қўшилади. Хўш, бу ташкилотнинг тузилиши, унинг вазифалар ва аҳамияти нималардан иборат?

Буни Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича эътироф этади:

1. Янги мустақил Республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий ҳам ташкилий жиҳатдан бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши Республикаларнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлар эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга

¹ 1991 йил 21 декабрида Олмота шаҳрида бўлиб Собиқ иттифок давлатлари раҳбарининг йиғилишида МДХ ни ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди. Бу битим “Олмота Декларацияси” деб ном олди.

бўлган собиқ умумиттифок иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар хўжалик алоқаларининг чамбарчас тугуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (Бундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашишига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин.

3. Барча мустақил Республикаларда хусусан Ўзбекистонда ҳам Иттифок қўламидаги яқин қариндош уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиклигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш Республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДХ га аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаолиятга салмоқли ҳисса қўшади.¹

Худди шундай асосда Ҳамдўстлик давлатлари тараққиёт сари юз тутишди дейиш мумкин бўларди. Кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётган МДХ интеграцияси ўзаро алоқаларнинг давомийлиги негизида янги босқичга кўтарилмоқда. Яъни МДХ ни ташкил этувчи давлатлар азалдан ҳудудий, маданий, урф-одатлар жиҳатидан бир-бирига жуда яқиндирлар. Ушбу давлатларнинг ўзаро алоқалари тарихан ривожланиб келмоқда. Яна ўша юқоридаги фикр МДХ интеграцияси ушбу тарихий алоқаларнинг янги босқич бўлди.

Ўзбекистоннинг Ҳамдўстликқа аъзолиги қуйидаги ҳолатлар билан

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998 й, 26-28 бетлар

белгиланади:

-Бирлашган куrolли кучлар орқали миллий мудофани мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;

-Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг Фан-техника тараққиёти ютуқларидан, янгиликларидан, технологиялари, телекоммуникациялар космик алоқа воситаларидан баҳраманд бўлиш зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотни шу жумладан халқ истеъмол молларини жаҳон нархларидан паст нархларда сотиб олиш учун кенг кўламдаги бозорнинг мавжуд бўлиши;

-транспорт тармоғидан фойдаланиш, денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йўли билан етказиб бериш имкониятларининг кенглиги;

-кескин экология муаммоларини хал этиш чора-тадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий офат фалоқатларининг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз вазифалари доирасида шу каби минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган масалаларни биргаликда ижобий хал қилиб келмоқда. Босиб ўтилган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон МДХ таркибида фаол ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан давлатимиз фақатгина иштирокчилик эмас балки етакчилик аҳамиятини ҳам бажармоқда. Ҳа, Ўзбекистон Республикаси МДХ таркибида ўзининг халқаро майдондаги ўрнини белгилаб олди.

Минтақавий хавфсизлик, экологик муаммоларни бартараф этиш, диний экстеремизм, гиёҳвандлик, терроризм ва яна бошқа шу каби муаммоларни хал этишда етакчилик кўрсатиши орқали Ўзбекистон ўз манфаатлари ҳам минтақавий масалаларда бир қатор ютуқларга эриша олди деб айтиш мумкин. Қолаверса Ўзбекистон стратегик ва геополитик жиҳатдан қулай жойлашган давлат сифатида қўшни давлатлар, яқин қўшни давлатлар ва Ҳамдўстлик давлатлари орасида алоҳида аҳамиятга эга давлат сифатида

баҳоланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги яқин шериклари асосан МДХ таркибига кирувчи давлатлар ҳисобланган. Чунки ушбу давлатлар Ўзбекистонга бевосита ва яқин чегарага эга, маданий жиҳатдан қардош, иқтисодий жиҳатдан эса ягона иқтисодий маконни ташкил этувчи давлатлардир. Кейинги йиллар давомида Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари иқтисодий алоқалари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Йўлга қўйилган кенг ҳамкорлик алоқалари орқали Ўзбекистон ўзининг халқаро майдондаги юксак обрў-эътиборини қўлга киритиш билан бир қаторда, ўтиш даври тўсиқларини ҳам ижобий ҳал қилиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида МДХ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорликка Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлигигина эмас балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз халқларининг яқинлашуви табиий кечаётган жараён. Бу халқ интеграцияси бўлиб, сунъий равишда жорий этиладиган сиёсий интеграциядан фарқли ўлароқ, ҳақиқий интеграциядир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки Ўзбекистоннинг МДХ даги иштироки мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти доирасида муҳим аҳамият қасб этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан ўзаро алоқалар тизимидаги иштироки минтақада ва ўзаро барқарорлик ҳамда тинчликнинг муҳим қафолатларидан бири сифатида баҳоланди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, хўжалик муносабатларни янги шаклда ташкил этиш ва авваламбор, бир-бирига дўстона муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича МДХ минтақадаги иқтисодий,

сиёсий, маданий алоқаларни чуқурлаштириш, эскирган хўжалик тизимини янгилаш асосий “платформа” вазифасини бажариб келмоқда. Шу асосда минтақа давлатларининг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш имкониятлари яратиб борилмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари орасида янгича иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳит шаклланди. МДХ ташкилоти халқаро ҳуқуқнинг бир субъекти сифатида Халқаро майдондаги рўй бераётган жараёнларга фаол муносабат фаолияти Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини белгилаб олаётган давлатимизнинг улкан ютиғидир.

5.МДХ фаолиятига таҳлилий назар.

Маълумки, собиқ СССР тизими парчаланиб кетгандан сўнг, мазкур “қизил империя” ўрнида ўз бешта мустақил давлатлар вужудга келди. Ушбу давлатлар ўз суверенитетини эълон қилгач, миллий манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб, собиқ иттифоқ доирасида мавжуд бўлган ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўзаро суверен тенгликка асосларган бирлашмага асос солдилар. Шундай қилиб ҳар томонлама манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик умумий инқирозидан чиқиш иқтисодий интеграцияни такомиллаштириш, барча суверен давлатлари учун МДХ керакли ва зарур бўлган механизм, биргаликдаги ҳаракатларнинг реал воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур сиёсий бирлашма 1991 йил 8 декабрда Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия томонидан тузилди ва уни МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) деб номлашга келишиб олинди. Шунингдек уччала давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Битимда СССР чуқур сиёсий инқирозга учраб парчаланиб кетганлиги қайд этилди. Шу билан биргаликда келгусида уччала давлат сиёсий, иқтисодий гуманитар, маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилишини баён этди.¹

1991 йил 21 декабрда Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон Республикалари қўшилдилар улар Белоруссия, Россия ва Украина билан бирга МДХнинг мақсаб ва қоидалари тўғрисидаги Декларацияга Алмати шаҳрида имзо чекдилар.

МДХ ташкил этилгандан буён ўтган давр мобайнида унга аъзо давлатлар боликларнинг 30 дан ортиқ кенгаши бўлиб ўтди. МДХ доирасида 1400 дан ортиқ қарор ва ҳужжатлар қабул қилинди. Алмати учрашувида

¹ Қ.Н.Назаров, С.А.Жўраёв Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Академия нашриёти, Тошкент-2005 йил, 162 бет.

Россиянинг Собик СССР ўрнига БМТ ва халқаро ташкилотларда аъзоликни давом эттириши, Ядро қуроли бўйича, Қуролли кучларга қўмондонлик қилишни Е.И.Шапошниковга топшириш бир қанча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Мазкур учрашув МДХ ташкилотининг ташкилий структуравий жаҳатидан шаклланиши белгилади. Кўп ўтмасдан Белоруссия пойтахти Минскда (1991 йил 30 декабрь) МДХ га аъзо давлатларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Бунда МДХ мамлакатлари давлат бошлиқларининг кенгаши тўғрисидаги, МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг кенгаши тўғрисидаги, Қуролли кучлари ва чегара қўшинлари тўғрисидаги, Космик фазони тадқиқ этиш, ундан биргаликда фойдаланиш ҳақида, Собик СССРнинг чет эллардаги мол-мулки тўғрисида битимлар имзоланди. Бундан кейинги фаолиятда ташкилотнинг вориси сифатида Россия Собик СССРнинг чет мамлакатлардаги ташқи қарзларини тўлашни, МДХ га аъзо мамлакатларини хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлашда уларни чегаралар дахлсизлигини таъминлашда маълум миқдорда қуролли кучларни ташкил этишда, барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгаши иштирокини таъминлашни ўз зиммасига олди. МДХ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир талайгина ишлар амалга оширилди. Масалан 1992 йил 15 март Киевда МДХ давлатларининг чегараларини ва ҳамдўстлигининг денгиз иқтисодий зоналарини қўриқлаш тўғрисидаги битим имзоланди. Айниқса 1992 йил 15 май Тошкентда бўлиб ўтган конференцияда Коллектив хавфсизлик, тинчликни сақлаш, коллектив кучларнинг мақоми тўғрисидаги битимни имзоланиши катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур битим асосида Чегара қўшинларини пул билан таъминлаш, Қуролли кучларини қисқартириш ва улар сифатини ошириш масалаларига ойдинлик киритди. 1993 йил январда Минскда Афғонистон-Тожикистон чегараларини мустаҳкамлаш учун МДХнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий қисмини юбориш тўғрисида битим имзоланди. Имзоланган бу битим МДХ нинг жанубий сарҳадларидаги вазиятни барқарорлиштириш, тинчликни таъминлаш,

Тоҷикистонда давом этаётган кескин можароларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари МДХ нинг кенгашлари (1996 йил 28 апрель, 1996 йил 17 май Москва, 1997 йил 23 октябрь Кишинёв) бўлиб ўтди. Бу кенгашларда интеграция жараёнларини тезлаштириш концепцияси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда кураш дастури, МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиш аҳволи ва самарадорлигини ошириш МДХ нинг истикболлари, МДХ фаолиятини барча аъзо давлатлар манфаати нуқтаи-назардан яхшилаш ва такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.¹

Мазкур қонунлар минтақадаги ҳар томонлама сиёсий аҳволни яхшилашга олиб келди. Бу сиёсий жараёнларни кузатиб турган ҳамда ташкилотнинг мамлакатдаги инқирозий вазиятни ҳал эта олишига ишонган Грузия 1993 йилда МДХга аъзо бўлиб кирди. Грузияни МДХ га аъзо бўлиб кириши халқаро сиёсий майдонда ташкилотга бўлган ишончни ортишига олиб келди.

1993 йил МДХ Устави қабул қилинди. Агар бир МДХ нинг Уставидан келиб чиқиб мақсад ва вазифалари ҳақида гапирадиган бўлсак давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаш, ташқи сиёсий алоқаларини мувофиқлаштириш, умумий иқтисодий маконни вужудга келтириш, транспорт ва алоқа тизимларини такомиллаштириш аҳоли соғлиғи ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масалалар ва миграция сиёсатини эркинлаштириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, мудофа сиёсати, ҳамкорлик қилиш ва ташқи чегараларни қўриқлашда биргаликда фаолият юритишни назарда тутди.

МДХ аъзоларининг баргаликдаги фаолият соҳасидаги биргаликда амалга ошириладиган қуйидаги тадбирлар киритилди.

-ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштириш мудофа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;

-умумиқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш,

¹ Янги Ўзбекистоннинг етти зафарли юриши. "Шарқ" Т. 1998 йил, 195-бет.

Умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш;

-иқтисодий ислоҳот ўтказиш;

-божхона сиёсатини бирга олиб бориш;

-транспорт ва алоқа шунингдек энергетика тизимларини ривожлантириш;

-уюшган жиноятчиликка қарши кураш;

Дастлабки даврларда МДХ га аъзоларнинг (Грузия ва Молдавия) ортишини ва ташкилот фаолиятини кўплаб соҳалар (айниқса минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш) да фаоллашганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)- бир бутун давлат, федерация ёки мамлакат эмас, ҳарбий блок ҳам эмас, давлатлар ҳамдўстлигининг янгича шакли, Унга кирувчи ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъектидир.¹

МДХ нинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун Ҳамдўстлик давлатлари ўзаро муносабатларда қўйидаги қоидаларга риоя қилади;

-давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш;

-тенг ҳуқуқлилиқ ва бир-бирларини ички ишларига аралашмаслик;

-иқтисодий куч ва бошқа тайзиқ услубларини қўллашдан воз кечиш;

-баҳсли муаммоларни келиштирувчи воситалар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида ҳал этиш;

Юқоридаги қоидалардан кўриниб турибдики МДХ фаолияти тўлиқ халқаро жамият қабул қилган бир бирига ўзаро ҳурмат тамойили асосида амалга оширилишни кўзда тутди.

МДХ доирасида ҳақиқий аъзолардан ташқари айрим масалаларда қатнашуви аъзолар ҳам бўлиши мумкин. МДХ ўз фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида турли органларни ташкил этди. Жумладан, Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгаши, Ташқи ишлар

¹ А.Жалолов, Қ.Хоназаров таҳрири остида “Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат” “Шарқ”-Т.:2000 йил, 152бет.

вазирлари кенгаши, Давлатлараро иқтисодий қўмита, Марказий Санкт-Петербургда бўлган Парламентлараро бўлган ассамблея ва бошқалардир. МДХнинг доимий ишчи органи Минск шаҳрида жойлашган Мувофиқлаштирувчи-маслаҳатчи қўмита бўлиб, барча органлар ишларини мувофиқлаштириб боради. Бу қўмитанинг қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари кенгаши 1 йилда қамида икки марта ўтказилади. МДХ органлари фаолияти МДХ Низоми билан тартибга солинади. 1992 йил 6 июлида МДХнинг 9 та давлат-Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина, Молдавия ва Туркменистон давлатлари Россияни ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномада иштирок этишни қўллаб-қувватладилар. Россия ядро қуролига эга бўла туриб, қўшилишга тайёрлигини билдирди. Бу шартномадан фақат бир моддани ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу 7 модда бўлиб, унда шундай дейилади: “иштирокчи давлат худудида КХ тизими объектларини ўрнатиш махсус келишувлар билан амалга оширилади. Россия КХШ давлатлари билан икки томонлама келишувларни тузиши бу аҳволни енгиллаштирди ва собиқ иттифоқ Республикаларида Россия ҳарбий объектлар мақоми тартибга солинди.(кейинги вақтларда бундай объектлар сони, кескин қисқарди.) Ундан ташқари, МДХ бирлашган тизими тузиш учун юридик асос сифатида КХШ муҳим роль ўйнади. Бу ҳақда келишув 1995 йил 10 февралда имзоланди. Шу билан бирга МДХ доирасида КХ муаммосига замонавий ёндошувлар шакллантирилмади ва амалга оширилмади “Коллектив хавфсизлик” атамаси 1990 йиллар бошида урф бўлди.

Коллектив хавфсизлик конференциясини ишлаб чиқишдаги кечикиш ҳамкорликни бир қатор халқаро-ҳуқуқий актларини вужудга келтирди. Масалан, МДХ низомини учинчи бўлими: “КХ ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик” КХ тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Ҳатто КХШ иштирокчи давлатлари КХ концепциясида (1995 йил 10 февраль) ташқи хавфларни келиб чиқиши манбаларини кўрсатилади. Лекин иштирокчи давлатлар ўртасида ўзаро зиддиятлар хавфи тўғрисида сўз бормайди.

Шундай қилиб, МДХ коллектив хавфсизлик тизими қурилиши КХ тўғрисидаги шартнома орқали эмас норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда тинчлик масалалари бўйича ҳужжатлар имзолаган давлатлар, КХШ иштирокчилари ҳамкорлигидаги тинчлик операцияларида МДХ давлатлари томонидан қўллаб-қувватланади хавфсизлик ва мудофа соҳасидаги ўзаро муносабатлар ҳамкорликни бошқа йўналишлари билан солиштирганда мураккаб йўлни босиб ўтди. Аввалданок, КХ тўғрисидаги шартнома ҳамкорликдаги давлатларнинг кўпчилигини эгаллади.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан, чет эл тадқиқотчилари 3 та категорияга бўлинади. Россия федерацияси фуқаролари ўз ватанини барча давлатларнинг фуқаролари улар бошқа барча ҳуқуқлар фойдаланишлари керак. Ниҳоят, болтиқ бўйи давлатлари фуқаролиги бўлмаган гуруҳ кўп.

1990 йиллар охирида ташкилот фаолиятини қайта ташкил этишга бир неча ўринишлар бўлди. Кишинёвдаги давлат бошқариш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди. Ҳамкорликда ривожлантириш истиқболлари ва стратегиясини белгилаш, МДХ давлатлари ҳар бирини ролини ошириши масалалари долзарб қилиб қўйилди. 1998 йил қарор қабул қилиш учун МДХ фаолиятини муқаммаллаштириш масалалари бўйича давлатлараро форум чақирилди.

Форум иштирокчилари таъкидладик ҳамкорликда интеграцион жараёнларни ривожлантириш, ҳамкорликда савдо-иқтисодий сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш ва эркин савдо зонасини шакллантириш муҳим элементи ҳисобланади. 1994 йил 15 апрелида эркин савдо зонаси тузиш тўғрисидаги келишувга ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида баённома тайёрланди.

1999 йил 2 апрелида давлат бошлиқлари кенгаши МДХ органлари тизимини қайта шакллантириш ва такомиллаштириш тўғрисидаги форумда қабул қилинган қарор тасдиқланди. Бу ҳужжатларга кўра, МДХнинг ижроия қўмитаси ҳамкорликни доимий ишловчи ягона маъмурий органига айланди. Шу билан бирга давлат бюджетидан молиялаштириладиган 10 га

яқин тармоқни ишчи органлари тугатилди. Уларнинг вазифалари ижроия кўмитасига ўтказилди. Умумий ишчилари сони 1190 кишидан 710 кишигача, 40% га қисқарди (улардан 356 таси ижроия ҳокимият ходимлари, 354 таси МДХнинг бошқа органлари ходимлари). Кейинчалик МДХ давлатлари Антитеррористик маркази ташкил этилиши билан ижроия кўмитаси 46 ходимга қисқарди.¹

Давлат бошлиқлари кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари кенгаши ваколатлари тасдиқланди, ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисида янги қарор қабул қилинди, МДХни иқтисодий кенгаши тузилди. Ундан ташқари, ҳамкорлик органларида раҳбарият муддатлари аниқ белгиланади. Иқтисодий кенгаш қошида иқтисодий муаммолар бўйича доимий иш олиб боровчи комиссия фаолияти ташкил этилди. Натижада ҳамкорликни ҳуқуқий асоси 1000 ҳужжатга етди. 1997-1999 йилларда МДХ доирасида олиб борилган ислохатлар натижа бермади.

МДХ собиқ СССР ҳудудида фуқаролик уруши келиб чиқишини олдини олди, мамлакатларни босқичма-босчиқ халқаро муносабатлар тизимига кириб, мустақилликлари, ва суверенитетини мустаҳкамлашга кўмак берди. Бироқ МДХга аъзо мамлакатларнинг ўзаро имкониятлари ҳар қандай соҳада кенг бўлишига қарамай айрим қамчиликларга йўл қўйилди. Бунга албатта, биз ижобий маънода қарайдиган бўлсак ҳар бир МДХ га аъзо мамлакатлар ўтиш даврида ўз ички муаммоларига кўпроқ аҳамият қаратиши, шу муаммолар доирасида ўралашиб қолиши натижасида МДХ ташкилотининг фаолиятига нисбатан эътибор пасайиши табиий ҳодиса эди. Агар биз МДХ нинг 2000 йилдан кейинги фаолиятига назар солсак ушбу ташкилотга жаҳон ҳамжамиятининг қизиқишини ортишини, жаҳонда содир бўлаётган глобал миқёсидаги муаммоларни ҳал этишда МДХнинг аҳамиятини ортиши ундаги аъзо мамлакатларнинг сиёсий-иқтисодий марказларга айланаётганлиги, халқаро дипломатик муносабларда МДХ мамлакатларининг асосий субъекти сифатида эътироф этилаётганлигини, унинг таркибида турли ҳил минтақавий

¹ Забуров А. Органы СНГ И Интеграция Содружества и Национальные интересы-Москва., 2005

муаммоларни ҳал этишга асосланган ишчи органларининг тузилаётганлигини гувоҳи бўлаяпмиз. Демак келажакда МДХ ташкилотининг истиқболи минтақадаги мамлакатлар учун прогрессив аҳамият қасб этади.

Минтақавий барқарорлик, минтақа кўламида интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда илгари совет иттифоқи таркибига кирган мамлакатлар ўртасида вужудга келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тутади. 1991 йил декабрида МДХ мамлакатлари икки томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорликка ҳамдўстликка аъзо мамлакатларининг ҳудудий яқинлигини ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлигига эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда. Биз учун масаланинг моҳияти мустақиллик ёки интеграцияни танлаш эмас, балки бу икки йўналишни уйғунлаштиришдан иборат. Биз МДХни ҳақиқий мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни истар эдик. Масалага бундай ёндашишнинг МДХ мамлакатларининг чуқур интеграцияси” деб аталган баъзи сиёсий ғояларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Тўртлар шартномаси (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь) ва иккилар шартномаси (Россия ва Беларусь) имзоланганидан бери анча вақт ўтди. Бу Шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш-бу давлатларининг ички иши.

Мустақил Ўзбекистонни ташвишга солаётган асосий стратегик масала-эски империяни қайта тиклашга йўл қўймаслик масаласидир. Афсуски, биз ташвишланиш учун жиддий асосларга эгамиз. Бу ташвиш ана шундай йиғинларда қабул қилинган ҳужжатларнинг қоидалари, улар рўқач қилиб келтирилаётган далиллар ва даъволар туфайли туғилмоқда. Хўш улар нималардан иборат?

Биринчидан, МДХ ўзининг бугунги ҳолати билан уни ташкил этиш чоғида назарда тутилган ғояларга мос келмаётганлиги бу мўрт тизулма ҳеч нарсани амалда бажармаётганлигини айтмоқдалар. Ҳа, бундай фикрларда

жон бор. Лекин, қабул қилинган қарорларнинг МДХ доирасида бажарилишини таъминлайдиган механизмларни чинақамига, амалда излаш ўрнига, давлатлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни муайян мазмун билан бойитиш ўрнига, кўпроқ эски давлатларни қўмсаш ҳисси пайдо бўлмоқда. Давлатлардан юқори турувчи тузилмалар-қонун чиқарувчи, ижро этувчи, идоралар-Мувофиқлаштирувчи ёки Юқори Кенгаш, қўплаб амалдор ишлайдиган Ижроия ёки Маъмурий қўмита, бирлашган ҳарбий-сиёсий тузилмалар ва шу кабиларни ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Собиқ иттифоқнинг улкан маконидаги барча масалаларни ягона марказдан туриб ҳал қилиш мумкин бўлган даврлардаги тартиб одамлар онгига нихоятда чуқур сингиб кетганлиги сезилмоқда.¹

Маълумки, давлатнинг мудофа қобилияти унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий имкониятларидан таркиб топади. Бу соҳада биз юритаётган сиёсатнинг асослари Олий Мажлис томонидан жамиятимизнинг ҳамма қатламларининг кенг ва ҳар томонлама муҳокамасидан сўнг қабул қилинган ҳарбий доктринада мустаҳкамлаб қўйилган. Халқимиз унинг мудофа хусусиятини ҳамда унга асос бўлган қоидаларни маъқуллади. Бу энг аввало, куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, мудофаа қобилиятини оқилона даражада сақлаб туриш, халқаро ҳуқуқ қоидалари ва нормаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятларини қабул қилиш, халқаро битимлар бўйича ўз зиммамизга олган мажбуриятларни бажариш ва шу кабилардир.

Бугун биз 2005 йил ва кейинги йиллар учун мўлжалланган ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини белгилашда бу масалага дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва зиддиятли вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндошмоғимиз керак. Биз миллий манфаатларимизга мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол

¹ Қ.Н.Назоров, С.А.Жўраев Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Академия нашриёти, Тошкент-2005 йил, 162-бет.

хамкорлик қилишга тайёрмиз. Айни пайтда халқаро ҳаётнинг муайян принципиал масалалари бўйича қарашларимизда тафовут бўлган давлатлар билан ҳам очиқ мулоқот олиб боришга ҳозир эканлигимизни билдирамыз. Биз халқаро муносабатларни мафкуралаштиришга бўлган ҳар қандай уринишга қатъиян қаршимиз.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақанинг хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз. Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорини шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Минтақамиздаги ҳозирги мавжуд аҳволни реал ва холис баҳолаб эканмиз, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда, минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олишга тўғри келади. Бу ерда жаҳондаги йирик давлатлар ва бизга қўшни мамлакатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири билан келишмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Халқаро терроризм, экстеремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа тарансмиллий таҳдидлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Бугунги Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатларининг қаттиқ ташвишга солаётир.

Бироқ, бу иллатга қарши фақат гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарилаётган ҳудуд атрофида “Хавфсизлик зона”сини ташкил этиш, ва жазолаш ва маъмурий чора-тадбирларни кучайтириш билангина курашиш кифоя қилмайди. Бу муаммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш, аҳолини тинч ва бунёдкор меҳнати билан банд этиш орқали ҳал қилиш мумкин ва лозим.

Бундай таҳдидларга қарши самарали чоралар кўриш, минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожлантиришини таъминлаш билан боғлиқ бошқа вазифаларни фақат шу заминда жойлашган давлатларнинг фаол иштироки

билан ҳал этиш мумкин.

Айнан шу боис бу ерда яшаётган халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий сув энергетика, транспорт-коммуникация, экологик ҳарактердаги умумминтақавий масалаларни ечиш учун ўзаро ҳамжиҳатлик ва амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш муҳим аҳамият қасб этади. Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган “Қўшнинг тинч-сен тинч” деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келмоқда. Биз бундан бауён ҳам шу тамойилга қатъий риоя қиламиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон ташқи сиёсий соҳасидаги вазифаларини ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекистон бу нуфузли ташкилотнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда ҳамда ҳозирги замоннинг бошқа долзарб муаммоларини ҳал этиш борасидаги иштироки кенгайишидан манфаатдордир. Шу билан бирга жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мўтлоқа янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи-Хавфсизлик Кенгашини ислох қилиш ва таркибини қайта қўриб чиқиш тезлаштиришни тақазо этмоқда.¹

XXаср илмий техника асри, инсон Коинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан техникавий имкониятлари асри бўлиб тарихга кирди. Шу билан бир даврда бу асрнинг охирида диний қадриятларнинг уйғониш даври, вазмин, беҳуда ўринишлардан холи диний

¹ И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Тошкент “Ўзбекистон”-нашриёти матба ижодий уйи 2005 йил 56-62бет.

маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлди. Бундай жараёнлар МДХ олдида маълум бир вазифаларни юкламоқда.

**6.МДХ доирасида давлатларнинг минтақавий хавфсизлик ва
барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда коллектив хавфсизлик
тизимини яратиш истикболлари.**

МДХ доирасида коллектив хавфсизлик тизимининг шаклланиши СССРнинг қулаши ва МДХ ташкил топиши билан бошланди. Масалан 1992 йил 14 февралда мудофа вазирлари кенгаши тузиши тўғрисида ва МДХ қуролли кучлари бош қўмондонлиги тузиши тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Шу йил 20 мартга ўтиш даврида Ҳамкорликнинг Бирлашган Қуролли Кучлари (ХБКК) тўғрисида келишув имзоланди. Шу билан бирга МДХнинг янги давлатлари ўз қуролли кучларини шакллантира бошлади. Бу амалда янги мустақил давлатлар қуролли кучлари бўлинишига олиб келди. Кейинчалик Тошкентда Европа қуролли кучлари тўғрисидаги шартнома бўйича квоталар тўғрисида шартнома (ДОВСЕ) имзоланди.¹ Шунинг учун, 1992 йил майига келиб аниқ бўлдики, МДХ нинг марказлашган армиясини ягона назорат остида ушлаб туриш мумкин эмас. Бунинг сабаби марказлашган кучларни кучайиши, қўшнилари бошқариш тизимининг инқироzi, собиқ СССР Республикаларидаги зиддиятлар ва бошқа бир қанча омиллар. Шу билан бирга Республикаларни кўпчилигида шундай фикр ўсдики, ҳарбий сиёсий доираларда интеграция ва механизм шакллари сифати ошиб борди. Айнан шу омилларни ҳисобга олиб 1992 йил 15 майда Тошкентда Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон вакиллари коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Бу ҳудудий хавфсизлик ташкилоти БМТ низомининг 52-моддасига мос келади. Кейинчалик унга Азәрбайжон (1993 йил 24 сентябр), Грузия (1993 йил 9 декабр), ва Белорусия (1994 йил 3 январ) қўшилди. Бу ҳужжат барча давлатлар томонидан радификация қилингандан кейин 1994 йил 20 апрелда кучга кирди.² Таъкидлаш керакки бу шартнома бошиданоқ МДХ ни ҳарбий бирлаштирди. Унга қўшилган барча давлатлар

¹ ҲақимовБ.Коллективная безопасности в СНГ//Международная жизнь 2001, №2 с15.

² Ҳақимов Б. Коллективная безопасности в СНГ//Международная жизнь 2001, №2 с17.

Европа ва Осиёдаги хавфсизлик тизимининг асосини ташкил этди.

Бир қатор сабабларига кўра шартномага МДХ дан бошқа давлатлар ҳам кирди. Шунга кўра кейинги 10 йилликда МДХ доирасида бўлганидек КХШ доирасида ҳам ҳарбий интеграция жараёни кучайди. Ҳамкорлик-хавфсизлик ташкилоти совет армияси асосида бўлмай балки янги коалицион кучлар тузилди. 1993 йил сентябрда МДХ нинг хавфсизлик ташкилоти бош кўмондонлиги қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Кейинчалик ҳарбий соҳадаги интеграция доирасида бир қатор келишувлар имзоланди.¹ Улар орасида 1995 йил 10 февралда имзоланган ПВО бирлашган тизимини тузиш тўғрисида келишувни алоҳида кўрсатиш мумкин. Ундан ташқари бошлиқлар штаби қўмитаси, ҳарбий техник қўмита шахсий таркиб билан ишловчи орган раҳбарлари қўмитаси ва бошқа органлар тузилди.

МДХ доирасида геосиёсат тарқалиши шунга олиб келдики ягона хавфсизлик тизимининг шаклланиши жараёнида турли даражадаги ва турли тезликдаги интеграция паёдо бўлди. Бу эса хавфсизлик тизимини яратишда МДХ ҳарбий сиёсий органларининг роли пасайишига олиб келди. Ҳарбий интеграция жараёни 3 та ҳарактерга: МДХ КХШ ва икки томонлама алоқалар доирасида борди.

Таъкидлаш керакки, МДХ нинг антитеррористик марказ сифатидаги фаолияти 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин кучайди. Ҳарбий ҳамкорлик натижаси сифатида МДХ ҳудудида коллектив тинчлик операциялари ўтказилди. МДХ нинг бу ташкилоти собиқ совет иттифоқи ҳудудидаги қуролли тўқнашувларни бартараф этишга қаратилган тинчлик операциялари фаол иштирок этди. Москва бу зиддиятларни муҳим манфаатларга ва миллий манфаатларга хавф сифатида қаради. Россияни Сомали, Гаитидаги, Босниядаги 1200 ҳарбий хизматчилари тинчлик операцияларини олиб борди. МДХни турли ҳудудларида 1990 йиллар охирига келиб тинчлик операцияларидаги асқарлар сони 16000ни ташкил

¹ Туманов Б. Аксельбант для государственников: об итогах июньского 2000 г. саммите СНГ, подписавши Договор о коллективной безопасности //Новое время,-2000г, 22 октябрь №4-с 8

этди. 1995 йил 10 феврал олий сиёсий орган-КХ кенгаши қарори билан коллективқ хавфсизлик концепцияси тасдиқланди. Унда аъзо давлатларнинг ҳарбий-сиёсий доиралардаги асосий принциплари белгиланди. Шу йили ноябрга ойида КХТШ БМТ котибиятида расмий рўйхатга олинди. 1990 йиллар охирига келиб КХШ ни баъзи аъзолари шундай хулосага келдики, бу хавфсизлик соҳасидаги барча манфаатларга мос келавермайди. У айрим давлатлар ўртасидаги зиддиятлар: Россия-Грузия, Арманистон-Азарбайжон ва Ўзбекистон-Тожикистон ўртасидаги зиддиятларда кўзга ташланди. Грузия, Азарбайжон ваа Ўзбекистондаги 1999 йилги воқеалар КХШ ни нозиқлигини кўрсатди.¹

Россияни ўзи МДХ худудида Хавфсизлик тизимини шакллантириш тарафдори эди. Бу ғоя Россия хавфсизлик кенгаши котиби С.Ивановнинг Мюнхендаги халқаро хавфсизлик муаммоларига бағишланган 37-конференциясида (2001 йил феврал) таъкидланди. Унинг сўзларига кўра, Россия раҳбарияти шундай хулосага келдики, тўлик интеграцион бирлашишда ҳамкорлик трансформациясини тезлаштириш яқин орада мумкин эмас худудда ҳамкорликни шакллантиришда янги алтернатив худудий ташкилот-ГУАМнинг ўрни катта бўлди.

КХШ кейинги тақдирида Бишкек (2000 йил октябр), Ереван (2001 йил май) ва Москва (2002 йил май) конференциялари муҳим аҳамиятига эга бўлди. Бишкек учрашувида нодавлат бошлиқлари КХШ ичида хавфсизликни 3 та худудий тизимлари (Европа, Кавказ ва Марказий Осиё) тузишга қарор қилинди, КХ тизими кучлари ва воситаларини шакллантириш мақоми тўғрисидаги келишув имзоланди. Масалан, Марказий Осиё давлатлари учун миллий хавфсизликка асосий таҳдид ислом терроризми ва этник сепаратизм ҳисобланади. Беларусия фикрича, бундай комплекс фикрлар НАТОни Шарққа кенгайтиши билан боғлиқ.

КХШ доирасида ҳарбий интеграцияси ривожланишида Ереванда ўтган КХ кенгаши йиғилиши муҳим босқич бўлди. КХШ тарихида биринчи бўлиб,

¹ Н.Масанов “Региональная стабильность в Центральной Азии.” Центральная Азия и Кавказ 1999-№1(2) с8

кўп томонлама коллектив кучларни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ундан ташқари Бишкекда КХШ штаби тўғрисида, шарқий Европа ва Кавказ йўналишида 2 томонлама ҳудудий гуруҳ шакллантириш тўғрисида шартномалар ўтказилди. Кавказ йўналишдаги бирлашган гуруҳ таркибига Россия Арманистон ҳудудидаги ҳарбий бўлинмаси кириш керак эди. Шунга ўхшаш ҳудудий гуруҳ Шарқий Европа йўналишида Россия ва Беларусияни ҳарбий бўлинмалари киритиладиган бўлди.

2002 йил майида Москва КХК нинг юбилей кенгаши бўлди. Унда КХШ имзоланганлигини 10 йиллиги бўлди. Конференцияда КХШни КХ тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ) га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2002 йил 1 июлга келиб масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари даражасида ишчи гуруҳи шакллантирилгани сир эмаски, ҳозирги кунда Россиядан ташқари КХТШ ташкилоти аъзоларидан ҳеч бир давлат ўз хавфсизлигига бўладиган таҳдидларга мустақил равишда қарши тура олмайди. Бундай шароитда КХШТ давлатлари учун ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш асосий аҳамиятга эга эди. Бу масала Москва томонидан “ядро қафолати” деб ном олди. 2000 йилда Россия Федерацияси муҳим роль ўйнайди.¹ Бу муҳим ҳужжатларда кўрсатишича, Россия ўзига ёки ўз иттифоқчиларига ҳужум бўлган шароитда ядро қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. КХШТ давлатларининг ҳарбий-техник ва ҳарбий-сиёсий 2 томонлама ҳамкорлиги интеграциянинг муҳим белгиси бўлди. Шартнома иштирокчилари ўртасида қуроли ва ҳарбий техникаларни имтиёзли нархлар бўйича жойлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиниши бу соҳада катта аҳамиятга эга бўлди. КХШТ фаоллиги ва уни имкониятларини оширишда муҳим бир йўналиш бу хавф-хатарларга қарши туриш ва иштирокчи давлатлар ҳарбий тизимини янада ривожлантириш зарурлигига чиқариш бўлди.

Коллектив мудофа концепцияси ҳудудий тизимни шакллантириш,

¹ Шишков Ю. Период полураспада СНГ закончился. Что впереди? Безопасности Евразии-2002-, №1(январь-март)

худуддаги давлатларини биргаликда ташқи агрессияга қарши курашишини акс эттиради. Унинг асосий элементлари: Душман ҳужуми, инқироzi шароитида ҳарбий тизим шакллантириш концепцияларидир. НАТО ва собиқ Варшава шартномаси ташкилоти бунинг ёрқин мисолларидир. МДҲ доирасида ҳарбий интеграцияни ҳозирга ахволи шуни кўрсатадики, коллектив мудофаа тизимини тузиш ҳамкорлигидаги баъзи давлатларни фақат ташқи хавфдан бирлаштира олади.

Коллектив хавфсизлик шартномаси имзоланганлигига 10 йил тўлган куни ҳарбий-сиёсий интеграциянинг ҳозирги ҳолати ва истикболларини характерлаш ва баъзи натижаларини аниқлаш учун асос бўлди. Коллектив қуролли қучлари шаклланганлигидан бошлаб ҳар йили қўшма штаб ва дала ўқув амалиётлари ўтказиб келинади. Бунда КХШТ давлатларининг ҳаммаси иштирок этади. Масалан, Армавир полигониди Россия ва Арманистон қуролли қучлари ўртасида икки томонлама ўқув машғулоти ўтказилди. Ҳамкорлик доирасида мудофа интеграцияси шунга олиб келдики, бир томондан КХШТ тузилишида бошқа томондан МДҲ давлатлари ўртасидаги келишмовчиликлар ҳатто зиддиятлар ҳам кучайиб кетди.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги баъзи масалалари муҳимдир. Дунё сиёсий ҳаритасидан совет иттифоқи йўқолганидан кейин ягона мудофаа тизими ҳам қулади. Миллий қуролли қучларни шакллантириш асосий вазифа бўлиб қолди. Давлат суверенитетини таъминлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашни алтернатив йўллари ишлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолди.

Бу жараёнлар билан параллел равишда ҳудудий хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича уринишлар бўлди. Масалан, 1994 йилда Марказий Осиё ҳамкорлик аъзорлари ўртасида ҳарбий техник ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. 1995 йилда Марказий Осиё ҳамкорлиги олий-органи давлатлараро кенгаш мудофа вазирлари кенгаши тўғрисида қарор тасдиқланди. МВК мақоми ҳужжатида мос равишда давлатлараро кенгаш

ишчи орган сифатида белгиланди. Унинг соҳасига ҳарбий ҳамкорлик соҳасидаги асосий масалалар киради. МВК ҳарбий ва оператив тайёргарлик, ҳаво ҳужумидан мудофа, қурол ва ҳарбий техникани таъминлаш, ҳарбий соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

1995 йил декабрида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон президентлари Жамбулдаги учрашувда БМТ раҳнамолигида Марказий Осиёни 3 та давлат тинчликсевар батальонини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Коллектив тинчликсевар батальонини шакллантириш ва тузиш 3 та давлат раҳбарлари БМТ бош котиби Б.Б.Ғолийга мурожат қилиб, БМТ мутахассислари гуруҳини жўнатишни илтимос қилди. Улар ташқи ишлар вазирлиги ва мудофа вазирлиги вакиллари билан маслаҳатлар олиб боради, ҳамда БМТ қўшимча кучларига кириш тўғрисидаги келишувда зарур ҳужжатларни биргаликда тайёрлайди. 1997 йил февралда Марказий Осиё иттифоқи давлатлари бошлиқлари саммитида Алмата декларацияси қабул қилинди. Бу декларацияда ядро қуроли тарқалмаслиги тўғрисида шартнома фикрлари, Марказий Осиё ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб элон қилиш зарурияти ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонага айлантиришга қаратилган ҳалқаро ташаббуси 1993 йил сентябрида БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида биринчи марта-эълон қилинди.

1997 йил декабрида БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Олмата декларациясига асосланиб эркин ядро қуролидан ҳоли зона тузиш ҳақида махсус резолюция “Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона қуриш” қабул қилинди. Худуддаги давлатлар ҳалқаро терроризмнинг миллий ва ҳудудий ҳавфсизликка таҳдид эканини англаб у билан курашиш мақсадида ҳамкорликда ҳаракат бошланди. Масалан, 2000 йил апрелида Тошкент, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари “Терроризм сиёсий ва диний экстеремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва бошқа ҳавфсизлик, барқарорликқа, таҳдидларга ¹ Бу

¹ Шишков Ю. Период полураспада СНГ закончился. Что впереди? Безопасности Евразии-2002, №1 (январ)

шартнома 2001 йил 4 январда кучга кирди.

Таъкидлаш керакки Марказий давлатлар субъекти сифатида ҳудудий сиёсат ётади. Лекин бу ҳали ҳалқаро муносабатларнинг глобал даражасига кўтарилмади.

Ҳозирги шароитда хавфсизлик фақат коллектив бўлиши мумкин. Бунда давлатлар ўз имкониятларини бирлаштириб ҳаракат қилади. Шунинг учун Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ раҳбарлигида олиб бориладиган тинчликсевар операцияларида иштирок этишга тайёр. Шу сабаб билан Ўзбекистон ҳудудида КХ системасини тузиш ташаббускорларидан бири эди. 1992 йил майда Тошкентда МДХ аъзо давлатларнинг дастлабки шартномалари имзоланди. Фақат Ўзбекистон қўшилмаслик ҳаракати аъзоси бўлиб, ҳарбий сиёсий гуруҳларда иштирок этмаслигини билдирди.

1994 йил июлда Ўзбекистон НАТО нинг тинчлик учун ҳамкорлик дастурига қўшилди. Бу дастур КХ хавфсизлик ва барқарорлик тизимини яратишга қаратилган. Масалан, Марказий Осиё ҳудудида тинчлик учун ҳамкорлик дастури Шимолий Америка иттифоқи ва шерик давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик бўйича муносабатлар ривожлантиришнинг асосий омилларидир.

Тинчлик учун ҳамкорлик бўйича ҳамкорлик:

-миллий мудофани ривожлантириш ва ҳарбий бюджетларини шакллантиришда трансшериклик ютуқларини бирлаштириш;

-қуролли кучлар устидан демократик назоратни мустаҳкамлайди;

-Иштирокчи давлатлар тинчлик операцияларида ўз ҳиссаларини қўшиш учун тайёргарлик ва ўз потенциалини мустаҳкамлашга ёрдам беради;

-шерик давлатларга ҳарбий тайёргарлик ва машғулотларни ўтказиш учун Шимолий Атлантика билан ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятларни яратади;

-шерик давлатлар армиялари билан НАТО давлатлари қуролли кучлари ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантиришга имкон беради; -

Фавқулодда ҳолатларда ҳаракатларни ривожлантиришда илмий ва иқтисодий

дастурларни амалга оширишда ҳамкорликка ёрдам беради;

-шерик давлатларнинг ўртасидаги келишмовчиликларни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Тинчлик сари ҳамкорлик ТСХнинг ишчи ҳужжатида НАТО томонидан олиб бориладиган консультация дастурларида иштирокини ўз зиммасига олади. ТСХ дастурида 27 та давлат иштирок этмоқда. Жумладан Марказий Осиё давлатлари 1997 йилда таъсис этилган Шимолий Атлантика ҳамкорлик ташкилоти тузилгандан кейин (СЕАП) ТСХнинг барча иштирокчилари СЕАПнинг иштирокчиларига айланди. Шу билан бирга ҳамкорлик дастурини чуқурлаштиришга қарор қилинди. У сиёсий мулоқот ўтказиш органи ҳисобланади. СЕАП иштирокчи давлатлари НАТО билан сиёсий муносабатларни ривожлантириб тинчликни мустаҳкамлаш дастурида муҳим рол ўйнайди.¹

Прагадаги Шимолий Атлантика иттифоқи кенгаши ва НАТО саммитида иштирокчилар шундай фикрга келдики бугунги кунда наркомания таҳдиди терроризмга нисбатан қам хавф эмас. Нурсултон Назарбоев СЕАП билан ҳамкорликка тайёргарлигини билдириб Қозоғистон ТСХ дастурининг ўқув марказини ташкил этишни таклиф этди. Бу марказнинг мақсади хавфсизлик ва контрабанда билан курашувчи мутахасислар тайёрлаш ҳисобланади. Биринчи Президент И.Каримов ҳам НАТО давлатлари ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни фаоллаштиришни такидлади. Бу муносабатлар хавфсизликни таъминлаш соҳасида ва халқаро терроризм билан курашда ҳамкорлик қилишда бўлади.

1990 йил январида Бокудаги қонли воқеалардан кейин Республика компартияси Марказий комитети биринчи котиби 51 ёшли Аёз Мўталибов бўлди. У дастлаб Республикадаги вазиятни ўз назоратига олди. 1990 йил майида у Республика Президенти бўлди. 1991 йил кузида ўз номзодини бутун халқ сайловида тасдиқлади. Қорабоғ фронтидаги мағлубияти ва миллий халқ фронтининг кучайиши 1992 йил 6 мартда уни истеъфога олиб келди. Олий

¹ Хакимов Б. Коллективная безопасности в СНГ//Международная жизнь 2001№2 С15-20

Совет раислигига сайланган, тиббиёт институти ректори 51 ёшли Ёқуб Мамедов президент бўлди, икки ойдан кейин 14 майда Муталибов яна ҳокимиятга қайтди. Лекин у ҳокимиятни 4 кун ушлаб турди. У икки мартда ҳокимиятдан кетган МДХ давлатлари ягона лидери эди. Ундан кейин Олий Совет янги спикери, Азәрбайжон миллий фронти раҳбарларидан бири Исо Гамбар президент бўлди. 1992 йил июнидаги президентлик сайловларида 54 ёшли Азәрбайжон миллий фронти лидери Абдулфаз Эльчибай (Алиев) президентлик лавозимига сайланди. Миллий фронт бошқарувини иқтисодий ислоҳат ўтказди, на урушда ғалаба қилди, на демократияга эришди. 1993 йил ёзида мамлакатда полковник Сурат Гусейнов, бошлиқ ҳарбий исён бошланди. Эльчибай 70 ёшли сиёсатчи Ҳайдар Алиевга ёрдам сураб мурожат этди. Ҳайдар Алиев давлатни 1969-82 йилларда бошқарган. 1993 йил 15 июнда Алиев Олий Кенгаш раиси бўлди. Икки кундан сўнг президент Эльчибай Боқудан қочиб кетди. Алиев президент бўлди Гусейнов бош вазир бўлди. Халқ фронти бошқаруви тугади. Август ойида референдум ўтказилиб, Эльчибайга 90% ишончсизлик билдирди. Шу йили 30 октябрида президентлик сайловларида Ҳайдар Алиев ғалаба қилди (1998 йил октябрида қайта сайланди.) 1995-2000 йилги парламент сайловларида унинг партияси “Ени Азәрбайжон” ғалаба қилди. 2003 йил 15 октябридаги президентлик сайловларида Ҳайдар Алиев яна ғалаба қозонди. Унинг ўғли Илхом Алиев отаси даврида вице-президент, “Ени Азәрбайжон” партияси раиси ўринбосари бўлган, икки марта депутатликка сайланган. 2003 йил 4 августда у бош вазир бўлди. Шу йили 15 октябрида сайловчиларнинг $\frac{3}{4}$ қисми қўллаб-қувватлаши билан 41 ёшли Илхом Алиев мамлакат президентлиги лавозимига сайланди. Икки ойдан кейин 12 декабрда Ҳайдар Алиев вафот этди. У 23 йил давомида Азәрбайжонни бошқарган собиқ СССР ҳудудидаги ягона давлат бошлиғи эди. У ўз ҳокимиятини Аёз Мўталибовга мерос-қолдириб, 1992 йилдан Россияда яшайди. 2000 йил августида Абдулфаз Эльчибой ўлиmidан кейин сиёсатга қайтди.

Арманистон. Арманистон компартиясини 1990 йиллар бошида 50

ёшли Сурен Арутюнян бошқарди, апрелда унинг ўрнини 56 ёшли биринчи вице-бош вазир Владимир Мовсисян эгаллади. Лекин компартия олий Советга бўлган сайловларда мағлубиятга учради. 1990 йил августида Олий совет раиси 45 ёшли “Арман умуммиллий ҳаракати” лидери Левон Тер-Петросян бўлди. 1991 йил октябрида у умумхалқ сайловларида республика президенти этиб сайланди. Миллий-демократлар бошқаруви кам муваффақият олиб келди. Қорабоғдаги ҳарбий ғалаба, иқтисодий ислохатлар ва кўплаб ёрдамлар мамлакатда ўтиш даврининг қийин вазиятдан олиб чиқди. 1995 йилги сайловларда Арман умуммиллий ҳаракати ғалаба қилди. Лекин 1996 йил сентябрида президентлик сайловлари ўткир сиёсий зиддиятларга олиб келди. Вазген Манукян сайловларда тартибсизлик уюштирди. Лекин у полиция томонидан бостирилди. 1997 йил мартида Тер-Петросян ўз сиёсий базасини кенгайтиришга интилиб, Тоғли Қорабоғ президентлигига Роберт Кочаряни тайинлайди. Бир йилдан кейин президент ва ҳукумат ўртасида Қорабоғдаги вазиятни тартибга солиш масаласида зиддият келиб чиқди. Натижада 1998 йил 3 февралда Тер-Петросян истеъфога чиқди. Президент Лавозимида 43 ёшли бош вазир Роберт Кочарян тайинланди. 1999 йил май ойидаги Арманистондаги президент сайловларида Корен Димирчян бошлиқ “Бирлик” блоки ғалаба қозонди, сайловлардан кейин Демирчян спикер бўлди, Саркисян бош вазир бўлди. Шу йили 27 октябрида уларни иққаласи ҳам парламент биносида ўлдирди. Бунга айбдор қилиб президентни маслаҳатчиларидан бири қамоққа олинди. 2003 йил мартида Кочарян иккинчи муддатга қайта сайланди. Шу йили май ойида президент партияси парламент сайловларида ғалаба қилди.

Белорусия. Бу Республика 1990 йиллар бошида бошқарувни совет тизимини сақлаб қолганлиги билан фарқланади. Олий Совет раиси Ефрем Соколов, Олий Совет президуми Николай Дементей, Вазирлар Кенгаши раиси Михаил Ковалев эди. Баҳорги сайловларда компартия ғалаба қилди. Янги спикер сайловларида 60 ёшли Дементей ғалаба қилди. Станислав Шушкевич олий кенгаш раиси ўринбосари бўлди. Ҳукумат бошлиғи 53 ёшли

Вечеслав Кебич бўлди. 1991 йил август оyi воқеаларидан кейин Дементей истеъфога чиқди. Уни ўрнига демократлар қўллаб-қуватлаш билан марказчи Шушкевич чиқди. Бир неча ойдан кейин у Ельцин ва Кравчук билан бирга Беловеж келишувини имзолади ва Белорусия мустақил давлат бўлди. Мустақилликни биринчи йиллари ҳокимиятда Шушкевич-Кебич анъанаси давом этди. Олий кенгаш раиси мамлакатда сиёсий кучлар қўллаб-қувватланишини йўқотди. 1994 йил июнида биринчи президент сайловлари бўлиб ўтди. Бош вазир Кебич, Шушкевич, Позняк Аграр ва коммунистик партия вакиллари мағлубиятга учради. Иккинчи турда Александр Лукашенко 45, 14% овоз олди. Мамлакатни Ғарбий қисми учун у 80% овоз билан Лукашенко ғолиб бўлди.¹ Белорусия давлатини бошқаруви дастлабки йилларни демократияга асосланган деб айтиш қийин бўларди.

Грузия. 1989 йил воқеаларидан кейин 44 ёшли Гиви Гумбаридзе Республика эълон қилди У олдин ГКП Тбилиси шаҳри биринчи котиби ва Республика Давлат хавфсизлиги кенгаши раиси бўлган. 1989 йил апрелида у Марказий Комитет биринчи котиби бўлди. Ярим йилдан кейин Олий Кенгаш Президуми раиси бўлди. У Грузияни кўп бошқара олмади. Республикада миллий-демократлар кучлари ўсди. Абхазлар ва Осетинлар кучайди. 1990 йил октябрида сайловларда “Доира столи озод Грузия” блоки компартияни мағлуб этди. Олий Кенгаш раиси Звиад Гамсахурдиа, Вазирлар кенгаши раиси-Тенгиз Сигуа бўлди. Республикада иқтисодий инқироз бошланди. Миллатлараро зиддиятлар кучайди, мамлакатни талаб этувчи куролли гуруҳлари пайдо бўлди. Гамсахурдиа 1991 йил майда 86% билан президентликқа сайланди. Лекин шу йилни кузига келиб вазият кескинлашди 1991 йил декабр 1992 йил бошида зиддиятлар авжига чиқди. Давлат муассасалари эгаллаб олинди. Гамсахурдиа мамлакатдан қочиб кетди (2 йилдан кейин у мамлакатга қайтиб келиб, лекин тоғли бир қишлоқда вафот этди.) Грузияни бошқаришни Жабой Кочелиани бошлиқ ҳарбий кенгаш,

¹ Пастухов Б.СНГ пересекajúшееся множества: политическая интеграция // Международная жизнь 2004год, №1, с 35

миллий гвардия бошлиғи Тенгиз Китовани ва ЭКС-бош вазири Тенгиз Сигуа ўз қўлига олди. Лекин 64 ёшли Эдуард Шеварнадзени роли ўсиб борди. У ГКП биринчи китоби (1972-1985) СССР ташқи ишлар вазири бўлган (1985-1990 ва 1991) 1992 йил октябрида Э.Шеварнадзе (уни Америкаликлар “шева” деб аташган). Сайловларда парламенит раиси бўлди, кейин мудофа давлат кенгаши раиси ва қуролли кучлар бош қўмондони бўлди. 1995 йил ноябрида Э.Шеварнадзе биринчи турдаёқ Грузия президенти этиб сайланди (2000 йил апрелида иккинчи муддатга сайланди.) 1995 ва 1999 йиллардаги парламент сайловларида “ Грузия фуқаролари иттифоқи” партияси ғалаба қилди. Уни 10 йиллик бошқарув даврида мамлакатдаги иқтисодий вазият яхшиланмади. Абхазия, Жанубий Осетия ва Ажарияда зиддиятлар кучайди. Президент фақат сиёсат билан машғул бўлди. 2001 йил бошқарув партиялари парчаланди. ЭКС-спикер Зураб Жвания бошлиқ ёки ислохотчилар операциясига ўтди. Сайловлар ноқонуний деб эътироф этилди. Тбилисида норозилик кучайди. Бу қаршилик бостирилди, лекин 75 ёшли Эдуард Шеварнадзе 23 ноябрида истеъфога чиқди. Президентиликни Буржанадзе, бош вазирликни Жвания эгаллади. 2004 йил 4 январиди президентлик сайловлари ўтказилди. Унда 36 ёшли Саакашвили 96% билан ғалаба қозонди. Парламентларда ҳам сайловлар ўтказилди. Бош вазир Зураб Жвания 2005 йил 30 феврал сирли равишда ўлдирилди.¹

Қирғизистон. 1985 йил ноябридан Қирғизистон компартияси марказий комитети биринчи котиби Абсамат Масалиев бўлди. 1990 йил 4 апрелда янги олий кенгаш биринчи сессиясида олий кенгаш раислигига сайланди. 1990 йил кузида бошқа Республикалардагидек Қирғизистонда Президентлик лавозими жорий этилди. Лекин Республикада бу вазифани эгаллайдиган шахс чиқмади. 25 октябр олий кенгаш сессияси номзод сифатида Масалиев Исикқўл област қўмитаси биринчи котиби Жумгалбек Аманбаев ва Вазирлар кенгаши раиси Апас Жумагуловлар кўрсатилди. Масалиев ва Жумагулов иккинчи турга ўтди. Лекин уларни ҳеч бири депутатларни 50%

¹ WWW.nti.org

овозини тўплай олмади. Ўшдаги вазият ва пойтахтдаги митинглар вазиятни кескинлашувига олиб келинди. 27 октябрида депутатлар яна президентлик сайловига овоз беришди. 12 та номзоддан иккинчи турга Фанлар Академияси президенти Асқар Акаев ва Иссиққўл области қўмитаси раиси Насриддин Исанов чиқди. Навбатдаги овоз беришдан кейин 45 ёшли Асқар Акаев Республика президенти бўлди. Декабрь ойидаги кейинги сессияда Масалиев спикер лавозимидан истефога чиқди. (1991 йил апрелида у яна Марказий қўмита биринчи котиби бўлди.) унинг ўрнига Медетқан Ширимқулов сайланди. 1991 йил октябрида 1995 йил декабрида ва 2000 йил октябрида Асқар Акаев сайловларда ғалаба қилди. Ундан ташқари у 1993-1994 йиллардаги инқирози вақтида ўз вилоятларини кенгайтириб олди. 1990 йил декабридан 1991 йил январгача бу вазифани Насриддин Исанов эгаллади. 1991 йил январидан 1992 йил февралгача Герман Кузницов вице-президент бўлди (кейинчалик Қирғизистон вице-бош вазири, Россия молия вазири ўринбосари, “Альросы” вице-президенти) Асқар Акаевнинг охириги ўринбосари Феликс Кулов бўлиб, 1992 йил февралдан 1993 йил декабригача ишлади.

Бишкекдаги март ойи воқеаларини инқилоб, ёки давлат тўнтариши деб бўлмайди. Акаев ҳокимияти ҳеч қандай жиддий сабабсиз ва ҳеч қандай оппозициясиз обрўси тушиб кетди.

Латвия. Бошқа Болтиқ бўйи Республикаларидан Латвиядаги қайта куриш жараёнлари қизғин кечди. Давлат мустақиллиги учун курашлар кетди. 1988-1989 йилларда Республикада Латвия халқ fronti “Латвия миллий мустақиллиги учун ҳаракат” вужудга келди. Латвиядаги биринчи қайта куриш ишларига Борис Пуго бошчилик қилди. У давлат хавфсизлик кенгаши раиси эди. 1988 йил М.Горбачев уни КПСС МК партия назорат қўмитаси раиси лавозимига тайинлайди (кейинчалик иттифоқ ички ишлар вазири).

Латвия олий кенгаши ЭКС раиси Ян Вагрис эди. 1990 йил март ойи сайловларида олий кенгашда халқ fronti ғалаба қилди. Олий кенгаш раиси ва Республиканинг амалдаги раҳбари 48 ёшли Анатолий Горбунов бўлди.

Уни биринчи ўринбосари Дайнис Иванис, бош вазир Иварс Годманис бўлди. Горбунов ва Годманис Латвияни 3 йил бошқриб, коммунистларни жазолади. 1991 йил июнида Парламент сайловлари ўтказилди. Унда кўп ўринни марказчилар партияси олди. Мамлакатни урушгача бўлган конституцияси қайта тикланди. Уни давлат тизими парламент президентлик Республика сифатида шаклланди. Сейли спикери Горбунов бўлди. Президентлик сайловларни бир неча туридан кейин “Латвия йўли” иттифоқи ва Латвия деҳқон иттифоқи коалицияси тузилди. Натижада президент лавозимига 53 ёшли Гунтис Улманис сайланди. Бош вазир 50 ёшли Валдис Бирковс бўлди.

Бир йилдан кейин 1994 йил кўзида ҳукумат коалиция парчаланди. Бош вазир Марис Гайлис бўлди. Бирқавс Ташқи ишлар вазири бўлди. Республика сиёсий тизими дастлабки йилларда барқарор бўлди. 1995 йил октябридан сеймга навбатдаги сайловлардан кейин вазият ўзгарди. Натижада иккита гуруҳ: марказчилар ва сўллар ҳамда ўнгллар ва националистлар. Президент Улманис националистлар раҳбари Марис Гринбластга ҳукумат шакллантиришни таклиф этди, кейинчалик бундай таклиф марказчилар раҳбари Зиедонис Чеверсга ҳам берилди. Лекин уларни ҳеч бири ишонч қозона олмади. Икки ойлик музокаралардан сўнг 37 ёшли партиясиз тадбиркор Андприқ Шкеле бош вазир бўлди. Унинг ҳукуматига сеймнинг барча вакиллари кирди. 1999 йил июнида навбатдаги президентлик сайловлари бўлди. Райманд Паулс президентлик лавозимини даъво қилди. Беш тур давом этган сайловдан сўнг 61 ёшли Вайра Вике Фрейберг президент бўлди. 2000 йил бошида Республикада жанжал кўтарилди. Бу “педо филгейт” деб аталади. Бош вазир ва бошқа вазирлар ўзгарди, амалдаги ҳукумат кулади. Рига шаҳри Мери ва “Литва йўли” лидери Андрес Берзиньш янги ҳукуматни шакллантирди. Ўнг марказчилар ҳукумати 2 йиллик бошқарувдан сўнг кулади. 2003 йил 20 июнда Вике-Фрейберг президент бўлиб сайланди (ҳозир Латвия президенти ваколат муддати 4 йил). Президент Қанада ва Латвия Фанлар Академияси аъзоси ҳисобланади, Виктория, Латвия, Коунас, Мокреал Университетларининг фахрий доктори

ҳисобланади.

НАТО ва КХШТ ўртасидаги алоқаларда КХШТ нинг илмий эксперт кенгаши доираси столида мажлис ўтқазади. Бу иккита ҳарбий сиёсий блоклар ўртасида ҳали расмий муносабатлар ўрнатилган йўқ. Бу давлатлар иштирокчилари Шимолий Атлантика альянси фаолиятини фаоллаштиришга асосий эътибор қаратишди. КХШТ бош котиби Ниқолай Бордюжа НАТО мажлисини очиб, НАТО нинг Москва билан собиқ Республикалари билан муносабатларини мустаҳкамлашда НАТО нинг аралашувини асосий омиллардан эканлигини таъкидлади.¹ Россия билан постсовет давлатлари кучсизлантиришга уриняпти, Американи катта Марказий Осиё концепцияси зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Геосиёсий фанлар Академияси президенти Генерал полковник Леонид Иванов ҳам шу фикрни таъкидлади. У узоқ вақт РФ мудофа вазирлиги ҳалқаро ҳарбий ҳамкорлик бош бошқармасини бошқарган. Генерал фикрича “КХШТ худуди ўз барқарорлигини, цивилизацияси асосини йўқотмоқда КХШТ давлатларини моддий ва иқтисодий асосда бирлашишга уринишларининг истиқболи йўқлигини Россия федерацияси мудофа вазири Сергей Иванов таъкидлади. КХШТ доирасидаги вазият истиқболлари кескинлашиб боради. Бу Ғарбда НАТО ни янги тузилмалари: Польша ва Чехияда ракетага қарши янги ҳарбий баъзалари вужудга келиши билан боғлиқ.”²

Украина ва Грузияни НАТО га қабул қилиниши Россияни Қора денгиз давлати мақомидан айиради. Афғонистон, Ироқ ва Эрон сабабли вужудга келган вазият бошқа давлатларни хавотирга солади. Бу давлатлардаги воқеалар истиқболлари Осиёдаги вазиятни барқарорлашувига тўсқинлик қилади. Сергей Ознобцов Фикрича, Россия ва КХШТ давлатларида НАТОга қарши турадиган русурслар йўқ.³ Пентагонни НАТО га ҳаракатлари 481 млрд долларни ташкил этади. Бу қўшимча яна 270 млрд доллар ажратилган. Умумий ҳисобда ҳарбий ҳаражатлар учун Россия 34 млрд доллар, Германия

¹ WWW.nti.org

² WWW.nti.org

³ WWW.nti.org

39 млрд, Италия 32 млрд, Британия 52 млрд, Франция 53 млрд ажратади. 2007 йил НАТОнинг ҳарбий ҳаражатлари 800 млрд долларни ташкил этиб, бу йили олдинги йилга нисбатан 100 млрд доллар ўсди. КХШТ давлатларида бу кўрсаткич 40 млрд долларни ташкил этади. Доира столи иштирокчилари фикрича бугунги кунда КХШТни ривожлантиришнинг 2 та йўли борлигини эътироф этмоқда:

Биринчидан, ташкилот коллектив хавфсизлик тизимида НАТО, ЕҲҲТ ва ЕИ билан ШҲТ ни бирлаштирувчи бўлиши керак.

Иккинчидан, КХШТ ўз кенгайиш доирасини чеклаб қўйиши керак эмас. Халқаро тадқиқотлар ва сиёсий марказ директори Александр Никитин таъкидлашича, НАТО 1995 йилгача блокқа кирган давлатлар доирасини чеклаб турди. 1994 йил НАТО ўз қўшинларини Европа Иттифоқиға киритишини эълон қилди. Олти ойдан кейин НАТО ўз ҳарбий бўлинмаларини БМТ мандатига беришга тайёрлигини билдирди. 1999 йил баҳорида НАТО Европа иттифоқи ва БМТ мандатисиз ўз ҳарбий операцияларини чет давлатларда олиб борди. 2001 йилдан Европа доирасидан чиқиб, Афғонистонга ўз қўшинларини юборди (Ироқда НАТО ҳарбий бўлинмалари пайдо бўлди). Европа иттифоқи ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Европа иттифоқи ўтказган 14 операциядан икkitаси Европада, қолганлари Ироқ ва Индонезияда эди.

КХШТ НАТО ни “тан олишга” тайёр. 2004 йилда Брюсселға иққала иттифоқ ўртасида аълоқалар ўрнатиш тўғрисида муружат қилди. Бунга жавоб ҳалигача берилгани йўқ. Бу ягона муружат эмас, РФ президенти Владимир Путин НАТО бош котиби Яан де Хоон Схеффер билван учрашди. Россия ташқи ишлари вазири Сергей Лавров ва БМТ раиси ўринбосари Виталий Чуркин учрашувида иққала иттифоқ ўртасида ўзаро аълоқалар ўрнатиш хоҳиши борлигини таъкидлади. Айниқса бу ҳамкорлик Афғонистон учун керак. МДХ давлатлари бўлим бошлиғи Абдунаби Сатторов фикрича “толиблар нафақат ўз кучларини қайта тиклади балки амалда Афғонистонни

324 та провинциясидан 10 тасини эгаллади”¹. Афғонистондан келиб чиқаётган терроризм, диний экстеремизм ва наркотрафик кўшни давлатлари учун хатарли характерга эга. Бу вазият Афғонистонда наркотик моддалар етиштиришни оширади. Ўтган йили Афғонистонда 8 минг тоннадан ортиқ наркотик тайёрланган. Афғонистон бўйича ишчи гуруҳ КХШТ ташқи ишлар вазири кенгаши қошида тузилди. 2005 йил 30 ноябрида ташқи ишлар вазирилари кенгаши ишчи гуруҳни аҳволи ва уни таркибини тасдиқлади. Унинг биринчи мажлиси 2006 йил 18 январда Москвада бўлди.

КХШТ Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратди. Бу ҳақда КХШТ бош котиби Николай Бордюжа хабар қилди.

Ҳозирги кунда КХШТ аъзолари Арманистон, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон. 2006 йил 18 январда Москвада КХШТ ташқи ишлар вазири кенгаши қошида Афғонистон бўйича ишчи гуруҳи мажлиси бўлди. Кенгаш ишида Афғонистон масалалари бўйича КХШТ аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бу ишчи гуруҳ таркибига: Арманистон номидан Григор Аракелян, Беларусия Анатолий Степус, Қозоғистондан Владимир Алесин, Қирғизистондан Гулнора Қизқараева, Россиядан Михаил Михайлов, Тожикистондан Тошмад Назировлар кирди. Минтақадаги ягона муҳофаа тизимини шакллантириш ва умумэътироф этилган халқаро ташкилотлар (БМТ, НАТО, ШХТ, ЕИ, ЕХХТ ва бошқалар) билан қалин алоқалар йўлга қўйиш келажакда КХШ ташкилотининг ривожланиши учун прогрессив аҳамиятга эга бўлади.

¹ К вопросу о самостоятельном роли организации Центральноазиатского сотрудничества в рамках ШОС. Центральная Азия и Кавказ 2004-№3 (-с. 169-180 б.)

7. СССР парчалангандан кейин МДХнинг ўрни ҳамда ҳозирги босқичда ҳамдўстликнинг ривожланиши муаммолари.

1992 йил 6 июли да МДХнинг 9 та давлати Арманистон, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина, Молдавия ва Туркманистон давлатлари Россия ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномада иштирок этишни қўллаб-қувватладилар. Россия КХШ давлатлари билан икки томонлама келишувларни тузиши бу аҳволни енгиллаштирди ва собиқ иттифоқ Республикаларида Россия ҳарбий объектлари мақоми тартибга солинди, (Кейинги вақтларда бундай объектлар сони, кескин қисқарди.) Ундан ташқари, МДХ бирлашган тизими тузиш учун юридик асос сифатида КХШ муҳим рол ўйнади.¹ Бу ҳақда келишув 1995 йил 10 февралда имзоланган. Шу билан бирга МДХ доирасида КХ муаммоси замонавий ёшдашувлар шакллантирилди ва амалга оширилмади “коллектив хавфсизлик” атамаси 1990 йиллар бошида урф бўлди.

Коллектив хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишдаги кечикиш ҳамкорликни бир қатор халқаро-ҳуқуқий актларини вужудга келтирди. Хатто КХШ иштирокчи давлатлари КХ концепциясида (1995 йил 10 феврал) ташқи хавфларни келиб чиқиши манбаларини кўрсатилади. Лекин иштирокчи давлатлар ўртасида ўзаро зиддиятларни хавфи тўғрисида сўз бормайди.²

Шундай қилиб, МДХ коллектив хавфсизлик тизими қурилиши КХ тўғрисидаги шартнома орқали эмас норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда тинчлик масалалари бўйича ҳужжатлар имзолаган давлатлар, КХШ иштирокчилари ҳамкорлигидаги тинчлик операцияларида МДХ давлатлари томонида қўллаб-қувватланади хавфсизлик ва мудофа соҳасидаги ўзаро муносабатлар ҳамкорликни бошқа йўналишлари билан солиштирганда мураккаб йўлни босиб ўтди. Аввалданок, Коллектив

¹ А.Қасымов, И.Васькин. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. «Узбекистан» Т. 1993г, 54-б

² Федулова К. Соодрудничества независимых государств 15 лет спустя. Мировая экономика и Международная отношения 2006№12 с82-91.

хавфсизлик тўғрисидаги (КХ) шартнома ҳамкорликдаги давлатларининг кўпчилигини ташкил этди.

1990 йиллар охирида ташкилот фаолиятини қайта ташкил этишга бир неча уринишлар бўлди. Кишиневдаги давлат бошлиқлари кенгашида (1997 йил октябрда) интеграцион жараёнларни бошқариш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилди. Ҳамкорликда ривожланиш истиқболлари ва стратегиясини белгилаш, МДХ давлатлари ҳар бирини ролини ошириши масалалари долзарб қилиб қўйилди. 1998 йил июлида қарор қабул қилиш учун МДХ фаолиятини муқаммаллаштириш масалалари бўйича давлатлараро форум чақирилди.

Форум иштирокчилари таъкидладикки, ҳамкорликда интеграцион жараёнларни ривожлантириш, ҳамкорликда савдо-иқтисодий сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш ва эркин савдо зонасини шакллантиришнинг муҳим элементи ҳисобланади.¹ 1994 йил 15 апрелида эркин савдо зонаси тузиш тўғрисидаги келишувга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённома тайёрланди.

2000 йилдан бошлаб вазият ўзгарди. Россияни МДХ даги ўрни жиддий аҳамиятга эга бўлди. Москва шундай принципитал хулосага келдики, ҳамкорликни интеграцион бирлашиш эволюцияси мумкин эмас. Кейинги даврда асосан ҳамкорлик доираси икки томонлама принципга асосланган эди. Шу йўналишга асосланган сиёсат концепцияси Россия федерацияси президенти томонидан 2000 йил январда тасдиқланди. Бу йўналиш Москвани кўп томонлама ҳамкорлик олиб бормади деган маънони бирдирмайди. Россия дипломатик хизмати таркиби билан учрашувда (2001 йил 26 феврал) Путин таъкидладикки, “Интеграция шиор ёки ниқобдек. У Россияга керакмас. У мамлакатимиз ва фуқароларимизга ҳақиқий фойда келтириши керак”. Россия президенти бу йўналиш уни Грузия билан муносабатларида яққол кўзга ташланди. 2001 йил 12 октябрда Президент

¹ Федулова К. Соодрудничества независимых государств 15 лет спустя. Мировая экономика и Международная отношения 2006 № 12 с82-91

журналистларга жавоб бериб таъкидладики, “МДХ Россияники эмас, халқаро ташкилот”.¹

Ташқи сиёсатнинг ўз концепциясига кўра Россия федерацияси кўп томонлама ҳамкорликда ривожланиши йўлидан боради. Бу йўналиш Россияни МДХ давлатлари билан тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорликка ундайди. Лекин бу ҳамкорлик билан муносабатларда жиддий ўзгаришларни англатади. Бизнинг фикримизча, бу йўналиш охиригача тугаланмаган.

Бугунги кунда МДХ давлатлари саноати бир қатор тармоқларида (транспорт, алоқа, энергетика ва бошқалар) ҳамкорлик қилади, эркин савдо ҳудудини яратади, ҳарбий йўналишлар бўйича алоқаларни қўллаб-қувватлайди.² Антитеррористик ва антикриминалистик ҳаракатлар олиб боради. МДХ доирасида умум эътироф этилган тинчлик операцияси Тожикистонда сиёсий барқарорликка ҳизмат қилади. Турли даражада маслаҳатлар тизими шаклланди. Энди кўп томонлама ҳамкорликни асосий йўналишларига тўхталиб ўтамиз. Марказий Осиёда сиёсий, иқтисодий ва стратегик антитеррористик компания бошланганидан кейин вазият ҳудудни кейинги ривожланишда янги имкониятларни келтириб чиқарди:

Биринчидан, уни барча давлатлар терроризм билан кураш бўйича халқаро коалицияга қўшилди.

МДХ давлатлари ҳарбий ҳамкорлиги (анализ) СССР қулаши билан МДХ давлатлари ҳарбий соҳасидаги ҳамкорлиги тўхтади. Бу алоқалар баъзи йиллари ривожланган, баъзи йиллари паст даражада ривожланди. Лекин баъзи йиллари ҳамкорликда халқаро терроризм билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди. МДХ давлатлари ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорликни сақлаб қолишнинг асосий сабабларидан бири давлат хавфсизлиги муаммолари ва ўз қуролли кучлари ҳарбий тайёргарлигини таъминлаш билан боғлиқ. Табиийки, ҳамдўстликка қўшни давлатлар ўз ҳарбий хавфсизлик қўшимча қафолатларини таъминлашга ҳаракат қилади. СССР да ҳарбий техника

¹ ХакимовБ. Коллективная безопасности в СНГ Международная жизнь 2001 №2 С 15-20.

² Забуров А.Органы СНГ и Интеграция Содружеств и национальные интересы 2005 № 4 с17-20

ишлаб чиқаришда 700 дан ортиқ корхона иштирок этади. Уларнинг 100 га яқини Россия да эмас. Ҳозирги Россия шунинг учун 80% ҳарбий қудратини сақлаб қолди. 2006 йил бошига келиб ҳарбий-техник ҳамкорлик бўйича федерал хизмат директори Михаил Дмитриев сўзларига кўра Россия ҳарбий техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича дунёни 20 та давлати билан ҳамкорлик қилади. Россия МДХ доирасида ҳарбий техника ҳамкорлиги соҳасида ҳамкорлик қилади. Қозоғистон ва Азәрбайжон, Беларуссия, Украина ва Ўзбекистон ҳудудида ракета ҳужумларидан мудофаа қилиш тизими ишлаб чиқарилган. Қозоғистондаги Байканур космодромидан фойдаланиш ва баллистик ракеталарни техник назорат қилиш тизимини ишлаб чиқилган. Лекин МДХ давлатларидан фақат Россияда ҳарбий қуроллар ишлаб чиқаради. Биринчидан, ҳарбий товарлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш мантиққа тўғри келмайди. ХХІ аср бошида Ўзбекистон Украина бу омилни қайта кўриб чиқиб Россия билан янги қуроллар ишлаб чиқариш бўйича бир қатор келишувлар имзоланди. МДХ давлатлари 3-давлатлар билан бу соҳада ҳамкорлик қилмайди. Россия Беларуссия билан ҳарбий хавфсизлик иттифоқи тизимини яратишда фаол иштирок этади. Масалан, Беларуссияга С-300 ПС зенит ракеталари киритилди. Ғарбий ва Шимолий Ғарбий йўналишда Беларуссия ҳарбий хавфсизлик ҳамкори сифатида фаолият юритади. Бу охир оқибатда Россия билан МДХнинг бирлашган қучлари тизимининг роли ошишига олиб келади. Бугунги кунда 19 та қирувчи авиа самалётларидан 11 таси Россияники, 22 та радио техник қисмлардан 9 таси Россияники, радио электрик қуроллардан 2 қисми Россияники ҳисобланади. Ҳарбий хавфсизликдаги ҳамкорликнинг 4 та биргадаси Қозоғистон қуролли қучларидан иборат. Жанубий Кавказ давлатлари орасида Арманистон Россия билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Грузиядан Россиянинг ҳарбий баъзаларини олиб чиқиб кетилгандан кейин рус қўшинларини жойлаштириш учун ягона давлат Арманистон бўлиб қолди. Ғарчи, Арманистоннинг Туркия ва Азәрбайжон билан ҳудудий муаммолари бўлса-да, Россия билан иқтисодий алоқаларга киришади. 2000 йил 26

сентябрида “XXI асрда Россия ва Арманистон ўртасида ўзаро иттифоқчилик тўғрисида декларация” имзоланганлиги икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Икки давлат ўртасидаги декларация имзолаш чоғида Россия президенти “Биз ҳудуддаги сиёсатимизни Арманистон мудофасини таъминлашга қаратамиз” деб таъкидлади.¹ Шундан кейин 2001 йилдан бошлаб ҳамкорликда рус-арман қуrolли бўлинмалари шаклланди. Арманистон ўз ҳудудидан 201 та рус ҳарбий баъзалари учун жой ажратган.

Россия Қозоғистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилади. Нафақат икки томонлама балки МДХ, ШХТ, ЕврАзЭС, МДХнинг антитеррористик маркази ва КХШТ доирасида ҳамкорлик қилади. 2004 йил январида Россия ва Қозоғистон “Иккита давлат хавфсизлигини таъминлашда кўшинлар ҳамкорлигини режалаштириш тўғрисида” келишув имзоланди. Ўшанда Қозоғистон Россия билан ҳукуматлараро палегонларни тартибига солиш тўғрисидаги келишувларни ратификация қилди (тасдиқлади). Бугунги кунда Россиянинг 43 та ҳарбий ўқув юртларида 800 та Қозоғистон ҳарбий хизматчилари ўқийди. Ўтган 10 йил давомида Қозоғистондаги 15 минг ҳарбий Россияда таълим олган. Бу Россияда ўқийдиган МДХ давлатлари ҳарбий хизматчиларининг 1/3ни ташкил этади. Ундан ташқари 1995 йилдан Россия ва Қозоғистон ўртасида “ташқи чегераларни ҳимоя қилишни биргаликда кучайтириш тўғрисидаги” шартномага амал қилади.

Россия Қирғизистон билан ҳарбий техник соҳада ҳамкорлик қилади. Афғонистонда антитеррористик операциялар бошланиши билан Қирғизистонда АҚШ нинг ҳарбий хаво баъзаси “Ганси” фаолият бошлады. Шу билан бирга Россия ҳарбий баъзаси “Қант” ни таъмирлаш учун фақат 2005 йилда 1 млрд рубл ажратди. Бишкекеда ҳокимиятнинг ўзгариши Россия-Қирғизистон ва Қирғизистон-АҚШ ҳарбий техник ҳамкорлигига таъсир қилмади. Кейинги 7 йилда Россия Қирғизистондаги ҳарбий техникаларни таъмирлаш учун 7,6 миллион рубль ажратди.

¹ Ниязи А. ЮГ СНГ Ундаментальная проблемы развития (в политических жизнь) Центральная Азия и Кавказ 2003-№1 (25)С 151-158

Кейинги йилларда Молдавиянинг Днестр бўйи инқироzi сабабли Киев Москва ва Ғарб билан муносабатлари яхши эмас. 2000 йил бошида Молдавия сиёсатида фаоллик кузатилди. Россия ва Молдавия тинчлик операцияларида бирга иштирок эта бошладилар. Кейинги йилларда Молдавия ва Россия ҳудудида ҳамкорликда ҳарбий машғулотлар ўтказилди. Масалан, 2004 йилда “Кўк қалқон-2004” номли 6 та ҳарбий амалиёт ўтказилди.¹

АҚШ ва Европа иттифоқи музокаралар жараёнига тортилди. Кўплаб экспертларни баҳолашча Россиянинг Тожикистон билан иттифокчилик муносабатлари узоқ давом этади ва ишончлидир. 90 йиллар бошидан бошлаб Россия Республикадаги фукаролар урушини тартибга солиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқди. Россия ҳарбий ёрдамсиз Тожикистонни қутқариб бўлмаслигини Имомали Рахмон тушуниб етди. 2000 йил бошигача Россия терроризм ва жиноятчилик билан кураш соҳасида Тожикистонда доимий ҳарбий ҳаракатлар ўтказди. Россияни Туркменистон билан муносабатлари алоҳида ўрин эгаллади. 50 йил давомида Ашхобод ва Москва ҳамкорликдаги курулли кучлар йўлидан ҳарбий ҳамкорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Қаспий денгиз ресурсларини бўлиш бўйича Туркменистон ва Россия ўртасида бир неча муаммолар бор.² Москва билан ҳарбий ҳамкорликни рад этиб, Ашхобод 2001 йилдан Киев билан алоқалар ўрнатди. Украина Туркменистонга 500 млн долларлик ҳарбий техника қўйиш мажбуриятини олди. 2003 йил Украина Туркменистонда “Кольчуга-М” номли радиолоқацион станция қурди. Бу Қаспий денгизининг Азәрбайжон Қисмини ва шарқий Азәрбайжонни назорат қилиш имконини берди. Боку бунга жавобан БМТ га мурожаат қилиб, Туркменистондан нейтрал давлат мақомини олиб қўйишни суради. Сапармурод Ниёзов бир неча марта Москвага келиб, Россия учун фойдали бўлган шартнома ва келишувлар имзолади. Россия Ўзбекистон билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлиги истиқ боллари кенг ва реал Ўзбекистон биринчи бўлиб, 1994 йил мартидаёқ

¹ www.nti.org

² www.nti.org

“куролли кучларни моддий таъминлаш ва ўзаро техника алмашинуви принциплари тўғрисида” ги келишувни имзолади. Россияни Марказий Осиё давлатларига бўлган сиёсатини Тошкент позицияси ўзгартирди ва Ўзбекистон Тошкент шартномаси доирасидан ташқари ўз муаммоларини ечиш механизмларини ишлаб чиқди. Ўзбекистон бир неча шартнома ва келишувлар билан бир қатор 1999 йил МДХ коллектив хавфсизлик тизимида иштирок этмаслик тўғрисида қарор қабул қилди. 2001 йил 7 октябрида Афғонистонда Ҳарбий операция бошланганидан кейин И.Каримов биринчилардан бўлиб АҚШни қўллаб-қувватлади ва АҚШга Хонабоддан ҳарбий база сифатида фойдаланиш ҳуқуқини, коалиция бўйича иттифоқчи Германияга Термизда ҳарбий базани тақдим этди. Бунга жавобан Америка Тошкентга 2001 йилда 55 млн доллар миқдорида ҳарбий ёрдам ажратди. 2002 йилда Ҳарбий ёрдам миқдори 100 млн долларгача ўсди. Бунда Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлиги сусаймади. 2001 йилда Россия билан Жанубдан Тошкент хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги ҳарбий иттифоқ тузилди. 2004 йилга келиб иккала давлат ҳарбий-техник ҳамкорлиги бир неча 10 миллион долларга ўсди. 2004 йил 16 июнда Москва ва Тошкент стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Унга кўра Россиядан Ўзбекистонга ҳарбий анжомлар юборилди. 2005 йил баҳорида Андижон воқеаларидан кейин Ғарб давлатларининг талабларини Тошкент рад этди. Бунинг оқибатида Ўзбекистонни Россия билан ҳамкорлиги янада ўсди. 2005 йил август ойи охирида парламент Хонабоддан Америка базасини олиб чиқиб кетишга қарор қилди ва Ўзбекистонда Россия позицияси мустаҳкамланганлиги таъкидланди. 2005 йил 11 октябридаги Россия делегацияси ўртасидаги музокараларда Тошкентда верталётлар заводи қуришга, ҳамкорликда ИЛ-76 ФМ ва ИЛ-114 самалётлари ишлаб чиқаришга келишиб олинди. Бунга жавобан Ўзбекистон ҳар йили Россия учун 250 минг тонна пахтани ҳарбий-техник товарларга алмашди.

Украина МДХ доирасида аҳоли сони ва ЯММ ҳажми жиҳатдан иккинчи ўринни эгаллайди. Украина НАТО ва ШХТ давлатлари ўртасидаги

буфер зонага айланиб бормоқда. Бу кўпроқ ҳарбий саноатга тааллуқли. Киевни Брюссел билан ҳарбий алоқаларнинг кучайиши Москва билан икки томонлама муносабатларни инқирозга олиб келди. Россия ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш соҳасида Украина ўрнига бошқа ҳудуд излади ва кейинги 10 йилда Украинадан амалда автоном муҳофа тизими тузишга эришди. Ҳозирги кунда МДХнинг 10 та давлатида Россия муҳофа вазирлигининг 356 база ва ҳарбий объектлари бор, улардан бештаси МДХ га тегишли. Уларда 46 минг Россия ҳарбий ҳизматчилари бор. Россия кейинги йилларда КХШТ га қиравчи давлатлар билан ҳарбий алоқаларни кенгайтиришга интиломоқда. Пост совет ҳудудидаги бошқа давлатлар билан икки томонлама муносабатларни ривожлантирмоқда. Россия қўшни давлатларидаги вазиятни яхши билиб, иққала давлат манфаатларига жавоб берадиган ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Ҳарбий техник ҳамкорлик доирасида Россия учун КХШТ га қиравчи давлатлар билан алоқалари алоҳида аҳамиятга эга.¹ Бу давлатлар билан алоқалар давлатларни муҳофа саноат комплекслари баҳосида сақланиб қолади. КХШТ доирасида ҳозирги кунда иккита қўшин гуруҳи мавжуд: Шарқий Европа (рус-беларус), кавказ (рус-арман) икки йил давомида қўшинларни жанубий гуруҳини тузиш бўйича музокаралар ва консултациялар олиб борилмоқда. Антитеррористик вазифаларни хал қилиш учун Марказий Осиё ҳудудида коллектив кучлар таркибида Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан 4000 кишидан иборат ўнлаб батальонлар бор. Россия, АҚШ ва Хитой билан бир қаторда ҳозирги кунда мустақил ҳарбий қуроллар ишлаб чиқаради. Бунда Россия бир неча халқаро лойиҳаларда иштирок этади. Масалан, Украина билан ҳамкорликда АН-70 самалиёти, Ҳиндистон билан ҳамкорликда “Бра Мос” ракеталари ва самалиётнинг 5 та авлодини ишлаб чиқаради. Қора денгиз ҳудудига қиравчи давлатлар билан ҳарбий ҳамкорликда силжишларга олиб келди. 2001 йил апрелида Истамбулда ҳудуддаги 6 та давлат: Болгария, Грузия, Россия

¹ Перспективы двустороннего сотрудничества Россия с каждой из стран СНГ (в том числе и Узбекистан) Евразия сегодня-2007(65) (октябрь)-с18-28

Руминия, Туркия ва Украина давлатлари вакиллари Қора денгиз ҳарбий тенгиз гуруҳини тузиш тўғрисидаги келишувни имзоладилар. Шундай қилиб, кейинги йилларда Россия пост совет ҳудудида ўз позициясини мустаҳкамлади ва ҳарбий-техник соҳада икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлади.

1991 йил декабрида Борис Ельцин, Леонид Кравчук ва Станислав Шушкевич Беловеж Пушеда СССРни тугатиш учун йиғилишди. Бу қарор халқ референдумида қабул қилинди (73% аҳоли СССР ни сақлаб қолиш учун овоз берди). Совет иттифоқини сўнги мудофа вазири авиация маршали Евгений Шапошников СССР ни парчаланишини таъминлади.

Евгений Иванович Шапошников 1942 йил 3 февралда Ростов областида туғилган. Ҳарьков олий ҳарбий авиация ўқув юртини тамомлаган. Дастлаб учувчи Қарпат бўйи ҳарбий округи қирувчи авиаполки звеноси командири, катта учувчи бўлган. 1969 йил ҳарбий ҳаво академиясини тугатган кейин қирувчи авиаполки командири ўринбосари кейин командири бўлди. 1975 йилдан яна Қарпат бўйи ҳарбий округида авиадивизия командири, кейин Одессия ҳарбий округи командири бўлиб ишлаган. 1987 йилдан Германиядаги Совет қўшинлари гуруҳи командири. 1988 йилдан бутун Россия бош қўмитаси биринчи ўринбосари. 1990 йил июлида СССР мудофа вазири ўринбосари, 1991 йил 23 августдан мудофа вазири бўлди.

1993 йида Юрий Соколов РФ хавфсизлик кенгашининг тузувчиси Борис Ельцин томонидан истеъфога чиқарилди. Сабаби У “мамлакатни бошқаришни алоҳида тартиби тўғрисидаги” фармонини рад этган. Уни ўрни бўшагандан кейин Ельцин Э.Шапошниковни эслади. Э.Шапошников июн-сентябр ойларида РФ хавфсизлик кенгаши котиби эди. Бу пайтда Ельцин гуруҳи давлат тўнтарилишга тайёргарлик кўраётган эди. Б.Ельцин бир неча ойдан кейин 1994 йил январида Э.Шапошниковни “Россия вооружение”сида давлат компанияси раиси қилиб тайинлади. Бу пайтда маршал Э.Шапошников сиёсатга қайтишга уринди. Уни социал-демократлар ягона ҳаракати раиси ўринбосари қилиб тайинлади. Лекин бу жиддий ҳаракатни

амалга оширмади. 1995 йил октябридан 1997 йил мартигача Э.Шапошников “Аэрофлот-Россия халқаро авиалинияси” авиа компанияси Генерал директори бўлди. Э.Шапошников даврида компания хавфсиз ва тинч бўлди. 1997 йил мартда қасал Ельцин уни ўз ёрдамчиси қилиб тайинлади.

1991 йил 30 декабрида ҳамдўстликка кирган давлатлар стратегик кучлар ташкил этиш тўғрисида (МДХ ҳамдўстлик бирлашган қуролли кучлари таркибида) келишиб олдилар. Кейинчалик МДХ БКК бош қўмондонлиги тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Э.Шапошников Бирлашган қуролли кучлар Бош қўмитаси раиси бўлди. 3 январда Киевда Украинадаги СССР қўшинлари бевосита Украина президенти ва Украина мудофа вазирлигига ишончи эълон қилинди.. Улар Украина халқига содиқлиги қасамёдини қабул қилиши керак қасамёд қабул қилишни хоҳламаган ҳарбий хизматчилар бошқа давлатларга кетиши керак. Ҳар кун янги муаммолар туғилди. Масалан, Дастлаб Қора Денгиз флоти бирлашган қуролли кучлар таркибига киради. Лекин бу флотни бир қисми МДХ БКК таркибидан чиқарилиб, Украинага берилди. Москва ва Киевда қолган флот қисмлари ўзларига бўйсундирилди. Ниҳоят, 1992 йил августида Б.Ельцин ва Кравчук келишиб олишди.Флот қисмлари бўйича 1992 йид августидаги келишувга кўра, ўтиш даврида (1995 йилгача) у МДХ БКК таркибидан чиқарилди ва Украина ва РФ бирлашган флоти шаклланди.

1992 йил 17 январда Москвада бутун армия офицерлар кенгаши бўлди. Тўпланганларнинг асосий қисми раҳбариятга норози қайфиятда эди. Раис генерал Н.Столяров қийинчилик билан резолюция қабул қилишга эришди. Ельцин бирлашган кучлар ғоясини рад этди ва 16 мартда РФ мудофа вазирлиги тузиш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонда таъкидланишича 1992 йил 7 майда РФ қуролли кучлар қўмондонлиги вазифасини бажаришга киришади. 20 майда Грачев Россия мудофа вазири қилиб тайинланди. Шундай қилиб МДХнинг бирлашган кучлари тўғрисидаги орзулар амалга ошмади. МДХ ни бирлашган кучлари бор йўғи 1 йилгача сақланиб қолди.

1992 йил майида Тошкентда собиқ совет иттифоқи қуролли кучларини

бўлиш тўғрисида шартнома имзоланди. Уқарина ва Белоруссия биринчи бўлиб ўз улушлари сифатида 57 та дивизияни олди. Ўзбекистон ўз худудидаги қўшинларини олди, Қозоғистон қўшинларини катта қисмини олди, Қирғизистонда фақат рус чегарачилари қолди. Туркменистонда рус-туркман қўмондонлиги ташкил этилди. 1993 йил ёзига келиб МДХ БҚК парчаланиш жараёни чўзилиб кетди. 1993 йил 15 июнда Москвада МДХ давлатлари мудофа вазирлари кенгаши йиғилиши бўлди. МДХ БҚК қўмондонлиги вазифалари таъсис этишга қарор қилинди. Ҳамдўстлик давлатлари ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича штаб бошлиғи лавозими жорий этилди. Бу лавозимга БҚК штаб бошлиғи Генерал-полковник Виктор Самсонов тайинланди. Авиация маршали Евгений Шапошников ўз қўшинларини йўқотди ва уч ойга РФ ХК га юборилди.

МДХ Республикалари шартли равишда иккита лагерга бўлинади: Москва билан дўстона муносабатдаги ва Москва билан дўстона муносабатда бўлмаган лагер. Бугунги кунда уларнинг биринчисига Белоруссия (Ўарб билан муносабатларида ишонч йўқолгани учун), Арманистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Украина, Молдавия, Грузия, Азарбайжон киради. Нейтрал Туркменистон бу томонларга ҳам киради. Ўз даврида Америка ташқи сиёсати ғоясига Збегнев Бжезинский “Буюк шахмат досқаси” асарида Совет иттифоқининг инқироzi ва қўшма штатларни бу ердаги Республикаларга таъсирини ёзади.¹ 1994 йилда Вашингтон постсовет худудида геосиёсий плюрализм режасини амалга оширишни бошлади. Буни амалга ошириш учун Украина билан муносабатларни ўрнатиш зарур. Россия дунё империя мақомини йўқотишни ҳоҳламайди. Марказий Осиё Республикаларини барқарорликни мустаҳкамлашда ҳудудий ҳамкорликда иштирок этишни ва Кавказ тинчлик операцияларида иштирок этишни рағбатлантиради. Бжезинский режасига кўра бу ҳаракатларда Москва билан муносабатлар яхшиланиш керак. Миллатлараро зиддиятлар иттифоқи кулашини ҳам тезлаштирди. Интеграцион тизим сифатида МДХ тинчлик ва

¹ www.nti.org

келишувга эриша олмади. Бугунги кунда бу зиддиятлар сустрлашган бўлса-да, Азарбайжон ва Арманистон қўшничилик муносабатларига кириша олмаяпти. Молдавияда Днестр бўйи исёнлари, Грузияда Абхазия ва Жанубий Осетия зиддиятлар тўлик хал этилмади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, шунга ўхшаш зиддиятларни тинчлик йўли билан хал этиб бўлмайди.

1991 йилда постсовет давлатлари ўз мақсадлари ва истиқболларини турлича баҳолади. Кўп давлатлари тезда ўз сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ислоҳ этишга киришиб кетди. Бир гуруҳ давлатлар бир жойда тўхтаб қолди. Радикал оқим тарафдорлари “шок” ислохотларни илгари сурдилар. Кўплаб экспертлар фикрича МДХ ташкил топган даврдаёқ инқирозга учрайди. МДХни тузиш ташаббусини Ельцин, Кравчук ва Шушкевич илгари сурган. Ҳамдўстликнинг кейинги тақдири икки томонлама ўзаро масалаларни хал этиш бўйича клуб мақомини олди. МДХнинг тинчлик севар кучлари асосан Россия ҳисобида шакллантирилди. МДХ доирасида қабул қилинган 600 дан ортиқ ҳужжатларнинг фақат 10% гина реализация қилинди.

МДХ доирасида антетеррористик ҳаракатлар 2001 йил 11 сентябрдаги воқеалардан кейин ривожланиб кетди. Кейинги 10 йил давомида МДХ давлатларида 30га яқин йирик террористик актлар содир бўлиб, уларда 2500 ча одам азият чекқан. 1990 йиллар охирида бу давлатлар ҳамкорликка кирувчи ҳудудлар жанубда йирик терроризм ва экстеремизм билан тўқнашди.

1995 йил 25 ноябрда уюшган жиноятчилик билан курашда ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди, 1999 йил 4 июнда терроризм билан курашда ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. 2000 йил ичида давлат бошлиқлари кенгаши 2003 йилгача халқаро терроризм ва экстеремизмни бошқа кўринишларига қарши кураш бўйича дастурни тасдиқлади. 2000 йил охирида Москвада давлат бошлиқлаври кенгаши қарори билан МДХнинг Антитеррористик маркази ташкил этиб, уни штати 60 кишидан иборат. Бу босқичда марказ ахборот-аналистик тизим ҳаракат қилади. Унинг вазифаси

МДХ органлари алоқаларини мувофиқлаштириш, антитеррористик ҳаракатлар ва ҳарбий ўқув машғулотлари ўтказиш, ҳамдўстлик давлатлари ўртасида халқаро терроризм ва экстеремизига қарши курашни кучайтиришдан иборат. 2001 йил апрелда Ўш шаҳрида АТМ доирасида МДХ ни 9 та давлати иштирокида “Жануб-Антитерор-2001” ўқув машғулотлари ўтказилди. Шу йили июлидан бошлаб Бишкекда ҳудудий оператив гуруҳларни Марказий Осиё йўналиши иш бошлади. МДХ давлатлари махсус хизматлари ва ҳуқуқ тартиботи органлари кенгаши ўз олдида уюшган жиноятчилик ва терроризм билан курашни асосий вазифа қилиб қўйди.¹ Масалан, 1997 йилдан бошлаб Федерал хавфсизлик кенгаши ташаббуси билан хавфсизлик ва махсус хизмат органлари раҳбарлари кенгаши ташкил этилди. Россия ташаббуси билан МДХ давлатларида ҳамкорликда антитеррористик операциялар олиб боришга кўплаб ҳужжатлар тайёрланди.

2001 йил сентябр воқеаларидан кейин ҳамкорлик доирасида турли даражада икки томонлама ва кўп томонлама маслаҳатлар ўтказилди. Уларни мақсади мураккаб вазиятда ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш. Президентлар ўртасида телефон орқали сўзлашувларидан сўнг 26 сентябрида МДХ штаб бошлиқлари қўмитаси кенгаши бўлди. 8-9 октябрида КХШТ иштирокчилари ХК котиблари қўмитасининг навбатдан ташқари кенгаши бўлди. Грузия, Украина ва Ўзбекистон хавфсизлик кенгаши котибларини кенгайтирилган тартибдаги йиғилиши ўтказилди.

Ҳарбий ҳамкорликдаги асосий тўсиқ бу халқаро сиёсий бирликни турли ҳиллигидадир. Кўп йиллар давомида МДХ давлатлари доирасида антикриминалистик кураш ривожланиб бормоқда. 1996 йил май ойида 2000 йилгача МДХ доирасида уюшган жиноятчилик бошқа хавфли жиноятлар билан курашнинг давлатлараро дастури қабул қилинди. 2000 йил январида бу дастур фаолияти 2003 йилгача ўзайтирилди. Агар 1995 йилда халқаро қидирувда бўлган 117 та хавфли жиноятчи ушланган бўлса 2000 йилда улар

¹ Бордюже Н. Организация Договор о Коллективной безопасности (О деятельности этой организации) Международная жизнь 2005 №2 С 72-85

сони 2600 га етди. Ўтган 5 йил давомида 23 та комплекс оператив-профилактик тадбирлар ва 118 та махсус операциялар ўтказилди. 126 минг жиноятлар очилди, 14минг жиноятчи ушланди 50 минг қурол, 150та портловчи моддалар, 10 миллион АҚШ доллари қўлга олинди. Бир қатор террористик гуруҳлар аниқланиб, уларнинг фаол иштирокчилари қўлга олинди. Гарчи кейинги йилларда МДХ доирасида бир қатор жиноятлар очилган бўлсада, трансмиллий жиноий гуруҳлар, ноқонуний миграция, наркотиклар контрабандаси, қурол, ҳарбий ўқ-дорилар, портловчи моддалар кўпайди, бошқа хавфли жиноят турлари кўпайди.¹

Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши-алоҳида хавф ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 2001 йилгача МДХда наркомонлар сони 20-25 миллионга етди. Бу билан қасалланганлар сони 10 миллионга яқинлашди. Афғонистондан чиқаётган наркотик моддаларни асосий қисми ҳамдўстлик давлатлари ҳудудидан ўтади. Экспертлар фикрича, Марказий Осиё ҳудуди орқали бир йилда 100 тоннагача героин ўтади. Бунинг фақат 10% нигина ушланиб қолиняпти такидлаш керакки ҳарбий операцияларга қарамасдан Афғонистонни ишлаб чиқариш инфрактструктураси ва экспорт қамаймаяпти. БМТни наркотик моддалар ва уюшган жиноятчилик устидан назорат қилиш бошқармаси маълумотларига кўра 2002 йил январиди олдинги йил январиди солиштирганда Афғонистондан қорадори оқими 9% га героин оқими 130% га ўсди. Наркоконтрабандасининг ўтишини доимий назарат қилиш учун “Қанал” номли оператив-профилактик тадбирлари олиб борилмоқда.¹ 2001 йилда МДХ давлатларини ҳуқуқ тартибот органларини биргаликдаги фаолияти натижасида 3600 та жиноят аниқланди, 1,5 млн тоннага яқин наркотик моддалар ушлаб қолинди.

2001 йил 1-3 августдаги МДХ давлат бошлиқларини Сочидидаги норасимий учрашувда тарнсмиллий хавфларни бартараф этиш соҳасида суствқашликка, шу йили январ ойида Минскда бўлиб ўтган МДХ давлат

¹ .www.nti.org

органлари кўшма мажлисда наркотик моддаларни ноқонуний айланишига қарши чора тадбирлар концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бугунги кунда ташқи сиёсат соҳасини муофиқлаштириш тўғрисидаги масала ҳам долзарб бўлиб турибди. Таъкидлаш керакка, бу соҳада ҳамдўстлик давлатлари ягона фикрига эга эмас. Бир томондан эса, идоралараро кўп даражали дастур амал қилмоқда. 2000 йил 21 июнда Москва МДХ давлат бошлиқларини стратегик барқарорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги масала бўйича баёнот берилди. 2000 йил 18 августда Ялтада “Галстуксизлар” учрашувида Президентлар БМТ мингйиллик саммити ва Ассамблеяси муаммоларига ягона йўналиш таклиф этиш фикри билан чиқдилар.

Бошқа томондан, бир қатор давлатлар: Украина, Азәрбайжон ва Грузия ташқи сиёсатда ҳамкорликдан манфаатдор эмас. Бу эса ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро консультациялар ўтказишга халақит бермайди.¹ Бу муҳокама этиладиган масаланинг манфаатлилик даражасига боғлиқ юқоридаги давлатлар халқаро ташкилотларда ҳамкорлик мақомини тан олишмайди.

МДХ доирасида иқтисодий алоқаларни кўриб чиқамиз. Ўтган 10 йил давомида ҳамдўстлик давлатларида ЯММ 33% га, саноат ишлаб чиқариш 40% га, қишлоқ хўжалиги 28% га қисқарди, унга эҳтиёж қамайиб кетди. Кўмир қазиб олиш 1990 йиллардаги 703мил. Тоннадан 2000 йил 413 тоннага қамайди. МДХ давлатларида экспортнинг умумий ҳажми 80% ни ташкил этди. Импорт кўрсаткичи 55% ни ташкил этди. Экспертлар фикрича ҳозирги даврда МДХ нинг иқтисодий потенциали товар ва хизматлар бўйича атиги 35-40% ни ташкил этади. Кейинги даврда ҳамкорликни барча давлатларида макроиқтисодий кўрсаткич динамиқаси ўзгарган. ЯММ ни ўсиш суръатлари 2001 йилда ўртача давлатлар бўйича 6% ни ташкил этади. Саноат ишлаб

¹ Бордюже Н. Организация Договор о Коллективной безопасности (О деятельности этой организации) Международная жизнь 2005 г., “2, с 72-85.

чиқариш 7% га, қишлоқ хўжалиги 8% га, инвестициялар 10% га, транспортда юк ташиш 7% га ўсди. 2001 йил январ-ноябр ойларида ташқи савдо ҳажми 39% га ўсиб, 204 млрд долларни ташкил этади. Ўзаро савдо айланмаси 57 млрд долларни ташкил этади (5% га ўсди).МДХ доирасида иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирганда бу соҳада ўзаро муносабатларни обектив сабабларини кўрсатиб бўлмайди. 2001 йил 30 ноябрда давлат бошлиқларини Москвадаги юбилей саммитида кейинги 10 йилдаги ҳамкорлик фаолияти натижалари ва келажакдаги истиқболлари кўриб чиқилди.

2002 йил 1 мартда Алмата саммитида ёқилғи-энергетик соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, транзит ва ресурс потенциалларидан фойдаланиш ҳамкорлик давлатлари ўртасида энергетик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, ўтган давр мобайнида МДХ фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Масалан МДХ доирасида минтақада барқарорликни таъминлаш мақсадида КХШ тузилди ва мазкур ташкилотлар томонидан бир қанча ҳарбий-сиёсий дастурлар амалга оширилди ҳамда аксилтеррор марказлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда МДХ ва унинг доирасидаги ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар билан интеграциялашув жараёни амалга оширилмоқда. Бу МДХ ни янада ривожланишига асосий ролни ўйнайди. Хуллас, МДХ минтақадаги давлатларининг глобаллашувига, хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган ҳозирги кунда дунё хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият қасб этмоқда. XX асрда инсоният хавфсизлиги ва тинчлигини сақлаш қандай аҳамият қасб этган бўлса, мазкур масала XXI асрда ҳам энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Жумладан, Собиқ Совет Иттифоқидан кейин вужудга келган мустақил давлатлар жойлашган минтақада ҳам. Чунки, совет даврида иқтисодий – сиёсий қурилиш иттифоқдош давлатларни бир-бирига шу даражада боғланган тарзда жорий қилинган эдики, мазкур Республикалар

мустақил бошқарувларини ташкил этиш жуда мураккаблик қасб этарди. Айнан шу сиёсат XX асрнинг биринчи ярмида рус шовинистлари томонидан ишлаб чиқилган узоқ вақтга мўлжалланган, мазкур халқларнинг устидан доим ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қиладиган стратегик бошқарув концепсияси эди. Аммо, бу тизимни инқирозга учрашини тарихий шароитни ўзи тақозо этди. Собиқ Совет Иттифоқи инқирозга учрагандан сўнг ушбу минтақада жойлашган давлатлар раҳбарияти бундан кейин ҳам ўзаро ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий интеграцияни таъминлаш мақсадида МДХ ташкилотининг вужудга келишини қўллаб қувватладилар. Бу борада МДХ ташкилоти ҳам минтақада янги вужудга келиб, яна оёққа тураётган давлатлар ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласида катта аҳамиятга эга бўлди.

МДХ собиқ СССР ҳудудида фуқаролик уруши келиб чиқишини олдини олди, мамлакатларни босқичма-босқич халқаро муносабатлар тизимига кириб, мустақилликлари, ва суверенитетини мустаҳкамлашга қўмак берди. Бироқ МДХга аъзо мамлакатларнинг ўзаро имкониятлари ҳар қандай соҳада кенг бўлишига қарамай айрим қамчиликларга йўл қўйилди. Бунга албатта, биз ижобий маънода қарайдиган бўлсак ҳар бир МДХ га аъзо мамлакатлар ўтиш даврида ўз ички муаммоларига кўпроқ аҳамият қаратиши, шу муаммолар доирасида ўралашиб қолиши натижасида МДХ ташкилотининг фаолиятига нисбатан эътибор пасайиши табиий ҳодиса эди. Агар биз МДХ нинг 2000 йилдан кейинги фаолиятига назар солсак ушбу ташкилотга жаҳон ҳамжамиятини қизиқишини ортишини, жаҳонда содир бўлаётган глобал минтақавий муаммоларни ҳал этишда МДХнинг аҳамиятини ошиб ундаги аъзо мамлакатларнинг сиёсий-иқтисодий марказларга айланаётганлиги, халқаро дипломатик муносабатларда МДХ мамлакатларининг асосий субъекти сифатида эътироф этилаётганлигини, унинг таркибида турли хил минтақавий муаммоларни ҳал этишга асосланган ишчи органларнинг тузилаётганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳозирги кунда биз яшаётган дунё мураккаб хусусиятларга эга бўлиб, сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган,

дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ва ҳаритасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун тарихий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки XX асрнинг 90 йилларидаги Евросиё минтақасидаги Совет иттифоқи деб номланмиш бюрократия ва шовинизм заминида пайдо бўлган Қизил империя инқирозга юз тутиши билан унинг ўрнида дунё ҳаритасида янги мустақил давлатлар вужудга келди. Улар, ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиломоқда. Мазкур давлатлар олдида замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамларни муносиб ҳаёт кечиришини таъминлай оладиган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинақам демократик жамият қуришдек вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ тоталитаризм тузуми емирилиб барҳам топган бўлсада, шу сабабли дунё барқарор ёки ҳавфсиз бўлиб қолгани йўқ.

Мазкур жараёнларни юзага келишининг асосий сабаблари сифатида:

-Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўзаро кескин сиёсий курашлар олиб бораётган бир маҳалда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиш жараёнларини таҳлил қилиш;

-миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши;

-этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги;

-қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг қадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари таҳдидининг кучайиб бораётганлиги;

-дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолаётганлиги; жараёнларни аниқ ва тўғри таҳлил қилишда тажриба ва ягона тўхтамга келишда ўзаро ишонч етишмаслиги каби омилларни келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари минтақадаги мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакатлар ичида эса айрим ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги

-буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни замон ва мақонни ўзи талаб қилаётганлигидан ҳарак бермокда.

МДХ ташкилоти дастлабки даврларда минтақа ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида бир қанча ишларни амалга оширди;

-МДХ доирасида ягона ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлайдиган механизм Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШ) тузилди;

-Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШ) "Сарҳадлар", "Жануб қалқони", "Антитеррор-2001" каби ҳарбий ўқув дастурларини амалга ошириб, минтақадаги барқарорликни таъминлаш масаласида катта аҳамиятга эга бўлди;

-МДХ Марказий Осиёда ядродан холи зона яратиш масаласида Ўзбекистон ташаббусларини юқори баҳолади ва унинг фаолиятини қўллаб қувватлади;

-МДХ минтақада савдо-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, ўзаро ҳавфсизликни таъминлаш борасида ШХТ (Шанхай ҳамкорлик ташкилоти) билан кенг алоқаларни ўрнатди ва фаолият олиб бормокда.

Ундан ташқари минтақа ҳавфсизлиги ва барқарорлиги учун ШХТ фаолиятини ҳам таъкидлаб ўтшимиз керак.

"Шанхай бсшлиги" яъни ШХТ ҳозир "Шанхай олтилиги" га тарихда биринчи марта Россия ва Хитой Марказий Осиё давлатлари билан бирлашди. Бу ташкилот кўп томонлама ҳудудий ҳавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликка асосланган. 1996 йилдан бу тизим Марказий Осиёда ўзаро ишончни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди, ўзаро зиддиятлар тарқалишига йўл қўймайди. Масалан, Афғонистондаги фуқаролар уруши бир неча йил давомида Хитой ва уни ҳамкорлари ШХТ доирасида бахсли ҳудудий муаммоларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Келажакда МДХ, КХШ, ШХТ, ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда Ядро қуролидан холи зоналарни барпо этиш ташаббусларини дунё тинчлиги ва ҳавфсизлиги учун қай даражада муҳимлиги ҳисобга олиниб қўйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

-МДХ ва ШХТ ташкилотида ўзаро манфаатлар умуммиллий аҳамиятга эга бўлиши ва ҳисобга олиниши;

-МДХ на ШХТ да глобал шароит ва вазиятдан келиб чиқиб, БМТ сингари аниқ ишлайдиган ихтисослаштирилган конструктив тузилмаларни ташкил этиш;

-МДХ на ШХТ ташкилотларининг сиёсий ҳарбий масалалар амалга ошириш борасидаги концепциялар яратишга йўл қўймаслик;

-КХШ ташкилотида ҳарбий-сиёсий дастурларни қисқартириб, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий-маданий коммуникация ва туризм соҳаларини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш борасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни интеграциялашувини кучайтириш;

МДХ на КХШ ташкилотларига аъзо бўлмаган ғарб мамлакатлари ва НАТО билан алоқалари кучли бўлган (Кавказorti ва Болтиқбўйи худудидаги айрим давлатлар) мамлакатларга нисбатан бошқача позитив муносабатларни шакллантириш ва улар манфаатларига зид бўлган мажбуриятлардан ташқари дастурларга жалб этиш;

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Марказий Осиё минтақаси билан алоқаларини конструктив ва интеграциялашувини кучайтириш учун марказий Осиёда энг бой углеводород захиралари ва геосиёсий аҳамиятга эга.

Туркменистон Республикасини (гарчи Туркменистон нейтрал ҳудуд сифатида эътироф этилсада) ҳам жалб этиш;

МДХ даги жуда катта ядро арсеналига эга давлат ҳисобланган Россия ҳам ўзининг оммавий қирғин қуролиларини кескин қисқартириш ва ядро зарядларини тинчлик йўлида энергетика масалаларида фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш.

Сайёрамизда ядро қуролини тарқатилиши инсоният яшаши учун ҳавф туғдирувчи бош омил бўлиб ҳисобланади. Ядро қуроли асрлар давомида инсоният томонидан ерда яратилган ҳаётни йўқотишга қодир. Шунинг учун минтақадаги барча давлатлар ўз ҳудудларини "Ядросиз зонага" айлантириши ва ядровий қуролсизлантириш даврида куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан таҳдид солишни инкор этувчи тамойилга, ҳар бир халқнинг ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, бирини бошқаларидан устун қўйишни рад этувчи сиёсатга асосланган янги концепцияни ишлаб чиқариш зарур. Умуман олганда МДХ унинг доирасида тузилган ва ШХТ ташкилотларининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши минтақа учун муҳим аҳамиятга эгадир.

8. Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги тинчлик ва ҳамжиҳатликка асосланган ташқи сиёсати.

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида сиёсий, иқтисодий, илм – фан, маданият соҳасида инсоният томонидан улкан тараққиёт натижаларига эришилган бўлса – да, афсуски, глобал тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиб турган жиддий ҳавф – ҳатарлар ҳам сақланиб қолмоқда. Инсоният тараққиётининг кўп минг йиллик тажрибасига қарамасдан, уруш оловини ёқишга, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган қора кучлар сайёрамизнинг турли бурчакларида ханузгача ўзларининг кабиҳ ниятларига эришиш йўлида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона фаолият олиб бормоқда. Халқлар, миллатларнинг ҳавфсизлиги, тинчлик ва фаравон турмуш кечириш борасидаги орзу – истакларига раҳна соладиган турли салбий офат манбаларининг мавжуд экани бутун башариятни хавотирга солмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама – қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали – бери давом этаётган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва ҳатарларни келтириб чиқармоқда”.¹

Дарҳақиқат, дунёда, Марказий Осиёда юз бераётган ижтимоий – сиёсий жараёнлар, уларнинг геосиёсий манзараси дунёнинг иқтисодий ва маънавий имкониятларига, жаҳон ҳамжамиятининг истиқболига янгича назар ташлашга ундамоқда.

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Давлатлар	Мавжуд ядро реакторлари сони
АҚШ	104 та
Франция	59 та
Япония	55 та
Россия	31 та
Англия	23 та
Жанубий Корея	20 та
Канада	18 та
Германия	17 та
Украина	15

Бугунги кунда атом қуролига эга бўлган давлатлар сони (10та) тобора ошиб бормоқда. Булар қаторига АҚШ, Россия, Англия, Франция, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Корея, Эрон ва Исроилни (охирги иккита давлат тахмин қилинади) киритиш мумкин. Жаҳонда 500 га яқин ядровий реактор мавжуд (1- жадвал) ва дунё бўйича электр энергияси ишлаб чиқаришда атом электр станцияларини улиши 16 фоизни ташкил қилади.

Шу боисдан ҳам ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама – қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон – саноксиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача, асосан, кўпроқ бир ёки икки давлат ёхуд минтақа ўртасида бўлган. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этган.

Хуллас, уруш қуроллари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда уларнинг қудрати бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Инсоният XX аср охирига келиб, бир қатор чегара билмайдиган муаммоларига дуч

келди. Уруш ва тинчлик экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

Юртбошимиз БМТ минбаридан бутун Афғонистонда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари сургандан сўнг бу ҳақда шартнома 2006 йил сентябрь ойида Семипалатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 61 ва 63 – сессияларида ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилик овози билан “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд” резолюцияси қабул қилинди, 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, бу ҳақдаги шартнома кучга кирди.

Бугунги кунда ядродан холи ҳудудлар бутун Ер шарининг 70 фоизини ташкил этади. Дунёнинг кўпгина давлатлари ядродан холи ҳудудлар ҳақидаги 6 та шартномани қўллаб – қувватламоқда.

1. Антарктида шартномаси 1959 йил 1 декабрда қабул қилиниб, 1961 йил 3 июнда кучга кирган.

2. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ядро қуролини таъқиқлаш ҳақидаги Тлателолко шартномаси 1967 йил 14 февралда қабул қилиниб, 1969 йил 25 апрелда кучга кирган.

3. Тинч океанининг жанубий қисмини ядродан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Раротон шартномаси 1985 йил 6 августда қабул қилиниб, 1986 йил 11 декабрда кучга кирган.

4. Жануби – Шарқий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Бангкок шартномаси 1995 йил 15 декабрда қабул қилинган.

5. Африкани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Пелиндаб шартномаси 1999 йил 11 апрелда қабул қилинган.

6. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги Семипалатинск (Қозоғистон) шартномаси 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган ва Марказий Осиёдаги бешта давлат раҳбарлари томонидан имзоланган.

Демак, дунёнинг 110 мамлакати, яъни жаҳон ҳамжамиятининг ярмидан кўпи ядро қуролидан бутунлай воз кечиш тарафдоридир.¹ Бундан кўзланган мақсад ядро қуроли мавжуд бўлган ҳудудларни чеклаш, ядро уруши хавфини камайтиришдир.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд барпо этиш ҳақидаги ташаббуси БМТ ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Бу таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида муҳокама қилинди ва у бўйича махсус резолюция қабул қилинди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш фақат минтақада эмас, балки бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 1997 йилдаёқ “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари” номли фундаментал асарида хавфсизликка таҳдид солувчи қуйидаги миллий, минтақавий ва умумбашарий хатарларни теран таҳлил қилиб берган эди:

1. Минтақавий можоролар.
2. Диний экстремизим ва фундаментализм.
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик.
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.
5. Коррупция ва жинойтчилик.
6. Маҳаллийчилик ва уруғ – аймоқчилик муносабатлари.
7. Экологик муаммолар.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, ҳозирги вақтда бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятини ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ.

¹ Собирова Ш. Ядро қуролидан холи зона // Маърифат, 2006 йил 12 июль.

XX аср сўнггида рўй берган улкан ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

XX асрда дунёда ғоявий қарама – қаршиликлар кескин ва мураккаб тус олган давр бўлди. XX аср сўнггида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатнинг бузилиши натижасида жаҳондаги мафкуравий манзаралар тубдан ўзгарди. “XX аср охирида дунёда жўғрофий – сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. “Совуқ уруш” даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир – бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи – ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштроқ этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда”.¹

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб коммунистик ва социалистик партия таъсиридаги социализм лагер парчаланди. Дунё мамалкатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган баъзи мамлакатлар ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган, ривожланаётган мамлакатларин, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринмоқда. Булар қуйидаги ҳолатларда кўринади:

Дунёни бўлиб олишга уринаётган сиёсий марказлар:

1. Буюк давлатчилик мафкураси.
2. Диний экстремистик мафкуралар.
3. Пансоветизм мафкураси.
4. Индивидуализм ва эгоизм ғояларини ифодалаган мафкуралар.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлид. Т. 6. Жилд.: “Ўзбекистон”, 1998. – 240 – 241 – бетлар.

5. Турли диний секталарнинг ғояларини ифодаловчи мафкуралар.

Бу жараёнда турли мамалкатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан қўшилиб кетмоқда. Ғоявий – мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий – мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора – тадбирларни кўриши зарур бўлмоқда.

Мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тинчлик, биродарлик тамойилларини қарор топтиришни кўзлайдиган давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий принциплари ишлаб чиқилди ва давлатимизнинг ташқи сиёсат стратегиясида мазкур тамойиллар дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келаётгани боис, бугунги кунга келиб юртимизнинг халқаро обрў – эътибори тобора ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар учун ниҳоятда мақбул халқаро шарт – шароитлар ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу натижаларнинг улкан аҳамиятини янада чуқурроқ англаш учун таъкидлаб ўтиш жоизки жаҳон тажрибаси ҳам буни исботлаганидек, бирон – бир давлат халқаро майдонда ўзининг обро – эътибори ҳамда хавфсизлигини таъминламасдан туриб, мамлакат ичкарасида самарали равишда ислохотларни амалга ошира олмайди. Боз устига, бугунги давр феномени ўтган аср ҳаттоки, унинг сўнгги ўн йилликларидаги шарт – шароитлардан ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилмоқда. Бир томондан, халқаро глобаллашув жараёнлари бугунги кунга келиб ўзининг янги хусусиятларини намоён қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан, дунё миқёсида мамлакаталар, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига сабаб бўладиган салбий тенденциялар ҳам, афсуски, кучли даражада сақланиб турибти. Мана шундай қалтис вазиятда мамлакатларнинг айниқса, ёш мустақил давлатларнинг хавфсиз ва барқарор тараққий этиши учун жаҳон миқёсида пайдо бўлган янги салбий таъсирларни бартараф қилиш, уларга нисбатан мустаҳкам ички иммунитетни шакллантириб, мустаҳкамлаб бориш тобора хал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давримизнинг турли таъсирларига муносиб жавоб бериш, ўзи танлаб олган йўлдан собитқадамлик билан бориш, барқарор демократик тараққиёт ҳавфсизлигини таъминлаш учун бугунги кунда жамиятни изчиллик билан янгилаш ва модернизация қилиш, шу орқали демократик ислохотларни янада юқори поғоналарга кўтариш йўлидан борар экан, бу ўринда халқаро миқёсда тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишни ва мустақил тараққиёт ҳавфсизлигини таъминлашнинг энг нуфузли воситаси бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан 1992 йилдан буён давом этиб келаётган ҳамкорлиги ўзининг изчиллиги ва кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизнинг ер юзининг энг нуфузли халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик алоқалари натижасида минтақамиз ва дунё миқёсидаги ўткир муаммоларни ҳал қилиш борасида юксак натижаларга эришилмоқда. Маълумки, БМТ нинг 1993 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ва тарихий аҳамиятга эга бўлган 48 – сессиясида билдирилган хулоса ва таклифларда мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигининг истиқболлари белгилаб берилган эди. Ушбу сессияда БМТ фаолиятини, давр талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш, унинг курраи заминимизда вужудга келган мураккаб зиддиятларни ҳал этиш лаёқати ва имкониятларини янада кенгайтириш борасидаги муҳим таклифлар илгари сурилган эди.

Булар жумласига Ўрта Осиёда ҳавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақириш; БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилиш; Ўрта Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш; Ўрта Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатмаслик устидан халқро назорат ўрнатиш; наркобизнесга қарши курашни кучайтириш; Оролни ва Оролбўйини экологик ҳалокатдан қутқариш масалалари киради.

Давлатимиз раҳбари томонидан БМТ фаолиятини, унинг институтционал механизмларини замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида билдирилган фикрлар жаҳоннинг барча нуфузли ташкилотларида, кўплаб хорижий мамлакатларда катта қизиқиш ва эътибор билан эътироф қилинди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси янада ортди. 2010 йилнинг 20 сентябрида ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеясининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитида мамлакатимиз раҳбарининг БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан иштирок этиши Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида сифат жиҳатдан янги босқич бошланганини намоён қилмоқда. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан бевосита учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда нуфузли халқаро ташкилот раҳбари БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман, Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Мазкур учрашув жараёнида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ҳозирги давр талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, асрий қардошлик туйғуларини ривожлантириш, яқин қўшничилик фазилатларини кучайтириш ҳозирги куннинг муҳи вазифасидир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб ва ҳозирги шароитда минтақамиз ва халқларимиз ҳаётига таҳдид қилаётганларга қарата Биринчи Президент Ислом Каримов бундай деди: “Келгуси авлод вакиллари уруш оловини ёқишга ундаган сабаб ва баҳоналар учун замондошларимизни кечирмасалар керак. Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шолени курмакдан ажратади ва ғаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфаатларини ниқоб қилиб оловчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр — ҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди”.¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 430 – бет.

Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашгани, унинг жуда катта ерости ва ерусти бойликларига эга экани, ўз халқининг юксак интеллектуал салоҳияти ҳамда ишлаб чиқариш қуввати туфайли юртимиз, айтиш мумкинки, ушбу минтақанинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Аини пайтда Марказий Осиёга кўз олайтираётган кучлар учун Ўзбекистон алоҳида нишон ҳисобланади. Ана шундай вазиятнинг ўзидан Ўзбекистон зиммасида бутун минтақа тақдири ва унинг истиқболи учун курашишдек оғир масъулият турганини сезиш қийин эмас.

Биринчи Президент Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида саммит катнашчилари эътиборини Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, зиддиятли муаммолар, умумий ҳавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалаларга қаратди. Жумладан, БМТнинг бевосита раҳнамолигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш, Қирғизистонда юз берган қонли воқеаларнинг асл сабабларини аниқлаш ва айбдорларни жазолаш, кучайиб бораётган экологик муаммоларнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан ғоят муҳим концептуал ҳулоса ва таклифларни илгари сурди.

Марказий Осиё минтақасида, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш энг муҳим ўзак тамойилларидан бири бўлиб келмоқда. Хусусан, минтақавий тинчликнинг умумий тамойиллари ҳақидаги принципиал муҳим ғояни илгари сурилди: АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши ҳавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамалкатада аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлигини қўшни давлатларда жиддий ҳавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.¹

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Ҳақиқатдан ҳам, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти. Афғонистонда шундай қонли уруш давом этаётган, турли кучлар, гуруҳлар ўртасида ярашиш, муроасага келиш масаласи мутлақо кўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, Ўрта Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта хавф – хатардир.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи бугунги куннинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон можароси – фақат бу мамлакат ёки унинг қўшниларининг муаммоси эмас. Можаро оқибатлари минтақавий ва глобал хавфсизликка бевосита ва ғоят кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўллари топишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутмоқда. Сўнгги ўн йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги саъй – ҳаракатларида етакчи ўринларидан бирини эгаллаб келмоқда.

Афғонистон муаммоси нафақат бевосита жўғрофий яқинлик нуқтаи назаридан, балки қатор бошқа сабаблар туфайли ҳам Ўзбекистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу мамлакатдаги кескин нотинч вазият Марказий ва Жанубий Осиёга доимий равишда таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистон раҳбари нуфузли халқаро минбарларидан бонг уриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамасликка, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши учун қўлидан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келмоқда. БМТнинг Нью – Йорк шаҳрида, 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини такрор ва такрор огоҳлантирди. Афғон уруши узоқ вақт давомида фақат Афғонистон ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай пайтда ёйилиб кетиши, ҳатто узоқ денгиз ва океанлар ортидаги давлатлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бор огоҳлантирди.

Бугун коалиция кучлари томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танланган стратегия кутилган натижаларни бермаётганини қайд этишга тўғри келмоқда. Уруш давом этаётган ҳар бир кун жафокаш Афғонистон халқининг аҳволини янада оғирлаштириб, ушбу мамлакат муаммолари ечимини боши берк кўчага киритиб қўймоқда.

Афғонистон муаммоси бўйича ўнлаб халқаро конференция ва учрашувлар ўтказилаяпти, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам реал амалий самара бераётгани йўқ.

Афғонистонда рўй бераётган қонли можаролар, ўз кўлами ва ҳавфлилик даражасига кўра, XX асрнинг охирига келиб, халқлар, миллатлар учун мисли кўрилмаган катта таҳдидга айланди. Афғон муаммоси ва уни келтириб чиқарган туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997) номли асарида чуқур концептуал хулосаларни баён қилган эди. Ушбу хулосалар бугунги кунда ҳам афғон муаммосини ҳал этишнинг илмий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Асарда таъкидланганидек, 18 йилдан бери уруш кетаётган Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жўғрофий – сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожеани кўлами ва ҳавфи жиҳатидан ҳорзирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин.

Афғонистон ҳудуди бугунги кунда ҳам муаммолар тугуни ичида қолгани ҳолда, минтақамиз ва шунингдек, бутун дунё учун ҳавф – хатар манбаи бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, ҳарбий вазият ўта мураккаб ҳолатда турибти. Вазиятни ўнглаш бўйича шу пайтга қадар амалга оширилган чора ва тадбирлар ўзининг етарли даражадаги ижобий самарасини бермаяпти. Афғонистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш мақсадларини кўплаб фаолият олиб бораётган халқаро коалиция кучларининг фаолияти шу пайтга қадар мазкур мамлакатда тўпланиб қолган ўткир ва зиддиятли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ечилишига ва

афғон жамиятининг барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олишига сезиларли даражада ёрдам бера олмаяпти.¹

Дарҳақиқат, Афғонистон ҳудудидан халқаро коалицион кучлар олиб чиқиб кетила бошланиши ва ҳавфсизлик бўйича масъулиятнинг Афғонистон миллий қуролли кучлари қўлига топширилиши жараёни жафокаш афғон халқига узоқ ва кутилган тинчлик ва осойишта ҳаётнинг кафолатли тарзда тикланишига олиб келишидан умид қилинган эди. Лекин аслида бундай бўлмаяпти. Афғонистонда зиддиятли вазиятнинг доимий равишда сақланиб туришидан манфаатдор бўлган ички ва ташқи кучлар бунга зўр бериб қаршилиқ кўрсатмоқда. Бундай кучлар сирасига, биринчи навбатда, турли тоифадаги террорчи ва экстремист гуруҳлар, наркотик моддалар билан савдо қилувчилар киради.¹

Афғонистон ҳудудида сақланиб, кучайиб бораётган ўта хавфли таҳдидлардан бири – бу наркобизнесдир. “Бу мамлакатда гиёҳванд модда қадимдан етиштирилган ва тайёрланган. Бироқ кўкнори ва героин ҳамда бошқа синтетик гиёҳванд моддаларни етиштириб, тайёрлаш хўжалиги вайрон қилинган бу мамлакатда XX асрнинг 90 – йилларидагина саноат асосига қўйилди. Турли халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳванд моддалар умумий ҳажмининг 50 фоиздан 75 фоизгача бўлган қисми Афғонистон хиссасига тўғри келади. Афғонистон XX аср охирида гиёҳванд моддалар тайёрлаш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат бўлиб қолди. Наркобизнесни ўз назорати остига олишни истаган уюшган жиноий гуруҳлар бойлик орттиришнинг жуда нозик йўлларида тобора кўпроқ фойдалана бошлади.

Тожикистондан Европага етиб боргунича героиннинг нархи 63 баробар ошади: Тожикистон Бадахшонида 1 кг героин 4 мингдан 8 минг долларгача, Душанбеда 12 – 17 минг доллар, Москвада 150 – 200 минг, Европада 250 –

¹ Маҳмудов Р. Обеспечение безопасности и стабильности на пространстве ШОС (Правовая база и перспективные направления взаимодействия) // Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. – С. 94-95.

¹ Гойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдири, омиллари ва манбаи. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. – 97-б.

300 минг доллар туради. Гиёҳванд моддалар нархининг йўл бўйлаб бу қадар ошиб бориши, айниқса, турмуш даражаси паст бўлган Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг айрим фуқроларининг гиёҳванд моддани контрабанда йўли билан ташиб боришга ундайди. Бу бозорда ҳукмрон бўлиш учун уюшган наркогуруҳлар ўртасида, шу жумладан Марказий Осиёдаги наркогуруҳлар ўртасида ҳам шиддатли кураш кетмоқда”.²

Ҳозирги вақтда Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддалар ва уларни хуфиёна йўллар билан бошқа мамлакатларга чиқариш ҳажми шу қадар ортиб кетдики, эндиликда бундай ҳолат бутун инсониятга таҳдид солувчи хатога айланди. Аслида, Афғонистонда ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар билан наркотик моддаларни етиштирувчи ва сотувчилар ўз фаолиятини бирлаштириб олди. Айнан оғуфурушлар халқаро терроризмнинг асосий молиялаштирувчиларига айланди. Наркотик моддалар савдосидан тушгун пул маблағлари террорчи гуруҳлар томонидан қурол – яроғ сотиб олишга ҳамда бошқа ёвуз эҳтиёжларни қондиришга, жумладан, террорчи гуруҳлар сафига янги одамларни ёллашга сарф этилмоқда.

“Мутахассис экспертлар хулоса қилганларидек, Марказий Осиё минтақасининг наркотик моддаларини Ғарбга жўнатиш йўлидаги “қулай” географик ҳудудда жойлашгани мазкур минтақада террористик кучларнинг фаоллашаётганининг сабабларидан бири бўлиб турибти. Ишончли маълумотлар исботлаб турганидек, халқаро террорчилар фаолиятининг катта қисми Афғонистондан Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтказишга мўлжалланган мунтазам ишловчи наркотрафик каналларни шакллантиришга қаратилгандир”.¹

Таассуфки, Афғонистон ҳудудида наркотик моддалар хом ашёсини етиштириш, жумладан, кўкнори ундириш учун ўта қулай табиий имкониятлар мавжуд. “Кейинги йилларда кўкнори етиштириладиган плантациялар ҳажми ўн марта кўпайди. Бугунги кунда Афғонистоннинг 32

² Гойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. – 263-266 - б.

¹ Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: “Шарқ”, 2005. – С. 142.

вилоятидан 24 тасида турли хил оғу берувчи ўсимликлар экиб етиштирилмоқда. Етиштириладиган кўкнорининг 90 фоизи асосан 5 та вилоятга тўғри келади. Булар Хилмонд (38 фоиз), Нангархор (30 фоиз), Бадахшон (9 фоиз), Ўрузгон (7 фоиз), Қандаҳор (5 фоиз)”.²

Жумладан, бугунги кунда Афғонистоннинг турли вилоятларида, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош ҳудудларида экстремистик кучлар таъсири кучайиб бораётгани мазкур мамлакатлар учун террористик таҳдид манбаига айланмоқда. Умуман, дунё ҳамжамиятининг ҳавфсизлиги ва барқарор тараққиёти афғон муаммосининг ижобий равишда ҳал қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ, деган хулосани билдирсак асло муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан Афғонистонда вужудга келган ўта нохуш ва зиддиятли вазиятни ҳал қилишда халқаро ҳамжамият, халқаро ташкилотларнинг саъй – ҳаракатлари ҳамда кучларини бирлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда дунёда афғон муаммоси дахл қилмайдиган ҳудуднинг ўзи қолгани йўқ.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан афғон муаммосини ҳал қилишнинг янги конструктив йўллариининг таклиф этилиши ва уларни БМТ раҳнамолигида амалага ошириш чора ва тадбирларини кўришга йўналтирилган изчил ташқи сиёсатнинг олиб борилиши дунёда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашдек вазифаларнинг ҳал қилинишига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

“6+2” (1997-2001) ва янги “6+3” мулоқот гуруҳини шакллантириш ғояси. “6+2” мулоқот гуруҳи (1997 – 2001) БМТ котибияти биносида 1997 йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил топди. Бу гуруҳ Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган эди. Мазкур гуруҳга Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган 6 та давлат, яъни Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси,

² Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: “Шарқ”, 2005. – С. 143.

Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ҳамда АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. Унинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью – Йоркда бўлди.

Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти саммити (1999) ва бошқа қатор муҳим анжуманларда халқаро ҳамжамият диққат – эътиборини афғон халқини уруш даҳшатларидан халос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига жалб этди.

1997 йил 19-20 июль кунлари “6+2” гуруҳининг Тошкентда дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Унда биринчи бор муҳолиф томонларнинг юзма – юз музокара олиб бориши учун имкон яратилганини анжуман яқинида “Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари” ҳақида декларациянинг қабул қилинишини халқаро жамоатчилик афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий кадам сифатида баҳолади. Тошкент декларациясида:

1) Афғонистонда ягона ҳокимият тузиш (давлат қўшини ҳаракати билан толибон қўшинини бирлаштириш);

2) қочоқларни ватанига қайтариш;

3) ягона армияни барпо этиш;

4) Афғонистон давлатига моддий ёрдам фондини очиш ва кўмаклашиш;

5) наркотик моддаларнинг олдини олиш каби минтақавий долзарб ғоялар кўтарилган эди. Лекин 2001 йил 11 сентябрда АҚШ да содир этилган террористик хуруждан сўнг НАТО блокига аъзо давлатларнинг ҳарбий кучлари Афғонистонга киритилиб, Ҳамид Карзай бошчилигидаги янги ҳукумат ташкил этилгач, “6+2” гуруҳи фаолияти тўхтаб қолди.

“6+3” мулоқот гуруҳи. 2005 йилдан кейин Афғонистонда террорчилик ҳаракатлари яна кучайди: одамларни гаровга олиш, террористик актлар содир

этиш бошланди. Ўзбекистон раҳбари 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) саммитида иштирок этиб, 30 йилдан буён ҳозиргача давом этиб келаётган Афғонистон можароси юзасидан қуйидаги фикрни илгари сурди.¹ Жумладан, Афғонистонда ўз ечимини кутиб турган қуйидаги ижтимоий – сиёсий масалаларни ҳал этиш лозимлигига эътиборни қаратди:

- 1) оддий халқнинг эҳтиёжларини қондириш;
- 2) аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш;
- 3) ҳокимиятнинг вертакал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш;
- 4) афғон халқининг халқаро коалиция кучларига нисбатан ишончини қозониш йўлини кўриш;
- 5) халқаро ҳамжамият имкониятлари ҳисобидан ёрдам ва кўмак ажратиш;
- 6) афғон халқининг диний, миллий, маданий қадрият ва урф – одатларини ҳурмат қилиш;
- 7) “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” мулоқот гуруҳига айлантиш, яъни унда НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш лозим.

“6+3” мулоқот гуруҳининг фаолиятини йўлга қўйиш ва жонлантириш Президентимиз томонидан қатор халқаро анжуманларда, саммит ва йиғилишларда долзарб масала сифатида қайта – қайта илгари сурилди. Жумладан:

- 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО / СЕАП саммитида ;
- 2008 йил августда ШХТ саммитида;
- 2009 йил 15-16 июнда Екатеринбург (Россия) шаҳрида ШХТ анжуманида;
- 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида;

¹ “Ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз ҳуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор” // Маърифат, 2008 йил 5 апрель.

- 2010 йилнинг 20 сентябрида БМТ Мингйиллик тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар йиғилишларида.

Президентимиз таъкидлаганидек, “6+3” гуруҳи ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муроСага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий – этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқ муносиб муқобил варианты йўқ.¹

“Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти” – тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо – иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган давлатлараро халқаро ташкилот. ШХТга олти – Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзодир.

Кузатувчи давлатлар: Мўғулистон, Покистон, Эрон, Ҳиндистон.

Музокаралар бўйича шерик давлатлар: Беларус, Шри – Ланка.

Давлат бошлиқлари саммитларига таклифнома олганлар: МДХ, АСЕАН, БМТ, ЕврАзЭС, АҚШ.

ШХТнинг шаклланиши 1992 йилда Хитой билан чегарадош беш собиқ иттифок республикаларининг ўзаро чегараларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишидан бошланган. Дастлаб “Шанхай бешлиги” деб ном олган бу ташкилот 1996 йилда Шанхайда, 1998 йилда Олмаотада, 1999 йилда Бишкекда беш давлат раҳбарларининг саммити чегараларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудларида қуролик кучларни қисқартириш каби масалаларни келишиб, ҳал этишга қаратилди. 2002 йил июлда Санкт – Петербургда олти давлат раҳбарлари “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хартияси” ни қабул қилдилар. 2003 йил май ойида Москвада ШХТнинг ташкилий органлари, рамзлари тасдиқланиб, Ўзбекистон ташкилотнинг янги раиси этиб белгиланди. 2003 йил сентябрида Пекинда “ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо – иқтисодий” ҳамкорлик

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

дастури қабул қилиниб, маҳсулот, капитал, хизмат ва технологиялар эркин айланиши шартлари белгилаб олинди, ШХТнинг молиявий бюджети кўрилди. 2004 йил июндан бошлаб ташкилот тўла равишда ишга киришди. 2005 йилда Остона саммитида ва 2007 йил 15-16 августда Бишкек учрашувларида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон, Мўғулистон кузатувчи сифатида иштирок этди.

Ҳозирги кунда ШХТ доирасида 130 га яқин ҳамкорлик лойиҳалари амлага оширилмоқда.

ШХТ бирор бир давлат ёки ташкилотга қарши қаратилмагани ва очиқ фаолият олиб бориши билан халқаро муносабатларнинг янги шаклини юзага келтирди, “Шанхай руҳи” тушунчасига йўл очилди. Ташкилотнинг асосий мақсадлари:

- аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш;
- минтақада тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни биргаликда таъминлаш ва сақлаб туриш; сиёсий, савдо, иқтисодий, илмий техникавий, маданий соҳалардаги ҳамкорликка кенг йўл очиб бериш;
- энергетика, транспорт, туризм, атроф – муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш.

ШХТ раҳбар органи – Давлатлар Раҳбарлари Кенгаши. Барча давлатларнинг соҳа вазирлари, Бош прокурорлар, Чегара қўмиталари раҳбарлари мунтазам учрашиб, иш олиб борадилар. ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари иккита: 2004 йил 17 январда Пекинда ШХТ Котибияти ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси ишга тушди.

2007 йил 15-16 августда Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг саммити (мажлиси) бўлиб ўтди. Унда ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсати ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, савдо – иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Саммитда Афғонистонда юзага келган вазият, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикнинг назорат қилиб бўлмас даражада кенгайиб бораётганини айтиб ўтилди. 1) Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш учун ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш йўли билан эмас, балки куролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, кескин ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, фаол аҳолини қўллаб – қувватлаш лозим; 2) Марказий Осиё минтақасида сув – энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ғояси илгари сурилди; 3) коммуникация, ёқилғи – энергетика соҳасида давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга ошириш; 4) ШХТ Бош қотиби ролини янада мустаҳкамлаш учун унга аъзо давлат арбоблари орасидан 5 йил муддатга тайинлаш масаласини билдирди.¹

ШХТнинг энг муҳим 3 та вазифаси 2001 йил 15 июнда “Терроризмга, сепаратизмга ҳамда экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай конвенцияси” да қабул қилиниб, белгилаб берилди:

- 1) терроризмга қарши биргаликда курашиш;
- 2) сепаратизм (айирмачилик)га қарши кураш;
- 3) экстремизмга қарши кураш;

ШХТ таркибида фаолияти йўлга қўйилган тузилмалар:

1. Терроризмга қарши биргаликда кураш маркази (2004 йил).
2. ШХТнинг Ишбилармонлар кенгаши (2005 йил).
3. ШХТнинг Банклараро ассоциацияси (2006 йил).
4. Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда битим асосидаги ҳамкорлик.

Бизга қўшни бўлган афғон халқи бошига тушган мусибатларга ҳам бефарқ қараш мумкин эмас. Бунинг ўзига хос жиддий асослари бор. Жумладан:

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 17 август.


биринчидан, асрлар мобайнида шаклланган қон – қардошлик туйғусининг, миллий ва маънавий, тарихий ва ижтимоий икки томонлама ҳамкорликнинг мавжудлиги;


иккинчидан, Афғонистондаги оғир маънавий – ижтимоий вазият, келажакнинг мавҳумлиги;

учинчидан, 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этиб келаятган ва қачон тугаши номаълум бўлган шафқатсиз уруш;


тўртинчидан, диний ақидапарастлик, терроризм ва наркобизнес ўчоғига айланиб қолган макон сифатида бу мамлакатда ўта хавfli ва таҳдидли вазиятнинг мавжудлиги;

бешинчидан, Шимолий Афғонистонда икки миллион нафарга яқин ўзбек яшайди. Бу этник яқинлик, бир чегаранинг икки томонида икки хил ижтимоий – сиёсий муҳитда яшайтган бир миллатга мансуб ҳақ тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Чунки асрлар мобайнида бир маконда, бир тузумда яшаб келганмиз.





1-расм. Терроризмни бартараф қилишнинг умумий омиллари.



2 – расм. Терроризмга қарши қаратилган халқаро уюшмалар.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, ҳозирги пайтда дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг асосий қисми Афғонистонда етиштириляпти. Унинг 75 фоизи эса Европа мамлакатларига тарқатиляпти. Бу миллати ва элатидан, диний эътиқодидан қатъи назар, инсониятни ҳалокатга олиб борадиган, уни майиб – мажруҳликка мубтало этадиган, бошқача айтганда, инсоният тараққиётини таназзулга дучор этадиган даҳшатли балодир.

Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳондаги 180дан ортиқ давлат тан олган, давлатимиз дунёдаги 130 га яқин мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатган. Юртимизда 88 та чет давлат ваколатхонаси

рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот, 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистон элчихоналари ва молия ташкилотлари тенг ҳуқуқли асосда фаолият юритмоқда. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхоналари аккредитация қилинган. Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо – иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган. Мустақил Ўзбекистон дипломатия соҳасида ўз салоҳияти ва анъаналари борасида аниқ, асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни олиб бормоқда. Дипломатия кадрларини тайёрлаш учун Тошкентда 1993 йилдан буён Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. 1993 йил февраль ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

БМТ уставида ва халқаро ҳуқуқ принциплари бўйича декларацияда куйидаги 7 та асосий принцип қайт этилган:

- 1) куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
- 2) зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш;
- 3) бирон – бир давлатнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 4) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши;
- 5) ҳамкорлик;
- 6) давлатларнинг суверен тенглиги;
- 7) халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш.

Булар ЕХХТнинг 1975 йилдаги якуний актида рўйхатга олиниб, 3 та принцип билан тўлдирилди:

- 1) чегараларнинг дахлсизлиги;
- 2) ҳудудий яхлитлик;
- 3) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принциплари.

Биринчи Президент Ислон Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш в янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох эитшдир” номли маърузасида (2005 йил 28 январь) ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб қуйидагиларни белгилаб берди:

1) давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно – мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир;

2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Албатта, бунда минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олиш кераш;

3) “Қўшнинг тинч – сен тинч” ҳаётий нақлига риоя этиш;

4) БМТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш. Шунингдек, ЕХХТ, Европа иттифоқи, НАТО каби халқаро тузилмалар, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва бошқа давлатлар билан демократик тамойиллар асосида алоқаларни ривожлантириш;

5) халқаро терроризм ва радикализмга қарши курашда бирдамликни таъминлаш ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 – боб, 17 – моддасида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг қуйидаги 5 та ҳукукий принципи ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

1) давлатларнинг суверенитети, тенглиги;

2) куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик;


3) чегараларнинг дахлсизлиги;

4) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

5) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Бу принциплар Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларини кўзлаб сиёсат олиб бориш борасидаги тамойиллари билан уйғунлаштирилди. **Ислон Каримов** “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишнинг 6 та амлаий приципини асослаб берди, улар:

- 1) миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- 2) умумбашарий қадриятлар устуворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 3) тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш;
- 4) мафкуравий қарашлардан қатъи назар, барча давлатлар билан тенг алоқалар ўрнатиш;
- 5) ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш;
- 6) ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш;



3 – расм. Давлатнинг ташқи сиёсатини белгиловчи омиллар.

1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисида” Олий Мажлис қарори қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ қуйидаги асосий тамойилларни ишлаб чиқди ва уларга амал қилиб келмоқда:

1) ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуворлиги;

2) тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

3) мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

4) халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлатнинг миллий ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги;

5) ташқи алоқаларни икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўз ташқи сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташқи сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон – бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эриша олмайди. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир – бирига боғлаган Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон неча – неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса Амир Темур ва Темурийлар даврида дунёдаги йирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатган. Амир Темурнинг Франция, Англия, Испания қироллари, ўнлаб қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий в свдо алоқаларидан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даври мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини узиб қўйди. Хориж билан барча муносабатлар истилочиларнинг назорати ва руҳсати билан амалга оширилар эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четга чиқарилган бир – икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташқи ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратилди. Шунга мос равишда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиладиган табиий ва техникавий захиралар, мустаҳкамланаётган халқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шароитларнинг босқичма – босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра, халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб намоёниш этмоқда. Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилиниши ва уларнинг таркибида муносиб фаолият кўрсатиши учун имкон берди, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олинishiга, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.


БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув, айниқса, Конституциянинг муқаддимасида, 4 – бобида, иккинчи бўлимда 22, 23 ва 26 – бобда яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг тегишли равишда “Ташқи сиёсат”, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари

ва бурчлари”, “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти”, “Сайлов тизими”, “Мудофаа ва хавфсизлик” деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ижтимоий дунёқараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофик – сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчидан, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилишидир. Иккинчидан, “социалистик лагер”нинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, уларнинг ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Эндиликда “совуқ уруш”га барҳам берилди, “капиталистик” ва “социалистик” деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб борапти. Мафкуравий акидалардан холи бўлган янги, эркин тафаккурни шакллантириш зарурти пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли ” китобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташқи сиёсий йўл, бу йўлнинг ҳуқуқий негизи ва уни амалга ошириши воситали ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ва минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида мамлакатимизнинг миллий манфаатлари жой олган. Ҳар қандай сиёсат ақл – идрок билан иш тутишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч – қувватига эга бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Ўзбекистон ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги халқаро иқтисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам диққатга молик масаладир. Бу – хом ашё ва саноат маҳсулотлари нарх – наволарининг адолатли бўлган нисбати,

ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.



4 – расм. Халқаро ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг элементлари.

Манфаат – бу зарурий эҳтиёждир. Эҳтиёжлар эса биринчи галда Ўзбекистон учун тараққиётнинг муайян жўғрофий ва табиий, иқлимий, демографик ҳолатимиз, халқимизнинг кўп миллатли таркиби, унинг тарихий ва маданий мероси, маънавият омили, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси, хом ашё ва замонавий технология билан таъминланганлик, давлатнинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва ҳоказолардир. Бу омиллар Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини белгилайди. Эҳтиёжлар эса манфаатларда ўз ифодасини топади. Давлат манфаатлари унинг ташқи сиёсий фаолияти белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари халқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб бераётган энг муҳим омиллардан биридир.

Барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шерикларимиз манфаатлари, уларнинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ҳисобга олинади.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмалар фаолиятидаги иштироки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик алоқаларини ўрганиш, экология, табиий муаммоларни ҳал этиш, илмий – техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқда.

Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосидаги кафолатлар, БМТ Низоми ва Хельсинки келишуви қоидалари, ҳужум қилмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳуқуқ қоидаларининг миллий қонунларда устуворлиги ва бошқа принципларга Ўзбекистоннинг қатъий амал қилиб келаётгани муҳим роль ўйнамоқда. Чунки жаҳондаги барча тараққийпарвар мамлакатлар ҳудди шундай ёндашув тарафдоридир.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўнгида ташқи сиёсий ва маданий алоқаларининг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар ҳуқуқий давлат сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳуқуқ жиҳатидан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи бизникига ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам тенг ва баробардир.

XX асрнинг охирида дунёнинг сиёсий макони сифат жиҳатидан ўзгарди. Совет Иттифоқи халқлари ҳамда собиқ “социалистик ҳамдўстлик”даги бошқа давлатлар бир партиявийлик тизими ва марказдан туриб режалаштириб иқтисодиётидан воз кечишди. Шу тариқа дунёда антогонистик ижтимоий – сиёсий тузумларнинг глобал қарама қаршилиги барҳам топди ва жаҳон сиёсатида демократик жамиятлар салоҳияти анча ошди. Евроосиё ҳудудида, жумладан, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шунингдек, собиқ иттифоқ ҳудудидаги янги мустақил давлатлар ижтимоий – сиёсий ривожланишининг демократик йўлига ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий (Мудофаа) доктринаси, унинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатлари. 1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида” Олий Мажлис қарори

кабул қилинди. Минтақадаги ҳарбий – сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, 2000 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси кабул қилинди. Мамлакатнинг давлат ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни таъминловчи мазкур Олий Мажлис қарори катта сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Мудофаа доктринаси давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини яна бир бор намоён этди. У Ўзбекистоннинг халқаро обрў – эътибори ва жаҳон майдонидаги мавқеини оширди. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси 3 қисмдан иборат.

I. Умумий қоидалар. Мудофаа доктринаси Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига янгича ёндашувларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўз мудофа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч – тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, чегаралар бузилмаслиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

II. Доктринанинг сиёсий жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикасининг урушга муносабати. Бунда ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси: халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишдан воз кечиш, ҳарбий можароларни дипломатия воситасида бартараф қилиш, зиддиятли ҳолатларга барҳам бериш, тинчлик йўлида барча имкониятларни сарфлаш каби тамойиллар муҳим ўрин тутади.

Урушнинг ва уруш хавфини олдини олиш – бош стратегик йўналиш. Урушлар ва ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ҳарбий блоklarга қўшилмаслик. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини бошқа давлатга қарши ишга солмайди, ҳеч кимга таҳдид қилмайди, ядро қуролига эга бўлмайди. Умумий хавфсизликни сақлашда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ролини оширади. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини

таъминлайди, бу борада самарали тизимни яратади. Фақат тинчлик учун кураш олиб боради. Одам руҳиятига ҳалокатли таъсир этувчи воситаларни ишлаб чиқишни таъқиқлайди. Ҳарбий соҳадаги алоқаларни кенгайтиради. Миллий ва диний мурасасизликка йўл қўймайди. Фундаментализм, экстремизм, террорчиликнинг кучайиш тенденциясига йўл қўймайди. Тинчликни сақлашдаги мажбуриятларга амал қилади ва ҳ.к.

III. Доктринанинг ҳарбий – ташкилий жиҳатлари.

Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари. Ушбу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчил ҳаракат қилади. Хавфсизликни таъминлаб боради. Урушларнинг олдини олади.

Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари. Жаҳоннинг турли минтақаларида қуролли гуруҳлар юқори даражада жамланган ва ҳ.к.

Ҳозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатлари. Ядро уруши – инсоният учун ҳалокат манбаи. Инсониятни йўқ қилувчи оммавий қирғин қуролларининг ишлаб чиқарилишига қарши бўлиб, тажовузкорлик сиёсатини қоралайди ва ҳ.к.

Бош ҳарбий – стратегик вазифалар. Тинчлик даврида давлатнинг мудофаа қобилиятини ривожлантиради. Уруш чиққан тақдирда ўз кучлари билан тегишли шартномалар орқали ҳаракат қилади.

Қуролли кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари. Қуролли кучлардан фойдаланиш шартлари.

Мамлакатимиз иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш ҳарбий доктринанинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Халқаро муносабатларни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик қадриятлар, халқаро ҳуқуқ асосида ўз ташқи сиёсатини юритиш, ўзаро муносабатларда куч ишлатмасдан, музокаралар ёрдамида муаммоларни ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ўз дипломатиясини юқоридаги қадриятлар асосида олиб бормоқда.

Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг минтақавий давоми сифатида 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли қуйидаги миллий манфаат ва принципларини кўзлайди:

- турли ҳарбий сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиш;
- ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиш;
- ўз ҳудудида хорижий давлатларни ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслик;
- очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Таянч сўзлар.

Иқтисодий макон, ҳудудий яхлитлик, коллектив хавфсизлик, стратегик ҳамкорлик, сальдо, потенциал, спикер, компания, полигон, айирабошлаш динамикаси, компрессор станцияси, инвесторлар, концорциум, ресурс, акциз солик, экспорт муҳити, аккредация, минтақавий кооперация, грант ўринлари, радиоастрономик обсерватория, модернизация, маданий ҳамкорлик, гастроль, космик алоқалар, платформа, федерация, суверен давлатлар, хавфсизлик зона, квоталар, радификация, ҳамкорлик трансформацияси, альтернатив ташкилот, лидер, марказчилар, концепция, антитеррористик ва антикриминалистик, декларация, радиолокацион станция, нейтрал давлат, коалиция, ҳарбий техник товар, ядро арсенали. Конфессиялар, мафкуравий манзаралар, маҳдудлик, пансоветизм мафкураси, коалицион кучлар, умумий тамойиллар, плантация, молиявий бюджет, хизмат ва технологиялар, наркотрафик, таназзул, суверен тенглик, умумбашарий қадриятлар, реал имкониятлар, ҳуқуқий макон, эркин тафаккур, демографик ҳолат, дипломатия воситаси, доктрина, ҳарбий потенциал, ҳарбий сиёсий блок ва альянслар.

Савол ва топшириқлар.

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкилоти қандай тарихий вазиятда тузилганлигини биласизми?
2. Ўзбекистон Қозоғистон, Россия ва МДХнинг бошқа давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар асосини тушунтириб бера оласизми?
3. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда Экологик муаммолар диний экстеремизм, гиёҳвандликни олдини олиш борасида МДХ доирасидаги фаолиятини қандай баҳолай оласиз?
4. Маданий, илмий-техникавий ва таълим соҳасидаги ҳамкорликларда Ўзбекистоннинг МДХдаги ўрни қандай?

5. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг ҳамкорлиги қандай йўлга қўйилган?
6. Собиқ Иттифоқ (СССР) парчалангандан кейин МДҲнинг ўрни ҳамда кейинги босқичларда ҳамдўстликнинг ривожланишида қандай муаммолар кўзга ташланмоқда?
7. Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият, жараёнлар қандай таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда?
8. Минтақамиз хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига қандай можаролар салбий таъсир кўрсатиши мумкин?
9. Ўзбекистон Республикаси қачондан бошлаб БМТ раҳбарлигида Афғонистонга ўз ечимини кутиб турган ижтимоий–сиёсий масалаларни ҳал этиш бўйича мулоқот гуруҳини шакллантириш ғоясини илгари суриб келмоқда?
10. “6+3” мулоқот гуруҳи ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан кўзланган мақсад нималардан иборат?
11. “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун (2012 йил сентябрь) қандай принцип ва стратегик устувор йўналишларни белгилаб берган?
12. Ўзбекистон ташқи сиёсатида қандай бош қадрият ва тамойиллар ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлайди?

Хулоса.

Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлигининг асосини иқтисодий соҳада хусусан, табиий ресурслардан фойдаланишда халқларнинг умумий саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш, технологик салоҳиятини яқинлаштириш ва шу орқали, ҳар бир мамлакатнинг изчил ривожланишига, барча халқларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини оширишга эришиш каби мақсадлар ташкил этади. Ушбу вазифаларни ҳал этишнинг муҳим шарти эса Марказий Осиё минтақасида ва бошқа Осиё мамлакатларида тинчлик ва осойишталик, барқарорликни таъминлашдан иборатдир. Тинчлик ва осойишталикни таъминламай туриб, барқарорликка эришмай туриб, ҳеч қандай ислоҳатни амалга ошириб бўлмайди. Ана шу маънода Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси Осиё мамлакатлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё давлатлари ўзининг ташқи сиёсий ҳамкорликлари давомида Орол муаммосини ҳал этиш учун мамлакатлар саъй-ҳаракатларини умумлаштиришни устивор йўналиш деб ҳисоблайди. Бу муаммо бугунги кунда нафақат Марказий Осиё учун, балки бутун инсоният бошига ҳам жиддий хавф солиб турибди.

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари Марказий Осиёда тинчлик ва коллектив хавфсизликни, сақлаш шу минтақадаги мамлакатлар салоҳиятини бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари жаҳонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш учун ўта муҳимдир.

Иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг Марказий Осиёдаги тинчликсевар ташқи сиёсатининг конституцион тамойиллари тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содик; шу ҳудуддаги давлатларнинг суверен тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; инсон ҳуқуқлари ва

эркинликларини хурматлашдан иборатдир.

Учинчидан, Марказий Осиёнинг геосиёсий ҳолати ундаги давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши ташқи сиёсати юритилишидан зарар кўради. Бунинг олдини олиш учун минтақа давлатлари халқаро муаммоларга бўлган ягона тизимли ечимларни ишлаб чиқишлари ва бу ечимлар ташқи сиёсий изчиллик ва устиворлик тамойили асосида қўллаб-қувватланиши зарур.

Тўртинчидан, Халқаро муносабатлардаги, хусусан Марказий Осиёга тегишли масалаларда ташкилотнинг аъзо давлатлари ШХТнинг минтақавий барқарорлик ва ривожланишга қўшадиган хиссасини юқори баҳолайдилар.

Бешинчидан, КХШТ нинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимини яратишдаги аҳамиятини, ҳамда минтақа давлатлари ўртасида ўзаро уйғун ташқи-сиёсий ҳамда ҳарбий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ва барқарор қафолатларнинг яратилиши амалий жиҳатидан самарали хавфсизлик тизимини барпо этишда хал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиздир. Шунингдек Марказий Осиё давлатларининг салоҳиятини уйғунлаштириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш учун ўта муҳимдир.

Умуман Халқаро ташкилотлар билан мамлакатлараро сиёсий ҳамкорлик, улар ўртасидаги объектив ва онгли равишда ўрнатиладиган сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқалардан иборат бўлиб, у мамлакатларни дунё ҳамжамиятига интеграциялаштиради.

Бундай ҳамкорликлар:

- умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олиш, инсон ва тинчликка, инсоният цивилизациясига энг олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш;

- можароли масалаларни тинч йўл билан бартараф этиш, муаммоларни сиёсий музокаралар чоғида ҳал этиш;

- барча мамлакатлар билан Ҳамкорлик қилиш;

- Ҳар бир мамлакатда халқаро меҳнат тақсимотида, минтақавий ва

глобал хавфсизлик тизимларини яратишда ўзининг муносиб ўрнини таъминлаш каби тамойилларга асосланади.

Хуллас, ўтказиладиган ҳар бир халқаро сиёсий анжуманлар ўзига хос характерга эга бўлиб, у дунё мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини белгилашда ҳам катта тарихий аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2016 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т. “Ўзбекистон”, 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. “Ўзбекистон”, 2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т. “Ўзбекистон”, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т. “Ўзбекистон”, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 1-жилд.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 2-жилд.
8. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 3-жилд.
9. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 1-жилд.
10. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон” 1996 йил, 2-жилд.
11. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил.
12. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. “Ўзбекистон”, 1998 йил.
13. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. “Ўзбекистон”, 2002 йил, 10-жилд.
14. И.А.Каримов. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. “Ўзбекистон”, 2003 йил, 11-жилд.

15. И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2005 йил, 13-жилд.
- 16.И.А.Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.Т. “Ўзбекистон”, 2007 йил, 15-жилд.
- 17.И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 2008 йил, 16-жилд.
- 18.Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Ўзбекистан: Взгляд в будущее. Т. “Ўзбекистон”, 1992 йил.
- 19.Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. Т. “Академия”, 2010 йил,
- 20.Анвар А.М. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Тожикистон омили. Т. “Академия”, 2007 йил.
- 21.Абдуллаева Л., Игиталиев Ш. Расширение Европейского Союза и его Влияние на страны Центральной Азии. Журнал «Центральная Азия и Кавказ» 2004 г, №4, С 35-41,
- 22.Арзиев Ф. Марказий Осиё: Интеграция янада мустаҳкамланмоқда. “Халқ сўзи”, 1997 йил, 25 июнь.
- 23.Арзиев Ф. Сотрудничества на пути прогресса: Узбекистон, Казахстан, Киргизстан. «Народное слово», 1998 йил, 25 марта.
- 24.Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. Т. “Шарқ”, 2005 йил, с 464.
- 25.Арунова М. Россия и государства Центральной Азии: сотрудничество и сфере безопасности. Журнал. “Россия и мусульманский мир”, 2001 г, №9, С 116-118.
- 26.Астанов К. Формирование единого экономического пространства стран СНГ. Журн. “Мировая экономика и международные отношения”, 2005 г, №1, С 95-99.

27. Ахмеджанов Г. Россия и Центральная Азия, Взаимосвязь в историческом развитии. Москва-Ташкент. 2008г.
28. Бобоев А. Азалий халқлар доимо тил топишади. “Ўзбекистон овози”, 2001 йил, 21 ноябрь.
29. Бобоев А. МарказийОсиё: Хавфсизлик ва ҳамкорлик “Халқ сўзи” газ. 2000 йил, 22 апрель.
30. Бобоев А. Интеграцияни мустаҳкамлаш йўлида. “Халқ сўзи”, 2004 йил, 29 май.
31. Бобоев А. Муштарак мақсадлар йўлидаги муҳим қадам. “XXI ASR” газетаси, 2006 йил, 26 январь.
32. Бобоев А. “Шанхай руҳи тараққиётга хизмат қилмоқда”, “Халқ сўзи”, 2007 йил, 26 октябрь
33. Бабак В. Центральная Азия: проблемы постсоветской интеграции. Журн. «Центральная Азия», 1997 йил, №3, с 10-24.
34. Баймуратов Х. Средняя Азия и Казахстан вступают в рынок. Журн. «Проблемы теории и практики управления», 1993 йил, №4, с 30-34.
35. Бахавудинов А., Додихудоев Х. Геополитические ориентиры Таджикистана. Журн. «Россия и мусульманский мир», 2005г. №6, 138-146.
36. Байбосунов К. Геополитические ориентиры Киргизстана. Журн. «Центральная Азия и Кавказ», 2004г, №4, с 176-185.
37. Бирюков С. Политика Росси в отношении Узбекистана. Журн. «Россия и мусульманский мир», 2001г, №6, с 78-91.
38. Васильев А. Россия и Центральная Азия: Экономические и политические связи с Узбекистаном. Журн. «Азия и Африка сегодня», 1999 г, №4, с 2-5.
39. Грозин А. Влияние мировых центров силы на Казахстан и новые геополитические тенденции в государствах Центральной Азии. Журн. «Центральная Азия и Кавказ», 2006 г, №3, с44-57.
40. Гуан Пан. Шанхайская организация сотрудничества в контексте международной антитеррористической компании. Журн. «Центральная Азия и Кавказ», 2003г, №3, с 55-62.

- 41.Жамолов Г. Қадимий алоқаларни тиклаб. “Халқ сўзи” газетаси. 1999 йил, 11 ноябрь.
- 42.Казахстан, Киргизстан, Узбекистан в социально экономических структурах современного мира. «Мировая экономика и международное отношение» 1997 г, №1, с 54-56.
- 43.Жўраев С, Ахмедов О, Раҳимова М. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2008 йил.
- 44.Жўраев С.А., Касимова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. Т. «Академия» 2008г.
- 45.Жалолиддин Сафо. Миллий манфаатлар масаласига янгича ёндашувлар. “Тафаккур” журн. 2011 йил, №3, 13-14 бетлар.
- 46.Жуков Р. Резникова О. Россия-центральная Азия: новая модель взаимодействия “Россия и юг возможности и пределы взаимодействия”. Москва: Финстатинфром, 1996г, С 203-206.
- 47.Жўраев Н. Агар огоҳ сен. Т. “Шарқ”, 1998 йил.
- 48.Забуров А. Органы СНГ и Интеграция Содружества и национальные интересы. М, 2005г.
- 49.Зевин Л Экономическое пространство СНГ: возможные пути организации. Журн. «Вопросы экономики»-1994г, №3, с79-89.
- 50.Зиядуллаев Н. СНГ в глобальной экономике: стратегия развития и национальная безопасность. «Мировая экономика и международные отношения»-2005 г, №4, с 29-34.
- 51.“Ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор” “Маърифат” газетаси, 2008 йил, 5-апрель.
- 52.Иванов А. “Большая-азиатская четвёрка”. “Международная жизнь”-1998, №9, с 52-59.
- 53.Йўлдошев М. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлашда асосий ташаббускор. “Фииокоор” газетаси. 2004 йил, 26 феврал.

54. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистана. Т. “Узбекистан”, 1994.
55. Касымов А., Неклесса Г. Международно-правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Ташкент, 1999.
56. Кўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т. Фан, 2008 йил.
57. Каримбеков К. Хавфсизлик ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик. “XXI ASR”, газетаси. 2004 йил, 10 июль.
58. Каримбекова Г. Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлашда ШХТнинг ўрни (халқаро илмий-амалий конференция материаллари). Т., 2006 йил.
59. Лафасов М. Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари. Т. 1995 йил.
60. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т. “Шарқ”, 2000 йил, 3-жилд.
61. Морозов Ю. Перестройка политической карта. “Азия и Африка сегодня”- 2002, №7, с 9-14.
62. Музаффаров З. “Минтақавий интеграция расмана иқтисодий саъй-ҳаракатларни тақозо этади”, “Халқ сўзи”, 2003 йил, 27 сентябрь.
63. Муҳаммаджонов О. Умумбашарий муаммолар. Т. “Ўзбекистон”, 2000 йил.
64. Муродов Х., Муҳаммадиев Н., Жамолов Г. Ўзбекистон Жаҳон ҳамжамияти сафида. Т. Ғ. Гуломов номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт. Т. 2000 йил.
65. Муҳамедов А. ШХТ нима дегани? “Хуқуқ” газетаси, 2004 йил, 16-июнь.
66. Марказий Осиё: кеча бугун, эртага. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2001 йил, 29 декабрь.
67. Международное сотрудничество Узбекистана в области конкурентной политики. “Экономический вестник Узбекистана”-2003, №5, С 30-31.
68. Марказий Осиё: хавфсизлик ва ҳамкорлик “Халқ сўзи”, 2000 йил, 22 апрель.

69. Низомова Р. “Учинчи сектор” ва “Бешинчи ҳокимият”, “Тафаккур” журн. 2011 йил №2.
70. Нарзуллаева О., Хўжаев А. Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда ШХТнинг ўрни. “Ижтимоий фикринсон ҳуқуқлари” журналы, 2005 йил, №1.
71. Норов В.И. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устивор жаҳатлари. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журн. 1996 йил, №11,12, 3-9 бетлар.
72. Нуриддинов Э.З. Вклад Республики Узбекистана в обеспечение региональной безопасности. “Общественные науки в Узбекистане”, 1997г. №5, 7-11 стр.
73. Назаров К., Жўраев С. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. “Академия нашр”. Т., 2005 йил, 162бет.
74. Никонов В. СНГ ешё поживет журн. “Россия и мусульманский мир”-2005, №9, С 789-180.
75. Набиев Э.Г. Ўзбекистон ва ШХТ (Халқаро илмий амалий конференция материаллари) Т. 2007 йил,
76. Овчинников В. Евразийский мост-аналог Великого шелкового пути. Журн. “Азия и Африка сегодня”-1999, №10 с56-57.
77. Омаров О. На пути к Глобальной безопасности: Центральная Азия после 11 сентября 2001 года. –Бишкек 2002г.
78. Пастухов Б. СНГ пересекающееся множества: политическая интеграция. Журн. “Международная жизнь”- 2004, №1.
79. По пути углубления интеграции: О заседании Совета Министров Иностранных дел Республики Казахстан, Кыргызской Республики Республики Узбекистан. «Правда востока», 1995, 12 ноября.
80. Ражабов А. Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси. Т.Фан, 1998 йил.
81. Ражабова М. Диний Экстеремизм ва терроризм Т. “Шарқ”, 2000 йил.
82. Расулов О. Минтақавий можароларнинг салбий оқибатлари. Т. “Ўзбекистон”, 2001 йил.

- 83.Сафаев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Т., ЖИДУ, 2005йил.
- 84.Собиров Ш. Ядро қуролидан холи зона “Маърифат” газетаси, 2006 йил, 12 июнь.
- 85.Саидов А. Халқаро ҳуқуқ. Т. “Адолат”, 2001 йил.
- 86.Саидов А. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. Т. “Ўзбекистон”, 1994 йил.
- 87.Страны мира и международные организаций: Справочник М: УНИИНТЕХ. 2004г, с131.
- 88.Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Т. “Ўзбекистон”, 1993 йил.
- 89.Турсунов Э. Афғонистон ва Тожикистондаги хунрезликлар Т. “Ўқитувчи”, 1999 йил,
- 90.Толипов Ф. Мафкуравий кураш ва миллий, минтақавий хавфсизлик. “Ижтимоий фикр”, 2000 йил, № 1, 29-39 бетлар.
- 91.Толипов Ф. Сравнительный анализ интеграции в СНГ и Центральное Азии Журн. «Центральная Азия и Кавказ»1999г, № 5, с 143-145.
- 92.Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. Т. “Ўзбекистон”, 2001 йил.
- 93.Тоганян В. Шанхайский гамбит (Совешание глав государств стран-членов ШОС. Астана.) “Евразия”-2005, №8 с 39.
- 94.Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. Т. “Молия”, 2003 йил.
- 95.Федулова К. Соотрудничества независимых государств 15 лет спустя. Журн. “Мировая экономика и международная отношения”. 2006 г, №12.
- 96.Хлоповских Е., Азимов А., ШХТ: тинчлик ва барқарорликка кафолат. “Моҳият” газетаси, 2004 йил, 18 июнь
- 97.Хакимов Б. Коллективная безопасность в СНГ. журн. “Международная жизнь”, 2001г, №7, с15-20.
- 98.Ҳидоятлов Г.А. Гуломов Х.Г. Всемирная история. Новейший период. Европа и США после второй мировой войны (1945-1995гг.) Т., 1999.

- 99.Ходжаев А. Шанхайская организация сотрудничества и Узбекистан: перспективы развития отношений. “Право”-2004, №4, С 14-16.
- 100.Шаниязов К. Отношение Республики Узбекистан к разрешению региональных и мировых конфликтов. Журн. “Хозяйство и право”,-2004, № 11, с 90-94.
101. “Шанхайская пятерка” плюс Узбекистан ШОС. Журн. “Эхо планеты”, 2001, №26, с14.
- 102.Шишков Ю. Период полураспада СНГ закончился. Что впереди? Журн. “Безопасности Евразии”-2002, №1, (Январ-март.)
- 103.Юсупов И. Қўшнинг тинч-сен тинч. Т. “Ўзбекистон”, 1999 йил.
104. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. Т. “Адолат”, 1995 йил.
105. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т. “Ўзбекистон”, 1992 йил.
106. Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. Т. “Ўзбекистон”, 1995 йил.
- 107.Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т “Ўқитувчи”, 1996 йил.
108. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари. Т. “Ўзбекистон”, 2007 йил.
- 109.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Т. 1995 йил, 5-жилд.
- 110.Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.Т. Фан. 2004 йил.
- 111.Қудратхўжаев Ш. Тараққиёт сари дадил қадам. “Халқ сўзи” газетаси, 23 июнь.
- 112.Қосимов Н. Мустақиллик курашлар даври. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил.
- 113.Қардош халқнинг қўшалок байрами. “Халқ сўзи” газетаси, 1997 йил, 16 декабр.
- 114.Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т. “O`zbekiston”, НМНУ, 2009 йил, 97 бет.

- 115.Ғафуров С. Хавфсизлик сратегияси: Марказий Осиё Республикалари ва форс кўрфази давлатлари амалиёти. Т. А. Навоий номидаги миллий кутубхона. Нашриёти, 2007 йил.
- 116.Ғаффоров Я., Холлиев А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. “Университет”, 2003 йил.
- 117.Ғаффоров Я.Х. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти-хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида. “Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари”, журн, 2005 йил, №4, 37-42 бетлар.
- 118.Ғаффоров Я.Х. Минтақавий барқарорлик ва интеграцион жараёнлар. ЎзМУ хабарлари, 2011 йил, махсус сон.
- 119.Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Т. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001 йил.
- 120.Ҳамкорлик ва ўзаро англашув- умумий муаммолар ечимининг ягона йўли. “Ўзбекистон овози” газ. 2002 йил, 8октябрь.